

Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик!

Маълумки, биз ўз олдимизга Янги Ўзбекистонни барпо этишдек буюк вазифани стратегик мақсад қилиб қўйдик. Шу маънода, «Инсон қадри учун» ғоясини умуммиллий ҳаракатга, юртимизни кенг имкониятлар ва амалий ишлар мамлакатига айлантиришда давлат ва жамоат ташкилотлари билан бир қаторда, ҳеч шубҳасиз, касаба уюшмалари ҳам муҳим ўрин тутлади.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти



2022 йил
11 ноябрь
жума
№ 137-144 (4740)
(Махсус нашр)



Ўзбекистон касаба уюшмалари
Федерацияси нашри

Ishonch

• Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган •

www.ishonch.uz | ishonch1991@yandex.uz | <https://www.facebook.com/ishonch.gazetasi> | <https://t.me/ishonchgz>

КАСАБА УЮШМАЛАРИ ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЯНГИЧА МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИ ШАКЛЛАНИШИГА МУНОСИБ ҲИССА ҚЎШИШГА ИНТИЛМОҚДА

► 2-,3-,4-,5

ЯНГИ
ЎЗБЕКИСТОНДА
ЭЛ АЗИЗ,
ИНСОН АЗИЗ



8

БУ ДАРГОХДАН
ҲЕЧ КИМ
НОРИЗО
КЕТМАЙДИ



10

АЁЛ БАХТЛИ
БЎЛСА,
ЖАМИЯТ
ЮКСАЛАДИ



14

СЕРМАҲСУЛ
ЙИЛ БЎЛДИ



30

БУНЁДКОРЛИК
СОЛНОМАСИ



47

ноябрь –

Ўзбекистон касаба уюшмалари куни

КАСАБА УЮШМАЛАРИ ЯНГИ МУНОСАБАТЛАРИ ШАКЛЛАНИШИГА

Ўзбекистон касабалар уюшмалари Федерацияси раиси, Олий

Ҳеч кимга сир эмас, бугун жамият ривожини йўлида Ўзбекистон касабалар уюшмалари Федерацияси кириб бормаган жабҳа қолмади, ҳисоб. Қай бир соҳага назар солманг, у ерда жамоат ташкилотининг ўрни яққол сезилади. Айниқса, охириги олти йилликда касабалар уюшмалари фаолияти янада кенгайди. Уларни қўллаб-қувватлаш борасида тарихий қадамлар ташланди. Масалан, Президентимиз ташаббуси билан 11 ноябрь – Ўзбекистон касабалар уюшмалари куни этиб белгиланди. Ўтган йили ушбу сана мамлакатимизда катта тантана сифатида нишонланди. Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон касабалар уюшмалари ходимлари ва фаолларига табрик йўллади. Бу «Инсон қадри учун» ғоясини ўзига бош мақсад қилиб олган соҳа вакиллари билан беҳад қувонтириши билан бирга, янги марралар, янги ташаббуслар сари руҳлангирди. Қарангки, орадан яна бир йил ўтди. Бу сарҳисоб қилишга арзийдиган муддатми? Албатта, шундай! Шу маънода, айни кунларда катта байрам сифатида нишонлаётганимиз – Ўзбекистон касабалар уюшмалари куни муносабати ўлароқ Ўзбекистон касабалар уюшмалари Федерацияси раиси Қудратилла Рафиқов билан суҳбатимиз ўтган вақт мобайнида амалга оширилган ишлар ва келгуси режалар хусусида бўлди.



– Қудратилла Мирсоатович, мулоқотимизни «ноябрдан – ноябргача» деган рамзий бир мезон асосида касабалар уюшмалари томонидан сўнгги бир йилда бажарилган ишларнинг қисқача тафсилоти билан бошласак.

– Дарҳақиқат, кўз очиб юмгунча бир йил ҳам ўтиб кетди. Бу вақт ораллиғида улгурмай қолган вазибаларимиздан кўра, амалий ишларимиз кўлами кенг. Мана шу ҳолат киши кўнглига бироз таскин беради.

Таъкидлаш жоизки, Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг оқилона сиёсати туфайли мамлакатимизда кенг кўламли ислохотлар олиб борилмоқда. Натижада, барча соҳада юқори ўсиш суръатлари кузатилмоқда. Бундай ютуқларда касабалар уюшмаларининг ҳам муносиб ўрни борлиги диққатга сазовор. Хусусан, касабалар уюшмалари томонидан янги лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни тақомиллаштириш йўналишида 288 тадан ортиқ тақлиф киритилди, муносиб меҳнат шароитлари, иш ҳақи, дам олиш вақти, меҳнатни муҳофаза қилиш ва бошқа яна кўплаб масалаларда меҳнат соҳасидаги 400 тадан зиёд меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳалари бўйича хулосалар берилди.

Федерациянинг саъй-ҳаракати билан илғор халқаро тажриба ва ҳозирги кун талабларини ҳисобга олган ҳолда янги таҳрирдаги «Меҳнатни муҳофаза

қилиш тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. Халқаро меҳнат ташкилотининг бешта конвенцияси ва битта баённомаси ратификация қилинди. Ушбу фактлар, юқорида таъкидлаганимиздек, бугун касабалар уюшмалари давлат органларининг энг йирик ижтимоий ҳамкорига айлангани реал ҳақиқат эканини кўрсатади.

Мамлакатимизда меҳнат ва ижтимоий соҳадаги муаммоларни давлат, касабалар уюшмалари ва иш берувчилар ўртасидаги конструктив ижтимоий мулоқотни йўлга қўйиш орқали ҳал этиш борасида илғор тажриба тўпланган. Мазкур йўналишда республикамизда ҳар уч йилда бир марта Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон касабалар уюшмалари Федерацияси ва Иш берувчилари

АЙНИ ВАҚТДА КАСАБА УЮШМАЛАРИ ТИЗИМИДА 5,5 МИЛЛИОН АЪЗОНИ БИРЛАШТИРГАН 34 011 ТА БОШЛАНГИЧ ТАШКИЛОТ ФАОЛИЯТ КЎРСАТМОҚДА. 6 700 НАФАРДАН ОРТИҚ ХОДИМ ВА 300 МИНГ НАФАР ФАОЛ ЖАМОАТЧИЛИК АСОСИДА САМАРАЛИ МЕХНАТ ҚИЛМОҚДА.

Конфедерацияси ўртасида ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича Бош келишув имзоланади.

Бош келишув асосида 14 та ҳудудий ва 117 та тармоқ келишувлари, жойларда 111 мингта жамоа шартномалари тузилган. Шунингдек, ХМТ тавсияларига кўра, ҳудудий-тармоқ келишувлари тузиш амалиёти қайта тикланди ва ижтимоий шериклар билан 368 та ҳудудий-тармоқ келишувларини тузиш ишлари амалга оширилди.

Жамоа келишувлари ва жамоа шартномалари орқали муносиб меҳнат шароитларини яратиш, меҳнат муҳофазаси ва гигиенаси, бандликни таъминлаш, дам олиш ва соғломлаштириш, меҳнатга ҳақ тўлаш, хусусан, тенг аҳамиятли меҳнат учун эркаклар ва аёлларга тенг ҳақ тўлаш, ижтимоий имтиёз ва кафолатлар белгилаш, айниқса, ёшлар,

аёллар, кексалар ва ногиронларни қўллаб-қувватлаш ишлари йўлга қўйилган.

ХМТ билан ҳамкорлик натижасида Халқаро меҳнат нормалари қўлланилишига кўмаклашиш учун уч томонлама маслаҳатлашувлар тўғрисида 144-Конвенциянинг ратификация қилиниши республикада ижтимоий мулоқотни янада ривожлантиришга туртки бўлди.

Ўрни келганда, бир нарсага алоҳида тўхталмоқчи эдим.

Хабарингиз бор, Ўзбекистон касабалар уюшмалари Федерацияси Вазирлар Маҳкамасига ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар, уларнинг оқибатлари бўйича ҳар йили таҳлилий маълумот киритиб бормоқда. Бундан асосий мақсад, ходимлар меҳнатини муҳофаза қилиш, жумладан, иш берувчилар томонидан мазкур масалага маблағ йўналтирилишига эришиш, бахтсиз ҳодиса ва касб касалликларининг олдини олишдир.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, ташкилотларда меҳнат муҳофазаси хизматлари ташкил этилиши, ходимларга йўл-йўриқлар бериш, ўқитиш ва билимларини синашга иш берувчиларнинг эътиборлари анча ортган. Меҳнат шароитларини яхшилашга қаратилган Дастурлар қабул қилинишига эришилмоқда ва уларнинг ижроси касабалар уюшмалари томонидан назоратга олинмоқда.

Айни вақтда касабалар уюшмалари тизимида 5,5 миллион аъзони бирлаштирган 34 011 та бошланғич ташкилот фаолият кўрсатмоқда. 6 700 нафардан ортиқ ходим ва 300 минг нафар фаол жамоатчилик асосида самарали меҳнат қилмоқда.

Халқимизда ташаббуснинг қаноти бўлади, деган гап бор. Бу бежиз айтилмаган. Зотан, мамлакатимизда Президентимиз бошлаб берган бунёдкорлик ишлари бизга ҳам ғайрат бағишлади. Хусусан, Ўзбекистон касабалар уюшмалари Федерацияси 2022 йилда халқимиз фаровонлигига хизмат қилувчи бир қанча янги иншоотларни фойдаланишга топширди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси

билан Фарғона вилоятининг Сўх туманида Ўзбекистон касабалар уюшмалари Федерацияси томонидан барпо этилиб фойдаланишга топширилган «Сўх» замонавий болалар соғломлаштириш оромгоҳи, Паркент туманида муҳташам «Заркент» санаторийси шулар жумласидандир.

Шу ўринда бир мулоҳазани айтиб ўтмоқчиман. Биламизки, Сўх тумани анклав ҳудудда жойлашган. Жойлашув нуқтаи назаридан биздан узилиб қолган. Бунинг эса ўзига яраша машаққатлари бор, албатта. Шу пайтгача туман ижтимоий-иқтисодий аҳволи ҳам, у ерда яшовчи аҳоли ҳаёти ҳам бир қадар эътибордан четда эди. Айни шу жиҳатни ҳисобга олиб, Президентимиз бизга сўхлик болалар учун замонавий оромгоҳ қуриш ҳақида кўрсатма берган эдилар. Шу йил фойдаланишга топширилган 200 ўринга мўлжалланган «Сўх» болалар соғломлаштириш оромгоҳининг умумий майдони қарийб 5 гектар бўлиб, ёзги мавсумда 5 навбатда 1000 нафар ўғил-қизни дам олдириш ва соғломлаштириш имкониятига эга. Ушбу масканда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари мамлакатимизда навқирон авлодни ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялаш масаласи давлат сиёсати даражасида эканига ёрқин бир далилдир.

«Заркент» санаторийси пойтахтдан қарийб 60 километр узоқликда жойлашган Заркент қишлоғининг «Қўрғон» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги «Заркент бобо» ҳамда «Қуш қўнмас» номлари билан машҳур зиёратгоҳлар қошида барпо этилди. Жойлашув ҳудуди, иқлими, табиати шифобахш хусусиятларга эгаллигига кўра, «Заркент» санаторийси нафас йўллари ва асаб тизими касалликларини даволашга ихтисослаштирилган. Умумий майдони 2,8 гектар бўлган ушбу муассаса саломатликни тиклаш ва турли касалликларнинг олдини олишга хизмат қилувчи замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган.



ЎЗБЕКИСТОНДА ЯНГИЧА МЕҲНАТ МУНОСИБ ҲИССА ҚЎШИШГА ИНТИЛМОҚДА

Мажлис Сенати аъзоси Қудратилла РАФИҚОВ билан суҳбат

<<< 2

150 ўринга эга тўрт қаватли мажмуада барча қулайликлар бир жойнинг ўзиде, яхлит ҳолда ташкил этилган. Яъни ётоқхона, даволаш бўлими, ошхона, клуб, кутубхона, маъмурий бўлим, лаборатория ва бошқа хизматлар битта бинода жойлашган. Барча хоналар энг замонавий мебель ва анжомларга эга.

Гап бунёдкорлик ишлари хусусида кетаркан, 11 ноябрь – Ўзбекистон касаб

а Я.Свердлов номи берилди.

Юқорида айтганимдек, катта авлод учун бу жой хотираларга жуда бой. Чунки ушбу сарой ўз вақтида нафақат пойтахтнинг, балки мамлакатимизнинг муҳим маданий маскани бўлган. Бу ерда ўша замонларнинг машҳур кишилари Сергей Есенин, Владимир Висоцкийлар чиқиш қилган. Элимизнинг дунё тан олган фарзандлари Тамарахоним, Карим Зокиров, Комилжон Отаниезов, Ҳалима Носирова, Ботир Зокиров каби санъат даргалари концерт берган...

Бироқ санъат соҳасига, академик муסיқа ва ҳассос акустикага эга бўлган ушбу ноёб даргоҳ узоқ йиллар эгасиз қолгандай бўлди. Бир у ташкилот, бир бу ташкилот қўлма-қўл қилиб, унинг нуфузига ҳам, тарихий қийматига ҳам путур етказди. Энг ёмон томони, «эга»лар кошонанинг овозни табиий тоблаб турувчи

«табиати»га зарар етказишган. Бузишган, синдиришган, тешишган, хуллас, маданият улашадиган нодир бир тарихий саройни оддий офисга айлантиришган.

Кези келганда шуни айтишим керакки, ушбу санъат маскани тарихи ва тақдири Президентимизни узоқ вақтлардан буён ўйлантириб юрганига шахсан ўзим гувоҳман. Шавкат Миромонович унинг тарихини ўзига қайтариш, эски ҳолатдаги фаолиятини тиклаш адолатли иш бўлиши тўғрисида бир неча бор гапирган. Бироқ у пайтлар буни амалга оширишнинг мавриди бўлмаган эди. Бугунги кунда эса Президентимиз бу тарихий бинони Ўзбекистон касаб уюшмалари Федерацияси тасарруфига ўтказди ва кўрсатма берди: сарой фаолиятини эски ҳолига – маданий марказга айлантириш керак. Албатта, вайрон қилинган нозик дидли меъморий қурилиш ишларини қайта ўзида тиклаш катта меҳнат, билим ва тажриба талаб этади. Шунинг учун биз дунёнинг турли нуқталаридан бундай залларни қуриш ва жиҳозлаш бўйича малакаси катта бўлган мутахассисларни Тошкентга чақирдик, уларнинг маслаҳатини, кўмагини олдик. Узоқ йиллар «ўз ўқи»дан чиқиб кетиб, сарсон

бўлган тарихий кошона Президентимиз ташаббуслари билан яна халқимизга қайтарилди. Мен қайта тикланган зални таърифлаб ўтирмайман, яхшиси, уни келиб кўрган маъқул.

Шу даврда яна бир ноёб иншоот ишга тушди. Касаба уюшмалари тасарруфидеги Даволаш-профилактика марказига беш қаватли янги даволаш корпуси қуриб берилди. Мазкур марказ бугунги кунда мамлакатимиздаги тиббиёт муассасалари орасида энг замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминланган энг яхши шифо масканларидан бирига айланди. Биз имкон қадар ушбу масканда касаб уюшмаларида фидокорона хизмат қилаётган юртдошларимизга малакали ва сифатли тиббий хизмат кўрсатишни йўлга қўймоқдамиз.

– Сўнги йилларда мамлакатимизда таълимга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбари таълим тизимига бағишлаб ўтказилган йиғилишда «Таълим-тарбия – бу бизнинг келажакимиз, ҳаёт-мамонт масаласи. Шу боис бу соҳадаги ислохотларни кечиктиришга ҳаққимиз йўқ», дея алоҳида таъкидлаган эди. Айни шу йўналишда касаб уюшмалари ҳам жорий йилда хайри бир ишга қўл урди. Ўрни келганда, шу ҳақда гапириб берсангиз.

– Нимани назарда тутаяётганингизни тушундим. Дарҳақиқат, илм инсонни камолотга етаклайди, тафаккурини юксалтиради. Халқи илми, зиёли давлат эса тараққийга эришади, бой ва қудратли бўлади. Боғча, мактаб, коллеж ва техникумлар сонини кўпайтириш билан бирга, шу эл, шу юртга хизмат қиладиган етук кадрлар тайёрлаш ҳам бугуннинг асосий вазифаларидан бири бўлиб турибди. Шу мақсадда кўплаб давлат ва нодавлат олий таълим муассасалари ташкил этилмоқда.

Жорий йилдан эътиборан ана шу эзгу ишларнинг мантикий давоми сифатида Президентимизнинг тегишли қарорига мувофиқ ташкил этилган яна бир муҳташам олий таълим муассасаси – Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар академияси фаолият юрита бошлади.

Юртимизда барча соҳалар қатори олий таълим тизимида ҳам кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Шубҳасиз, бу йўналишдаги ташаббуслар келажакда малакали, креатив фикрлайдиган кадрларни шакллантиришнинг кафолати саналади. Иқтисодиёт тармоқларининг олий маълумотли мутахассисларга бўлган эҳтиёжини қондириш, меҳнат ва ижтимоий муносабатлар соҳасида халқаро талаблар ва стандартларга мувофиқ малакали кадрларни тайёрлаш, соҳага оид муаммоларни илмий ва амалий жиҳатдан ҳал этиш Ўзбекистон касаб уюшмалари Федерацияси тасарруфидеги иш бошлаган Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар академиясининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Шунингдек, замонавий инновацион ва илмий-педагогик технологияларни, фан ва техниканинг энг сўнги ютуқларини қўллаган ҳолда меҳнат ва ижтимоий муносабатлар соҳасида талаб юқори бўлган касблар, йўналишлар ва мутахассисликлар бўйича малакали кадрларни тайёрлаш, таълимнинг тегишли йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича ўқув-методик адабиётларни яратиш, талабалар ва ёш мутахассисларни жалб қилган ҳолда фундаментал ва илмий-амалий тадқиқотлар олиб бориш, таълим тизимида етакчи хорижий таълим ташкилотлари тажрибасини қўллаш, меҳнат ва ижтимоий муносабатлар соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга қаратилган янги таълим дастурлари ҳамда ўқитишнинг инновацион шакллари ишлаб чиқиш ва жорий этиш ҳам асосий фаолият йўналишларига киради.

Илм маскани Россия Федерацияси, Озарбайжон, Беларусь, Хитой, Италия (ХМТ ҳузуридаги Турин ўқув маркази), шунингдек, бошқа турдош таълим даргоҳлари ва тегишли миллий ва халқаро институтлар билан яқин ҳамкорликни режалаштирган. Бошқа бир қатор давлатлар билан ҳам тажриба алмашиш, ўқув фаолияти, комплекс ўқув лойиҳалари, маслаҳат хизматлари, ўқув материаллари ишлаб чиқариш мақсад қилинган. Академияда меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги, ҳаёт фаолияти хавфсизлиги, инсон ресурсларини бошқариш, ижтимоий иш, психология, менежмент, юриспруденция йўналишларида кадрлар тайёрланади.

>>> 4



КАСАБА УЮШМАЛАРИ ЯНГИ МУНОСАБАТЛАРИ ШАКЛЛАНИШИГА

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси, Олий

<<< 3

Академияда талабаларга барча имкониятлар яратиб берилган. Энг муҳими, ўз соҳасининг нуфузли мутахассислари, етук олимлар, ўқитувчи-профессорлар уларга таълим беришмоқда. Ҳозир 200 нафарга яқин талаба кундузги таълимда таҳсил олаётган академияда йил охиригача 500 нафардан ортиқ ёшлар сиртки таълимни бошлайдилар.

Ташриф буюрувчиларга маънавият ва маърифат маркази, электрон кутубхона, физика ва кимё фанлари бўйича лабораториялар, спорт комплекси, ётоқхона, ошхонадаги имкониятлар, таълим жараёнининг автоматлаштирилиши бўйича «Платформа» мажмуаси жорий этилгани манзур бўлмоқда.

Бундан ташқари, талабалар учун ўқув биносида бепул wi-fi (симсиз интернет), кутубхонанинг ўқув ва электрон заллари мавжуд бўлиб, электрон кутубхонадан масофавий ҳолда фойдаланиш мумкин. Асосий машғулотлардан сўнг талабаларнинг фанлар бўйича мустақил шуғулланишлари учун компьютер синфлари, лабораториялар ва махсус хоналар бор.

– Шубҳасиз, ҳозирги барча ислохотларнинг тағзаминида инсон кадрини улуғлашдек улкан мақсад мужассам. Касаба уюшмалари ҳам бевосита шу мақсад йўлида хизмат қилаётган асосий ташкилотлардан биридир. Шу ҳамда ижтимоий йўналишда ўтган йилларда амалга оширилган ишлар ҳақида ҳам тўхталсангиз.

– «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини «Инсон кадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури»нинг 69-мақсади – Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамият ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш бўлимининг иккита банди ижроси бўйича Ўзбекистон касабалар уюшмалари Федерацияси томонидан ҳам фаол ишлар олиб борилмоқда.

Хусусан, 253-банд – Хотин-қизларни тизимли қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни янада жадаллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Администрацияси, Олий Мажлис Сенати, Вазирлар Маҳкамаси, бир қатор

вазирлик, идоралар ва касаба уюшмалари томонидан «Оила ва хотин-қизларни тизимли қўллаб-қувватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент фармони ҳамда 2022-2026 йилларда хотин-қизларнинг мамлакат иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳаётининг барча жабҳаларида фаоллигини ошириш бўйича Миллий дастур лойиҳалари ишлаб чиқилди.

Жорий йилнинг 1 мартда Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш тизимини янги босқичга кўтариш ҳамда аёлларнинг жамиятдаги ўрнини янада оширишга қаратилган чора-тадбирларга бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказилди. 2022 йил 7 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Оила ва хотин-қизларни тизимли қўллаб-қувватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони имзоланди.

«Аёллар дафтари»ни юритиш орқали хотин-қизлар муаммоларини ҳал этиш тизимини янада такомиллаштириш борасида Президент Администрацияси, Вазирлар Маҳкамаси масъул ходимлари ва касабалар уюшмалари ҳамда вазирлик ва идоралар вакиллари таркиб топган Ишчи гуруҳи томонидан «Аёллар дафтари» бўйича Вақтинчалик тартиб такомиллаштирилиб, доимий тусга эга бўлган Низом ва «Аёллар дафтари» жамғармаси Низом лойиҳалари ишлаб чиқилди. 2022 йил 31 мартда Вазирлар Маҳкамасининг «Хотин-қизлар муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Жорий йилнинг май-октябрь ойлари давомида республика бўйича «Аёллар дафтари»га киритилган 626 минг 910 нафар (97,2 фоиз) хотин-қизга амалий ёрдам берилди. Жумладан, 210 минг 635 нафарининг бандлиги, 42 минг 709 нафарининг кредит олиши таъминланиб, ўз тадбиркорлигини бошлашига кўмаклашилди. Кредит олиб, ўз тадбиркорлигини йўлга қўйиш лаёқатига эга бўлмагани сабабли кредит олишни рад этган 949 нафар хотин-қизнинг доимий бандлигини таъминлаш мақсадида 185 та тадбиркорлик субъектига шу аёлларни ишга олиш шарти билан 225 миллион сўмдан 1 миллиард сўмгача кредит берилди.

Боқувчисини йўқотган 173 минг 494 нафар, ижтимоий ёрдамга муҳтож

I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган, тезкор тиббий муолажага муҳтож 119 минг 677 нафар, қарамоғида ногиронлиги бўлган фарзанди мавжуд 69 минг 998 нафар хотин-қизнинг ҳар бирига 1 миллион 200 минг сўмгача ҳамда ижтимоий ҳимояга муҳтож ишсиз 6 минг 442 нафар ва уй-жойга муҳтож 1 минг 125 нафар хотин-қизнинг ҳар бирига 600 минг сўмгача моддий ёрдам кўрсатилди.

Уй-жойга муҳтож бўлган 9 минг 448 нафар хотин-қизнинг уй-жой шартларини яхшилаш чоралари кўрилди. Уларнинг 6 минг 596 нафарига турар-жой ижара тўловининг бир қисмини қоплаш учун компенсация тўлаб берилди, 2 минг 384 нафари арзон уй-жойлар билан таъминланди, 468 нафари ижтимоий уйларга жойлаштирилди.

Бундан ташқари, юқоридагиларга кўшимча равишда боқувчисини йўқотган 3 минг 973 нафар ҳамда ижтимоий ёрдамга муҳтож I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган, тезкор тиббий муолажага муҳтож 2 минг 459 нафар хотин-қизнинг уй-жойлари таъмирланди. Қарамоғида ногиронлиги бўлган фарзанди мавжуд 3 минг 952 нафар аёлнинг томорқадан самарали фойдаланишига кўмаклашилди. 203 минг 548 нафар хотин-қиз ва уларнинг 38 минг 492 нафар вояга етмаган фарзанди тиббий кўриқдан ўтказилди, 238 минг 573 нафарига ҳуқуқий, 206 минг 446 нафарига психологик кўмак кўрсатилди, 23 минг 702 нафарига деҳқончилик фаолияти билан шуғулланиш учун жами 5 минг 115 гектар ер майдони ажратилишига кўмаклашилди. 7 минг 732 нафарига ер майдонларини суғориш, иссиқхоналар қуриш, асбоб-ускуна ва меҳнат қуролларини харид қилиш ҳамда бошқа йўналишларда субсидиялар берилди. Олий ўқув юртида таҳсил олаётган 73 нафар хотин-қиз ва «Аёллар дафтари»дагиларнинг 15 нафар фарзандига контракт тўловининг бир қисми тўлаб берилди.

Кооперация усулидаги тадбиркорлик тажрибасини оммалаштириш мақсадида маҳаллий ҳокимликлар ва секторлар раҳбарлари билан биргаликда жойларда 1 002 та лойиҳа ишлаб чиқилди ва уларнинг 924 таси ишга туширилди. Натижада 100 минг 588 нафар аҳоли, шундан 72 742 нафар хотин-қиз кооперация асосида иш билан таъминланди.

Шунингдек, Давлат дастури бажарилишида касабалар уюшмаларининг фаол

иштирокини таъминлаш мақсадида Федерация Ижроия қўмитасининг 2022 йил 7 февралдаги 6-44 «с»-сонли қарори билан «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини «Инсон кадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури» ижросини таъминлашга кўмаклашиш бўйича Ўзбекистон касабалар уюшмалари Федерациясининг дастури» тасдиқланди.

Дастурда жамоа шартномалари ва келишувлари орқали хотин-қизларни, пенсионерларни ҳамда ёшларни маънавий ва моддий қўллаб-қувватлаш, уларнинг ижтимоий муҳофазасини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, пенсия ёшидаги шахслар ҳамда корхоналарнинг собиқ ходимларидан 87 минг 895 нафари 67 миллиард 213,4 миллион сўмлик турли маҳсулотлар билан моддий қўллаб-қувватланди. 8 минг 58 нафар икки ёшдан уч ёшгача бола парвариши учун таътилда бўлган ёш онага моддий ёрдам кўрсатилди. 52 минг 856 нафар кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларнинг фарзандлари учун ўқув қуроллари, дарсликлар харид қилиш харажатлари қисман қопланди. 2 минг 402 та нодавлат мулк шаклидаги корхона ва ташкилотларда меҳнат қилаётган 3 минг 847 нафар ёш болали аёлга ойлик маоши сақланган ҳолда иш вақтини ҳафтасига 35 соатдан ошмайдиган қилиб белгилаш жорий этилди. Бу мақсадлар учун касабалар уюшмалари ва иш берувчилар маблағлари ҳисобидан 15 миллиард 729,3 миллион сўм йўналтирилди.

Шунингдек, 20 025 та корхонада 53 676 нафар кам таъминланган ёш оила вакилига моддий ёрдам кўрсатилди. 1 019 та корхонада олий ўқув юртида таҳсил олаётган 2 406 нафар иқтидорли, кам таъминланган ва чин етим талабаларга ўқув шартнома пулларининг қисман тўлови амалга оширилди. 803 та корхонада 1 460 нафар ёш оилага уй-жой қуриш ва мамлакатимизда ишлаб чиқарилган, узоқ муддат фойдаланиладиган товарларни харид қилиш учун фойда ссуда ажратилди. 604 та корхонада 1 361 нафар ёш ходимга ҳарбий хизматга чақирилиши муносабати билан фойдасиз ссуда берилди. Ушбу ишларга касабалар уюшмалари ва иш берувчилар маблағлари ҳисобидан 53 миллиард 189,8 миллион сўм йўналтирилди.

>>> 5





ЎЗБЕКИСТОНДА ЯНГИЧА МЕҲНАТ МУНОСИБ ҲИССА ҚЎШИШГА ИНТИЛМОҚДА

Мажлис Сенати аъзоси Қудратилла РАФИҚОВ билан суҳбат

<<< 4

Байрамлар арафасида «Мурувват» ва «Саховат» уйларида яшовчилар ҳолидан хабар олинди ва уларга жами 178 миллион сўмлик маиший жиҳозлар, кийим-кечаклар, гигиеник воситалар топширилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг суверенитети ва мустақиллигини ҳимоя қилишда, хизмат мажбуриятини бажариш вақтида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари ҳолидан хабар олинди.

– Президентимиз олиб бораётган инсонпарвар сиёсатнинг энг муҳим йўналиши – одамлар дарди-га қулоқ тутиш, уларнинг муаммоларини ўрганиш ва ўз вақтида ҳал қилишдир. Шу маънода, фуқаролар мурожаатлари ҳақида ҳам сўз юритсангиз. Бу борада касаб уюшмаларининг ўрни қай даражада кўриняпти?

– Дарҳақиқат, одамлар дардига дармон бўлиш – инсонийликнинг олий намунаси. Барчамизнинг фаолиятимизда бу бош мезондир. Рақамларга тўхталадиган бўлсак, 2022 йилнинг тўққиз ойи давомида касаб уюшмалари жамии 3 минг 731 та, шундан 1 минг 664 та ёзма, 624 та оғзаки, 1 минг 177 та интернет тармоғи орқали электрон шаклда ҳамда 266 та «Ишонч телефонлари» орқали мурожаат келиб тушган.

Мурожаатларнинг 868 таси қаноатлантирилди, 2 минг 101 та мурожаат бўйича муаллифларга тушунтириш берилди. 163 та мурожаат рад этилди, ёзма шаклдаги 10 та мурожаат аноним деб топилиб, 69 та мурожаат Низом талабларига мувофиқ кўрмай қолдирилди.

Касаба уюшмаларига йўлланган, лекин мазмун жиҳатидан кўриб чиқиш касаб уюшмалари ваколатига кирмайдиган масалалар акс эттирилган 318 та мурожаат муаллифлари хабардор қилинган ҳолда ваколатли органларга юборилди.

Барча мурожаатларни кўриб чиқиш натижаларига кўра, 3 минг 944 нафар шахснинг ҳуқуқлари тикланиб, ходимлар фойдасига 8 миллиард 902 миллион 775 минг сўм зарар ундирилишига эришилди.

Ходимларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклашни сўраб иш берувчиларга киритилган 109 та тақдимноманинг 67 таси қаноатлантирилиб, қонун бузилиши ҳолатлари бартараф этилди. Иш берувчилар томонидан 42 та тақдимнома рад қилинди.

Ўзбекистон касаб уюшмалари Федерациясининг 1211 қисқа рақамли «Ишонч телефони»га бугунги кун ҳолатига 130 минг 380 та мурожаат келиб тушди. Мурожаатларда кўтарилган муаммолар билан жойида танишиб чиқиб, уларни ҳал этишда амалий ёрдам кўрсатиш учун жами мурожаатлар тегишлилигича вазирлик, идора ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгаши, вилоятлар ва Тошкент

шаҳар ҳокимликларига йўналтирилди ва ижроси назоратга олинди. Ушбу мурожаатларнинг 99,1 фоизи қонуний, шундан 50,4 фоизи ижобий ҳал этилди.

Тизимдаги санаторийларда 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларидан 293 нафари давлат бюджетидан бепул даволанди.

Корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат қилаётган пенсионер, шунингдек, касаб уюшмаси аъзоларининг пенсионер ота-оналаридан 5 минг 451 нафари имтиёзли равишда соғломлаштирилди. Бунга касаб уюшмалари маблағидан 16 миллиард 939,8 миллион сўм сарфланди.

Ишлайдиган кексалардан 244 нафари, кам таъминланган, кўп болали, олис ва чекка ҳудудларда, мураккаб иқлим шароитида яшовчи оилаларнинг 183 нафар аёллари, фарзанд кўрмаган ёш оилаларнинг 151 нафар ишлайдиган аъзолари, тиббиёт муассасалари ходимларидан 81 нафари, таълим ходимларидан 3 минг 970 нафари, «Саховат» интернат уйлари ҳамда Уруш ва меҳнат фахрийлари учун республика пансионатидаги кексалардан 73 нафари, профилактика инспекторларидан 72 нафари бепул соғломлаштирилди. Ушбу мақсадлар учун жами 11 миллиард 509,2 миллион сўм маблағ йўналтирилди.

Бу борадаги ишлар бундан кейин ҳам изчил давом эттирилади.

– Бугунги кунда ички туризмни ривожлантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилмоқда. Бу борада касаб уюшмаларининг зиммасида ҳам вазифалар етарли. Айниқса, ички туризмни ривожлантириш, мамлакатимизда зиёрат туризмнинг имкониятларидан унумли фойдаланиш борасида тажрибалар бисёр. Бу борадаги натижалардан ўзингиз қанчалик қониқиб ҳосил қилмоқдасиз?

– Дарҳақиқат, туризм иқтисодиётимизнинг, мамлакат равнақининг ўзига хос драйверларидан бирига айланди. Очиғи, сўнгги беш-олти йилда бу соҳанинг бир қадар ҳадисини ҳам олдиқ, деб айта оламиз. Муҳими, ички туризм ривожланиши баробарида минглаб ҳамюртларимиз она ватанимизни янада яқинроқ танимоқда. Унга муҳаббати ошмоқда. Умрида ўз вилоятдан ташқарига чиқмаган қанчадан-қанча юртдошларимиз Самарқанду Бухоро, Хива-ю Шаҳрисабзда бўлиб, олам-олам таассуротлар билан қайтаётгани аслида катта қувонч бағишлайди бизга. Қолаверса, юртимизда нафақат тарихий шаҳарлару табаррук қадимжолар, балки ўз табиати, таровати билан барчани лол қолдирувчи иқлими сўлим ва баҳаво Зомин, Бахмал, Бўстонлик, Янгиобод каби яна кўплаб масканлар борки, мазкур ташаббус тўғрисида меҳнатқашларимиз у ерларда ҳам бўлишиб, кўнгилли ҳордиқ чиқаришмоқда, саломатликларини тиклашмоқда. Бир сўз билан айтганда,



Президентимиз ташаббуслари билан соҳа жадаллик билан олдинга қадам ташламоқда. Биргина Самарқандни олинг, беш-олти йил аввал азим кентда шунча одам бўлармиди? Ҳозир, айниқса, дам олиш кунлари ёки байрамларда шаҳарга бориб кўринг, ўзингизни одам энг тирбанд жаҳоннинг туризм гигантида юргандек ҳис этасиз... Буларнинг ҳаммаси бизнинг меҳнатқашларни юрт билан, унинг қадимий обидалари, бой меросимиз билан ошно этиш, Ватанни танитиш ва шунинг баробарида уларга маданий ва маърифий қувват беришдек ишларимизга ҳам қанот бўлаётир.

Буни рақамлар ҳам кўрсатиб турибди, албатта.

2022 йилнинг тўққиз ойи давомида 237 минг 975 нафар меҳнатқаш ва уларнинг оила аъзолари учун мамлакатимизнинг тарихий шаҳарларига ҳамда ўз ҳудудларидаги тарихий қадимжоларга, диққатга сазовор жойларга саёҳатлар уюштирилди.

Хусусан, Ўзбекистон касаб уюшмалари Федерацияси томонидан 17 минг 325 нафар ишчи-ҳодимнинг Урганч, Хива ва Тошкент шаҳарларига саёҳати ташкил этилди.

Ходимларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, уларни бой маданиятимиз ва тарихий меросимиз билан яқиндан таништириш мақсадида жами 217 минг 108 нафар ходимнинг маданий-эстетик ҳордиқ чиқариши учун маданият муассасаларига ташрифи ташкил этилди.

Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кўнисида бағишлаб 11 минг 28 нафар эҳтиёжманд оила фарзандлари ҳамда Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари учун музейлар, театр, маданият ва истироҳат боғларига бепул ташрифлари уюштирилди.

Шу йилнинг февраль-март ойларида «Темурбеклар мактаби» ва «Ёш чегарачилар» ҳарбий-академик лицейларининг 1-2-босқич ўқувчилари ўртасида «Янги Ўзбекистонга қанот бўламиз!» мавзусида иншолар танлови, 2022 йилнинг май ойида олий таълим муассасаларининг бакалавр таълим йўналиши талабалари ўртасида «Янги Ўзбекистонни ўзимиз, ўз қўлларимиз билан бунёд этамиз!» шiori остида республика эсселар танлови, июнь ойида эса республикадаги олий ва ўрта махсус ислом таълими муассасалари талаба-ўқувчилари ўр-

тасида «Ватанни севмоқ иймондандир» мавзусида иншолар танлови ўтказилди.

Барча танловлар республика босқичи иштирокчилари ва ғолиблари Ўзбекистон касаб уюшмалари Федерацияси томонидан тақдирланди. Ёшларнинг парламент вакиллари, илмфан арбоблари, олимлар ва ёзувчилар, зиёлилар, Тошкент шаҳридаги Inha университети, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси фаоллари билан учрашувлари ўтказилди. Улар Мудофаа вазирлиги Куролли Кучлар давлат музейи, «Ғалаба боғи» ва унда жойлашган «Шон-шараф» музейи, «Тошкент сити», Конгресс-холл, «Humo Arena» мажмуалари, «Янги Ўзбекистон» боғи билан танишдилар.

Шунингдек, республикадаги олий таълим муассасалари талабалари ўртасида «Меҳнат ҳуқуқи ёшлар нигоҳида» танлови ўтказилди ва ғолиблар тақдирланди.

Меҳнат жамоаларида «Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили» бўйича қабул қилинган Давлат дастурининг мазмун-моҳиятини кенг тарғиб қилиш мақсадида «Маърифат соатлари», давра суҳбатлари ва махсус маърузалар ташкил этилди.

Давлат дастури асосида шакллантирилган Ўзбекистон касаб уюшмалари Федерациясининг «Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили» дастури ижроси учун касаб уюшмалари ва иш берувчилар маблағларидан жами 294 миллиард 453,7 миллион сўм (касаба уюшмалари маблағларидан 169 миллиард 613,3 миллион, иш берувчилар маблағларидан 124 миллиард 840,4 миллион сўм) йўналтирилди.

Биз келгусида бу борадаги ишларимизни тизимли равишда жадал давом эттирамиз. Зеро, аҳоли меҳнат муносабатларида меҳнатқашлар манфаатларини ҳамиша ҳимоя қилишга, уларни қўллаб-қувватлашга тайёр касаб уюшмалари борлигини ўз ҳаётида сезсин, ҳис қилсин.

– Мазмунли суҳбатингиз учун катта раҳмат!

Суҳбатдош:

Ҳусан ЭРМАТОВ

«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари Бош муҳаррири



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНДЛИК ВА МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИ ВАЗИРИ НОЗИМ ҲУСАНОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФАОЛЛАРИ ВА АЪЗОЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ



Ҳурматли касоба уюшмалари фаоллари ва аъзолари!

Сизларни, сизлар орқали барча касоба уюшмалари аъзоларини Ўзбекистон касоба уюшмалари куни байрами билан чин қалбимдан самимий табриклар, энг эзгу ният ва тилакларимни билдираман.

Бугунги кунда касоба уюшмалари жамиятимизнинг муҳим бир бўғинига айланган энг йирик жамоат ташкилоти сифатида эътироф этилаётгани айна ҳақиқат.

Ўзбекистон касоба уюшмалари Федерациясининг саккизинчи Қурултойи зарҳал ҳарфлар билан битиладиган қатор воқеликларга бой тарзда тарихга кирди ва унда илк бор давлатимиз раҳбарининг делегатларга табриги йўлланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев йўллаган табригида сўнгги 5 йилда касоба уюшмалари тизимида кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилгани, меҳнат жамоаларида ходимларни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш ишлари янги босқичга кўтарилгани, мамлакатимиздаги энг йирик фуқаролик институти бўлган касоба уюшмаларининг ўрни ва роли ошиб бораётгани алоҳида эътироф этилди.

Ўзбекистон тарихида биринчи мартаба 11 ноябрь – Ўзбекистон касоба уюшмалари куни этиб белгиланди.

Ўзбекистон Республикасининг «Касоба уюшмалари тўғрисида»ги янги қонунининг қабул қилиниши ва бошқа қатор нуфузли тузилмалар билан яқин алоқаларнинг йўлга қўйилаётгани, аҳолининг меҳнат ҳуқуқлари ва ижтимоий ҳимоясини таъминлашда касоба уюшмалари Ҳукуматнинг тенг ҳуқуқли ҳамкорига айланаётгани, буларнинг барчаси Ўзбекистон касоба уюшмалари фаолияти бутунлай янги босқичга кўтарилганининг далолатидир.

Айна пайтда, Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касоба уюшмаси тизимида 3300 га яқин бошланғич ташкилот ўз сафида 400 минг нафардан зиёд аъзоларни бирлаштириб, уларнинг касбий, меҳнатга оид, ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, муносиб меҳнат шароитларини яратиш борасида иш берувчилар билан самарали ҳамкорлик олиб бораётгани фикримиз тасдиғидир.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касоба уюшмаси Республика Кенгаши ўртасида 2021-2023 йилларга мўлжалланган Тармоқ келишуви имзоланган.

Давлатимиз раҳбарининг касоба уюшмалари ҳақидаги **«Ҳар қайси корхона ёки ташкилотда албатта касоба уюшмаси фаолият кўрсатиши ва раҳбарлар албатта улар билан яқин ҳамкорликда иш олиб бориши шарт. Шундагина жамиятимизда меҳнат қонунчилиги бузилиши ҳолатларининг олди олинади, ҳаётимизда ижтимоий адолат янада мустаҳкам қарор топади»** деб таъкидлаган фикрларидан келиб чиқиб, биз бу йўлда ижтимоий шерикликни янада ривожлантириш, тармоқ (тариф) келишувлари ва жамоа шартномалари таъсирчанлигини ошириш борасидаги фаолиятимизни янада оширишга қаратилган ишларни изчил давом эттираемиз.

Касоба уюшмаларининг муносиб меҳнат шароитларида меҳнат қилиш, иш ҳақи, бандлик, ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш, маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, республикамиздаги диққатга сазовор қадамжоларга саёҳатлар ташкил этиш, ёзги мавсумда болаларнинг оромгоҳларда дам олишларини ташкиллаштириш, халқаро ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш ҳамда таъсирчан жамоатчилик назоратини ўрнатишга оид ташаббусларини қўллаб-қувватлаймиз.

Сизларни бугунги айём – Ўзбекистон касоба уюшмалари куни билан самимий қутлаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, масъулиятли ва хайрли ишларингизда зафарлар тилайман.

Хонадонларингизни тинчлик-хотиржамлик, файзу барака, бахт ва омад ҳеч қачон тарк этмасин!

ЎЗБЕКИСТОН ИШ БЕРУВЧИЛАР КОНФЕДЕРАЦИЯСИ РАИСИ ИЛҲОМ ҲАЙДАРОВНИНГ КАСАБА УЮШМА ФАОЛЛАРИ ВА АЪЗОЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ



Хурматли ҳамкасблар, касаба уюшма фаоллари, уюшма аъзолари!

Ўзбекистон касаба уюшмалари ҳаракати учун 2022 йил ўзгача аҳамиятга эга. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ташкил этилганининг 32 йиллигини нишонлаяпмиз. Албатта, бу – касаба уюшмалари ҳаракатининг салмоқли ютуқлари ва ёрқин ғалабаларини яна бир бор ёдга олиш учун ажойиб имконият.

Касаба уюшмалари босиб ўтган шаклланиш ва ривожланиш йўли осон кечмади ва бу тарих мамлакатимизда демократик жамият қуриш тарихи билан чамбарчас боғлиқ. Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки кунлариданоқ жамиятда касбий, меҳнат, ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларни ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилди ва қабул қилинган илк қонунлардан бири ҳам айнан мамлакатимизнинг энг йирик жамоат ташкилоти бўлган касаба уюшмалари тўғрисидаги қонун бўлгани бежиз эмас.

Сўнгги йилларда корхона ва ташкилотлар жамоаларида меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, меҳнатни муҳофаза қилиш, ижтимоий суғурта, ташкилий, маданий-оммавий ва спорт-соғломлаштириш ишларини йўлга қўйиш борасида кўпминглик Ўзбекистон касаба уюшмалари фаоллари меҳнат қилмоқда. Меҳнаткаш фуқароларнинг моддий турмуш даражасини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг меҳнаткашлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги бой тажрибаси, касаба уюшмалари фаолиятининг шакл ва услублари вақт синовидан ўтди, жаҳон ҳамжамиятида эътироф этилиб, янги тарихий шарт-шароитлар ва

талаблар асосида ривожланиб бормоқда.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ижтимоий мулоқотни таъминлашда Ўзбекистон Иш берувчилар Конфедерациясининг муносиб ва ишончли ҳамкори ҳисобланади. Ўзаро ҳамжиҳатлик, ижтимоий мулоқот, ҳамкорлик жамиятдаги муваффақиятлар гаровидир.

Қўлни қўлга бериб, доимий иш олиб боряпмиз. Ўзбекистонда болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга барҳам бериш соҳасидаги ғалаба ва муваффақиятлар алоҳида эътирофга лойиқ.

Биз жамиятда, ходим ва иш берувчи ўртасидаги муносабатларда юзага келган муаммолар ҳақида қонунда руҳсат этилган барча кураш шаклларида фойдаланган ҳолда ошқора гапиряпмиз, ижтимоий шериклик доирасида конструктив мулоқот қиляпмиз.

Замон талабидан келиб чиқиб, биз бугун ишончли муносабатларни қурапмиз. Биргаликда ҳаётини манфаатларга дахлдор масалаларда бир-биримизни қаттиқ қўллаб-қувватлаймиз, ҳамжиҳатликда ҳаракат қиламиз, шу орқали стратегик манфаатларимизни ҳимоя қиламиз, янги ташаббусларни илгари сурамиз.

Олдимизда 2021-2025 йилларга мўлжалланган Муносиб меҳнатни таъминлаш бўйича давлат дастурини амалга ошириш, янги Меҳнат кодекси қоидаларини қўллаш орқали мамлакатимизда шериклик ва ижтимоий мулоқотни янада мустаҳкамлаш, меҳнат соҳасидаги фундаментал принцип ва ҳуқуқларни ҳаётга татбиқ этиш, муносиб бандлик соҳасида имкониятларни кенгайтириш, меҳнат шароитларини яхшилаш ва ижтимоий ҳимояни таъминлаш, Халқаро меҳнат ташкилоти конвенцияларини қўллаш бўйича уч томонлама маслаҳатлашувларни фаоллаштириш борасида улкан вазифалар турибди.

Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси олти миллиондан ортиқ касаба уюшма аъзосини бирлаштирган мамлакатимиздаги энг йирик ва жипслашган жамоат ташкилоти бўлиб қолмоқда. Шу билан бирга, ташкилотнинг муваффақиятли фаолияти омили, шубҳасиз, кадрлардир.

Меҳнат бирлаштирган одамлар, Инсон ва меҳнат манфаатларини ҳимоя қилишда самарали ишга ва ғалабага интилаётган ҳақиқий профессионаллардир.

Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси меҳнаткашлар ҳуқуқларини таъминлашда қатъият кўрсатаётган ва бундай кенг қўламли уюшмани бошқаришда юксак иқтидорини намоён этаётган Қудратилла Мирсоатович Рафиқов раҳбарлигида ҳар бир ўзбекистонлик учун ўта аҳамиятли бўлган ижтимоий-иқтисодий барқарорликни сақлаш ишига муносиб ҳисса қўймоқда!

Хурматли ҳамкасблар, касаба уюшма фаоллари! Мамлакатимиз иш берувчилари номидан меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоялаш йўлидаги фаол меҳнатингиз, ҳали ёш уюшма – Ўзбекистон Иш берувчилар Конфедерациясини эътироф этиб, қўллаб-қувватлаганингиз учун миннатдорлик билдираман!

Ўзбекистон иш берувчилари ва меҳнаткашлари ҳамжамияти меҳнат муносабатларида манфаатларни ифодалашдаги фарқларга қарамай, бугунги дунё воқелигида жуда кам учрайдиган ўзига хос дўстона муносабатлар билан фахрланиши мумкин.

Биз биргаликда кўп нарсага эришдик ва фақат бирдамлик, профессионаллик ва ишимизга фидойилик мамлакат ишчилари ва иш берувчилари учун тенг ҳуқуқлилиқ мувозанатини сақлаган ҳолда олдинга интилиш имконини беради!

Барчангизга меҳнаткашлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда улкан муваффақиятлар, фаровонлик, неқбинлик, ҳамжиҳатлик ва янги зафарлар тилайман!

Биз доимо умумий келажакимиз йўлида биргамиз!

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЭЛ АЗИЗ, ИНСОН АЗИЗ

Соҳа ходимларига кўрсатилаётган алоҳида эътибор ва ғамхўрликдан руҳланган Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Қорақалпоғистон кенгаши жамоаси касб байрамини юксак натижалар билан кутиб олмоқда.

Бугунги кунда тасарруфдаги 1859 та бошланғич ташкилотда 299 минг 534 нафар аъзо меҳнат қилмоқда. Асосий эътибор бошланғич ташкилотларнинг ишларини такомиллаштириш, ходимларнинг ижтимоий ҳимоядан четда қолмаслиги, жамоа шартномаларининг ижроси бўйича меҳнат жамоаси олдида йилда камида бир маротаба ҳисобот бериб борилишини таъминлаш масалаларига қаратиб келинмоқда.

Жорий йилнинг март-апрель ойларида ташкилотлар маъмурияти ҳамда касаба уюшмалари ўртасида ходимларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш мақсадида жамоа шартномаларининг бажарилиши ўрганилди ҳамда 2022 йилга қўшимчалар киритилди.

Ҳар йили қабул қилинадиган Давлат дастурлари асосида соҳа касаба уюшмалари ўз дастурларини қабул қилди ҳамда бажарилишини таъминлаш юзасидан тасдиқланган чора-тадбирлар асосида фаолият олиб бормоқда. Кам таъминланган, ёрдамга муҳтож, кўп болали ҳамда ёш оилаларни, соҳада меҳнат қилиб келаётган нурунийларни ҳамда ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш мақсадида моддий ёрдамлар кўрсатиб келинапти.

Хотин-қизларнинг муаммолари «маҳаллабай» ўрганиб чиқилиб, 424 та фуқаролар йиғинида 30 ёшдан юқори бўлган 33 минг 813 нафар хотин-қиз 6 та тоифа бўйича «Аёллар дафтари»га киритилди. Октябр ойининг сўнгги ўн кунлигига қадар 3 босқичдан ўрин олган 32 минг 105 нафар хотин-қизга тоифалар бўйича ёрдамлар берилди. Шунингдек, қўшимча равишда 24 минг 283 нафар аёлга ҳуқуқий, психологик ва уларнинг уч мингга яқинининг фарзандларига тиббий ёрдамлар кўрсатилди. Бундан ташқари, Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарларида жойлашган тарихий масканларга саёҳатлар, маданий-маърифий, спорт ва бошқа тадбирлар уюштирилди. 82 нафар аёлга деҳқончилик учун 21 гектар ер майдони, 94 нафарига асбоб-ускуна, меҳнат қуролларини харид қилиш ҳамда энгил конструкцияли иссиқхоналар ўрнатиш, суғориш воситалари ҳамда уруғлар ва кўчатлар сотиб олиш, шунингдек, бошқа мақсадлар учун 438 миллион сўм субсидия ажратилди. 8 нафар аёлнинг олий ўқув юртида таҳсил олаётган фарзандлари ҳамда 1 нафар аёлнинг шартнома тўловининг бир қисми қоплаб берилди.

Кези келганда айтиш жоизки, хотин-қизларнинг му-

аммоларини тизимли ҳал этиш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича республика комиссияси томонидан танловлар ўтказилиб, ҳудудий босқич ғолиблари тақдирлаб келинмоқда.

Утган йилнинг шу давридан ҳозиргача 8 минг 609 нафар ишловчиси бўлган 630 та корхона аъзоликка олинди. Жисмоний ва юридик шахслардан 591 та мурожаат келиб тушди. Шундан 113 таси қаноатлантирилиб, 433 тасига тушунтириш берилди, 25 та мурожаат бўйича судларга даъво аризалари киритилиб, 70 нафар фуқаронинг бузилган ҳуқуқи тикланишига, уларга иш ҳақи ва етказилган зарарлар учун 809 миллион 287,2 минг сўм ундирилишига эришилди.

Ходимлар ва уларнинг оила аъзолари 1519 та имтиёзли йўлланма билан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тасарруфидаги санаторийларда соғломлаштирилди. Шундан таълим соҳасидаги ходимлардан 163 нафари Хоразм вилоятидаги «Хонқа санаторийси»да бепул соғломлаштирилди.

Кенгаш томонидан жорий йилда 15 та кам таъминланган оилага 10 миллион 80 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси касаба уюшмаси Федерацияси томонидан мамлакатимиз мустақиллигининг 31 йиллиги муносабати билан Оролбўйи корхона ва ташкилотларидан 5 нафар ишчи-ходими сиҳатгоҳларга бепул йўлланма билан таъминланди. «Янги Ўзбекистон – янги касаба уюшмалари!» ғояси асосида 736 та бошланғич ташкилотда тадбирлар ташкил этилиб, уларда 45 минг 920 нафар ходимнинг иштироки таъминланди. «Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!» дастури доирасида Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудидаги диққатга сазовор жойлар, тарихий шаҳарларга 16 минг 687 нафар ходим ва улар оила аъзоларининг саёҳати уюштирилди. Корхона ва ташкилотларда ишловчи ходимларнинг 15 минг 242 нафари театр ва музейларга олиб борилди.

Мактаблар ўқувчилари ўртасида «Менинг Президентим», «Темурбеклар мактаблари» ҳарбий академик лицейи ўқувчилари ўртасида «Янги Ўзбекистонга қанот бўламиз», олий таълим муассасалар талабалари ўртасида «Янги Ўзбекистонни ўзимиз, ўз қўлларимиз



Улуғбек ЖАЛМЕНОВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Қорақалпоғистон кенгаши раиси, сенатор

билан бунёд этамиз!», Ўзбекистон Муслмонлари идораси тасарруфидаги олий ва ўрта махсус диний таълим муассасаларининг талаба-ўқувчилари ўртасида «Ватанни севмоқ иймондандир!» мавзуларида ўтказилган танловларда қорақалпоғистонлик ёшлар фаол қатнашиб, ғолиблар сафидан жой эгаллашди.

Ҳар бир тармоқ касаба уюшмалари тасарруфидаги соҳа ходимлари ўртасида «Спорт – саломатлик гарови», «Биз спортчи оиламиз», широрлари остидаги мусобақаларнинг Қорақалпоғистон Республикаси босқичи кўтаринки руҳда ўтди. Ғолиблар ташкилотчилар томонидан қимматбаҳо совға ва дипломлар билан тақдирланди.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан Оролбўйи болаларининг ёзги дам олишини мазмунли ўтказиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Мавсумда Қорақалпоғистон ҳудудидаги 11 та стационар оромгоҳда 7 минг 485 нафар бола дам олдирилди. Ҳар бир оромгоҳ, маданият ва спорт соғломлаштириш майдончаларида бадий, техник ва экология йўналишидаги тўгараклар, спорт мусобақалари, турли викторина, кўрик-танловлар ташкил этилди.

Мавсум давомида меҳнат миграциясига чиқиб кетган фуқароларнинг 7 ёшдан 14 ёшгача бўлган 5 нафар фарзандига болалар соғломлаштириш оромгоҳларига бепул йўлланмалар берилди.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан жорий этилган Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг «Биз бир элмиз, бир халқмиз, Янги Ўзбекистон бунёдкорларимиз» ижтимоий лойиҳаси доирасида Қорақалпоғистон Республикасидан 2 минг 426 нафар бола ёзги мавсумда Андижон, Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, На-

манган, Навоий, Сурхондарё, Сирдарё, Фарғона, Тошкент, Хоразм вилоятларидаги энг сўлим 22 та стационар оромгоҳларда бепул дам олиб қайтди. Болалар жойларда тантанали равишда кутиб олиниб, уларнинг мароқли дам олишлари учун барча шарт-шароитлар яратиб берилди. Айниқса, Самарқанд, Бухоро, Фарғона, Жиззах ва Хоразм вилоятларининг мустақил йилларида барпо этилган диққатга сазовор жойлари ҳамда тарихий қадамжоларига ташкиллаштирилган саёҳатлар болаларга бир олам завқ бағишлади.

Қорақалпоғистон Республикасидан борган болаларга ўзларининг бор меҳри билан барча шарт-шароитларни яратиб берган Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси, вилоят ҳокимликлари раҳбарияти, юқорида қайд этилган оромгоҳлар мутасаддиларининг беминнат меҳнатини алоҳида қайд этамиз. Уларни касб байрами билан чин дилдан муобракбод этиб, юрт тараққиёти, аҳоли фаровонлиги йўлидаги хайрли ишларида муваффақиятлар тилаймиз.

Йил давомида меҳнат-кашларнинг ижтимоий ҳимоя қилиниши, уларнинг бугунги кундан рози бўлиб, эртанги янада фаровон кунларга ишонч билан яшашлари учун яратилаётган шарт-шароитларнинг барчаси Қорақалпоғистон Республикаси меҳнаткаш халқига, уларнинг фарзандларига кўрсатилаётган алоҳида эътибор ва ғамхўрликнинг самарасидир. Мамлакатимизда «Инсон қадрини учун» тамойили асосида амалга оширилаётган эзгу ишлар барчамизга, шу жумладан, касаба уюшмалари ходимларига янада маъсулият юклайди. Чунки Янги Ўзбекистонда эл азий, инсон азиздир. Буни теран англаган ҳолда, янгидан-янги марралар сари дил қадам ташлайверамиз.



«Ўз замонасининг энг буюк математиги, агар барча ҳолатлар эътиборга олинса, барча замонларнинг энг буюк математикларидан бири».

Америкалик тарихчи Жорж Сартон томонидан буюк бобомиз Муҳаммад Ибн Мусо ал Хоразмийга берилган бу эътироф бежиз эмаслигини бугун бутун дунё афкор оммаси кўриб турибди.

Ўтган асрда яшаб ўтган Сартон нафақат тарихчи, балки ўз даврининг энг билимли кимёғари ҳам эди. Ким билсин, дунё илмини чуқур ўрганиш чоғи экан, балки у бу хулосага бугунги кунларни ҳам назарда тутган ҳолда келган бўлиши мумкин.

Айни дамда дунё бир фикрда собитки, XXI аср – ахборот технологиялари даври, алгоритмлар асри. Унинг асосини эса бизнинг боболаримиз яратган, илм ила татбиқ этган...

Қандай соҳа бўлишидан қатъи назар, унинг истиқболи ва ривожланишини ҳозирда замонавий, хусусан, ахборот технологияларисиз тасаввур этиш жуда мушкул. Кези келганда эътироф этиш лозимки, бундан буён илм-фан ютуқлари ва янги технологиялар орқалигина тараққийга эришишимиз, дунё билан бўйлашишимиз, иқтисодий ривожланишимиз мумкин.

Кейинги йиллар мамлакатимиз миллий ахборот тизимини шакллантириш, давлат ва жамият ҳаётининг барча жабҳаларида замонавий ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланиш борасида мислсиз ўзгаришлар даври бўлмоқда.

Шу ўринда мушоҳада юритсак: Президентимиз бу соҳага нега бунчалик эътибор қаратмоқда?

Бу, аввало, узоқни кўзлаш, замонавий дунёга юзлашиш, ва энг муҳими, истиқбол ҳақида қайғуришнинг ҳосиласидир. Бугун ахборот коммуникация технологиялари мамлакатларнинг тез ривожланиши, иқтисодий кўтаришда етакчи соҳага айланган. Қолаверса, аҳоли бандлигини таъминлаш, ишсизликни камайтиришда бу соҳанинг ўрни катта. АйТи – макон танламайдиган замонавий соҳа, шу маънода, у ёшларга замонавий касб эгаллашларида жуда ҳам катта имкониятлар беради.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев шу йилнинг 29 июлида Юқори Чирчиқ туманида «Astrum» IT академиясида ёшлар билан мулоқот давомида «Агар замонга муносиб бўлман, ўз ишимни топаман, яхши яшайман десаларингиз, шу соҳани ўрганинг. Келажакка инвестициянгиз – шу. Ҳам билим олиб, ҳам амалда татбиқ қилиб, оилангиз, эл-юртимизга кўмакдош бўласизлар, деб ишонаман», деганида айни шу жиҳатларни назарда тутган эди.

Мазкур соҳанинг юқори суръатдаги тараққийети, шу билан бирга, мамлакатимизнинг глобал дунёга тизимли равишда, трансформациялашиб бориши, биринчи навбатда, юртимиз ёшлари ва уларнинг ижтимоийлашуви билан аҳамият касб этмоқда.

Аслида бу мамлакатимизни минтақавий АйТи маркази (ХАБ)га айлантириш ғояси 2017 йилдаёқ бошланган, стратегик қарор қабул қилинган эди. Ўтган давр мобайнида бу борада барча зарур шарт-шароитлар яратилди. АйТи соҳасида экспорт ҳажмини ошириш, жаҳон аутсорсинг бозорида Ўзбекистон ўрнини яхшилаш, инсон капитални ривожлантириш ва ёшларни ушбу жабҳага кенг жалб этиш устувор вазифалар этиб белгиланди.

Айни вақтда Ўзбекистонда биринчи IT-марказни яратиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Тошкент шаҳрининг Мирзо Улуғбек тумани ҳудудида 17 та бинодан иборат бўлган университет, офис бинолари, меҳмонхона, умумий овқатланиш объектлари, дўконлар, спорт ва дам олиш мажмуалари жойлашган Марказий Осиёдаги энг йирик IT-Park қурилиши давом этмоқда. Жорий йилнинг август ойида IT-Парк мажмуаси қурилишининг биринчи босқичи якунланди, унда дастлабки 20, 22 ва 25 қаватли бинолар, конференц - зал, шунингдек 3000 та автомобилга мўлжалланган уч даражали ер ости автотураргоҳи фойдаланишга топширилди. Мажмуанинг тў-



АЙТИ АСРИГА ХУШ КЕЛИБСИЗ!



Асрор ЭШОНХЎЖАЕВ,
Ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси

лик қурилишини 2024 йилда якунлаш режалаштирилган.

Соҳада бошланган ислохотлар ўз самарасини бера бошлади. Ҳозирги кунда мамлакатимиздаги АйТи-Парк резидентлари сони 954 та бўлиб, улар томонидан экспорт қилинган хизматлар ҳажми 83 миллион долларга етди. Йил охиригача бу кўрсаткич 100 миллион долларни ташкил қилиши кутилмоқда. Шу жумладан, экспортга йўналтирилган АйТи-Парк резидентлари сони 125 тани ташкил қилмоқда. АйТи-парк резидентлари орасида экспортга йўналтирилган АйТи-аутсорсинг хизматларини кўрсатадиган компаниялар сони эса 230 тадан ортди. Энг муҳими, 2028 йилга қадар АйТи хизматлар экспорти 1 миллиард долларига етказиш режалаштирилган.

Ушбу мақсадга эришишда иқтидорли ёшларни замонавий АйТи-касбларга ўқитиш, соҳага кенг жалб қилиш ва ютуқларини рағбатлантириш механизмларини жорий қилиш зарур. Шу боис жаҳон аутсорсинг бозорида Ўзбекистоннинг ўрнини яхшилаш мақсадида республикамиз бўйлаб масофавий хизматлар экспорти марказлари ташкил қилинмоқда.

АйТи-соҳасида инсон капитални ривожлантириш ва ёшларни ушбу соҳага жалб қилиш учун 58 та олий таълим муассасасида АйТи-йўналишлари очилган. Уларнинг 12 таси эса тўлиқ АйТига ихтисослашган ҳисобланиб, йилига 10 минг нафардан ортиқ малакали мутахассис тайёрланмоқда.

Эътиборли жиҳати, соҳада узоқ йиллик тажрибага эга бўлган Тошкент ахборот технологиялари университети ҳамда унинг мамлакат бўйлаб ташкил этилган 6 та филиали мутахассислар тайёрлаб бермоқда. Бундан ташқари, соҳа йўналишида мутахассисларни тайёрловчи Амита ва Инҳа каби дунёнинг нуфузли университетларининг филиаллари ташкил этилди. Шу билан бирга, бозор таннари 25 миллиард долларига тенг бўлган хорижий «Эпам» компанияси Ўзбекистонни саноҳиятчи АйТи-бозор сифатида кўрмоқда. Хусусан, жорий йилдан бошлаб «Эпам» компанияси билан ҳамкорликда илк масофавий – «АйТи-Парк университети» фа-

олияти йўлга қўйилди ва 2022-2023 янги ўқув йилида минг нафар талаба тайёрлаш режалаштирилди.

Ушбу университет бутун республика бўйлаб талабаларга пойтахтимизга кўчиб ўтиш заруритисиз масофавий тарзда ўз уйларида туриб ёки АйТи-Паркнинг худудларда ташкил қилинаётган филиалларида таълим олиш имкониятини беради.

Шу билан бирга, Бирлашган Араб Амирликлари билан ҳамкорликда 2019 йилдан бошлаб «Бир миллион ўзбек дастурчилари» лойиҳаси амалга оширилмоқда. Лойиҳа доира-сида 2,5 миллион нафар аҳоли қамраб олинган бўлиб, уларнинг 1,1 миллион нафари битирувчи сертификатига эга бўлди.

АйТи соҳасида яратилаётган имтиёзлар ва қулайликлар натижасида Ўзбекистонга кириб келган хорижий компания ва юқори малакали мутахассислар сони кескин ошиб бормоқда. Хусусан, жорий йилнинг ўзида 70 дан зиёд йирик хорижий АйТи ташкилотнинг ваколатхонаси ташкил этилиб, 6 минг нафар хорижий юқори малакали АйТи мутахассис Ўзбекистон бозорига кириб келди.

Давлатимиз раҳбари «Иқтисодиётимизнинг барқарорлиги, барча соҳаларнинг сифатли ва самарали ишлаши, аҳоли ҳаётининг қулайлиги ахборот технологияларига боғлиқ. Шунинг учун ушбу соҳа учун янада кенг имкониятларни, зарур инфратузилмани яратиш, мутахас-

сисларни рағбатлантириш, қобилиятли ёшларни тарбиялаш керак» дея алоҳида таъкидлаган эди.

Бу вазифа бугун тўлақонли бажарилмоқда. Ушбу жараёнда касаба уюшмалари фаол иштирок этмоқда. Ҳозир бу жабҳадаги ишларни батафсил шарҳламоқчи эмасмиз. Балки соҳадаги энг муҳим жиҳатларини айтиб ўтишни лозим кўраемиз.

Сўнги йилларда касаба уюшмалари фаолиятининг долзарб масаласига айланиб бораётган мавзу бу норасмий секторда банд бўлганларнинг ҳимоясини таъминлашга қаратилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ҳамда Халқаро меҳнат ташкилоти томонидан ҳамкорликда бу борада бир қатор анжуманлар, амалий машғулотлар ўтказилди. Тадбирлар асосида Ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг норасмий банд бўлган ходимлар билан ишлаш бўйича 2022-2026 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар режа лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Жорий йилнинг сентябрь ойида Республика кенгашида Халқаро меҳнат ташкилоти вакили билан мазкур мавзуда келгусида олиб борилиши режалаштирилган ишлар юзасидан келишув суҳбати бўлиб ўтди. Унда соҳада норасмий банд ишчи ва хизматчиларни расмий секторга ўтказиш ва касаба уюшмаси ҳимоясига олиш борасида фикр юритилиб, муҳим вазифалар белгилаб олинди.

Маълумотларга кўра, ҳозир дунёнинг энг яхши «АйТишник»лари ҳиндистонликлар, энг етакчи АйТи компанияларини ҳам ҳиндистонликлар бошқаради.

Менинг фикримча, истиқболда уларнинг ўрнини ўзбек мутахассислари эгаллайди. Зеро, дунё тун олганидек, алгоритми амалиётга татбиқ этган бизнинг бобомиз Муҳаммад ал-Хоразмий эди. Шу маънода, айтиш мумкинки, «АйТишник»лик бизнинг қонимизда, тафаккуримизда, таъбир жоиз бўлса, ўзлимизда бор. Фақат уни уйғотиш, ёшларга мотивация бериш, шароит ва имкониятлар яратишимиз даркор. Шунда биздан янада зўр дастурчилар, стартапчилар, фрилансерлар, робототехниклар чиқиши, шубҳасиз.

Бу жараёнда касаба уюшмалари ҳам фаол иштирок этаётгани эса соҳа вакилларида ўзгача фахр туйғусини уйғотади.

АЙТИ-СОҲА-СИДА ИНСОН КАПИТАЛИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЁШЛАРНИ УШБУ СОҲАГА ЖАЛБ ҚИЛИШ УЧУН 58 ТА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАСИДА АЙТИ-ЙЎНАЛИШЛАРИ ОЧИЛГАН. УЛАРНИНГ 12 ТАСИ ЭСА ТЎЛИҚ АЙТИГА ИХТИСОСЛАШГАН ҲИСОБЛАНИБ, ЙИЛИГА 10 МИНГ НАФАРДАН ОРТИҚ МАЛАКАЛИ МУТАХАССИС ТАЙЁРЛАНМОҚДА.



БУ ДАРГОҲДАН ҲЕЧ КИМ НОРИЗО КЕТМАЙДИ

Жорий йил бошидан ҳозирга қадар тармоқ касба уюшмаси тизимида ҳам кўплаб ишлар амалга оширилди. Республика кенгашига фуқаролардан қелиб тушган 745 та мурожаат кўриб чиқилди. Ўрганиш натижасига кўра, 213 нафар шахснинг меҳнат ҳуқуқлари тикланди.

Ходимларнинг меҳнат ва ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари бузилганлиги ҳолатлари бўйича иш берувчиларга киритилган 75 та тақдимноманинг 63 таси, судларга киритилган 39 та даъво аризасининг 36 таси қаноатлантирилди. Шунингдек, фуқаролик ишлари бўйича судларга ходимлар ва бошқа ташкилотлар томонидан киритилган 50 тадан ортиқ даъво аризаларини кўриб чиқиш бўйича суд ишида Республика кенгаши ходимлари мутахассис сифатида иштирок этиб, ходимларнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилинишига эришилди.

Марказий аппаратнинг Меҳнат инспекцияси томонидан ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларига тааллуқли бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга риоя этилиши устидан жамоатчилик назорати амалга оширилди. Жумладан, ўтказилган жамоатчилик назорати давомида аниқланган камчиликларни бартараф этиш мақсадида инспекторлар томонидан 200 га яқин меҳнат қонунчилиги, меҳнатни муҳофаза қилиш қоида ва талабларига риоя этиш талабларининг бузилиши ҳолати бўйича иш берувчиларга 37 та кўрсатма киритилиб, барча аниқланган камчиликлар бартараф этилди.

Жорий йилнинг ўтган 9 ойи давомида 331 та янги корхона ва ташкилотда касба уюшмаси тузилиб, уларда фаолият юритиб келаётган 13 минг 548 нафар ходим касба уюшмаси ҳимоясига олинди.

Малака ошириш институтида янги сайланган бошланғич касба уюшмаларининг раислари учун ўқув курслари ташкил этилди. Ушбу курсларда касба уюшмасига оид турли мавзуларда назарий ва амалий машғулотлар, соҳанинг малакали мутахассислари иштирокида маъруза ва тренинглар ўтказилди.

Тармоқ тизимидаги деярли барча вазирлик, давлат қўмиталари, марказлар, компаниялар, банклар раҳбарлари билан музокара-лар олиб борилиб, уларнинг 2022 йилга мўлжалланган ўқув дастурларига «Халқаро меҳнат стандартларини татбиқ этиш, меҳнат муносабатларини тартибга солиш, ходимлар учун хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш» масалаларига оид мавзулар киритилди.

14 та давлат органи ва жамоат ташкилоти билан ходимларнинг ижтимоий кафолатларини белгилаб бериш бўйича тармоқ ва тариф келишувлари тузилди. Инновацион ривожланиш вазирлиги, Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, Республика Маънавият ва маърифат маркази ва Президент таълим муассасалари агентлиги билан илк мартаба Тармоқ келишувлари имзоланди.

Шу йилнинг март-апрель ойларида вазирликлар, қўмиталар, тижорат банклари ҳамда жамоат ташкилотларида жамоат шартномалари бажарилиши яқунларига бағишланган умумий йиғилиш (конференция)лар ўтказилди.

Жамоа шартномалари ва келишувлари орқали кекса авлод вакиллари, хотин-қизларни ҳамда ёшларни маънавий ва моддий қўллаб-қувватлашга, уларнинг ижтимоий муҳофазасини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди. Барча жамоа шартномаларига ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилишдан олдин касба уюшма қўмитасининг розилигини олиш талаби киритилди.

Биринчи ярим йилликда тармоқ касба уюшмаси Республика кенгаши, масъул ташкилотчилар, шаҳар ва туман кенгашлари томонидан жами 84 та ташкилот ва муассасада иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни ўз вақтида тўланиши устидан олиб борилган жамоатчилик назорати ҳамда иш берувчилар томонидан меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорига риоя этилиши бўйича мониторинг тадбирлари ўтказилди.

Ходимларга зарарли ишлаб чиқариш омилларидан холи бўлган, бехатар меҳнат шароитлари яратиб берилиши устидан касба уюшмаларининг доимий жамоатчилик назоратини ташкил қилишга қаратилган тизимли ишлар амалга оширилди.

Меҳнатни муҳофаза қилиш йўналиши бўйича жамоа шартномаларида кўзда тутилган 31 минг 564 та тадбирларни амалга оширишга 15 млрд. 665 млн. сўмдан зиёд маблағ сарфланди. Жумладан, вазирлик, идора ва давлат органлари билан меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги, ишлаб чиқариш жараё-

Анваржон АБДУМУХТОРОВ,

Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши раиси – Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси раиси ўринбосари



нида бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларини олдини олиш бўйича жорий йилга мўлжалланган манзилли дастурлар тайёрланиб, тасдиқланди. Шунингдек, меҳнатни муҳофаза қилиш ишларини ташкил этиш ва меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ўқитиш ҳамда билимларини синаш бўйича Низомлар ишлаб чиқилди ва ижрога қаратилди.

28 апрель – Бутунжаҳон меҳнатни муҳофаза қилиш кунига бағишлаб барча бошланғич ташкилотларда тадбирлар ўтказилди. Шунингдек, маънавиятни юксалтириш, аҳоли саломатлигини асраш ва мустаҳкамлаш соҳасидаги ислохотларни янги bosқичга кўтаришда, меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзолари, айниқса, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилишда бир қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, 700 нафардан зиёд меҳнаткашлар ва оила аъзоларининг мамлакатимизнинг тарихий

шаҳарларига ҳамда ўз ҳудудларидаги қадамжоларга, юртимизнинг диққатга сазовор жойларига саёҳатлари уюштирилди.

Меҳнат жамоаларида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ҳамда жисмоний тарбия ва оммавий спортга кенг жалб этишга қаратилган тарғибот-ташвиқот ишлари амалга оширилди. Корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат қилаётган ўз касбининг фидойилари бўлган илғор хотин-қизлар, шунингдек, меҳнат фахрийлари байрам муносабати билан рағбатлантирилди. Ёрдамга муҳтож бўлган ва оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизлар, шу жумладан, ногиронлиги бўлган аёллар ҳолидан хабар олинди.

45 та тармоқ келишувлари ва барча жамоа шартномаларига «Ёшлар учун қўшимча имтиёз ва кафолатлар» бўлимлари киритилишига алоҳида эътибор қаратилди. Ёшлар масалалари бўйича турли мавзуларда ўтказилган тадбирларда 94 минг 147 нафар ёшнинг иштироки таъминланди. Жумладан, «Ёш чегарачилар» ҳарбий-ватанпарварлик мусобақалари, «Саломатлик сири» югуриш марафонлари, «Заковат» интеллектуал ўйини ва «Касба уюшмаси билимдони» кўрик-танловлари ташкил этилди.

Хулоса сифатида айтиш мумкин, тармоқ касба уюшмаси ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлар манфаатларини ҳимоя қилиш, меҳнат муносабатларини оқилона ташкил этиш, ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатлари ва имтиёзларини белгилашда барча имкониятларини ишга солмоқда.





Юрт тараққибети йўлида бирлашайлик!

Мамлакатимизда халқимизнинг фаровон турмуш кечириши учун тизимли ишлар олиб бориляпти. Бунга касба уюшмалари ҳам ўзининг муносиб ҳиссасини қўшмоқда.

Айниқса, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламни қўллаб-қувватлаш, аёллар ва ёшлар билан ишлаш ҳамда уларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтиришда касба уюшмаларининг фаол иштироки таъминланяпти. Жойларда хотин-қизлар муаммоларини тизимли ҳал этиш бўйича ўрганишлар олиб борилиб, амалий ёрдамлар кўрсатилаётир. Касба уюшмалари ташкилотлари умумхалқ байрамлари муносабати билан ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари, корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат қилаётган ўз касбининг фидойилари бўлган илғор хотин-қизлар, шунингдек, меҳнат фахрийлари, иккинчи жаҳон уруши ва меҳнат фронти қатнашчилари, «Мурувват», «Саховат» уйларида яшовчилар ҳамда «Меҳрибонлик» уйлари тарбияланувчиларини моддий ва маънавий қўллаб-қувватламоқда. Ўн мингдан зиёд меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларининг мамлакатимиздаги тарихий шаҳарлар ҳамда ўз ҳудудларидаги қадамжолар, диққатга сазовор жойларга саёҳатлари уюштирилди.

«Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари»га киритилган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оила фарзандларини республиканинг диққатга сазовор жойларига саёҳатлари ташкил этилди. Айниқса, Хоразм вилоятида жойлашган тарихий обидаларга саёҳатлар мунтазамлик касб этди.

Умумхалқ ва касб байрамлари муносабати билан меҳнат жамоаларида анъана ва қадриятларимизнинг моҳияти ва аҳамиятини кенг ёритувчи, она заминни ардоқлаб, унинг неъматларини, бугунги тинч ҳаётни қадрлаб, шукроналик туйғуси билан яшашга даъват қилувчи маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда.

Ходимларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, ташаббус ва изланишларини қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳар икки йилда «Ўз касбининг моҳир эгалари» аниқланиб, улар муносиб тақдирланмоқда.

Фуқаролар ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқишда қонунийликни таъминлаш, меҳнат ҳуқуқлари бузилганлиги ҳолатларини бартараф этиш юзасидан зарур чораларни кўриш касба уюшмаларининг муҳим вазифаларидан биридир. Шаҳар кенгашига жорий йилнинг дастлабки 9 ойида жисмоний ва юридик шахслардан 106 та мурожаат тушди. 60 таси қаноатлантирилиб, 43 тасига тушунтириш берилди, қолганларининг 1 таси рад қилинди, 1 таси тегишлилиги бўйича бошқа органларга юборилди, 1 таси аноним деб топилди.



ХАЛҚ ЭЪТИРОФИДАН КУЧ ОЛИБ...

Ишсизликни камайитириш, аҳоли бандлигини таъминлашга кўмаклашиш бўйича ҳам салмоқли ишлар олиб борилади. Жумладан, меҳнат соҳасидаги янги жараёнларни таҳлил қилиш учун беқарор бандликни, ҳақ тўланадиган жамоат ишларини, хусусий бандлик агентликлари фаолиятини, касаначиликни мониторинг қилиш жорий этилди.

«Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили» дастури ҳамда «Янги Ўзбекистон – янги касба уюшмалари: Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг 2021-2025 йилларга мўлжалланган стратегик йўналишларида касба уюшмалари фаолиятининг асосий устувор вазифалари» ижроси юзасидан белгиланган вазифаларни амалга оширишда пойтахт касба уюшмалари фаол иштирок этиб келмоқда.

Корхона ва ташкилотларда жамоа шартномалари бажарилиши бўйича бошланғич касба уюшма ташкилотларида йиғилишлар ўтказилди. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, ариза ва мурожаатлар билан ишлашда жамоат назорати тизими йўлга қўйилиб, келиб тушган мурожаатлар муддатида кўриб чиқилди.

Корхона, ташкилот ва муассасалардаги жамоа шартномалари орқали

пенсия ёшидаги шахслар, юбилей саналари нишонланаётганлар, ишламайдиган пенсионерлар (корхоналарнинг собиқ ходимлари), икки ёшдан уч ёшгача бола парвариши учун таътилда бўлган ёш оналар, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар фарзандлари қўллаб-қувватланди.

Аҳолини иш билан таъминлаш ҳудудий дастурига биноан янги иш ўринлари яратилиши устидан касба уюшмалари ташкилотлари томонидан жамоатчилик асосида назорат қилиб борилмоқда.

Меҳнат жамоаларидаги ишчи-хизматчилар, талаба-ёшлар ўртасида «Маънавият соатлари» мунтазам ўтказилди. Байрамлар арафасида беморлар, кексаларнинг ҳолидан хабар олиш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига ёрдам кўрсатиш тадбирлари ташкил этилди.

Ишчи-хизматчиларнинг соғлигини мустаҳкамлаш, турли касалликларнинг олдини олиш мақсадида ишлаб чиқариш гимнастикалари жорий қилиниб, ўқув юртлари талаба ва ишчи-ходимлари ўртасида «Спорт – саломатлик гарови», «Соғлом турмуш тарзи», «Биз эпчил ва чаққонмиз», «Футболимиз келажаги» каби спорт ҳамда маданий-маърифий тадбирлар ўтказиб келинмоқда. Эҳтиёжманд оилалар аёлларининг ва ўн мингга яқин ишчи-ходимнинг республикамизнинг диққатга сазовор жойларига саёҳатлари ташкил қилинди.

Болаларнинг ёзги дам олишини ташкил этишда барча хавфсизлик чоралари кўрилган ҳолда оромгоҳларнинг фаолиятига рухсат берилиб, ўттиз мингдан зиёд болажон корхона ва ташкилотлар тасарруфидаги оромгоҳларда соғломлаштирилди.

Ижтимоий суғурта бюджети ҳисобидан 3770 нафар ходимни санаторийларда соғломлаштириш режалаштирилган бўлиб, соғломлаштириш режаси 165,8 фоизга бажарилди, яъни бошланғич ташкилотлардан қўшимча равишда тушган талабномаларга асосан яна 245 нафар ишчи-ходимнинг соғлиғи тикланди. Халқ таълими вазирлиги ҳамда Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсатининг тегишли қарорига асосан

80 нафар халқ таълими ходими бепул соғломлаштирилди.

Шаҳар кенгашининг касба уюшмаси бюджети маблағлари ҳисобидан бугунга қадар 2976 нафар ишчи-ходимга санаторийларга ва 1188 нафар меҳнаткашга дам олиш уйларига йўлланмалар ажратилди.

Ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя, меҳнатни муҳофаза қилиш, меҳнаткашлар ҳамда уларнинг фарзандларини соғломлаштириш, оммавий-жисмоний тарбия ва маданий ишлар, касба уюшмалари кадрлари билан ишлаш ҳамда уларни ўқитиш устувор йўналишларимиздан.

«Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизлар билан ишлашда, уларнинг муаммоларини ҳал этишда ўзининг фидокорона меҳнати билан барчага намуна бўлган масъулларни муносиб рағбатлантириш мақсадида Хотин-қизлар муаммоларини тизимли равишда ҳал этиш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича Республика комиссияси томонидан турли йўналишларда танловлар ўтказилди.

Касба уюшмаларида электрон ҳужжат айланишини такомиллаштириш, бошланғич ташкилотларга юқори ташкилотларнинг қарорларини тезкор равишда электрон кўринишда етказиш, шунингдек, уларнинг белгиланган муддатларда бажарилишини ташкил этиш соҳасидаги имкониятларни янада кенгайтириш бўйича ҳам тегишли ишлар амалга оширилди.

Умуман олганда, юқорида санаб ўтилганлардан ташқари амалга ошираётган тизимли ишларимиз борки, бу кооперация усулида тадбиркорликни йўлга қўйиш бўладими, меҳнат шароитлари билан боғлиқ мурожаатлар билан ишлашми – барча-барчаси халқимиз эътирофига сазовор бўлиб келмоқда. Бу бизга келгусидаги фаолиятимизни янада ривожлантириш учун куч беради, албатта.

Сайфулла АҲМЕДОВ,
Ўзбекистон касба уюшмалари
Федерациясининг
Ташкилотлар бўлими раиси





Андижон
вилояти

ҚЎРҒОННИНГ ТЎРТ УСТУНИ



«Касаба уюшмалари қандай ташкилот?» деганда, мустамлака даврида кўпчиликнинг онгу шуурида «сиҳатгоҳга йўлланма берадиган идора» деган тушунча бўлгани сир эмас. Мустақиллик йилларида эса мазкур жамоат ташкилоти ўзининг қаддини тиклаб, бор бўй-бабини кўрсатишга интилиб, функционал вазифаларини виждон амри билан адо этадиган кучга айланиб кетди.



Қодиржон ПАРПИЕВ,
Ўзбекистон касаба
уюшмалари
Федерацияси
Андижон вилояти
кенгаши раиси

Айниқса, кўплаб соҳалар ўзининг иш тутумини жиддий тафтиш қилиб, фаолиятини замонавий қарашларга ҳамоҳанг тарзда қайта кўриб чиқарган сўнгги 4-5 йил ичида касаба уюшмалари тизимининг қиёфаси ҳам мутлақо янгиланди. Янаям аниқроқ айтсак, ушбу жабҳага хос ўзгармас йўналишларни ҳаётга татбиқ этишда бугунги кун талабларидан, халқаро тажрибалардан келиб чиқиб иш ташкил этиш оддий қолида айланган. Натижада юқорида таъкид этганимиз – кўпчиликнинг онгида қолиб қолган эски тасавурлар парчаланиб, одамларда касаба уюшмаларига бўлган ишонч мустаҳкамланаётгани, тизимнинг нуфузи юксалиб бораётгани ҳам инкор этиб бўлмас ҳақиқат.

Менга қолса, касаба уюшмаларини ходимларга яхши-ёмон кунда елкадош бўладиган юпанч ва суянч, таъбир жоиз бўлса, ҳимоя кўрғони деб атаган бўлар

Андижон вилояти кенгаши томонидан иш берувчиларга 6 та талабнома, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига 1 та мурожаат киритилди, бир маротаба бошланғич касаба уюшма кўмитасида кўриб чиқилди. Кўрилган чора-тадбирлар натижасида **1 МИЛЛАРД 231 МИЛЛИОН 10 МИНГ СЎМ** миқдоридан қарздорлик ундирилди.

эдим. Ижтимоий муҳофаза, ҳуқуқий ҳимоя, меҳнат муҳофазаси, ходимлар саломатлигини мустаҳкамлаш каби энг муҳим йўналишларни эса кўрғоннинг тўрт тиргагига қиёслаш мумкин. Бу «устун»лар қанчалик пухта бўлса, кўрғон шунча мустаҳкам туради. Айни жумлалар орқали Андижон вилояти мисолида икки муҳим тиргак – ижтимоий муҳофаза ҳамда ҳуқуқий ҳимоя йўналишида олиб борилаётган ишлар хусусида сўз юритсак.

Бугунги кунда вилоятдаги корхона ва ташкилотларда 10 минг 191та жамоа шартномаси амалда. Андижон вилояти ҳокимлиги, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Андижон вилояти кенгаши ҳамда Савдо-саноат палатасининг ҳудудий бошқармаси ўртасида тузилган ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид ҳудудий келишувга асосан, жамоа шартномалари ижросини таъминлаш, улар-

нинг мазмун-моҳиятини давр талаби асосида зарур банд ва бўлимлар билан бойитиш, бу орқали ходимларга меҳнат ва дам олиш борасида қулай шароит яратишга алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Бу эса, ўз навбатида, ижтимоий йўналтирилган Давлат дастурларини ҳаётга татбиқ этиш, жамоа келишувлари ва шартномалари орқали кам таъминланган ва кўп болали оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат қонунчилигига риоя этилиши юзасидан жамоат назоратини кучайтириш каби вазифаларни рўёбга чиқаришда дастак бўлиб хизмат қилмоқда.

Шу ўринда айрим рақамларга эътибор беринг: жорий йилда иш берувчилар маблағлари ҳисобидан 12 минг 102 нафар ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш учун 2 миллиард 765 миллион 300 минг сўм миқдо-

рида маблағ сарфланган. Хусусан, «Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили» дастури доирасида иш берувчи ва касаба уюшмалари ҳамкорлигида 294 нафар пенсия ёшидаги шахсларга 94 миллион 447 минг сўм миқдоридан моддий ёрдам ва совғалар, юбилей санасини нишонлаётган 292 нафар ходимга 78 миллион сўмлик туҳфалар, ишламайдиган пенсионерларнинг 1 минг 136 нафарига салкам 200 миллион сўмга моддий кўмак ажратилди.

Шу билан бирга, икки ёшдан уч ёшгача бўлган фарзандининг парвариши учун 290 нафар ходимага 102 миллион 542 минг сўм миқдоридан таътилда бўлган онага моддий ёрдам, тармоқ корхоналаридаги кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларнинг 2 минг 673 нафар фарзанди учун ўқув қуроллари харид қилиш харажатлари қисман қопланиб, 161 миллион 690миг сўм маблағ йўналтирилди.

Бундан ташқари, кам таъминланган ёш оилалар вакилларига 481 миллион 987 минг сўмлик моддий ёрдам, 56 та корхонада олий ўқув юртларида таҳсил олаётган иқтидорли, кам таъминланган ва чин етим 57 нафар талабанинг ўқув

шартнома пулларининг бир қисмини тўлашга 254 миллион сўм 550 минг сўм ажратилгани, уй-жой қуриш ва мамлакатимизда ишлаб чиқарилган, узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар хариди учун 38 нафар ёш оилага 151 миллион 310 минг сўм миқдоридан, ҳарбий хизматга чақирилиши муносабати билан 33 нафар ёш ходимга 123 миллион 560 минг сўмга тенг фоизсиз ссудалар ажратилгани ҳам жамоа шартномаларидан бугунги ҳаёт заруратидан келиб чиқувчи ҳеч бир жиҳат четда қолмаганини кўрсатади, албатта.

Яна бир гап. Сўз бораётган давр оралиғида корхоналарнинг ходимлар олдидаги иш ҳақи тўловларидан муддати ўтган қарздорликларини бартараф этиш мақсадида бошланғич касаба уюшма ташкилоти ҳамда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Андижон вилояти кенгаши томонидан иш берувчиларга 6 та талабнома, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига 1 та мурожаат киритилди, бир маротаба бошланғич касаба уюшма кўмитасида кўриб чиқилди. Кўрилган чора-тадбирлар натижасида 1 миллиард 231 миллион 10 минг сўм миқдоридан иш ҳақидан қарздорлик ундирилди.

Бандлик мавзуси ҳеч қачон кун тартибидан тушмайди деган масала. Шундан келиб чиқиб, вилоят Бандлик бош бошқармаси ҳамда бошқа ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда 122 маротаба ўтказилган бўш иш ўринлари меҳнат ярмаркаларида касаба уюшмалари ташкилотлари фаол иштирок этди, деб баралла айтишга асосларимиз бор. Ушбу ярмаркаларда 1 минг 759 нафар фуқарога ўзларига муносиб бўлган иш ўринларига ишга жойлашишлари учун йўлланмалар берилди.

Юқорида ҳуқуқий ҳимоя мавзусида сўз очдик. Вилоят кенгашининг ҳудудий меҳнат инспекцияси томонидан йил бошидан шу кунга қадар ҳуқуқий ҳимоя йўналишида келиб тушган 21та ёзма мурожаат атрофлича ўрганиб чиқилди. Уларнинг 5 таси бўйича қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш юзасидан

иш берувчиларга ёзма кўрсатма, 13 нафарига эса тушунтиришлар берилди. Шу ўринда айтиш керакки, қонун бузилиш ҳолатлари қайд этилган тақдирда, Кенгаш муайян ташкилот раҳбариятига кўрсатма ёки тақдимнома киритиш билангина кифояланиб қолмайди. Яъни мурожаатни шунчаки ўрганиб, қоғоз қорайтириш йўлидан эмас, аксинча жараён арзғунинг

290 нафар ходимага 102 МИЛЛИОН 542 МИНГ СЎМ миқдоридан таътилда бўлган онага моддий ёрдам, тармоқ корхоналаридаги кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларнинг **2 МИНГ 673 НАФАР** фарзанди учун ўқув қуроллари харид қилиш харажатлари қисман қопланиб, **161 МИЛЛИОН 690 МИНГ СЎМ** маблағ йўналтирилди.

бузилган ҳуқуқлари тикланиб, то у қаноат ҳосил қилгунга қадар давом этади.

Боя зикр этилган беш нафар ходимни ишга тиклаш билан боғлиқ ҳолатлар бу фикрга яққол исбот. Яъни иш берувчилар кенгаш томонидан тақдим этилган кўрсатманинг ижросини таъминлашни хоҳлашмади. Оқибатда иш судга оширилиб, ходимлар вазифасига тикланди. Шунингдек, уларга мажбурий прогул вақтлари учун жами 17 миллион 123 минг 929сўм миқдоридан ҳақларини ундиришга эришилди.

Шу ўринда айтиш керакки, меҳнат қонунчилиги, иш берувчи ва ходим ўртасидаги муносабатларга дахлдор масалалар юзасидан бошланғич ташкилотларда мунтазам равишда амалий мулоқотлар, тарғибот-тушунтириш ишлари олиб борилиши аънамага айланган. Айни кунга қадар кенгаш ва унинг куйи тузилмалари томонидан 4 минг 165 нафар фуқарога меҳнат қонунчилиги ва бошқа масалаларда ҳуқуқий маслаҳатлар берилгани ҳам бунинг исботидир. Шукрки, шу боис ҳам ташкилотларда меҳнат қонунчилиги билан боғлиқ қонун бузилишлар сони камайиб бормоқда. Бу эса иш берувчиларнинг ҳуқуқлари билан бирга, мажбуриятларини ҳам ҳис этиб бораётганидан, касаба уюшмаларининг талаб ва таклифларига жиддий муносабатда бўлаётганлигидан далолат.



Рустам ХОЛМАТОВ,
Агросаноат мажмуи
ходимлари касаба
уюшмаси Республика
кенгаши раиси

Қишлоқ хўжалиги заҳматкашларининг ҳақ-хуқуқлари, моддий ва маънавий манфаатларини ҳимоя қилиш – Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси республика кенгашининг бирламчи вазифаси.

Айни пайтда кенгаш томонидан 21 та вазирлик, идора ва кўмиталар билан тармоқ келишувлари имзоланиб, жойлардаги соҳага алоқадор ташкилот ва корхоналарда беш мингтадан ортиқ бошланғич ташкилотларда жамоа шартномалари тузилишига эришилди.

Тармоқ касаба уюшмасининг асосий мақсади қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ходимларни аъзолигига жалб қилган ҳолда уларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимоясини йўлга қўйиш, ҳамда улар учун муносиб иш ўринлари яратилишига эришишдир. Шу мақсадларда тизимда бир қатор ижобий ишлар олиб борилмоқда.

Жумладан, тармоқ касаба уюшмаси фаоллари томонидан соҳага алоқадор ташкилотларга ташриф буюрилиб, уларда ишловчи ходимларни касаба уюшмасига аъзолик афзалликлари хусусида тушунтиришлар олиб борилиши натижасида шу йилнинг ўтган тўққиз ойида 2267 та ташкилотда меҳнат қилаётган 37 минг 153 нафар ходим аъзоликка қабул қилинишига эришилди.

Бошқа соҳалар қатори қишлоқ хўжалигини ҳам аёлларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси қишлоқ хўжалигида меҳнат қилаётган хотин-қизлар учун имтиёз ва қулайликлар яратиш борасида кўплаб режалар ишлаб чиқиб, амалиётга татбиқ этмоқда ва ушбу тадбирлар жамоа шартномаларда ўз аксини топган.

Ҳисобот даврида, жамоа шарт-

номалар орқали 300 га яқин аёлларни корхона ва ташкилотларнинг маблағлари ҳисобидан соғломлаштирилишига эришилди. 70 438 та жамоа шартномаларига Икки ёшга тўлмаган болани овқатлантириш учун танаф-

**ЎРГАНИШЛАР НАТИЖАСИДА АНИҚЛАН-
ГАН КАМЧИЛИКЛАР БАРТАРАФ ЭТИЛИБ,
ИШ БЕРУВЧИЛАРДАН ИШЧИ-ХИЗМАТЧИ-
ЛАР ФОЙДАСИГА 10 014 203 660 (ЎН МИЛ-
ЛИАРД ЎН ТЎРТ МИЛЛИОН ИККИ ЮЗ УЧ
МИНГ ОЛТИ ЮЗ ОЛТИМИШ) СЎМ МИҚДО-
РИДАГИ ИШ ҲАҚИДАН ҚАРЗДОРЛИК УН-
ДИРИБ БЕРИЛДИ.**

фуслар бериш имтиёзи киритилиб, ушбу имтиёزلардан 314 нафар хотин-қизлар фойдаландилар.

Асосий мақсадимиз соғлом рақобат, соғлом меҳнат муносабатлари ҳамда соғлом турмуш тарзини яратишдан иборат. Шундан келиб чиққан ҳолда, тармоқ ходимлари, оила аъзолари, фарзандлари учун қулай шароитлар яратиб келинмоқда. Ҳисобот даврида тармоқ касаба уюшмаси аъзоларининг 20 150 нафар фарзандлари болалар дам олиш оромгоҳларига юборилди, 2000 га яқин бошланғич ташкилотда оммавий спорт тадбирлари ўтказилиб, уларда 32 мингдан ортиқ ходимнинг иштироки таъминланди. Республика миқёсида 3000 нафарга яқин ходимлар учун санаторияларга йўланмалар ажратилди.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида 134 та пахта тўқимачилик кластери ва 195 та ғаллачилик кластерлари фаолият юритмоқда. Ҳозирги кунда ушбу кластерларнинг 80 фоизидан ортиғини Агро-

саноат мажмуи касаба уюшма аъзолигига қабул қилинишига эришилиб, қолган кластерлар билан музокаралар давом этмоқда.

Шунингдек, пахта терим мавсумида пахта тераётган кўнгилли теримчиларни шароитларидан хабар олиниб, уларнинг ҳақ-хуқуқи қай даражада таъминланаётганини билиш мақсадида доимий равишда мониторинг олиб борилди ва илғор меҳнаткашлар касаба уюшмаларининг қимматбаҳо совғалари билан рағбатлантирилди. Шунингдек, 711 минг 488 нафар илғор теримчиларга иш ҳақидан ташқари қўшимча мукофот пули тўланишига эришилди.

Ўтган даврда Тошкент вилоятидан «ТСТ Agro Cluster» МЧЖда, Бўка туманидаги «АРК ВУКА» МЧЖ ва «Real Agro cotton» УК, Жиззах вилоятидан «Kamola kamalagi» ХК, Дўстлик тумани ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими, «Дўстлик

дон маҳсулотлари» АЖ, «Жиззах маҳсулсусвупудрат» МЧЖ, «Пахтакор олтинбошоқ» МЧЖ, Хоразм вилоятида Оби - Хаёт Инжиниринг МЧЖ ва бошқа вилоятларда ҳам бир қатор ишлаб чиқариш

муассасаларидаги меҳнат шароитлари ўрганилди.

Ўрганишлар натижасида аниқланган камчиликлар бартараф этилиб, иш берувчилардан ишчи-хизматчилар фойдасига 10 014 203 660 (ўн миллиард ўн тўрт миллион икки юз уч минг олти юз олтимиш) сўм миқдоридagi иш ҳақидан қарздорлик ундириб берилди.

Ҳисоботдаврида жисмоний ва юридик шахслар томонидан 6503 та мурожаат йўланган бўлиб, шундан 3 минг 940 таси ёзма, 2 минг 522 таси оғзаки, 21 та электрон почта ва 20 таси «Ишонч телефони» орқали келиб тушган. Мурожаатлар бевосита касаба уюшма ташкилотлари томонидан кўриб чиқилиб, тегишлилиги бўйича ижобий ҳал этилган.

Тўғри, соҳада иш берувчилар ва ходимлар ўртасидаги меҳнат муносабатларида бир қатор йўл қўйлаётган камчиликлар мавжуд. Зеро, олиб борилаётган ижобий ишларда барча ҳудудлар бирдек жонбозлик кўрсатяпти дея олмаймиз. Масалан, баъзи бир корхоналар ҳалигача ходимлар учун муносиб меҳнат шароитларини яратмаган. Шунингдек, айрим туман, шаҳар кенгашлари томонидан меҳнат муҳофазаси, ишга тиклаш, иш ҳақини ундириш каби масалаларга жиддий ёндашилмаяпти. Айрим ташкилотларда қонуний меҳнат шартномаси тузилишини ўрнига яқка фуқоровий шартномалар тузилаётгани ҳам бор гап.

Лекин бу – вақтинчалик ҳолат. Зотан, ушбу камчиликларни тез фурсатларда бартараф этишга кучимиз, салоҳиятимиз, билимимиз етарли.





Бухоро
вилояти

АЁЛ БАХТЛИ БЎЛСА, ЖАМИЯТ ЮКСАЛАДИ

Ишли одамнинг рўзғори бут, эртанги кунга ишончи мустаҳкам бўлади. Айниқса, бугунги шиддат билан ривожланиб бораётган даврда бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас.

Юртимизнинг ҳар бир ҳудудида корхона-ташкilotлар, бандлик марказлари, мономарказлар фаолият юритиб турибди. Истасангиз, хоҳишингизга кўра, мустақил ишингизни очишингиз, тадбиркорлик билан шуғулланишингиз, маблағ етарли бўлмаса, имтиёзли кредит олишингиз мумкин.

Қолаверса, аҳоли бандлигини таъминлаш, айниқса, хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларга ҳар томонлама кўмак беришда «Аёллар дафтари» ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Хусусан, вилоятимизда унинг 3-босқичида талай ишлар амалга оширилганини қайд этишим жоиз.



**Муҳаммадқосим
ОЛИМОВ,**

Ўзбекистон касаба
уюшмалари
Федерацияси Бухоро
вилояти кенгаши
раиси

Биргина жорий йил январь ойдан бошлаб шаҳарлар ва туманлардаги аҳоли хонадонлари хатловдан ўтказилиб, 30 ёшдан юқори бўлган аёлларнинг муаммо ва таклифлари тизимли равишда ўрганиб чиқилди.

6 та тоифа бўйича уларнинг ижтимоий муаммоларини бартараф этиш, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш борасида мақсадли тизим фаолият йўлга қўйилди, тегишли масъул ташкилотлар белгилаб олинди. Барча туман (шаҳар) ларнинг «Йўл харитаси» ишлаб чиқилди ҳамда халқ депутатлари сессияларида тасдиқланиб, ижрога йўналтирилди.

Шу кунгача «Аёллар дафтари»га киритилган ижтимоий ҳимояга муҳтож ишсиз хотин-қизларнинг 15 466 нафарининг бандлиги таъминланди. Тадбиркорлик қилиш истагидаги 2532 нафар эҳтиёжмандларга қарийб 45 миллиард сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилди.

Боқувчиси бўлмаганларнинг 875 нафарига «Аёллар дафтари» жамғармаси маблағлари ҳисобидан 9,8 миллиард сўмлик бир марталик моддий ёрдам ажратилди. Тўғри, бу маблағлар киши бошига ҳисоблаганда унчалик катта рақамларни ташкил этмаслиги мумкин. Аммо арғамчига қил ҳам қувват эканини унутмаслигимиз керак.

Ушбу тоифага мансуб 60 нафар аёлга уй-жойи таъмирлаб берилгани, ижтимоий ёрдамга муҳтож I ва II гуруҳ ногиронлиги

дам оладиган, оилавий бахтни туядиган мажбурият бўлганига не етсин. Дафтарга киритилганларнинг 132 нафари ана шундай бахтга эришишига кўмаклашилди ва улар бугун ўз хонадомида эмин-эркин умр кечирмоқда.

Яна 95 нафар аёл ижтимоий уйларида яшай бошлади. 157 нафарига ижара шартномалари асосида уй-жойга жойлаштирилиб, ижара тўловлари «Аёллар дафтари» жамғармаси ҳисобидан қоплаб берилди.

Айрим хотин-қизлар ишлашни истасалар-да, қарамоғида ногирон фарзандлари, қаровга муҳтож оила аъзолари борлиги сабабли уйда ўтиришга, уларни параваришга мажбур. Давлатимиз ана шундай тоифадаги аёлларни ҳам ҳисобга олган ҳолда уларга нафақа ажратишни йўлга қўйган. Хусусан, вилоятдаги қарамоғида ногиронлиги бўлган фарзанди мавжуд эҳтиёжманд хотин-қизларнинг 2 347 нафарига бир марталик моддий ёрдам ажратилди. Шу билан чекланиб қолмай, улар доимий даромадга эга бўлишлари учун мазкур тоифага киритилган 181 нафар опа-сингилларимизнинг томорқадан самарали фойдаланишлари учун шароит яратилди, кўмак берилди. Бу ишлар учун Фермерлар кенгаши жамғармаси ҳисобидан 973 миллион сўмлик имтиёзли кредит ажратилди.

Аёл қачонки саломат бўлса, зиммасидаги барча вазифани кўнгилдагидек адо этади. Шу мақсадда «Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизларнинг саломатликларини тиклаш учун ҳам бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди. Жумладан, воҳадаги 12 минг 251 нафар хотин-қиз тиббий кўриқдан ўтказилиб, уларнинг 9 минг 684 нафарига дори-дармон, 1 минг 909 нафарига даволаниш учун ордер, 106 нафарига реабилитация воситалари ва 322 нафарига 69,7 миллион сўмлик бошқа турдаги тиббий ёрдамлар кўрсатилди.

Шу билан бирга, 101 нафар хотин-қиз саломатлигини тиклаши учун жарроҳлик амалиётлари ўтказилиб, 114 нафарига амалиёт учун ордерлар ажратилди. Шу билан бир қаторда дафтарга киритилган хотин-қизларнинг 1684 нафар фарзандларига сифатли тиббий ёрдамлар кўрсатилди. 1540

нафар бола стационар ва амбулатор равишда соғломлаштирилди.

Табиийки, ҳамма ҳам ўз ҳақ-ҳуқуқларидан етарлича хабардор эмас, муаммолари, ҳужжатбозлик ишларида қаерга, кимга муурожаат қилишни билишмайди. Айнан шундан келиб чиққан ҳолда адлия, прокуратура ва ички ишлар тизими мутасаддилари ҳамда хотин-қизлар фаоллари томонидан 18 минг нафардан ортиқ хотин-қизга ҳуқуқий ёрдам кўрсатилди. Айримларига туғилганлик гувоҳномалари олишларида кўмаклашилди.

Оилавий келишмовчиликлар, оғир вазиятларга тушиб қолган аёлларга руҳий кўмак, қўллаб-қувватлаш ҳам ўта муҳим. Руҳан соғлом, дилида яшашга иштиёқ бўлган аёл жамиятда ўз ўрнини топа олади, баркамол авлодни тарбиялайди. «Аёллар маслаҳат кенгаши», аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш маркази, аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази ҳузуридаги «Хотин-қизлар ҳуқуқий, психологик маслаҳатхонаси», умумтаълим мактаблар, касб-ҳунар мактаблар, олий ўқув юрталарининг малакали психологлари томонидан 26 минг 847 нафар хотин-қизга ана шундай психологик ёрдамлар кўрсатилди.

«Аёллар дафтари»га киритилганларга қўшимча ёрдамлар ҳам ажратилмоқда. Хусусан, 711 нафар хотин-қизга 161 гектар ер майдонлари, уларни суғориш тизими ва электр энергияси билан таъминлаш ва бошқалар учун 520 миллион сўмлик субсидия маблағлари ажратилди. 464 нафар аёлга енгил конструкцияли иссиқхона ўрнатиш, суғориш воситалари ҳамда уруғликлар ва кўчатлар сотиб олиш учун 121 миллион сўмлик, 1893 нафар хотин-қизга асбоб-ускуна, меҳнат қуролларини харид қилишлари учун 4,5 миллиард сўмлик субсидия тўлаб берилди.

Бугина эмас. Аёлларимизнинг маънавий ҳордиқ чиқаришлари ҳам эътибордан четда қолаётгани йўқ. Республикаимизнинг диққатга сазовор жойларига 1 минг 200 нафарга яқин хотин-қиз иштирокидаги саёҳат тадбирлари ҳам юқори савияда ташкил қилинди.

Ишсиз аёлларнинг бандлигини таъминлашда уларни кооперацияларга жалб этиш муҳим аҳамият касб этаётир. Хусусан, жорий йил давомида Бухоро вилояти бўйича кооперация усулида тадбиркорликни йўлга қўйиш орқали ишсиз хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш борасида 72 та лойиҳа амалга оширилиб, бу орқали 1520 нафар киши доимий иш ўрни билан таъмин-

ланди, 9089 та хонадондан 10263 нафар аҳолининг кооперация усулида бандлиги таъминланди. Шулардан 6804 нафарини хотин-қизлар ташкил қилади.

Бугунги кунга қадар кооперацион лойиҳалар бўйича «Йўл хариталари» ишлаб чиқилиб, аъзолар рўйхатлари шакллантирилди ҳамда раҳбар ва аъзолар ўртасида шартномалар тузилиши тўлиқ таъминланишига эътибор қаратилмоқда. Мазкур лойиҳаларга 95,7 миллиард сўм маблағ сарфланди.

Кооперация усулида тадбиркорликни йўлга қўйиш бўйича вилоят штаби аъзолари томонидан шаҳар ва туманларда ўрганиш ишлари олиб борилмоқда, туман ҳокимлари, уларнинг ўринбосарлари ва бошқа масъул ташкилотлар вакиллари кооперацияни йўлга қўйиш бўйича ташаббускор тадбиркорлар билан учрашиб, лойиҳаларни муҳокама этиб келмоқдалар.

Бундай кенг қўламли ишлар, албатта, ўз-ўзидан юзага келмайди. У ҳокимият, сектор, маҳалла, иш берувчи ва бошқа хотин-қизлар ташкилотлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни талаб этади. Федерация ташаббуси билан ҳар йили ташкил этиб келинаётган «Энг яхши маҳалла раиси», «Энг яхши сектор раҳбари», «Энг намунали иш берувчи аёл», «Энг яхши ҳоким ёрдамчиси», «Энг яхши хотин-қизлар фаоли» ва «Энг яхши ёшлар етакчиси» республика танлови айнан мана шу мақсадни ўзда мужассамлаштирган. Танловнинг вилоят босқичида ҳам мазкур танлов ғолиб ва совриндорларини муносиб рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилади. Жорий йилги тантанали маросимда

Вобкент туман ҳокими Фарҳод Умаров, Когон шаҳри «MRR NEW STAR 2020» МЧЖ раҳбари Амина Рамазонова, Ромитан тумани «Ўзбекистон» МФЙ раиси Худоев Тешаев, Бухоро шаҳри «Янгиобод» МФЙ хотин-қизлар фаоли Мадина Негматова, Когон шаҳри «Арабхона» МФЙ ҳоким ёрдамчиси Лола Жўраева, Ромитан тумани «Тарнаут» МФЙ ёшлар етакчиси Миршодбек Бозоров танловнинг вилоят босқичи мутлақ ғолиблари қаторида эътироф этилиб, қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

Аёл бахтли бўлса, оила фаровон, мустаҳкам бўлади, жамият юксалади. Ҳукуматимизнинг хотин-қизларга кўрсатаётган эътибор ва ғамхўрлиги мана шу эзгу мақсадларни амалга оширишга хизмат қилмоқда.



воҳадаги **12 минг 251 нафар** хотин-қиз тиббий кўриқдан ўтказилиб, уларнинг **9 минг 684 нафарига** дори-дармон, **1 минг 909 нафарига** даволаниш учун ордер, **106 нафарига** реабилитация воситалари ва **322 нафарига** **69,7 миллион сўмлик** бошқа турдаги тиббий ёрдамлар кўрсатилди.

бўлган, шунингдек, тезкор тиббий муолажага муҳтож аёлларнинг 6314 нафарига 6,8 миллиард сўмлик бир марталик моддий ёрдам ажратилгани, 23 нафарининг уй-жойи соз ҳолатга келтирилгани халқимизнинг эзгу мақсадларини мужассам қилган анъаналари ҳамон бардавом эканини кўрсатади. Уз уйинг ўлан тўшагинг, деб бежиз айтлмаган. Ишдан, кўчадан келиб, бемалол

сўмлик бошқа турдаги тиббий ёрдамлар кўрсатилди.

Шу билан бирга, 101 нафар хотин-қиз саломатлигини тиклаши учун жарроҳлик амалиётлари ўтказилиб, 114 нафарига амалиёт учун ордерлар ажратилди. Шу билан бир қаторда дафтарга киритилган хотин-қизларнинг 1684 нафар фарзандларига сифатли тиббий ёрдамлар кўрсатилди. 1540

Меҳнат муносабатларини тўғри йўлга қўйишда, ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатлари муҳофаза қилишда, улар учун зарур қулайликлар яратиш ҳамда имконият ва имтиёзлар белгилашда касаба уюшмаларининг иштироки муҳим аҳамият касб этади. Бу борада «Uzbekistan Airports» акциядорлик жамияти тизимида ҳам талай ишлар амалга оширилди. Айниқса, ижтимоий шерикликни ривожлантириш, жамоа шартномаларини такомиллаштириб, ҳаётга татбиқ этишда қувончли натижаларга эришилди.

Улуғбек НАЗИРОВ,
Авиация ходимлари
касаба уюшмаси
Республика кенгаши
раиси



ИШОНЧЛИ ҲИМОЯ ОМИЛЛАРИ

Бу йил Ўзбекистон авиация ходимлари касаба уюшмаси республика Кенгаши, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати маркази («Ўз-гидромет») ва «Uzbekistan Airways» акциядорлик жамияти ўртасида тармоқ келишувлари имзоланди. Яқин орада «Uzbekistan Airports» АЖ билан ҳам худди шундай ҳужжат расмийлаштирилиши кутилмоқда.

Бугунга қадар касаба уюшмамизга аъзо ҳамма ташкилот-корхоналар ишчи-ходимлари жамоа-шартномавий муносабатлар билан тўлиқ қамраб олинди. Жорий қонун талабларига биноан, янги жамоа шартномалари ҳам тузилди.

Уюшманинг республика Кенгаши режасига мувофиқ, йил давомида бир қанча кўрик-танловлар ва спорт мусобақалари уюштирилди. Тизимдаги барча бошланғич ташкилотлар иштирокидаги «Электр энергия ва ёқилғи-энергетика ресурсларини тежаш» ҳамда «Энг яхши бошланғич ташкилот» кўрик-танловлари юқори савияда ўтказилди.

Сўнги вақтларда бозор иқтисодиёти шароитида вужудга келган янги иқтисодий муносабатларга мос келадиган меҳнат муҳофазасининг ҳуқуқий асослари яратилмоқда. Ҳаётдаги ўзгаришлару янгиликларни тез ва пухта ўзлаштириб, соҳага кенг ва изчил татбиқ этиш мақсадида турли маънавий-маърифий тадбирлар ташкиллаштирилмоқда. Сўзимизнинг исботи сифатида «Энг яхши меҳнат муҳофазаси бўйича вакил», «Касаба уюшма қўмитасининг меҳнат муҳофазаси бўйича энг яхши комиссияси», «Меҳнат муҳофазаси бўйича ишларни ташкил этган энг яхши корхона», «Меҳнат муҳофазаси бўйича энг яхши ёш мутахассис» деб номланган танловларни келтириш мумкин.

Иш берувчилар ҳамкорлигида ишчи-хизматчиларнинг меҳнат шароитини яхшилаш, хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқий маданиятини ошириш бўйича олиб борилаётган ишлар самараси ҳам чакки бўлмаётир. Айни кезларда эса тизимдаги юридик хизматларни янада такомиллаштириш ҳаракатлари олиб борилаётир. Корхона-ташкilotларда меҳнат қонунчилигига риоя этилиши юзасидан текширишлар ўтказилиб, аниқланган хато-камчиликлар дарҳол бар тараф этилмоқда. Ҳар бир касаба уюшма қўмитаси қошида ходимларнинг ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий муҳофазаси бўйича комиссиялар фаолият юритмоқда. Соҳа ходимларининг шикоят ва аризалари мутахассислар томонидан чуқур ўрганилиб, тегишли чоралар кўрилмоқда.



Шубҳасиз, тизимда маънавий-маърифий ва соғлиқни асраб-авайлаш ишлари самарадорлигини ошириш доимий эътиборда. Жумладан, маданий-оммавий тадбирларга уюшма тарафидан 1,6 миллиард сўмдан, спорт мусобақаларига 524 миллион сўмдан зиёд пул ажратилди. Давомини суриштирсангиз, жорий йил бошидан буён 775 нафар ходим санаторий ва дам олиш масканларида соғлиғини тиклади, ишчи-ходимлар фарзандларидан 905 нафари оромгоҳларда ҳордиқ чиқарди. Тармоқ бўлиналарининг ёшлар етакчилари турли мавзулардаги семинарларга иштирок этишди.

Турли мамлакатлар билан алоқаларни изчил ривожлантириб бориш бизнинг асосий вазифаларимиздан бири саналади. Чунки халқаро тажрибаларни ўрганиш, уларни тизимга босқичма-босқич жорий этиш ҳар томонлама фойда келтиради. Шунга кўра, Ўзбекистон авиация ходимлари касаба уюшмасининг Республика кенгаши Транспортчилар халқаро федерацияси (ITF) ва Авиация ходимлари касаба уюшмалари халқаро бирлашмаси (МОП Авиа) аъзолигига қабул қилинган, Россия, Беларусь, Қозоғистон, Тожикистон ва Қирғизистон авиация ходимлари касаба уюшмалари билан ҳамкорлик шартномалари тузилган.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, бошқа жабҳаларда бўлганидек, бизнинг соҳада ҳам ислохотлар узлуксиз давом этимоқда. Тармоқ касаба уюшмаси ташкилотлари ишчи-ходимлар манфаатларини ишончли ҳимоя қилмоқда.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Жиззах вилояти кенгаши халқимизга муносиб турмуш шароитини яратиш, одамларни рози қилишдек эзгу тамойил асосида ўз фаолиятини давом эттирмоқда.

ИШЛАР КЎП, РЕЖАЛАР БИСЁР



Нусратилла ПАРДАЕВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Жиззах вилояти кенгаши раиси

«Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил» дастури мамлакатимизнинг туризм салоҳияти янада ошишига туртки бўлди. Ушбу дастур доирасида касаба уюшмаси саъй-ҳаракати билан корхона, ташкилот ва муассасаларда ишловчи ходимлар ва

оилаларнинг 1247 нафар фарзанди учун ўқув-курслари, дарсликлар харид қилиш харажатлари қисман қопланди, нодавлат мулк шаклидаги корхона ва ташкилотларда меҳнат қилаётган болали 195 нафар аёлга ойлик маоши сақланган ҳолда иш

100 ўринга мўлжалланган «Коинот» оромгоҳи тўлиқ қайта реконструкция қилиниб, ишга туширилди ва 4 босқичда 380 нафар болани қабул қилди. Бундан ташқари, «Energy» оромгоҳида Қорақалпоғистон Республикасининг Беруний туманидан 135 нафар ва «Зомин болалар оромгоҳи»да Тахтакўпир туманидан 149 нафар боланинг ҳордиқ чиқариши таъминланди.

Оромгоҳларда мавсум давомида ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандларини соғломлаштириш ишлари ҳам олиб борилди. Шароф Рашидов номидаги оромгоҳда «Кўзи ожиз ва заиф кўрувчи болалар мактаб-ин-

ри»га киритилган аёлларнинг фарзандлари, «Коинот» оромгоҳида 100 нафар профилактик ҳисобда турган ўсмир ва кам таъминланган оила фарзандлари туман ҳокимликлари, ҳомийлар ва «Аёллар дафтари» жамғармаси маблағлари ҳисобидан соғломлаштирилди.

Ёшлар – эрта таянчи. Уларни қанча қўллаб-қувватласак, эрта таянчи шунчалик ишончли бўлади. Айниқса, олий таълимга киритилган сармоя энг фойдалидир. Шу туфайли олий ўқув юртларида тўлов-контракт асосида таҳсил олаётган 44 нафар иқтидорли, кам таъминланган ва чин етим талабанинг контракт пули қисман тўлаб берилди. 22 нафар ёш оилага уй-жой қуриш ва мамлакатимизда ишлаб чиқарилган техник воситаларни харид қилиши учун фойсиз ссуда ажратилди. 33 нафар ёш ходимга сафарбарлик захирасидаги ҳарбий хизматга чақирилиши муносабати билан фойсиз ссудалар берилди.

Жиззах политехника институти Саноат технологиялари факультети талабаси Ё.Бойматовга олти ой мобайнида белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг икки баравари миқдорида стипендия тўлаб берилди.

Касаба уюшмалари Федерация-



уларнинг оила аъзоларидан 16571 нафарининг юртимизнинг диққатга сазовор жойларига саёҳати уюштирилди. 262 нафар халқ таълими ходими касаба уюшмалари тизимидаги санаторийларда соғломлаштирилди. Жиззах шаҳридаги 29-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларининг 60 нафари вилоят болалар театрига, 18 нафари «Ўрда» истироҳат боғига, 18 нафари Шароф Рашидов, Ҳамид Олимжон ва Зулфия музейларига, 20 нафари «Ўрда» боғида театрлаштирилган цирк томошаларига ташриф буюрдилар. 242 нафар пенсия ёшидаги шахсга бирйўла моддий ёрдам кўрсатилди. 238 нафар ходимга юбилей сана муносабати билан қимматбаҳо совғалар топширилди. 1028 нафар ишламайдиган пенсионер, 114 нафар ногирон ва ўзгалар парваришига муҳтож кишилар ҳамда 1461 нафар кам таъминланган оила вакилларига моддий ёрдам кўрсатилди.

Жамиятимизда хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, уларнинг яшаш шароитини яхшилаш борасида салмоқли ишларга қўл урилди. Биргина «Аёллар дафтари»нинг жорий этилиши ижтимоий ҳимояга муҳтож аёлларнинг оғирини енгил қилиш йўлида қўйилган дадил қадам бўлди. Вилоятимизда ҳам 2022 йилда 21 723 нафар хотин-қиз «Аёллар дафтари»га киритилган бўлиб, 1 ноябрь ҳолатига кўра, уларнинг 21 минг 572 нафар (99,3 фоиз) ига амалий ёрдамлар кўрсатилди.

Шунингдек, бола парвариши учун таътилда бўлган 256 нафар ёш онага моддий ёрдам берилди. Тармоқ корхоналарида кам таъминланган, боқувчисини йўқотган



вақтини ҳафтасига 35 соатдан ошмайдиган қилиб белгилашга эришилди.

Фарзанд – оила қувончи, ҳаёт давомчиси, жамият таянчи. Бугун юксак маънавиятли, мустақил ва эркин фикрлайдиган, замонавий илмфан ютуқларини пухта ўзлаштирган, ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш долзарб масаладир.

Касаба уюшмалари ҳам дилбандларимиз қувончини кўришга астойдил бел боғлаган. Жумладан, ёзги соғломлаштириш мавсумида уларнинг мазмунли ҳордиқ чиқаришини таъминлаш учун зарур шароитлар яратиб келинмоқда. Биргина жорий йилги мавсумда 92 та соғломлаштириш майдончаси ҳамда шаҳар ташқарисидан жойлашган 10 та стационар оромгоҳ шай ҳолатга келтирилди.

Фориш туманидаги Ёмчи қишлоғида

Фориш туманидаги Ёмчи қишлоғида 100 ўринга мўлжалланган «Коинот» оромгоҳи тўлиқ қайта реконструкция қилиниб, ишга туширилди ва 4 босқичда 380 нафар болани қабул қилди. Бундан ташқари, «Energy» оромгоҳида Қорақалпоғистон Республикасининг Беруний туманидан 135 нафар ва «Зомин болалар оромгоҳи»да Тахтакўпир туманидан 149 нафар боланинг ҳордиқ чиқариши таъминланди.



тернати»нинг 23 нафар тарбияланувчиси, «Камолот» оромгоҳида ота-оналари миграцияда бўлган оилаларнинг 11 нафар фарзанди касаба уюшмалари маблағлари ҳисобидан, эҳтиёжманд, боқувчисини йўқотган оилаларнинг 43 нафар фарзанди вилоят «Маҳалла» хайрия жамғармаси ҳисобидан, «Зомин болалар оромгоҳи»да 14 нафар ногирон ва эҳтиёжманд оила фарзандлари, «Жилғача» оромгоҳида Зафаробод туманининг 70 нафар «Аёллар дафта-

си Жиззах вилояти кенгаши келгусида ҳам мамлакат иқтисодий ривожлантиришга кўмаклашиш, ижтимоий мулоқот ва ижтимоий шерикликни таъминлаш, меҳнатга ҳақ тўлаш билан боғлиқ вазифалар, меҳнат бозори, меҳнат хавфсизлиги ишларини ташкил этиш ва норматив негизини мустаҳкамлаш, камбағалликни қисқартириш, аёллар ва ёшларни қўллаб-қувватлаш каби вазифаларнинг бажарилишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшишни мақсад қилган.

ҚАДРНИНГ МУҚОБИЛИ БЎЛМАЙДИ



Шухрат ҚУРБОНОВ,
Энергетика, нефть-газ ва геология ходимлари
касаба уюшмаси
Республика кенгаши
раиси

Қайси корхона ёки ташкilotда ходимларга муносиб меҳнат шароити яратилса, моддий ва маънавий ҳуқуқлари таъминланса, ўша жойда ривожланиш бўлади. Зеро, ишлаб чиқаришда эришилган ютуқлар бевосита ишчи-ходимлар кайфиятига боғлиқ.

Энергетика, нефть-газ ва геология ходимлари касаба уюшмаси республика кенгаши ҳам 191 минг нафардан зиёд ходимнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилишга астойдил бел боғлаган.

Хусусан, ҳисобот даврида яна 15 та корхонада касаба уюшма ташкилоти тузилди ва жамоа шартномалари қабул қилинди. Шу пайтгача кенгаш вазирлик, кўмита ва акциядорлик жамиятлари билан 9 та тармоқ келишувини имзолади. Улар орасида «Худудий электр тармоқлари», «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари», «Иссиқлик электр станциялари» АЖЛар бор.

Таҳлилларга кўра, жамоа шартномалари орқали ижтимоий ҳимоя чораларини қўллаб-қувватлаш амалиёти йилдан-йилга кенгаймоқда.

«Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили» давлат дастури доирасида жамоа шартномаларида белгиланган тартиб-қоидага биноан, 1 минг 175 нафар пенсия ёшидаги шахсга нафақага чиқиши муносабати билан бир марталик моддий ёрдам ва совға-саломлар берилди. 3056 нафар ходимга юбилей

муносабати билан 4 миллиард 836 миллион сўмлик қимматбахо совғалар топширилди. 2212 нафар ногиронлиги бор ва ўзгалар парваришига муҳтож шахс (корхоналарнинг собиқ ходимлари)га турли байрамлар муносабати билан моддий ёрдам кўрсатилди. Икки ёшдан уч ёшгача бола парвариши учун таътилда бўлган 499 нафар ёш онага, 3446 нафар кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларга моддий ёрдам берилиб, 11 минг 408 нафар боланинг ўқув-қуроллари харажати қопланди.

Шунингдек, олий ўқув юртларида таҳсил олаётган 328 нафар чин етим талабага контракт пуллари-нинг бир қисми тўлаб берилди. 84 та ёш оилага уй-жой қуриш ва маиший техника хариди учун фойсиз ссудалар ажратилди.

Ходимлар меҳнатини муҳофаза қилиш, бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида касаба уюшмалари 150 га яқин корхона ва ташкилот фаолиятини ўрганиб, аниқланган 1300 дан зиёд камчиликни бартараф этди. Бахтсиз ҳодиса иштирокчилари, оила аъзоларига иш берувчилардан 2,5 миллиарддан ортиқ маблағ ундириб берилди.

Ўн ой мобайнида тармоқ касаба уюшмаси республика кенгашига жами 143 та мурожаат келиб тушди. Мурожаатларнинг барчаси тегишлилиги бўйича ижрога қаратилиб, ижобий ҳал этилди. Меҳнат муносабатларини қўпол равишда бузган учта ташкилот раҳбарига тақдимнома киритилиб, ходимлар манфаати



ҳимоя қилинди. Судга берилган олтита даъво аризаси юзасидан ходимлар фойдасига ҳукм чиқарилди.

Кенгаш Ўзбекистон ҳудудида фаолият юритаётган тармоқ тизимидаги халқаро ташкилотлар билан алоқалар ўрнатиш, уларни касаба уюшмасига жалб этиш ҳамда у ерда фаолият юритаётган ишчи-ходимларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларга қулай иш шароитини яратиш, шу билан бирга, халқаро алоқаларни яхшилаш борасида ҳам тизимли ишларни амалга оширомоқда. Натижада кўплаб халқаро ташкилотлар билан алоқалар ўрнатилиб, соҳага оид муҳим ҳужжатлар имзоланди.

Хусусан, Миср Араб Республикаси Коммунал ташкилотлар бош касаба уюшмасининг таклифига мувофиқ жорий йилнинг январь ойида «Меҳнат муҳофазаси ва гигиенаси» мавзусидаги халқаро форумда, февраль ойида «Белхимвпрофсоюз» таклифига биноан Минск (Беларусь Республикаси) шаҳрида бўлиб ўтган Ахборот ишлари бўйича халқаро семинарда иштирок этдик.

Қозоғистон «Атом саноати ходимлари касаба уюшмаси» жамоат бирлашмаси таклифига асосан 14-15 май кунлари Чимкент шаҳрида ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш мақсадида битим имзоланди.

Ҳамкорлик келишувларимиз доирасида 20-23 август кунлари Умумроссия нефть-газ саноати ва қурилиш ходимлари

касаба уюшмаси раиси Александр Корчагин ҳамда «Қозоғистон энергетика тармоқ касаба уюшмаси» жамоат бирлашмаси раиси Бекбас Оразбек Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи ташкил этилганининг 25 йиллигига бағишланган юбилей байрам тадбирида иштирок этиб, касаба уюшма фаоллари билан мулоқот қилди.

Ўзаро тажриба алмашиш, халқаро муносабатларни ривожлантириш ва келгусидаги ишлар бўйича шартномаларни қабул қилиш мақсадида 12-16 сентябрь кунлари Россия нефть-газ қурилиш касаба уюшмасининг Санкт-Петербург шаҳри ва Ленинград областининг худудий касаба уюшма ташкилотларига ташриф буюрилди.

Тизимдаги ёшларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоя қилиш борасидаги фаолиятни янада такомиллаштириш, уларга муносиб меҳнат шароити яратиш мақсадида Энергетика вазирлиги билан ҳамкорлик йўлга қўйилган. Ҳамкорлик доирасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, тасдиқланди. Унга кўра, шу йил тармоқ ташкилотларида меҳнат қилаётган ишчи-ходимлар оилалари ўртасида «Спорт – мустақам оиламиз пойдевори» шиори остида мусобақа ўтказилди. 400 нафардан ортиқ оилавий жамоа уч босқичда бўлиб ўтган спорт мусобақасида спортнинг олти тури бўйича беллашди. Мусобақанинг финали Тошкент вилоятидаги «Энергетиклар» сихатгоҳида ўтказилди.

Умуман олганда, Энергетика, нефть-газ ва геология ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши ўз олдида қўйган вазифаларни муваффақиятли бажарди. Биз кейинги фаолиятимизда ҳам асло шаштимизни туширмаймиз – ишчи-ходимларнинг ҳақ-ҳуқуқларини, ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилишдек улкан мақсадларимиз сари интилаверамиз. Зеро, энергиянинг муқобил манбалари бўлиши мумкин, аммо қадрнинг муқобили бўлмайди.

ҚОЗОҒИСТОН «АТОМ САНОАТИ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ» ЖАМОАТ БИРЛАШМАСИ ТАКЛИФИГА АСОСАН 14-15 МАЙ КУНЛАРИ ЧИМКЕНТ ШАҲРИДА ЎЗАРО ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ МАҚСАДИДА БИТИМ ИМЗОЛАНДИ.



УЛАР ТУПРОҚНИ ТИЛЛОГА АЙЛАНТИРИШАДИ



Мавжуда ХАЛИЛОВА,
Кимё ва фармацевтика
саноати ходимлари
касаба уюшмаси
Республика кенгаши
раиси



Кимё саноати – мамлакатимиз халқ хўжалигининг таянч тармоқларидан бири. Ҳозирда «Ўзкимёсаноат» акциядорлик жамияти корхоналарида 170 дан ортиқ турдаги кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда ва бу Ўзбекистоннинг жаҳон бозоридаги мавқеини мустаҳкамлашда муҳим омил вазифасини ўтаётти.

Тизимда меҳнат қилаётган ишчи-ходимларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоя қилишда Кимё ва фармацевтика саноати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши тизимли ишларни олиб бормоқда.

Корхоналарда «Инсон кадрини улуглаш ва фаол маҳалла йили» Давлат дастури чора-тадбирлари асосида тузилган жамоа шартномалари ва келишувларида асосий диққат-эътиборни ходимларни, ёлғиз кексалар, ёш оилалар, кўп болали, кам даромадли, ёрдамга муҳтож оилаларни, ишловчи ногиронларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш, уларнинг соғлигини муҳофаза қилишни кучайтириш масалалари ижроси бўйича тадбирлар белгилаб олинган.

Жамоа шартномалари ва келишувлари ҳамда йил дастури орқали хотин-қизларни, пенсионерларни ҳамда ёшларни маънавий ва моддий қўллаб-қувватлашга, уларнинг ижтимоий муҳофазасини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган. Бунинг исботи ўлароқ жорий йилнинг ўтган даврида тармоқ тизимидаги корхоналар ва касаба уюшмалари томонидан 405 нафар пенсия ёшидаги шахсга пенсияга чиқишдан олдин бир йўла моддий кўмаклашиб, қимматбаҳо совғалар топширилди. 677 нафар ходимга юбилей саналари муносабати билан қимматбаҳо совғалар, ишламайдиغان 3257 нафар пенсионер (корхоналарнинг собиқ ходимлари)га моддий ёрдам, байрамлар арафасида 983 нафар ногирон ва ўзгалар парваршига муҳтож киши (корхоналарнинг собиқ ходимлари)га, 892 нафар кам таъминланган оилалар вакилларига моддий ёрдамлар кўрсатилди.

Корхоналар томонидан ходимлар диспансеризация кўригидан ўтказилиб, тиббий хулосаларга кўра, иш берувчилар ҳамда касаба уюшмаси томонидан санаторий-профилакторийларга имтиёзли йўланмалар ажратилди. Жумладан, «Биокимё», «Фарғонаазот», «Аммофос-Максам» АЖ, «Деҳқонобод калий заводи» МЧЖ, «Кўнғирот сода заводи» МЧЖда жамоа шартномаларида белгиланган имтиёзларга оғишмай амал қилинмоқда.

Маданият, спорт ва туризмни янада ривожлантириш йўналишида жорий йил давомида бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилган. Тизимдаги корхоналарда ка-

саба уюшмалари ва иш берувчилар томонидан байрамлар арафасидаги дам олиш кунларида уч мингдан зиёд ишчи-ходимга республиканинг тарихий шаҳарлари ва ўз ҳудудларидаги зиёратгоҳларга саёҳатлар ташкил этилди.

«Андижон биокимё заводи», «Кўккон Биокимё», «Аммофос-Максам», «Навоийазот» АЖ, «Кўнғирот сода заводи», «Совпластитал» МЧЖлар, «Навоий электркимё заводи» АЖ ва бошқа корхоналар касаба уюшмалари томонидан ходимлар ва уларнинг оила аъзолари учун Хива, Самарқанд, Бухоро, Тошкент шаҳарларига саёҳатлар уюштирилаётти.

Бугунги кунда амалга оширилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналишлари, кенг кўламли ислохотларнинг мазмун-моҳияти, қабул қилинган қонун ҳужжатлари ва давлат дастурларининг аҳамиятини меҳнат жамоаларида ходимларга атрофича тушунтириш мақсадида ҳар ойда маънавий соатлари, давра суҳбатлари ўтказиш анъана тусини олган.

Тармоқ тизимидаги корхоналар томонидан меҳнатқашларнинг спортга бўлган қизиқишларини янада кучайтириш мақсадида корхона, ташкилот ва муассасаларда фаолият кўрсатаётган ходимлар ўртасида байрамлар арафасида «Соғлом оила», «Спорт – саломатлик гарови» шиори остида спартакиадалар ўтказилиб, ғолиблар диплом ва қимматбаҳо эсдалик совғалари билан тақдирланяпти.

Ходимларга қулай ва хавфсиз меҳнат шaroитларини яратиб бериш устидан жамоатчилик назоратини ташкил этиш доирасида 60 тадан ортиқ корхона ва ташкилотлар фаолияти ўрганилиб, меҳнат муҳофазасига оид 102 та камчиликлар аниқланган, натижалар бўйича иш берувчиларга 18 та тақдимнома киритилиб, касаба уюшмалари аралашуви билан 84 таси бартараф этилишига эришилди.

Тармоқ тизимидаги корхона ва ташкилотлар тасарруфидаги 6 та оромгоҳда жорий йилда 5570 нафар бола, шу жумладан, 42 нафар кам таъминланган оилалар фарзандлари ва турли соҳаларда меҳнат қилаётган ижтимоий ҳимояга муҳтож ходимлар фарзандлари дам олдирилди. Қорақалпоғистон Республикасидан келган 230 нафар болажон «Навоийазот» АЖга қарашли



«Офтобжон» болалар оромгоҳида соғломлаштирилди.

Республика кенгаши ўз фаолиятининг илк кунларидан халқаро турдош касаба уюшмалари билан алоқаларни ўрнатиб, улар томонидан ходимларнинг ижтимоий-ҳуқуқий ҳимояси, хавфсиз меҳнат шaroитларини яратиш, касаба уюшма фаолларини ўқитиш, малакасини ошириш, бўш вақтларини мазмунли ўтказишни ташкил этиш ва бошқа йўналишларда олиб бораётган ишларини ўрганиш, тажриба алмашиш каби ишларни амалга ошириб келмоқда.

Халқаро, айниқса, қўшни давлатлар касаба уюшмалари билан имзоланаётган Меморандумлар нафақат касаба уюшмалари, балки улар орқали корхоналаримиз фаолиятида ҳам муҳим аҳамият касб этаётти.

Ўзбекистон кимё ва фармацевтика саноати ходимлари касаба уюшмаси ҳамда Россия кимё тармоқлари саноати ходимлари касаба уюшмаси Татаристон Республикаси ташкилоти ўртасида тузилган «Дўстлик ва ҳамкорлик келишуви» доирасида жорий йилнинг 22-28 март кунлари Татаристонда бўлиб ўтган, кимё тармоғи касаба уюшма аъзоларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида тажриба алмашиш, касаба уюшма фаолиятига доир муҳим йўналишларда ўзаро ўқувларни ташкил этиш масалаларига бағишланган Росхимпрофсоюзнинг Татаристон Республикаси ташкилоти, Татаристон савдо ва саноат вазирлиги, «Татнефтехиминвест-холдинг» ОАЖ қўшма мажлисида тармоқ касаба уюшмаси вакиллари иштирок этишди.

Ташриф доирасида турдош касаба уюшма ташкилоти – Росхимпрофсоюз Татаристон Республикаси ташкилоти билан алоқаларни янада кенгайтириш, та-

жриба алмашиш ҳамда келгусидаги ҳамкорлик йўналишлари белгилаб олинди. Шунингдек, жорий йилнинг 2-9 июнь кунлари Росхимпрофсоюз Татаристон Республикаси ташкилоти вакиллари Ўзбекистонга ташриф буюришди. Делегациянинг «Ўзкимёсаноат» АЖ ва Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раҳбарияти ҳамда касаба уюшма фаоллари билан учрашуви бўлиб ўтди. Меҳмонларнинг Тошкент, Самарқанд, Навоий, Ангрэн шаҳарларидаги корхоналарга ташрифи уюштирилди.

Ташриф давомида «Навоийазот» АЖ, «Максам-Чирчиқ» АЖ, «Биринчи резинотехника заводи» МЧЖ касаба уюшма аъзоларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида тажриба алмашилди, касаба уюшма фаолиятига доир муҳим йўналишларда ўзаро ўқувларни ташкил этиш масалаларига бағишланган мажлислар ўтказиш, алоқаларни янада кенгайтириш ҳамда келгусидаги ҳамкорлик йўналишлари белгилаб олинди.

Иш бор жойда, табиийки, муаммолар юзага қалқиб чиқиб туради. Жорий йилда Республика кенгашининг юридик хизмати 59 та мурожаат қилинди. Уларнинг 55 таси қаноатлантирилди, 4 тасига тушунтириш берилди. 3 нафари ноқонуний ишдан бўшатирилганлиги сабабли касаба уюшмаларининг аралашуви билан қайта ишга тикланди.

Фуқароларга меҳнат муносабатларига оид масалаларда бепул ҳуқуқий хизмат кўрсатилмоқда. Республика кенгашининг «Ишонч телефони» орқали фуқаролардан билдирилган оғзаки мурожаатларнинг барчаси бўйича амалдаги қонунчилик асосида тушунтириш ва тавсиялар берилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуслари билан йўлга қўйилган «Аёллар дафтари» тизими бўйича олиб борилаётган ишлар натижасида ўтган давр мобайнида мазкур дафтарга киритилган хотин-қизларнинг муаммолари ҳал этилишига кўмаклашилди.

Олдимизда турган ишлар салмоғи яна ҳам залворли. Биз келгусида иш берувчилар билан музокаралар олиб бориш, меҳнат ҳуқуқи поймол бўлган ишчилар манфаатларини ҳимоя қилиш, аъзоларимиз сафини кенгайтиришда давом этамиз. Мақсадимиз «Инсон қадрини учун» деган ғоя атрофида бирлашиш, ишчи-ходимлар билан биргаликда эзгу орзу-ниятларимизга эришишдир.





Юрт тараққийети йўлида бирлашайлик!



Навоий
вилояти

Кўнгилга тушган офтоб нурлари

Хаёт гўзаллиги, оила мустақамлиги, фарзандлар бахт-иқболи, кўнгиллар хотиржамлиги, шубҳасиз, аёл билан. Эрларнинг тожу тахти ҳам уларнинг фариштали аёллари билан тўқис.



Назира ТОҒАЕВА,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Навоий вилояти кенгаши раиси

Мен ҳам оддий аёлман, онаман. Фарзандларим жиддийроқ ишга қўл урмоқчи бўлишса, ниятларининг вожиб-новожиблигини мендан сўрашади. Мен отангдан сўра, дейман. Хаттоки, узокроқ жойдаги тўйларга, дўстларининг туғилган кунларига боришни истасалар ёки рўзгоримиз учун нимадир сотиб олишни режалаштирган бўлсалар, дастлаб мендан изн сўрашади. Мен яна отасини ўртага қўшаман. Чунки отанинг ўрни оилада ўзгача бўлиши керак-да!..

Нафақат мен, балки оиласи, фарзандлари келажакни, турмуш ўртоғининг иззат-хурматини ўйлаган барча аёллар шундай йўл тутишига заррача шубҳам йўқ. Ахир рўзгорининг юки отанинг зиммасида бўлгандан кейин бошқача бўлиши мумкинми, ахир?! Буни англаш ва англашиш учун оналар меҳр-андишали, фарзандлар зукко бўлишлари жоиз.

Хўш, ҳамма оила ҳам сиз ва биз истаган даражадами? Бешта бармоқ баробар эмас. Бирда ундок, бирда мундоқ, кимларнингдир оиласида ҳамма нарса тўқис, кимларникида етишмовчилик, кемтиклик мавжуд. Кези келганда қўли калталиқ ҳар қандай оилани пароканда қилиб юбориши мумкин. Ушбу заҳматнинг тенг ярми, гоҳида ярмидан кўпроғи ҳам аёлларнинг зиммасига тушаётгани сир эмас.

Ўйлаб кўрсам, ҳаётнинг аёлга аталган оғриқлари жуда кўп экан. Аёл уй сўради, сигир соғадди, кир ювади, далага

чиқиб пахта терадди, саратон жазирмасида сомон ташийдди, фарзандининг бировдан кам бўлмаслиги учун ҳатто бегоналарнинг чўрилигини қилади, баъзида отасидан дакки, онасидан қарғиш, фарзандидан нолиш эшитади. Эрининг зуғумига ҳам чидашга мажбур. Қўшнисининг ғийбатидан зада бўлиб пана жойдан паноҳ излайди. Яқин кишиларидан бирини йўқотса, кўксига муш-лаб йиғлайди. Шунда ҳам ўзини ўйламайдди. Оиласи, рўзғори учун ниманидир умид билан кутиб яшайди. Кези келганда, ўзини ўзи

овутади. Бу кунлар ҳам ўтиб кетар, дейди. Лекин бу кунлар ўтунича кўп нарсасини бой берганини ўзи ҳам билмай қолади. Яна кўчада нима кўп, аёллар айниб кетди, бозорларни эгаллаб олди, деган таъна-дашномлар кўп. Аёл буларнинг ҳаммасига чидайди, ичига ютади.

Аччиқ бўлса-да, тўғриси айтаман, аслида аёл айнимади, аёл ўзгармади, билъакс. Узок йиллар мобайнида жамиятда аёлларни ҳар ишга мажбур қиладиган ҳолатлар яратилди. Камбағаллик авж олди. Эмин-эркин яшашга сунъий тўсиқлар қўйилди. Эркаклар ишсиз, иложсиз, имконсиз ҳолга келтирилди. Улардан аввалига ғурурини, ор-номусини тортиб олишди. Куч-қудратини, шакл-шамойилини тўқишди. Ҳаёт шундай тусга кирдики, хотинлар эрларини, эрлар фарзандларини, ака-укалар опа-сингилларини тан олмай қўйишди.

Яқинда 60 ёшга кирдим. Умрим давомида камхарж, камсуқум опа-сингилларимиз қаторида шундай сабр-тоқатли, тadbирли, садақатда тенгсиз аёлларимизни ҳам кўрдимки,

МАМЛАКАТИМИЗДА ҲАҚИҚИЙ САОДАТГА ЕТКАЗИШ МАҚСАДИДА АМАЛГА ОШИРАЁТГАН МУҲИМ ИШЛАРДАН ЯНА БИРИ, БУ АЁЛЛАРГА НАФАҚА ТАЙИНЛАШ ПАЙТИДА БОЛА ПАРВАРИШИ ТАЪТИЛИДА БЎЛГАН ВАҚТНИ ҲАМ ИШ СТАЖИГА ҚЎШИБ ҲИСОБЛАНИШИДИР. ФАРЗАНД ТАРБИЯСИ УЧУН КЕТГАН 3 ЙИЛНИ 6 ЙИЛГА ТЕНГЛАШТИРИШ ЭСА, ХОТИН-ҚИЗЛАРИМИЗ УЧУН ҲУКУМАТИМИЗ ТОМОНИДАН ТАЙЁРЛАНГАН АЖОЙИБ СОВҒА ДЕСАК, АСЛО МУБОЛАҒА БЎЛМАЙДИ.

уларга чин дилдан ҳавас қилган пайтларим кўп бўлди. Но-жоиз бўлса-да айтиш, эри жуда ночор, қўлида ҳунари йўқ, фарзандларнинг уст-боши юлун, дастурхони ночор, қозони бир кун қайнаса, бир кун қайнамайди. Аммо аёл сирини кўчага чиқармайди. Ўзини оиласига, эрига «сажда қилиб» яшайди. Уйда йиғласа ҳам кўчада кулиб кетаверади. Мана сизга қаноат, мана сизга уйим-жойим дея ўзини ўтга-чўққа урадиган ҳақиқий аёллар! Хайриятки, бундай фидойи опа-сингилларимизнинг, қизла-

римизнинг кутган куни келди. Бугун бардошига яраша кўнгилларига офтоб туша бошлади.

Президент Шавкат Мирзиёев хотин-қизларнинг ҳаётини тубдан яхшилаш, уларнинг камқўстини бутлаш, оғирини енгил қилиш учун нимаики зарур бўлса, ҳаммасини амалга оширмоқда. Имконият топмоқда. 2022 йилнинг январидан бошлаб октябрь ойига қадар бизнинг Навоий вилоятимизда «Аёллар дафтари»га киритилган 20 минг 444 нафар хотин-қизларнинг 4 минг 871 нафарига, шунингдек, уларнинг 390 нафар фарзандларига бепул тиббий хизматлар кўрсатилди. 5 минг 944 нафар опа-сингилларимиз ишга жойлаштирилди. 1 минг 647 та хотин-қизларга кредитлар ажратилиб, тadbиркорликка йўналтирилди. Уй-жойга муҳтож, боқувчисини йўқотган опа-сингилларимизнинг 53 нафари уй-жой билан таъминланди. Ногиронлиги бўлган замондошларимиздан 220 нафарининг уй-жойлари таъмирлаб берилди. Йил охирига қадар бундай эзгу ишлар қўлами янада кенгайиши, бу рақамлар ҳажми янада ортиши аниқ. Биз ҳозирча амалга оширилган ишларнинг баъзиларини эсга олдиқ, холос.

2022 йилга «Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили» дея ном берилгани ҳам бежиз эмас. «2020-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси»да белгилаб берилган энг устувор вазифалар ҳам йилнинг номларига ҳамоҳанг бўлиб, ҳар иккала ҳужжат фақат инсон манфаатларини, аёлларимизнинг кадр-қимматини мустақам ҳимоя қилишга асослангандир.

Мамлакатимизни ҳақиқий саодатга етказиш мақсадида амалга оширилаётган муҳим ишлардан яна бири, бу аёлларга нафақа тайинлаш пайтида бола парвариши таътилида бўлган вақтнинг ҳам иш стажига қўшиб ҳисобланишидир. Фарзанд тарбияси учун кетган 3 йилни 6 йилга тенглаштириш эса, хо-



тин-қизларимиз учун ҳукуматиимиз томонидан тайёрланган ажойиб совға десак, асло муболаға бўлмайди.

Мен ҳам аёл, ҳам нодавлат-нотижорат корхонанинг раҳбари сифатида бемалол айта оламанки, юртимизда «Аёллар дафтари»нинг юритилиши минг-минглаб хонадонларга нур олиб кирди. Кўнгилларни яшнатди. Кўпчилик ҳаётга қайтарди. Бу «дафтар» билан боғлиқ асосий вазифаларнинг Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига юклатилиши худди шу тизимда ишлаётганим учун шахсан менинг зиммамга ҳам катта масъулият юклади. Бевосита давлат раҳбарининг ўзидан топшириқ олиб ишлаш аслида ҳаммага ҳам насиб этавермайдиган бахт. Биз фаолият олиб бораётган касаба уюшмалари тизими давлатнинг доимий диққат-эътиборида туриши барчамизни икки ҳисса ортиқча куч билан ишлашга чорлаши лозим.

Президентимизнинг одилона сиёсати туфайли уй-жойли, ишли ва даромадли бўлган, соғлиқларини тиклаб олган, фарзандларининг кўзларига бемалол тик қарай олаётган опа-сингил-

ларимизнинг қувончига шерик бўлишнинг ўзи катта бахт. Энг муҳими, бу каби аёлларимизнинг қалбларида «Бизга ҳам қарайдиган раҳбар, бизни ҳам сўрайдиган Президент бор экан-ку!» деган самимий дил розларини ҳис қилиш кишини жуда-жуда руҳлантиради. Ич-ичингдан шукроналик туясан, беихтиёр.

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг турмушини тубдан яхшилашга қаратилган ислохотлар, режалаштирилган ишлар тўғрисида кўп ва хўб гапириш мумкин. Замона зайлидан келиб чиққан ҳолда бемалол айтиш мумкинки, орадан бироз вақт ўтиб аёлларимизнинг ҳаётида бундан-да залворли, кескин ўзгаришлар бўлиши муқаррар.

Шукрлар бўлсинки, юртимиз тинч. Муҳими, ҳар биримизда эртанги кунга ишонч бор. Бас, шундай экан, бугун кечадан, эртага бугунгидан яхшироқ меҳнат қилган киши ҳеч қачон ютқазмайди. Эркакларимизга ғурурини, ор-номусини, аёлларимизга саришталиги-ю фаришталигини қайтариш учун шууримизда истак топиладими? Топилади! Демак, ҳаммаси ўзимизга боғлиқ.

Металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касабаси уюшмаси Республика кенгаши шу йилдаги устувор йўналишлардан келиб чиқиб, тизимли ишларни амалга оширди.

АЪЗОЛАР ИШОНЧИ – БИЗ УЧУН ҚАНОТ

Аҳмаджон ҲАҚҚУЛОВ,
Металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касабаси уюшмаси Республика кенгаши раиси



Муҳими, жамоа шартномаларидаги бандларнинг тўлиқ бажарилишига эришилди. Иш берувчилар томонидан иш ҳақининг кафолатланган энг кам миқдорига оғишмай риоя қилиниши устидан касабаси уюшмаларининг жамоатчилик мониторинги йўлга қўйилди.

775 нафар шахс пенсияга чиқишидан олдин бирйўла моддий ёрдам ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. 713 нафар ходимга юбилей саналари муносабати билан, 616 нафар ишламайдиган пенсионерга, 85 нафар ногиронлиги бўлган шахс ва ўзгалар парварлишига муҳтож кишига байрамлар арафасида, 339 нафар икки ёшдан уч ёшгача бола парвариши учун таътилда бўлган ёш онага моддий ёрдам кўрсатилди. Тармоқ корхоналарида кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларнинг 1425 нафар фарзанди учун ўқув қуроллари, дарсликлар харид қилиш харажатлари қисман қопланди. 1510 та кам таъминланган оила вакилларига моддий ёрдам кўрсатилди. Олий ўқув юртларида таҳсил олаётган 165 нафар иқтидорли, кам таъминланган ва чин етим талабга ўқув-шартнома пуллари қисман тўлаб берилди. 631 та ёш оилага уй-жой қуриш ва мамлакатимизда ишлаб чиқарилган, узоқ муддат фойдаланиладиган товарларни харид қилиш учун, 110 нафар ходимга сафарбарлик захирасидаги ҳарбий хизматга чақирилиши муносабати билан фоизсиз ссудалар берилди.

«Ўзавтосаноат» ва «Ўзэлтеханоат» акциядорлик компаниялари билан жорий йил учун Меҳнат муҳофазаси бўйича тадбирлар режаси имзоланди ва уларнинг оғишмай бажарилиши устидан доимий равишда назорат олиб борилмоқда.

Вилоятлардаги тармоқ корхоналарининг муҳандис-техник ходимлари, бошланғич касабаси уюшма ташкилотлари аъзолари иштирокида «Меҳнатни муҳофазаси қилиш тўғрисида»ги қонун юзаси-

дан семинарлар ўтказилди. Ходимлар ва иш берувчиларга қонунга киритилган ўзгариш ва қўшимчалар моҳияти кенг тушунтирилди.

Иш жойларини шаҳодатдан ўтказиш натижалари асосида корхоналарда ишлаб чиқариш муҳити, меҳнатни ташкил этиш ва унинг хавфсизлиги, меҳнат ва дам олиш тартиби, ходимларга ижтимоий-маиший хизмат кўрсатишга оид меъёрий талабларни ўз ичига олган ҳар бир иш жойига мослаб иш шароити тартиб-қоидалари ишлаб чиқилишига эришилмоқда.

Тармоқдаги бошланғич касабаси уюшма ташкилотлари иш берувчилар билан ҳамкорликда меҳнат муҳофазаси қонунчилиги талабларини бажариш, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларига чалинишларнинг олдини олиш, ишчиларни меъёрларда белгиланган махсус кийим, пойабзал ва шахсий ҳимоя воситалари билан таъминлаш, уларнинг тўлақонли дам олишларини ташкил этиш бўйича ишлар устидан жамоатчилик назорати ўрнатилди. Касб касалликларига чалинишларнинг олдини олишда иш жойларини шаҳодатлашдан ўтказиш муҳим аҳамиятга эга эканлиги инобатга олиниб, бугунги кунда 95 фоиздан ортиқ тармоқ корхоналарида иш жойлари шаҳодатлашдан ўтказилган ва бу жараён давом этмоқда.

Тармоқ касабаси уюшмаси тизимидаги корхона, ташкилот ва муассасалар томонидан меҳнатни муҳофазаси қилиш бўйича «Ўзавтосаноат» АЖ билан ҳамкорликда мустақиллигимизнинг 31 йиллиги муносабати билан ўтказилган «Ходимларга хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш, ишлаб чиқариш эстетикаси ва маданиятини юқори даражага кўтариш» кўрик-танлови ташкил этилди. Унда 35 та энг илғор бошланғич ташкилот қатнашди.

Республика кенгаши юридик хизмати томонидан ва тармоқ тизимидаги барча бошланғич касабаси уюшма ташкилотларида касабаси уюшмалари олдида турган устувор вазифалар, яъни меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнатга оид ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жамоа шартномаларида белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларининг жойлардаги ижроси, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини ҳал этиш, ҳуқуқий маслаҳат ва ҳуқуқий тарғиботларни ташкил этиш ҳамда қонун ижодкорлиги соҳаларида бир қатор ишлар амалга оширилди.

Шу кунга қадар фуқаролардан Республика кенгашига 31 та мурожаат келиб тушди. Уларнинг 19 таси қаноатлантирилди, 11 тасига ҳуқуқий тушунтириш берилди, 1 таси тегишлилигига кўра бошқа ташкилотга юборилди.

«Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонун ҳамда «Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси тизимида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги Низом» талабларининг бажарилиши тўғрисидаги масала тармоқ ходимлари касабаси уюшмаси Республика кенгаши Ижроия қўмитасида кўрилиб, Республика кенгаши раҳбарияти ва масъул ходимларининг тармоққа қарашли корхона, ташкилот ва муассасаларда сайёр қабул ўтказиш жадвали ишлаб чиқилган бўлиб, у бугунги кунда ўз самарасини бераётир. Андижон, Фарғона, Наманган, Навоий, Самарқанд, Жиззах, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳрида фаолият юритувчи тармоққа қарашли корхона, ташкилот ва муассасаларда тузилган бошланғич касабаси уюшма қўмиталари раислари иштирокида семинарлар ўтказилди.

«Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил» дастури бўйича тармоқ тизимидаги ташкилотлар ходимлари ва уларнинг оила аъ-

золаридан 1000 нафардан зиёдининг Хоразм, Самарқанд, Бухоро ва республикамизнинг тарихий жойларига саёҳатлари уюштирилди. 1 июнь – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан тармоқ корхона ва ташкилотларида меҳнат қилаётган ишчилар фарзандлари учун 250 нафар болага «Цирк» ҳамда «Ашхобод» сайлгоҳига бепул чипталар тақдим этилди. Болаларни ёзги соғломлаштириш мавсуми давомида тармоқ касабаси уюшма корхоналарига тегишли бўлган 5 та оромгоҳга 2 млн. 650 минг сўмлик китоблар олиб берилди.

Жорий йилнинг ёз мавсумида 5 та стационер болалар оромгоҳи фаолият кўрсатиб, уларда 6649 нафар, шундан «Energy» болалар соғломлаштириш оромгоҳида Қорақалпоғистон Республикаси меҳнаткашларининг 136 нафар фарзанди соғломлаштирилди. Оромгоҳларни мавсумга ўз вақтида талаб даражасида тайёрлашда корхона ва ташкилот раҳбарлари, касабаси уюшма қўмиталари масъулият билан ёндашиб, белгиланган ишларни ўз вақтида амалга оширдилар. Ёшларда ватанпарварлик, юртга садоқат, ҳалоллик ва мардлик туйғуларини мустаҳкамлашга қаратилган маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилди. Ёз мавсумида ёшлар ўртасида экологик маданиятни ривожлантириш мақсадида «Экотуризм» акцияси ташкиллаштирилиб корхона, ташкилот ва муассасалардан 443 нафар ёшлар қамраб олинди.

Тармоқ касабаси уюшмаси тизимидаги корхона, ташкилот ва муассасалар томонидан ёшлар масалалари бўйича 428 та тадбир ташкил этилиб, уларда 15142 нафардан зиёд ёшларнинг фаол иштироки таъминланди.

Умуман олганда, тармоқ тизимида амалга оширилаётган ишлар, кўрсатилаётган эътибор натижасида ишчи-ходимлар ўз фаолиятларида юқори самарадорликка эришишяпти.





Наманган
вилояти

ҲАМИША КЎМАККА ШАЙМИЗ!



Ҳасан ХОЖАЕВ,
Ўзбекистон касаба
уюшмалари
Федерациясининг
Наманган вилояти
кенгаши раиси

Очиғи, эрталаб ишга келганим ҳамона остонада мени интиқлик билан кутиб турган кишиларни кўриб, касаба уюшмалари тизимида ишлаётганимдан, бу ташкилот халқ ишончини оқлаётганидан, қилган меҳнатларим туфайли, озми-кўпми, элга нафим тегаётганидан фахрланаман. Касаба уюшмалари бугунги кунда ишчи-ҳодимлар манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича ўз ўрнига ва ўз сўзига эга тузилмага айланиб бораётганидан қувонаман.

Ҳеч кимга сир эмас, қайси ташкилотда фаолият юртишидан қатъи назар, ҳар қандай ходим, аввало, ўз жамоасида иш ўрни кафолатланишини, муносиб шароитларда ишлашни, маошини вақтида олишни, ҳеч қурса, йилда бир марта таътилга чиқиб, соғлиғини тиклашни ис-тайди. Бу борада барча касб эга-

фар ходим ва талабалар ижтимоий ҳимояга олинган. Ҳар бир ишчи-ҳодим қандай меҳнат шароитида ишлаши, уларнинг турмуш тарзи бошланғич ташкилотларимиз масъулларига яхши аён. Бундан ташқари, улар барча ишчи-хизматчиларни жамоа шартномасида белгилаб қўйилган тартиб-қоидалардан ва меҳнат қонунчилигидан хабардор қилишган. Шунинг учун ҳам кейинги пайтларда ишдан ноҳақ бўшатиш ҳолатлари кам кузатиляпти.

Зеро, ўтган йиллар мобайнида «Касаба уюшмалари тўғрисида»ги қонунга, ишчилар манфаатларини ҳимоя қилувчи локал ҳужжат – жамоа шартномаларига кири-тилган ўзгартиш ва қўшимчалар билан яқиндан таниш-ган киши уларнинг ҳар бир банди ва бўлимида ходим-лар манфаатига янада кўпроқ эътибор қаратилганининг гувоҳи бўлади. Уларнинг мазмун-моҳиятига чуқурроқ разм солсангиз, иш берувчи бинойидеккина ишлаб тур-

ўз тартиб-қоидалари борлигини, иш берувчи, аввало, касаба уюшмаси розилигини олиши лозимлигини унутмаслик керак!

Энди бево-сита аъзолари-миз манфаатлари учун қилинган амалий ишларга тўхталайлик. Ўзбекистон касаба уюшмалари Фе-

Кенгашнинг меҳнат инспекциясига эса фуқаролардан 36 та мурожаат тушди. Улар асосида амалга оширилган ишлар натижасида ходимлар манфаатига 16,7 млн. сўм миқдоридаги иш ҳақлари ундирилди. Фуқаролик ишлари бўйича судларда ходимлар манфаатларини кўзлаб иштирок этган ҳолда мурожаатчиларнинг бекор юрган кунлари учун жами 224 млн. сўмлик миқдоридagi иш ҳақлари ундириб берилишига эришилди.



дерацияси Наманган вилояти кенгашининг Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари билан ишлаш бўлимига жорий йил бошидан ҳозирга қадар жами 58 та ариза ва мурожаат келиб тушди. Шунга кўра, фуқаролик ишлари бўйича туманлараро суднинг 58 та мажлисида қатнашиб, 41 нафар ходимнинг манфаатлари ҳимоя қилинди. Пировардида, иш берувчилар ҳисобидан ходимлар фойдасига 130 мил-

лион сўм миқдоридagi қарздорлик ҳамда зарар пуллари ундириб берилди.

Кенгашнинг меҳнат инспекциясига эса фуқаролардан 36 та мурожаат тушди. Улар асосида амалга оширилган ишлар натижасида ходимлар манфаатига 16,7 млн. сўм миқдоридagi иш ҳақлари ундирилди. Фуқаролик ишлари бўйича судларда ходимлар манфаатларини кўзлаб иштирок этган ҳолда мурожаатчиларнинг бекор юрган кунлари учун жами 224 млн. сўмлик миқдоридagi иш ҳақлари ундириб берилишига эришилди.

Кўриб турибсизки, бугун касаба уюшмалари замон билан ҳамнафас қадам ташламоқда. Биз ишчи-ҳодимлар дардини тинглашга, зарур вақтда ёрдамлашиб, оғирини енгил қилишга, шу тариқа уларни рози қилишга ҳамиша шаймиз!

ларига холис ва бегараз ёрдамлашиш, уларнинг манфаатларини ҳимоялаш касаба уюшмаларининг асосий вазифаларига киради.

Айни дамда биз томонимиздан 2706 та бошланғич касаба уюшма ташкилотига бирлашган 377 минг 749 на-

ган ходимни оддий важ-корсонларни рўқач қилиб, вазифасидан бўшатиши, унинг ўрнига ўзига ёққан кишини ишга олиши билан боғлиқ ноҳушликларга панжа орасидан қарашга касаба уюшмаларининг асло ҳаққи йўқ.

Эҳтимол, сиртдан қараганда, йирик ташкилотда битта ходимнинг лавозимидан бўшатилиши катта муаммодек туюлмас, аммо у шу жамоадан олаётган маоши эвазига оила аъзоларини боқиб, рўзғорини тебратаётганини назарда тутсак, бу ҳолатни бир неча кишининг ризқига чанг солиш деб баҳолаш мумкин.

Бугун ижтимоий тармоқларда ўқувчисига жаҳл устида қўл кўтарган ўқитувчи, беморни даволаган бўлса-да, айрим сабаблар туфайли маломатларга қолган шифокорлар ҳақидаги видеоларни элга намойиш қилиб, айюҳаннос солаётганларни, уларни ишдан бўшатишни талаб қилаётганларни кўп кўряпмиз. Аммо бу жараённинг



САЛОМАТЛИК ПОСБОНЛАРИ БИЗНИНГ ҲИМОЯМИЗДА



Фарҳод ХАНАПИЯЕВ,
Соғлиқни сақлаш
ходимлари
касаба уюшмаси
Республика кенгаши
раиси



Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши тармоқдаги ходимларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида тизимли равишда қатор чора-тадбирларни амалга ошириб келмоқда. Бугунги кунга қадар 4 мингга яқин ташкилотда фаолият кўрсатиб келаётган ходимларга амалдаги қонун ва меъёрий ҳужжатларда назарда тутилганидан кўра кўпроқ имтиёз ва кафолатлар белгилаш мақсадида жами 804 минг нафардан зиёд касаба уюшмаси аъзолари манфаатларини ифодаловчи 5 та тармоқ келишуви ва 1065 та жамоа шартномалари тузилди.

Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси республика кенгаши Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги, «Дори-дармон» акциядорлик компанияси, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси қошидаги «Санатор-курортлар бошқармаси» унитар корхонаси, Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти каби ташкилотлар билан тармоқ келишуви тузишга эришди. Шунингдек, мазкур ижтимоий шериклар тасарруфидаги корхона ва ташкилотлар ходимлари билан юз фоиз жамоа шартномалари тузилган. Аъзолар сони бўйича энг йирик ижтимоий шеригимиз бўлган Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан тузилган тармоқ келишуви, вазирлик тасарруфидаги ташкилот ва муассасалар билан бошланғич ташкилотлар ўртасидаги жамоа шартномаларига охириги 5 йил давомида 187 та янги бандлар киритилган бўлса, шулардан 123 таси ходимларга амалдаги қонун ва қонуности ҳужжатларида белгиланганидан кўра кўпроқ имтиёз ва кафолатларни назарда тутувчи бандлардир.

Тан олиш керакки, яқин-яқинларгача келишув ва шартномаларга ходимларнинг иш ҳақини ошириш билан боғлиқ масалаларни киритиш мушкул эди. Лекин сўнгги йилларда мамлакатимизнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган кенг ислохотлар сабабли ҳамда узоқ вақт олиб борилган музокаралар натижа-сида тунги навбатчилик, байрам ва ишламайдиган кунларда оширилган иш ҳақи тўлаш юзасидан вазирлик билан фойдали келишувга эриша олдик. Ҳозирги кунда тунги навбатчилик жорий этилган муассасаларда янги бандларга асосан ходимларнинг моддий манфаатдорлиги оширилди.

2019 йилда тармоқ бўйича жамоа шартномалари бандларини қўллаш орқали ҳар бир ходимга сарфланган маблағ 4 миллион 660 минг сўмни, 2020 йилда 5 миллион 323 минг сўмни ташкил этган бўлса, 2021 йилда ушбу кўрсаткич 7 миллион 900 минг сўмга етказилди.

Жамоа шартномалари орқали иш берувчилар томонидан меҳнат муҳофазасига сарфланган маблағ 2019 йилда 303 минг сўмни, 2020 йилда 529 минг сўмни, 2021 йил эса 1 миллион 838 минг сўмни ташкил этди.

Табиики, меҳнат муҳофазасига риоя этилмаган корхона, ташкилот ёки муассасада иш унумдорлиги кутилгандек бўлмайди. Бундай ҳолатларнинг олдини олиш учун 184 та ташкилотда ўқув-семинар ва давра суҳбатлари уюштирилди. Йил давомида тармоқ муассасаларида ишлаб чиқаришдаги жароҳатланиш ва касб касалликларининг олдини олишга қаратилган 21 минг 371 та тадбир ўтказилди.

Маълумки, 2019 йилда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг касаба уюшмалари тўғрисида»ги Қонунга кўра, соҳада меҳнат инспекцияси ташкил этилди. Бу меҳнат ҳуқуқини ҳимоя қилиш учун муҳим асос бўлди.

Республика кенгаши ҳузуридаги меҳнат инспекцияси томонидан 2021 йил давомида келиб тушган мурожаатлар ҳамда жойларда жамоатчилик

назорати тартибда ўтказилган текширувларга асосан иш берувчиларга қонунбузилишларни тезда бартараф этиш учун 870 та кўрсатма ва тақдимномалар киритилди. Шунингдек, судларга 98 та даъво аризаси киритилиб, суд орқали 2847 нафар ходимнинг ҳақ-ҳуқуқлари тикланди. Натижада ўтган йил давомида жами 87 минг 401 нафар ходимнинг ҳуқуқ ва манфаатлари тикланиб, уларга 18 миллиард 465 миллион сўмдан зиёд маблағлар иш берувчилар ҳисобидан ундириб берилди.

Жорий йилнинг 6 ойи давомида эса тармоқдаги иш берувчиларга 282 та кўрсатма хат ва тақдимномалар киритилди. 82 та ҳолатда эса судларга даъво аризалар киритилиб, 131 нафар ходимнинг ҳуқуқи тикланди. Шунини айтиш жоизки, ўтган вақт мобайнида жами 36 минг 471 нафар ишчи-ходимнинг қонуний манфаатлари тикланиб, уларга 11 миллиард 140 миллион сўм маблағ ундириб берилди.

Кўпчиликка маълумки, жорий йилнинг март ойида давлатимиз раҳбарининг тиббиёт ходимлари билан учрашуви бўлиб ўтган ва унда соҳадаги айрим муаммолар кўтарилган эди. Жумладан, тиббиёт ходимларининг вақти-вақти билан тиббий кўриқдан ўтиш жараёнида чиқимдор бўлаётгани танқид қилинганди. Президентнинг махсус Фармойишига кўра, соҳадаги бу каби камчиликлар бартараф этилди.

Бугунги кунда касаба уюшма фаоллари олдида турган муҳим вазифалардан бири бу – ходимларда аниқланган сурункали касалликларни санатор-курорт реабилитациясида даволашни тўлиқ йўлга қўйишдир. Ушбу йўналишда ўтган йили тиббиёт ходимларидан жами 10 377 нафари соғломлаштирилиб, улар учун сарфланган маблағ 24 миллиард 644 миллион сўмни ташкил этди.

Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси фаолиятининг яна бир муҳим жиҳатларидан бири – мурожаатлар билан ишлаш. Йил сайин касаба уюшмаси органлари, ташкилотларига мурожаатлар сони ортиб бормоқда. Биргина 2021 йилда тармоқ касаба уюшмаси аъзолари томонидан ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, меҳнат муҳофазаси, ижтимоий-иқтисодий ҳимоя ва бошқа масалалар бўйича жами 114 636 та мурожаат келиб тушган. Ушбу мурожаатлар ўрганилиб, уларнинг аксарияти вақтида ҳал қилинди.

Биз бундан буён ҳам тармоқдаги ташкилот ва муассасаларда фаолият кўрсатиб келаётган ишчи-ходимларни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш, уларга муносиб меҳнат шароити яратиш ва уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини таъминлаш учун бор куч ва имкониятимизни ишга солаемиз.



Самарқанд
вилояти

Замин сайқалининг бугунги таровати



Самарқандда бўлган киши ўзини қадимий афсоналар, тарихий эврилишлар бағрида юргандек ҳис этади. Чунки кўҳна ва навқирон шаҳар том маънода кун сайин чирой очмоқда. «Буюк Ипак йўли» туризм марказининг барпо этилиши эса бу маскан тарихида ўзига хос янги саҳифа бўлди.

Вилоят иқтисодиёт ва туризм салохияти жиҳатидан юксалиб бормоқда. Бундан беш йилча илгари тарихий шаҳарга ташриф буюрувчи сайёҳлар сони 50 минг атрофида бўларди. Тан олиш керак, бунча одамни қабул қилиш ва уларга хизмат кўрсатишда талай муаммоларга дуч келинарди. Кейинги давр эса Самарқанд ҳаётига янги хизмат мазмун бахшида эта бошлади. Жумладан, туризм индустриясининг равақ топиши сервис ва хизмат кўрсатиш соҳаларини юқори даражага кўтарди. Бугунги кунда вилоятда туризмнинг 13 тури жадал ривожлантирилмоқда. Меҳмон ва сайёҳлар 60 дан ортқ зиёрат, 42 та гастрономия, 14 та этно-туризм, 26 та экотуризм, 16 та агротуризм, 21 та тиббиёт туризми объектида қабул қилинмоқда. Қулай шарт-шароитлар

юксалтириш йўлидаги эзгу саъй-ҳаракатлар қандай самара беряпти? Сайёҳларнинг қадимий гўша бўйлаб сафарлари мароқли ва мазмунли ўтяптими?

Маълумотларга қараганда, жорий йилнинг дастлабки тўққиз ойи мобайнида Самарқандга 114 та давлатдан 553 минг 68 нафар меҳмон келган. Демак, уларнинг сони ўтган йилгига нисбатан қарийб тўрт бараварга кўпайган.

Ўки бошқа мисол. Бултур ташриф буюрган сайёҳларнинг ҳар бири кўҳна шаҳарда ўртача икки кун бўлган, жорий йилда ушбу кўрсаткич 2,6 кунни ташкил этапти. Бинобарин, сайёҳларнинг Самарқандда кўпроқ қолиш истаги тобора кучайиб бормоқда.

Бемалол айтиш мумкинки, «Буюк Ипак йўли» туризм маркази айна йўналишдаги бетакрор мўъжизага ва Самарқанднинг энг гавжум гўшаларидан бирига айланди. 200 гектар майдонни эгаллаган бу мажмуада 2 та беш юлдузли, 2 та тўрт юлдузли ва 4 та бутик-хотел мавжуд. «Боқий шаҳар» этно-шаҳарчасида қадимий меъморий анъаналарга монанд хунармандлар устaxonалари, савдо расталари, миллий таомлар ошxonалари барпо этилган. 2,5 минг сайёҳни қабул қила

олиш қувватига эга янги марказ юртдошларимизга ҳамда чет эллик меҳмонларга ҳар томонлама манзур бўлмоқда.

Таҳлилий ҳисоб-китобларга кўра, хорижлик бир нафар меҳмоннинг шаҳар бўйлаб саёҳати

жараёнидаги кунлик сарф-харажатлари эндиликда ўртача 152 АҚШ долларига, маҳаллий сайёҳники эса 550 минг сўмданга тўғри келади. Соҳа мутасаддиларининг эътирофича, уларнинг шаҳарда қолишини яна бир кунга узайтириш орқали туризм хизматлари экспортини йилига қўшимча 14 миллион АҚШ долларига кўпайтириш мумкин экан.

Ҳозир шаҳарда 114 минг ўринга эга 488 та меҳмонхона ва меҳмон уйлари ишлаб турибди. Давлатимиз соҳага катта эътибор қаратаётгани натижасида жорий йил бошидан бугунга қадар 4248 ўринли 32 та янги меҳмонхона қурилиб, фойдаланишга топширилди. Шундан



13 таси сентябрь ойида ишга туширилди. Умуман олганда эса, меҳмонхоналарнинг барчаси мукамал қулайликларга ва юқори даражада хизмат кўрсатиш имкониятларига эгаллиги билан ажралиб туради.

Бундан ташқари, Самарқанд сайёҳлик ташкилотлари томонидан бир вақтнинг ўзида 7200 нафар мижозга хизмат кўрсата оладиган транспорт тизими шакллантирилган. Айна чоғда сўнги русумдаги замонавий 144 та туристик автобус, 136 та микроавтобус бор.

Сухроб РАФИҚОВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Самарқанд вилояти кенгаши раиси



Шунинг баробарида юқори маблакали 192 нафар тур оператор, 410 нафар гид-таржимон фаолияти ҳам йўлга қўйилган. Эндиликда эса қатор мамлакатларга тўғридан-тўғри авиақатновлар жорий этилмоқда.

Вилоят туризм бошқармаси сайёҳликнинг барча шакллари имкониятларидан фойдаланиш чораларини кўрмоқда. Чунончи, худуддаги Конирил, Терсак, Андоқсой, Оқсой қишлоқларидаги фусункор табиат ва урф-одатлар имкониятлари ҳам ишга солинаётир. Бу қишлоқларда 100 тага яқин меҳмон уйлари очилди.

Вилоятда туризмга оид жами қиймати 5,9 триллион сўмлик 365 та лойиҳа амалиётга татбиқ этилиши режалаштирилган. Уларнинг шарофати ўлароқ, 21 мингдан зиёд янги иш ўрни яратилади. Айна кезларда Тойлоқ туманида логистика маркази ҳамда Конирил туризм қишлоғининг иккинчи босқичи қурилишлари бошлаб юборилган.

Соҳадаги йирик инвестицион лойиҳалардан яна бири Ҳазрати Довуд зиёратгоҳи атрофида амалга оширилмоқда. У ерда қиймати 12 миллион АҚШ долларига тенг дор йўли қурилмоқда. Шунингдек, 8 гектар майдонда туризм комплекси барпо этилиши кўзда тутилмоқда. Бундан мақсад маҳаллий ва хорижлик сайёҳларни юқори кафолатланган туристик хизмат турларидан баҳраманд этишдир.

Туризмни ривожлантириш барчага дахлдор вазифалардан биридир. Бу ишга жамоат ташкилоти сифатида касаба уюшмалари ҳам муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Ж о р и й йилнинг д а с т -

лабки ярмида «Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!» шиори остида турли ташкилот-корхоналарда ишловчи 9482 нафар ходим ва уларнинг оила аъзолари мамлакатимиз бўйлаб саёҳатга олиб борилди. 6456 нафар ходим эса шаҳримиздаги тарихий обидалар, муборак қадамжоларни зиёрат қилди.

Ички туризмни ривожлантиришда касаба уюшмалари қошида ташкил этилган «Касаба Самарқанд» унитар корхонасининг улуши ҳам катта бўлмоқда. У фуқароларнинг турли қатламга имтиёзли сайёҳлик хизматларини кўрсатади. Хусусан, ҳозиргача 4263 нафардан зиёд меҳнаткашлар ана шу ташкилот ёрдамида юртимизнинг турли гўшаларида саёҳатда бўлиб қайтишди.

Бир неча йилдирки, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ташаббуси билан меҳнаткашларнинг Хоразм вилояти бўйлаб уч кунлик бепул сафари ташкил этилмоқда. Бундай имтиёздан вилоят корхоналарида ишловчи 1149 нафар ходим ва уларнинг оила аъзолари ҳам баҳраманд бўлишди. Шунингдек, Федерациянинг имтиёзли йўлланмаси билан 250 нафар ишчи-хизматчининг Тошкент шаҳрига икки кунлик саёҳати уюштирилди.

Дунё кезиш инсон тафаккурини бойитиб, дунёқарашини кенгайтиради. Мамлакатимизнинг барча минтақаларида эса бир бор кўрмаса, инсонга армон бўлиб қоладиган табаррук гўшалар кўп. Давлатимиз барча фуқароларга бундай имкониятларни яратиб бериш пайида бўляпти. Биз ҳам ушбу эзгу ташаббусга, озми-кўпми, ҳисса қўшаётганимиздан фахрланамиз.

Вилоятда туризмга оид жами қиймати 5,9 ТРИЛЛИОН СЎМЛИК 365 ТА ЛОЙИҲА амалиётга татбиқ этилиши режалаштирилган. Уларнинг шарофати ўлароқ, 21 мингдан зиёд янги иш ўрни яратилади. Айна кезларда Тойлоқ туманида логистика маркази ҳамда Конирил туризм қишлоғининг иккинчи босқичи қурилишлари бошлаб юборилган.

мавжудлиги, хизмат турлари кўпайиб, сифати яхшиланаётгани одамларнинг бу масканга талпинишини кучайтирмоқда.

Албатта, ҳар бир иш салмоғи ва натижасига қараб баҳоланади. Хўш, масалага шу нуқтаи назардан ёндашганда, Самарқандда туризмни янада



Сирдарё
вилояти

Президентимиз яқинда вилоятни ишсизликдан ҳоли ҳудуд мақомига олиб чиқиш, бунинг учун 100 минг иш ўрни яратилиши муҳим экани ва бунга масъулигимизни таъкидлади.

Вилоят ҳаётида янги ва нурули саҳифа очаётган бу эзгу ташаббусда давлатимиз раҳбарига, албатта, камарбаста бўламиз. Аҳолининг бандлиги, фидойи меҳнаткашлар сонининг ошиши, шак-шубҳасиз, касаба уюшмаларига улкан масъулият юклайди. Қолаверса, ишловчилар манфаати, уларга ҳуқуқий кўмак кўрсатиш, муносиб меҳнат шароитлари билан таъминланиши, саломатлиги борасида аниқ амалий ишлар билан бошланган яхши ниятнинг амалга ошишига дахлдормиз.

Айтиш мумкинки, касаба уюшмалари вилоят кенгаши Бандлик бош бошқармаси билан ҳамкорликда бу борада



қатор ишларни амалга ошириб келмоқда. Корхона, ташкилот ва муассасаларда ижтимоий ҳимояга муҳтож, иш топишда қийналаётган шахсларнинг бандлигини таъминлашга кўмаклашиш, захира қилинган иш ўринларига фуқароларни ишга жойлаштириш борасида ҳар қачонгидан кўра фаоллик кўрсатилаётир.

Корхоналарда аҳолининг ижтимоий заиф қатламга мансуб бўлган фуқароларни ишга қабул қилишда бевосита бошланғич касаба уюшма кў-

митаси раиси суҳбатидан ўтказилиб, қонунчиликда назарда тутилган ҳақ-ҳуқуқлар, берилган имтиёзлар уларга мунтазам етказиб борилмоқда.

Вилоят кенгаши томонидан туман, шаҳарларда 99 мартта «Бўш иш ўринлари ярмаркалари» ўтказилиб, 1 минг 995 та корхона, ташкилот ва муассасанинг 14 минг 988 та бўш иш ўрни таклифи берилди. Натижада иштирок этган 9 минг 209 нафар фуқародан 1 минг 968 нафарига ишга жойлашиш учун йўлланмалар берилиб, бандлиги таъминланди.

Меҳнат бозорига киришда, аввало, меҳнат ҳуқуқларини билиш муҳим ҳисобланади. Шунинг учун касаба уюшмалари ташкилотлари вакиллари томонидан меҳнат қонунчилиги ва бошқа масалаларда ҳуқуқий маслаҳатлар бериш йўлга қўйилган ва 5 минг 751 нафар фуқаро, шу жумладан, 766 нафар таълим муассасаси битирувчисига ҳуқуқий кўмак берилди.

Жамият муаммолари ва

Рустамбек ТУРСУНМУРОДОВ
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Сирдарё вилояти кенгаши раиси,
«Дўстлик» ордени соҳиби



оғриқли нуқталари қайд этилиб, ечими бирма-бир амалга оширилаётган «Аёллар дафтари»нинг биринчи тоифаси хотин-қизлар бандлигини таъминлашдир. Жорий йилда ушбу тоифага киритилган ишсиз хотин-қизлар сони 5 минг 70 нафарни ташкил қилиб, 4 минг 650 нафарнинг бандлиги таъминланди. Бу борадаги ишлар, албатта, давом эттирилади.

Сирдарёда ишсизлик муаммоси буткул йўқ бўлиши ва ўн мингта янги иш ўрни яратиш аниқ режа-дастурига эга бўлган

лойиҳадир. Унга кўра, вилоят ҳудудидаги пахта экинни ерларининг 40 минг гектар майдонини ишсиз фуқароларга бўлиб берилиши белгиланган. Бу каби эътибордан ижтимоий кўмакка муҳтож инсонларнинг кўнгиллари тоғдек кўратилмоқда ва ҳар бир фуқаро эътиборда эканини чуқур ҳис этмоқда.

Бугун касаба уюшмасига дахлдор бўлмаган масаланинг ўзи йўқ. Ўз навбатида уюшма атрофида бирлашган меҳнаткашлар сони ортиб бораётганида ўз тасдиғини топаётир.

Ҳавас

СЕВИНЧНИНГ СЕВИНЧЛАРИ



Ховос туманидаги Қайирма қишлоғини «Полвонлар макони» ҳам дейишади. Чунки бу қишлоқ полвонлари билан машҳур. Раҳматли Карим полвон, Товбой полвон ва шуҳрат қозониб келаётган Али полвон, Жума полвон, Маъмур полвон, Қаҳҳор полвон, Миркомил полвон каби курашчиларнинг номи дунё кезмоқда.

Қайирмада юз йиллардан буён белбоғли курашни ривожлантириб, авлодларга муқаддас мерос сифатида қолдириб келаётган аждодларимизга муносиб ворислар ҳам талайгина. Жумладан, уч карра жаҳон чемпиони Севинч Товбоева ана шундай спортчилардан бири.

Севинч опа 19 ёшда. Беш йилдан буён белбоғли кураш билан мунтазам шуғулланади. Ундаги бу спортга бўлган иштиёқ ва истеъдод бобоси, юқорида таъкидланган Товбой полвондан ўтган.

– Бобом катта ҳурмат-этибор қозонган жуда машҳур ку-

рашчи бўлган, – дейди Севинч Товбоева. – Мен қиз бола бўлсам-да, бобомнинг йўлидан боришга аҳд қилдим. 2017 йилдан буён кураш тўғрақларига қатнашиб келаман. Устозим Миркомил Аҳмадов менга курашнинг сирларини қунт билан ўргатиб келмоқда. Икки карра жаҳон, уч карра Ўзбекистон чемпиони бўлишга устозимнинг меҳнатлари туйайли эришдим.

Севинч опа устозлари ҳақида сўзлар экан, шогирдлик бурчини адо этиш йўлида тинмай ҳаракат қилаётганини аңгладим. У киши кўзлаган марралари ҳақида қуйидагиларни айтди:

– Мақсадларим катта. Ҳозир 2023 йил бўлиб ўтадиган Осиё чемпионатида тайёргарлик кўряпман. Худо хоҳласа, бу мусобақада ҳам биринчиликни қўлга киритиб, Ватанимиз байроғини юксакка кўтариб, бутун дунё олдида давлатимиз мадҳиясини айтиш ниятим бор. Келажакда фарзандларим ҳам шу йўлдан бориши учун уларга қўлимдан келганича шароит яратиб бераман ва давомчимиз бўлиши учун бор имкониятимни ишга соламан.

Севинч опа ҳавас қилса арзигулик, оддий оила фарзанди. Отаси – курувчи, онаси – уй бекаси.

Бу ҳаётда йўллар кўп, айнан бизга тегишлиси эса битта. Шундай экан, Севинч опага фақат ҳавас билан қарамай, изидан юришга ёки у каби мақсадларга эришиш йўлида тинимсиз меҳнат қилишга, интилишлардан андоза олишга ҳаракат қилмоқ зарур.

Зулҳаё МИНГБОЕВА,
Ҳалима Худойбердиева
номидаги ижод мактаби
8-синф ўқувчиси

Мамлакатимизда таълим-тарбия тизимининг сифати ва самарадорлигини ошириш, жамиятда ўқитувчи энг нуфузли ва обрўли касб бўлишига эришиш, улар фаолияти учун зарур шароитларни яратиш борасида тизимли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Тизимли ислохотлар самараси

Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши тармоқ келишувлари ҳамда тизимдаги барча ташкилот ва муассасаларда тузилган жамоа шартномаларида ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ҳимояси, уларнинг меҳнат ва дам олиши, соғломлаштирилишига алоҳида эътибор қаратиб келади. Мазкур ҳужжатларнинг ижросини муҳокама қилиб бориш ва унда тарафларнинг ҳисоботи тақдим этилишини таъминлаш асосий вазифалардан бирига айланган.

Тегишли вазирликлар билан Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) конвенциялари ижросини таъминлаш бўйича қўшма чо-

касаба уюшмалари тизимидаги санаторийларда бепул соғломлаштириляпти. Шу асосда жорий йилнинг шу даврига қадар 4 500 нафардан зиёд педагог ходимлар касба уюшмаси томонидан бепул соғломлаштирилди. Бундан ташқари, 10 000 нафардан ортиқ педагог шундай имёздан фойдаландилар.

Касаба уюшмалари томонидан ёшларимизнинг камолотига хизмат қилувчи, уларни эзгу ғоя ва мақсадларга ундовчи қатор танловлар ўтказилдики, шу ўринда бу танловлар ҳақида атрофлича маълумот бериб кетишни жоиз деб биламиз.

Ёшларимизда Ватанимиз тақдири, эртанги куни ва истиқболга дахлдорлик туйғусини ривожлантириш, она юртимизга садоқат руҳини юксалтириш мақсадларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси ташаббуси билан Халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорликда ўтган йилнинг ноябрь-декабрь ойларида умумтаълим мактабларининг 10-11-синф ўқувчилари ўртасида «Менинг Президентим» ижодий ишлар танлови ўтказилди. Танловнинг мактаб, туман (шаҳар) ҳамда ҳудудий босқичларида 600 минг нафарга яқин ўқувчи қатнашиб, шулардан энг яхши ижодий ишлар муаллифлари бўлган 45 нафари республика босқичида қатнашди.

Равшан БЕДИЛОВ,

Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши раиси



Сарибаева Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети филология ва тилларни ўқитиш йўналишига тўлов-контракт асосида, 3-ўрин соҳибаси Марварид Рустамова Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети филология ва тилларни ўқитиш йўналишига давлат гранти асосида, яна бир 3-ўрин соҳибаси Жасмина Тўраева Чирчиқ давлат педагогика институти махсус педагогика: тилпедагогика йўналишига давлат гранти асосида талабалikka тавсия этилди.

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси томонидан танлов ғолиби Г.Сарибаевага 3 йиллик тўлов-контракт маблағлари тўлаб берилди, М.Рустамова ва Ж.Тўраевага таълим олаётган йўналишининг 2 йиллик тўлов-шартнома маблағи миқдорида пул мукофотлари топши-

тида эътироф этилди. Шунингдек, 15 нафар талаба турли номинациялар бўйича тақдирланди.

Тақдирлаш маросими жараёнида ўқувчиларнинг ота-оналари ва устозлари сўз олиб, она ватанимизда ёш авлодни чинакам ватанпарварлик руҳида тарбиялаш борасидаги улкан ўзгаришларга юқори баҳо беришди, мазкур танлов нафақат фарзандларининг, балки ўзларининг ҳам ҳаётида ўчмас из қолдиргани, фарзандлари учун эса келажак сари муҳим мотивация берувчи тадбир бўлганлигини эътироф этишди. Тақдирлаш маросимида ғолибларга мутаносиб равишда диплом ва 30, 20, 10 миллион сўмдан пул мукофоти топширилди.

Ижодий ишларнинг мазмуни ва ўқувчиларнинг бадиий маҳорати, мавзуларга ёндашувнинг ўзига хослиги, таҳлил қилиш маҳкаларидан келиб чиқиб яна 15 та иштирокчига махсус номинациялар бўйича ғолиблик берилди.

Ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкинки, мазкур танлов ўқувчиларнинг унутилмас воқелигига, ватанга муҳаббат ва юртга, Президентга садоқат туйғуларининг янада ошишига хизмат қилувчи тадбир бўлди.

11 ноябрь – Ўзбекистон касба уюшмалари куни муносабати Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси ва Халқ таълими вазирлигининг 2022 йил 19 октябрдаги «Умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчилари ўртасида «Ёш китобхон» танловини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида»ги қарорига асосан республика миқдоридаги барча умумтаълим мактабларининг 9-11 синф ўқувчилари ўртасида «Ёш китобхон» танловини ўтказиш белгиланди.

Мазкур танлов республика миқдоридаги барча умумтаълим мактабларида ўтказилиб, уларда 700 минг нафардан зиёд 9-11-синф ўқувчилари иштирок этишди. Танлов давомида ўқувчилар ўртасида китоб мутолааси ва китобхонликни тарғиб қилиш билан бир қаторда уларни касба уюшмасининг мақсади, вазифаси ва фаолияти билан яқиндан таништиришга қаратилган савол-жавоблар ҳам ўтказилди.

Мамлакатимизда таълим соҳасида олиб борилаётган тизимли ислохотлар, яратиб берилган шароитлар натижасида бугунги кун ёшлари юксак марраларни забт этишяпти. Бу йўлда касба уюшмаларининг ҳам ўзига хос ҳиссаси борлиги кишини қувонтиради, албатта.



ра-тадбирлар режаси тасдиқланган. Ушбу конвенциялар мазмун-моҳиятини кенг тарғиб қилиш, ижросининг таъминланиши юзасидан семинар-тренинглари ташкил қилинди.

Педагоглар учун муносиб иш шароитларини яратиш, уларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоя қилиш мақсадида рейтингда таълим сифати юқори баҳоланган муассасаларнинг педагог ходимлари

Танлов Низомига мувофиқ ғолибликни қўлга киритган Республика босқичи иштирокчилари 2022-2023 ёки 2023-2024 ўқув йилида республикадаги олий таълим муассасаларига кириш имтиҳонлари натижаларига кўра тўлов-шартнома асосида талабалikka қабул қилинган тақдирда, уларнинг мос равишда 1-ўрин соҳибига 4 йиллик, 2-ўрин соҳибига 3 йиллик, 3-ўрин соҳибига 2 йиллик тўлов-контракт маблағларини тўлаб бериш ёки грант асосида талабалikka қабул қилинса, мос равишда 1-ўрин соҳибига 4 йиллик, 2-ўрин соҳибига 3 йиллик, 3-ўрин соҳибига 2 йиллик тўлов-шартнома маблағлари миқдорида мукофотлар топширилиши белгиланган эди.

Танловнинг Республика босқичи уч нафар ғолиблари (икки нафар ғолиб айна пайтда умумий ўрта таълим мактабининг 11-синфида таълим олмоқда) жорий 2022-2023 ўқув йилида талабалikka тавсия этилди. Жумладан, 2-ўрин соҳибаси Гулфоруз

рилди.

Олий таълим муассасаларининг бакалавр таълим йўналиши талабалари ўртасида «Янги Ўзбекистонни ўзимиз, ўз қўлларимиз билан бунёд этамиз!» шiori остида ўтказилган эсселар танловининг илк босқичида 240 мингдан ортиқ талабалар қатнашди. Барча босқичларда ғолиб бўлган ҳар бир ҳудуддан уч нафардан талаба республика босқичига етиб келишди.

Танловнинг Республика босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими юқори савияда ташкил этилди. Танлов Низомига кўра, ҳар бир ўринга бир нафар ғолиб белгиланган бўлса-да, ўқувчиларнинг ижодий ёндошуви, маҳорати, мавзунинг барча қирралари батафсил ёритилганлиги ҳамда иштирокчиларнинг интилиши ҳакамлар томонидан муносиб баҳоланиб, ҳар икки босқич ўқувчилари орасидан 1-ўринга 1 нафар, 2- ва 3-ўринга 2 нафардан – жами 5 нафар иқтидорли талаба танлов ғолиблари сифа-

Сурхондарё
вилояти

Одамларни рози қилиш – УСТУВОР МАҚСАД

Мамлакатимизда Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар нафақат юртимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда, балки шу юртда яшаётган ҳар бир инсон тақдирини муҳим аҳамият касб этмоқда. Халқ билан яқиндан мулоқот қилиш, унинг дарду ташвишлари, ҳаётини муаммоларини жойида ҳал этиш бўйича ўзига хос янги тизим яратилдики, бу ҳар бир бўғиндаги раҳбарлардан ҳар қачонгидан масъулиятлироқ бўлишни талаб қилмоқда.



**Абдукарим
АХМЕДОВ,**

Ўзбекистон касаб
уюшмалари Федера-
цияси Сурхондарё ви-
лоят кенгаши раиси

Сурхондарё вилоятида 7796 та корхона, ташкилот ва муассаса касаб уюшмалари аъзоси бўлиб, иш берувчилари билан имзоланган жамоа шартномалари орқали 318611 нафар ишчи-ҳодимнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатлари ҳимоя қилинмоқда. Бунда ҳодимларнинг дам олиши, соғлиғини тиклаши, уларга муносиб меҳнат шaroитлари яратилишига ҳам жиддий эътибор берилмоқда.

Иш берувчилар билан тузилган жамоа шартномаларига ҳодимларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ҳимоясини кучайтирувчи меъёрлар, иш ҳақи миқдорини ошириш, қўшимча имтиёзлар, ижтимоий ҳимояни кенгайтириш назарда тутилган бандларнинг киритилиши натижасида жорий йилнинг ўтган 9 ойи давомида вилоят бўйича ўрта ҳисобда бир ҳодимга 3738,6 минг сўм маблағ сарфланди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, қабул қилинган жамоа шартномаларидан жой олган бандларнинг амалда 96 фоизи бажарилишига эришдик.

Жорий йилнинг ўтган 9 ойи давомида бахтсиз ҳодисалар туфайли етказилган зарар тўловларини ундириш бўйича иш бе-

рувчиларга 22 та тақдимнома киритилди ва меҳнаткашларга 244,5 миллион сўм ундириб берилди. 3 нафар ҳодимнинг ҳақ-ҳуқуқини тиклаш ва етказилган зарарни ундириш мақсадида фуқаролик ишлари бўйича Термиз туманлараро судига даъво аризалар киритилди. Натижада ҳодимларга 315,5 миллион сўм ундириб берилди.


Бугунги кунда жамоат ташкилотимиз одамлар ҳаётига чуқур кириб бориб, уларга яқиндан амалий ёрдам кўрсатишга ҳаракат қилмоқда. Буни юртдошларимизнинг касаб уюшмалари шаънига билдираётган илиқ фикр ва мулоҳазаларидан ҳам билса бўлади. Термиз туман тиббиёт бирлашмаси ходими Д. Саидовага 16,8 миллион сўм тавон пулини, Ангор туман тиббиёт бирлашмаси ходими Сурайё Абдуллаевага иш вақтида саломатлигига жиддий зарар етгани ва уй шароитида алоҳида тиббий парваришга муҳтожлиги ҳамда етказилган маънавий зарар учун иш берувчидан ундириб берилган тўлов учун кенгашимиз номига миннатдорчилик билдирилган.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан йўлга қўйилган «Аёллар дафтари» ижросини таъминлаш ҳам фаолиятимизнинг асосий бўғинларидан бири. Яқинда бу дафтарнинг 3-босқичида амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилинди. Вилоятимиздаги ижтимоий аҳволи ва турмуш шароити оғир, ишсиз ҳамда ижтимоий фаол бўлмаган 41минг 222 нафар хотин-қиз махсус ишчи гуруҳ томонидан руйхатга олиниб, жорий йилнинг шу кунига қадар уларнинг муаммолари олти тоифа асосида ҳал этилди. Энг аввало, ижтимоий ҳимояга муҳтож, ишсиз хотин-қиз -

гилларга беминнат моддий ва маънавий кўмак берилди. Уй-жойга муҳтож 363 нафар хотин-қизнинг ҳам орзулари ушалди. Яъни уларнинг 250 нафари уй-жой билан таъминланиб, 150 нафардан ортиғига ижара тўловлари, 100 нафардан ошиғига ижара компенсация пуллари тўлаб берилди. Қарамоғида ногирон фарзандлари бўлган аёлларга моддий ёрдам кўрсатилди. Кам таъминланган ва ногирони бор оилаларга яқинда вилоят ҳокимлиги билан ҳамкорликда ҳар бир ту-

нинг фаолият ва ваколат доирасини кенгайтириб, уларни тобора халққа яқинлаштириб келмоқда. Одамларни рози қилиш – устувор мақсад! Биз бу эзгу мақсадга ўз соҳамиз ва фаолиятимиздан келиб чиқиб, ишчи-ҳодимларнинг ижтимоий-иқтисодий, меҳнат ва ҳуқуқий муҳофазасини таъминлаш билан эришамиз.

Зеро, ҳар бир ишчи, ҳар бир инсон касаб уюш



лар доимий ва вақтинчалик ишларга жалб қилинди. Айримлари касб-ҳунарга ўқитилди. Иккинчи тоифага киритилган аёлларнинг хоҳиш истаклари асосида уларнинг тадбиркорлик билан шуғулланишлари учун барча шароитлар яратилди. Боқувчиси бўлмаган, ўзгалар ёрдамига муҳтож, шунингдек, эҳтиёжманд опа-син-

манда 10 тадан уй таъмирланишига эришдик.

Ҳаммамизга маълумки, бугун мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар замирида «Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун!» деган ғоя мужассам. Ана шу ҳаётбахш ғоя касаб уюшмалари-

малари тимсолида таъбир жоиз бўлса, ўзининг суянган тоғини, эркин ишлаш кафолатлари ва ҳақ-ҳуқуқларининг мустақкам ишончли ҳимоячисини кўрмоғи лозим.

ЯНАДА ЮКСАК ДОВОНЛАР САРИ



Темир йўллар нафақат аҳолининг узоғини яқин қилади, балки иқтисодий ривожлантиришнинг асосий локомотивларидан бири ҳисобланади. Сабаби, бу йўллар орқали саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари тегишли манзилларга етказиб берилади.

Ҳозирги кунда соҳа ходимларининг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, ишчи-ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш, муносиб меҳнат ва дам олиш шароитларини яратиш, меҳнат муҳофазасини таъминлаш, бандликка кўмаклашиш, иш ҳақларининг ўз вақтида берилишини жамоатчилик асосида назорат қилиш ишлари тизимли йўлга қўйилган.

Қарийб бир асрлик тарихга эга бўлган Темирйўлчилар касаба уюшмаси бугунги кунга қадар «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти бошқаруви раҳбарияти билан Республика кенгаши ўртасида тузилган тармоқ келишувида белгиланган соҳанинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши учун ишчи-ходимларга қулай меҳнат шароитлари ва меҳнатга ҳақ тўлаш, бандлик ҳамда ижтимоий кафолатлар ўрнатиш мажбуриятларини бажариб келмоқда.

Касаба уюшмалари фаолиятида



меҳнат қонунлари ва жамоа шартномалари ижросини назорат қилиш, ишчи-ходимларни моддий ҳамда маънавий қўллаб-қувватлаш, уларнинг муносиб шароитларда меҳнат қилишлари, шунингдек, саломатликларини тиклашларига кўмаклашиш, ташаббус ва изланишларини рағбатлантириш муҳим аҳамият касб этади. Ўтган даврда тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгаши томонидан бу борада бир қатор ишлар бажарилди. Соҳа ходимларининг ижтимоий-ҳуқуқий манфаатларини таъминлаш, меҳнат муҳофазаси талабларини жорий қилиш, темирйўлчилар ва уларнинг оила аъзолари ўрта-

сида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилди. Ишчи-ходимларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича аниқ дастур асосида бажарилаётган ишлар ўз самарасини бермоқда.

Жорий йилнинг тўққиз ойи давомида ижтимоий шериклик асосида иш берувчи ва касаба уюшмаси томонидан 1238 нафар ёлғиз кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар, пенсионерлар, кам таъминланган оилалар вакилларига байрам кунлари озик-овқат тўпламлари, 571 нафарига эса пул мукофотлари берилди. 4008 нафар пенсионерга дори-дармонлар харид қилиши учун моддий ёрдам

кўрсатилди, 351 нафарига санаторий ва дам олиш уйларига йўлланмалар берилиб, тиббиёт муассасаларида даволаниш учун пул маблағлари ажратилди. Кам таъминланган оилалардан 14 тасининг уй-жойлари таъмирланди.

Юртимизнинг муқаддас жойлари ва зиёратгоҳларига саёҳатлар ташкиллаштирилди. Республика кенгашининг ижроия қўмита мажлисида касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштиришга кўмаклашиш ҳамда уларнинг иш жойларида қўнимлиги юзасидан жамоатчилик назоратининг олиб борилиши тўғрисида ва тегишли чора-тадбирларни амалда қўллаш бўйича тавсиялар ҳамда топшириқлар тайёрланиб, бажариш учун қўйи ташкилотларга юборилди. Мамлакатимизда умумхалқ байрамлари муносабати билан ўтказиладиган хайрия ҳашарларида тасарруфдаги касаба уюшма ташкилотлари улкан ташаббусларни олға суриб, фаол иштирок этиб келмоқда.

Темирйўлчилар ва транспорт курувчилари касаба уюшмаси Республика кенгаши жамоаси нафақат тизимдаги ишларда, балки давлатимиз раҳбари топшириқлари бажарилишида ҳам фаол қатнашмоқда. Хусусан, ҳар бир туман (шаҳар) лар кесимида «Аёллар дафтари»га киритилган ишсиз ижтимоий ҳимояга муҳтож ҳар бир хотин-қизнинг бандлигини таъминлаш, шу жумладан, томорқадан фойдаланишга кўмаклашиш, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш (хотин-қизларни ўқитиш, уларга бизнес лойihalарини тақдим этиш), кредитлар ажратиш, уй-жой билан таъминлаш (ва таъмирлаш), турар-жой ижара компенсациясини тўлаш ишларини амалга ошириш ижтимоий ёрдамга муҳтож ногиронлиги бўлган аёлларни, ҳуқуқий, психологик, тиббий, ҳимояга муҳтож хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини амалга ошириш, каби йўналишларни ҳисобга олган ҳолда манзилли режалар ишлаб чиқилиб, ушбу тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлашда Республика кенгаши масъул ходимлари томонидан Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикаси штабида ўз фаолиятини олиб боришди.

Мақсадимиз – халқимизнинг фаровон ҳаётини таъминлаш, ишчи-ходимлар ўз меҳнатидан рози бўлиб яшашида ўзининг беминнат ҳиссасини қўшишдан иборатдир.

Қутлимурат СОБИРОВ,

Темирйўлчилар ва транспорт курувчилари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси



Хоразм
вилояти

БЕБАҲО НЕЪМАТНИ ҚАДРЛАБ...

Гўзал, сўлим ва хушхаво масканларда дам олиб қайтаётган аъзолар касаба уюшмаларидан беҳад миннатдор бўлишмоқда

Одамзод азал-азалдан соғлиғини асраб-авайлаш учун турли омиллардан фойдаланиб келади. Тарихни ўқисангиз, аждодларимиз ўз саломатликларига ниҳоятда эътиборли бўлишганини билиб оласиз. Зеро, фаровон турмуш кечиршимиз, орзу-мақсадларимиз рўёбга чиқиши, ишимиз унумдорлиги кўп жиҳатдан саломатликка боғлиқ. Қолаверса, «Соғлиқ қадрига етгил хаста бўлмасдан бурун» деган гап бежиз айтилмаган. Бу ўринда, айнқса, дунёда талай касалликлар яшараётган ҳозирги даврда профилактик чора-тадбирларнинг ўрни катта. Шу боис касаба уюшмалари ходимларини ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш ишларини ҳар қачонгидан кучайтирмоқда.

Маълумки, келажгимиз ворисларининг ҳам жисмонан, ҳам маънан баркамол инсонлар бўлиб вояга етишларида ёзги соғломлаштириш муҳим ўрин тутати. Биз шуни назарда тутиб, мутасаддилар ҳамкорлигида оромгоҳларга болаларни кўпроқ жалб этишга ҳаракат қиляпмиз. Ўз навбатида, дам олиш масканларидаги шарт-шароитлар йил сайин яхшиланиши чораларини кўряпмиз.

Бу йил вилоятимизда мавжуд оромгоҳлардан 29 тасида 11240 нафар ўғил-қиз дам олдирилиши режалаштирилганди. Мавсумга ҳозирлик жараёнида ички имкониятлар қайта таҳлил қилинди. Натижада ёз мавсумида ҳудуддаги 33 та оромгоҳда 7 ёшдан 14 ёшгача бўлган 12534 нафар фарзандларимиз соғломлаштирилди.

Мазкур даргоҳларда ишлаш

учун эса салкам 480 нафар педагог, 60 нафардан зиёд тиббиёт, 60 нафарга яқин ички ишлар идоралари ходимлари жалб этилди. Улар болаларга таълим-тарбия бериш, сифатли тиббий хизмат кўрсатиш, хавфсизлигини таъминлаш ишларини амалга оширдилар.

Ёзги мавсумда 10 та стационар оромгоҳ бевосита касаба уюшмалари маблағлари иштирокида фаолият олиб борди. Уларда 4580 нафар ўрнига, 4845 нафар ўғил-қиз дам олдирилди. Шундан 4223 нафари имтиёзли, 463 нафари бепул соғломлаштирилди. Аини мақсадлар учун ижтимоий суғурта бюджети ҳисобидан 877132,1 минг сўмлик маблағ сарфланди.

ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ ТЎҚҚИЗ ОЙИ МОБАЙНИДА ИЖТМОЙ СУҒУРТА БЮДЖЕТИ МАБЛАҒИ ҲИСОБИДАН САНАТОРИЙ-КУРОРТЛАР ХИЗМАТИ УЧУН 3236070 МИНГ СЎМ САРФЛАНДИ. БУ МАБЛАҒ РЕЖАГА НИСБАТАН 116,6 ФОИЗНИ, ОЛИНГАН ДАРОМАДГА НИСБАТАН ЭСА 56,2 ФОИЗНИ ТАШКИЛ ЭТДИ. АНИҚРОҒИ, 1020 НАФАР ЎРНИГА 1169 НАФАР ХОДИМ КАСАБА УЮШМАЛАРИ ТИЗИМИДАГИ САНАТОРИЙЛАРГА ЙЎЛЛАНМАЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАНДИ. ШУНДАН 10 ТАСИ ТЎЛИҚ БАҲОСИДА, 961 ТАСИ ИМТИЁЗЛИ РАВИШДА АЖРАТИЛДИ.

Энг муҳими, дам олиш гўшаларида завқли кечган ҳар бир кун болалар хотирасида муҳрланиб қолишига эришилди. Уларнинг жисмоний фаоллигини ошириш, маънавий дунёқарашини юксалтириш, қалбларида ватанпарварлик туйғуларини мустаҳкамлаш, илм олишга ва касб-хунар ўрганишга интилишларини кучайтириш, китобхонлик кўникмаларини шакллантиришга тааллуқли кўплаб тадбир-

лар, мусобақалар ва танловлар уюштирилди.

Мавсум якунлари мутасаддилар иштирокида танқидий-таҳлилий муҳокама қилинди. Намунали фаолият юритганлар меҳнатларига яраша рағбатлантирилди.

Биз учун болалар соғлиғи қанчалик азиз ва қадрли бўлса, касаба уюшма аъзолари саломатлигини асраш ҳам шунчалик муҳимдир. Авваллари улар беш йилда бир марта санаторийларда имтиёзли дам олиш ҳуқуқига эга эди. Кейинги вақтларда эса имтиёзли йўлланмалар ҳар икки йилда бир марта бериладиган бўлди. Аҳолининг турмуш фаровонлиги ортаётгани, касалликлар профилактикасига доир тарғибот тадбирлари кенг йўлга қўйилаётгани натижасида санаторийларда дам олишга бўлган талаб ва эҳтиёж тобора ошиб бормоқда. Бу масканларда дам олган юртдошларимиз улардаги шарт-шароитлар йилдан йилга яхшиланаётганини эътироф этишмоқда.

Жорий йилнинг тўққиз ойи мобайнида ижтимоий суғурта бюджети маблағи ҳисобидан санаторий-курортлар хизмати учун 3236070 минг сўм сарфланди. Бу маблағ режага нисбатан 116,6 фоизни, олинган даромадга нисбатан эса 56,2 фоизни ташкил этди. Аниқроғи, 1020 нафар ўрнига 1169 нафар ходим касаба уюшмалари тизимидаги санаторийларга йўлланмалар билан таъминланди. Шундан 10 таси тўлиқ баҳосида, 961 таси имтиёзли равишда ажратилди.

Бундан ташқари, байналми-

Эргаш ЮСУПОВ,
Ўзбекистон касаба
уюшмалари
Федерацияси
Хоразм вилояти
кенгаши раиси



лал жангчи, ишлаб турган кўп болали ва кам таъминланган оила аъзоси, меҳнат фохрийси ва ногиронлиги бор ҳисобланган 198 нафар ходим «Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили» давлат дастури доирасида касаба уюшмаларининг шаҳар, туман кенгашлари, бирлашган ва бошланғич касаба уюшма кўмиталаридан бепул йўлланма олишга муваффақ бўлди. Жумладан, кам таъминланган ва кўп болали ҳамда олис ва чекка туманларда, мураккаб иқлим шароитида яшовчи оилаларга аёлларига 8 та, тиббиёт ходимларига 8 та, фарзанд кўрмаган оилаларнинг ишлайдиган аъзоларидан «Умид гулшани» санаторийсига 5 та, ишлайдиган кексаларга 16 та йўлланма бепул ажратилди. Бу мақсадларга 115442 минг сўм маблағ йўналтирилди. Президентимизнинг 2020 йил 6 ноябрдаги 6108-сонли фармони ижросини таъминлаш мақсадида эса таълим тизимида меҳнат қилаётган 135 нафар педагог ходимга ижтимоий суғурта бюджети ҳисобидан умумий қиймати 248000 минг сўмлик бепул йўлланмалар тақдим этилди.

Хабарингиз бор, сўнги йилларда санаторийларга йўлланма-

лар нафақат ижтимоий суғурта маблағлари ҳисобидан, балки касаба уюшма маблағлари ҳисобидан ҳам ажратилмоқда. Бунинг афзалликларидан бири ходимлар ўз ота-оналари, турмуш ўртоқлари учун ҳам йўлланма олиш имконига эга бўлишгандир. Шунга кўра, 2022 йилнинг тўққиз ойида касаба уюшма маблағлари ҳисобидан 1475 та йўлланма ажратилган бўлса, 736 тасидан аъзоларнинг яқинлари фойдаланишган.

Дарҳақиқат, ходимлар ва уларнинг фарзандларини соғломлаштириш эндиликда касаба уюшмалари зиммасидаги долзарб вазифалардан бирига айланмоқда. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши томонидан санаторийларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, янги бинолар қуриш, болалар оромгоҳларини кенгайтириш борасида тизимли равишда иш олиб борилаётгани бундай имкониятлар кўламини янада кенгайтирмоқда. Гўзал, сўлим ва хушхаво масканларда дам олиб қайтаётган аъзоларимиз ва фарзандларимиз касаба уюшмаларидан беҳад миннатдор бўлишмоқда.





МУШТАРАК МАҚСАДЛАР ЙЎЛИДА

Мамлакатимизда меҳнатга оид ҳуқуқ ва манфаатларни таъминлашдек устувор вазифаларни самарали таъминлаш мақсадида кейинги йилларда кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилди, меҳнат жамоаларида ходимларни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш ишлари янги босқичга кўтарилди.

Бу жараёнда Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касабаси Республика кенгаши ҳам фаол иштирок этмоқда.

Хусусан, ўтган тўққиз ой давомида белгиланган вазифалар доирасида 4 миллиард 27 миллион сўм маблағ сарфланиб, 10 минг 832 нафар ишчи-ходим ва уларнинг оила аъзоларига моддий ва маънавий кўмак кўрсатилди.

Хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ишлаб чиқаришдаги ролини янада ошириш мақсадида бир қатор ишлар амалга оширилди.

Жумладан, тизимдаги корхона ва ташкилотларда меҳнат қилаётган 274 нафар болали аёлга ойлик маоши сақланган ҳолда иш вақти ҳафтаси 35 соатдан ошмайдиган қилиб белгиланди ва 455 нафар бола парвариши учун таътилда бўлган ёш онага 174 миллион сўмга яқин моддий ёрдам кўрсатилди.

Ишчи-ходимларга муносиб меҳнат шароити яратиш ва уларни бахтсиз ҳодисалардан асраб-авайлаш борасида ҳам бир қатор натижаларга эришилди. Бу борада олиб борилган ислохотларда ходимларни меҳнат муҳофазаси бўй-

ича ўқитиш, механизм, дастгоҳ ва ишлаб чиқариш воситалари, бино ва иншоотлар хавфсизлигини таъминлаш, меҳнат шароитларига алоҳида эътибор қаратилди.

Жамоа шартномасида белгиланганидек меҳнат муҳофазаси бўйича 18 минг 760 та тадбир ўтказилди ва унга 16 миллиард 432 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. Бу кўрсаткич ҳар бир ходимга ўртача 245 минг сўмдан тўғри келади.

Йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касабаси уюшмаси Республика кенгаши ҳисобот даврида 12 минг 861 нафар ишчи-ходимнинг тиббий кўриги ташкил этилиб, унга 980 миллион сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди. Шунингдек, ушбу йўналишда тармоқ корхона ва ташкилотларда сайланган вакиллардан 550 нафари ўқитилиб, малакаси оширилди.

Фуқоролар ва юридик шахсларнинг мурожаатларини ўрганиш, меҳнат муносабатларида қонунийликни таъминлаш касабаси уюшмалари ташкилотлари фаолиятининг энг муҳим йўналишларидан бири, албатта. Ўтган давр мобайнида фуқаролардан 43 та мурожаат, шундан 33 таси ёзма, 4 таси

Абдулла НУГМАНОВ,

Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касабаси уюшмаси Республика кенгаши раиси



Бугун мамлакатимизда туризм, айниқса, ички туризмни ривожлантириш долзарб масалага айланди. Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касабаси уюшмаси республика кенгаши ҳам йил давомида 7,5 минг нафарга яқин ходим, шунингдек, эҳтиёжманд оила аъ-

касабаси уюшмалари конфедерацияси томонидан ташкил этилган семинарда тармоқ касабаси уюшмаси республика кенгаши раиси ўринбосари Б.Султонов иштирок этиб, (МКП «Строитель») аъзоликка қабул қилинди.

Бундан ташқари, тармоқларо ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида Туркия, Озарбайжон ва Молдова каби давлатлар ҳамда Бутун жаҳон қурувчилар ва ёғочсозлар касабаси уюшмалари Федерацияси (Building and Wood Worker's International) билан ҳамкорлик олиш борасида музокаралар олиб борилмоқда.

Албатта, иш бор жойда камчиликка ҳам йўл қўйилади. Бизнес тармоқ ҳам бундан мустақилом эмас. Хусусан, бошланғич ташкилотларда ҳамон камчиликлар бор. Мисол учун, баъзи ташкилотларда касабаси уюшма қўмитаси томонидан олиб борилаётган ишлар асосан моддий ёрдам кўрсатиш, йўланма ажратишдан иборат бўлиб қолмоқда. Айрим ишлаб чиқариш корхоналарида ходимлар томонидан меҳнат интизомига риоя қилиниши, ёшлар билан ишлаш ва бошқа долзарб масалалар эътибордан четда қолмоқда. Меҳнат муҳофазаси йўналишида олиб бораётган саъй-ҳаракатларимизга қарамай, бахтсиз ҳодисалар учраб турибди. Шу маънода, бугун олдимизда ҳали қилинажак ишларимиз ҳам бисёр. Истиқбол фаолиятимизни айти шунга қараб режалаштирганмиз.

Буларнинг барчаси мамлакатимизда амалга оширилаётган инсон ва унинг манфаатларини, ёруғ келажагини таъминлашдек эзгу тамойилларга ҳамоҳангдир.



Қачонки иш берувчи ўз қўли остидаги хизматчиларнинг соғлиғи ҳақида қайғурур экан, ўша корхона ёки ташкилотда қутилган натижа бўлади. Шундан келиб чиққан ҳолда Транспорт,

электрон почта, 6 таси оғзаки «Ишонч телефони» орқали келиб тушган. Ҳар бир мурожаат масъул ходимлар ўрганилди ва ижобий ҳал этилди.

Ёшларга оид давлат дастури негизда тизимдаги корхона ва ташкилотларда имзоланган жамоа шартномаларига «Ёшлар учун қўшимча имтиёз ва кафолатлар» бандлари киритилди.

«Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари» ғояси остидаги маънавий-маърифий ишлар самардорлигини янада ошириш бўйича 2022 йилга мўлжалланган «Йўл харитаси»да белгиланган бир қатор маданий, маърифий тадбирлар ташкил этилди. «Энг фаол ёш мутахассис», «Энг фаол ёш қурувчи», «Энг фаол ёш транспортчи» каби кўрик-танловлар шулар жумласидан.

золари учун Хива, Самарқанд, Бухоро, Қўқон, Марғилон, Термиз, Шаҳрисабз, Қарши каби тарихий шаҳарларга саёхатлар уюштирди.

Халқаро алоқаларни муштаҳкамлаш, кучайтириш борасида ҳам қатор ишлар амалга оширилди. Хусусан, Халқаро транспорт ходимлари Федерацияси (ITF) билан музокаралар олиб борилиб, май ойида унга аъзо бўлишга эришилди.

4-7 июль кунлари Қирғизистоннинг Иссиқкўл вилоятида «Норасмий бандликни, расмий бандликка ўтказиш» мавзусида ўтказилган семинарда КУФ ходимлари, 6 та тармоқ вакиллари ҳамда ижтимоий масалалар бўйича бош мутахассислар иштирок этиб қайтишди.

Шунингдек, 11-14 сентябрь кунлари Халқаро қурилиш ва қурилиш саноати ходимлари





Мамлакатимизда кучли ижтимоий йўналтирилган сиёсат олиб бориш, бунда одамларнинг дарду ташвишларини, уларни ўйлантираётган муаммоларнинг илдизларини аниқлаш, тезкор, тўғри ва самарали ечим топиш мамлакатимиздаги янгиланиш жараёнларида устувор аҳамият касб этмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, кейинги олти йилда касаба уюшмалари тизимида кенг қўламли ишлар, чора-тадбирлар амалга оширилди. Меҳнат жамоаларида ходимларга ҳар жиҳатдан эътибор ва рағбат кўрсатиш сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилди.

Президентимиз томонидан 2020 йил 23 ноябрь куни имзоланган қонунга асосан 11 ноябрь – Ўзбекистон касаба уюшмалари куни этиб белгиланган бўлиб, мамлакатимизнинг барча жойларида ушбу санага бағишланган турли тадбирлар ўтказиб келинмоқда.

Вилоятдаги 10 мингдан ортиқ корхона ва ташкилотда касаба уюшмалари ташкил этилган. Мазкур ташкилотлар давлат идоралари билан ёнма-ён туриб, инсон қадрини улуғлаш йўлидаги ислохотларга ўзининг

муносиб ҳиссасини қўшмоқда. Шунингдек, ишчи-ходимларнинг касбий, меҳнатга оид, ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга, муносиб меҳнат шароитларини яратишда фаол иштирок этмоқда.

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг муаммоларини тизимли ҳал этиш, бандлиги таъминлаш, тадбиркорликка жалб этиш, тиббий ва психологик ёрдам кўрсатиш, ҳаётдан рози яшашларига эришиш йўлида туб ислохотлар олиб борилмоқда. Бу йўналишдаги ишларни амалга оширишда «Аёллар дафтари» тизими муҳим ўрин тутмоқда. Жорий йилда «Аёллар дафтари» тизимининг 3-босқичида вилоятдаги 74 минг 463 нафар хотин-қизнинг муаммоларини ҳал қилишда ва уларни қўллаб-қувватлашда касаба уюш-

малари фаоллари ҳам жонбозлик кўрсатди.

Шунингдек, аҳолини тадбиркорликка жалб этиш, уй шароитида даромад топишларига эришиш мақсадида кооперация усулида тадбиркорликни ривожлантириш бўйича тасдиқланган 60 та лойиҳани амалга ошириш орқали касаба уюшмалари кўмагида 13 мингдан зиёд фуқаронинг бандлиги таъминланди.



Касаба уюшмалари томонидан ижтимоий шерикчилик асосида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Йил бошидан буён 1 минг 368 нафар ишчи-хизматчининг бузилган ҳуқуқларини тиклаш орқали 1 миллиард 634 миллион сўмдан зиёд иш ҳақлари, маънавий ва соғлиғига етказилган зарарлар ҳамда унга тенглаштирилган тўловлар ундириб берилди.

Касаба уюшмалари доимий равишда ишчи-хизматчиларнинг соғлиғи ҳақида қайғуриб келади. Жорий йилда касаба уюшмаси томонидан 8 минг 600 нафардан зиёд ишчи-хизматчининг республикамиздаги «Чинобод плаза», «Оқ тош», «Зомин», «Заркент», «Чимён» каби барча шарт-шароитларга эга, замонавий сиҳатгоҳларда саломатликларини тиклашга

Эркинжон НУРАЛИЕВ,

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Фарғона вилояти кенгаши раиси



рига қўмаклашилгани меҳнат жамоаларида иш унумдорлиги янада ошишида муҳим аҳамият касб этди.

Корхона ва ташкилотларда меҳнат қилаётган касаба уюшма аъзолари, ишчи-хизматчилар, эҳтиёжманд оилалар вакиллари учун тарихий шаҳарлар, зиёратгоҳлар ва диққатга сазовор жойларга мунтазам равишда саёҳатлар ташкил этиб келинмоқда. Биргина жорий йилнинг 10 ойи давомида фарғоналик 26 минг 202 нафар ишчи-ходим Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хоразм, Қўқон каби тарихий шаҳарлар ва диққатга сазовор жойларга саёҳат қилишди.

Бундан ташқари, бу йил Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ташаббуси билан бўзатовлик 300 нафар болажон, 70 нафар нуроний ва 100 нафар хотин-қизнинг Фарғонага ташрифлари ҳам амалга оширилди. Улар вилоятдаги сиҳатгоҳлар ва оромгоҳларда соғликларини мустаҳкамладилар.

Ёзги мавсумда оромгоҳларда мактаб ўқувчиларига ҳар тарафлама сифатли хизмат кўрсатишига ҳам жиддий эътибор берилмоқда. Биргина 2022 йилда вилоятимиздаги мавжуд 19 та болалар ёзги оромгоҳида 11 минг 600 нафар болажоннинг ёз таътилини мазмунли ўтказишларига қўмаклашилди. Бундан ташқари, анклав ҳудуд Сўх туманида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ташаббуси билан қарийб 5 гектар майдонда 200 ўринли «Сўх» болалар соғломлаштириш оромгоҳининг очилиши бар-

чамиз учун йилнинг энг қувончли воқеаларидан бири бўлди. Мазкур оромгоҳда бу йил 700 нафар сўхлик болажонлар мароқли дам олишди. Шунингдек, қўшни қирғизистонлик 54 нафар ўғил-қизнинг вилоятимиздаги «Тонг» болалар оромгоҳида дам олишгани яқин кўшничилик ришталари янада мустаҳкамлашиб бораётганидан далолат.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бугунги кунда вилоятдаги корхона ва ташкилотларда, албатта, касаба уюшмаси фаолият кўрсатиши ва раҳбарлар, улар билан яқин ҳамкорликда иш олиб бориши йўлида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, ҳозирда нодавлат-нотижорат ташкилотларда ҳам касаба уюшмалари фаолиятини йўлга қўйиш, бошланғич ташкилотлар очиш, у ердаги ишчиларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича бир қатор ютуқларга эришилди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари куни муносибати билан байрамни Фарғона вилоятида ҳам муносиб тарзда ўтказиш мақсадида чора-тадбирлар режаси белгилаб олинган. Унга кўра, фахрийлар ҳолидан хабар олинди. «Мурувват» ва «Саховат» уйларида турли маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этилди. Ички туризм лойиҳаси бўйича ишчи-хизматчиларнинг республикамиздаги турли тарихий шаҳарларга саёҳатлари уюштирилди.

Мухтасар айтганда, касаба уюшмалари «Инсон қадрини ушунга остида самарали ишларни олиб бормоқда.





Юрт тараққийти йўлида бирлашайлик!

ОДАМЛАР БИЛАН МУЛОҚОТДАН ЧЎЧИМАСЛИК КЕРАК

Маданият, спорт ва туризм ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши ташкил этилганига эндигина икки йилдан ошди. Аммо тизимда амалга оширилган ишларнинг салмоғи ва кўлами анчагина. Дастлаб тармоқда ташкилий масалаларга ва касба уюшмаси етакчиларининг билим даражасини оширишга эътибор қаратилган бўлса, эндиликда тармоқ ўз йўналишидаги муаммоларга жиддий назар ташлаб, аъзоларининг манфаатларини ҳимоя қилиб чиқмоқда. Кенгаш раиси **Шухрат ДЕҲҚОНОВ** билан тизимда амалга оширилаётган ишлар ва келгуси режалар ҳақида суҳбатлашдик.

– Шухрат Холбўтаевич, икки йил олдинги вазиятни бир эсласангиз, тармоқ ташкил этилгандаги ҳолат қандай эдию, ҳозир қандай?

– 2020 йил 26 августда Маданият, спорт ва туризм ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши тузилди. Бўлиб ўтган биринчи таъсис конференциясида Маданият вазирлиги, Спортни ривожлантириш вазирлиги, Туризм ва маданий мерос вазирлиги, Ўзбекистон бадиий академияси, Ўзбекистон кинематография агентлиги ва уларнинг тасарруфидаги 1160 та бошланғич ташкилот ўзларининг жами 68432 нафар аъзоси билан янги ташкил этилган тармоқ касба уюшмаси тасарруфига ўтказилди.

Маданият, спорт, туризм, кино, тасвирий санъат – йўналишлари кўп, катта соҳалар. Аммо шундай даврлар бўлдики, бу соҳалар ва уларнинг жонкуяр вакиллари эътибордан четда қолди. Ана шу сабаблар туфайли бўлса керак, Федерация раҳбарияти бу йўналишни алоҳида тармоқ шаклида ташкил этишга қарор қилди. Бугун жойларда бўлганимизда, аъзолар билан суҳбатлашганимизда ва уларнинг муаммоларига ечим топишга уринганимизда, бу қарорнинг қай даражада тўғри бўлганини ҳис қиляпмиз.

Туризм энди ривожланиб келаётган соҳа ва унинг келажақдаги имкониятлари жуда катта. Биз ҳозирги кунда шу соҳа вакиллари билан ишлашга, уларни касба уюшмаларига жалб қилишга жиддий эътибор қаратяпмиз. Албатта, бу осон эмас. Чунки соҳада ходимлар кичик ва кам сонли гуруҳлардан иборат. Шундай бўлса-да, уларга аъзоликнинг афзалликлари, ҳамкорликда ишлаш орқали туризмни янада ривожлантириш мумкинлигини тушунтириб, аъзоларимиз сафини кенгайтиришга эришяпмиз. Умуман

олганда, изланиш, интилишларимиз бесамар кетмаяпти. Ўтган давр мобайнида аъзоларимиз сафини 68 минг нафардан 104 минг нафарга, тасарруфдаги бошланғич ташкилотлар сони эса 1160 тадан 1348 тага етди.

– Тармоқ фаолиятини янада кенгайтириш ва ривожлантириш учун нималарга кўпроқ аҳамият берилмоқда?

– Аввало, биз тизимдаги ходимлар ва иш берувчилар, бошланғич касба уюшмалари етакчилари билан яқиндан мулоқот қилишга ҳаракат қиляпмиз. Шу пайтгача деярли барча вилоятларда учрашувлар ўтказдик. Бундан кўзланган мақсад – жойларда аъзоларимиз қандай шароитларда ишлаётгани, уларнинг муаммоларини ўрганиш. Қолаверса, ходимларимиз қандай раҳбарлар ва иш берувчилар қўлида ишлаётгани билан ҳам яқиндан танишиш. Одатда иш берувчи ва ходим ўртасидаги муносабат энг мураккаб жараён ҳисобланади. Чунки кўпинча иш берувчи ўзининг устунлигини билдиришга уринади. Шу боис учрашувларда ходимлар ва ишчиларга «Биз сизнинг ортингизда турибмиз, сизга сунанч бўлишга тайёрмиз» деган мазмундаги фикрни етказишга ҳаракат қиляпмиз.

Касба уюшмалари етакчиларининг билим даражаси, салоҳияти, ўз вазифаси ва ваколатини яхши билиши жойларда ходимлар билан боғлиқ муаммоларнинг олдини олишга, иш берувчи ва ишчилар ўртасидаги муаммоли ҳолатларнинг камайишига олиб келади. Шу боис жойларга чиқиб, одамлар билан очиқ мулоқот қилишдан чўчимаслик керак. Чунки ана шундай учрашувлардагина аъзоларимиз биздан нима кузаётгани ва уларни қийнаётган муаммолар ойдинлашади. Шунинг учун биз, энг аввало, ҳар бир ҳудудда касба уюшмалари етакчиларининг фаолиятини кучайтиришга, уларнинг билим даражасини оширишга ва очиқ мулоқотлар орқали аъзоларимиз ишлаётган ташкилотлардаги вазият, шароит ва ҳолатни ўрганишга, муаммолар бўлса, уларга ечим топишга ҳаракат қиляпмиз.

– Сизни касба уюшмалари бошланғич ташкилотлари раислари ва етакчиларининг фаолияти қанчалик қониқтиради?

– Албатта, касба уюшмалари фаолияти жойлардаги бошланғич ташкилотлар етакчиларига ҳам боғлиқ. Кўпчилик билмаса керак, бошланғич ташкилот етакчилари маош олмасдан ишлайди. Шуни тўғри тушунган ҳолда, биз уларнинг билим ва маҳоратини оширишга, яхши ишлаганларни эса рағбатлантиришга ҳаракат қиляпмиз. Очиғи, тизимдаги ходимлар ва етакчилар фаолиятдан кўнглим тўлиқ тўлмайди. Аммо жойларда бўлиб ўтган мулоқотлардан шу нарса аён бўлдики, ўз ишининг устаси бўлган маъсул ташкилотчилар ва етакчилар ҳам талайгина экан.

Яқинда 25 нафар етакчининг малакасини оширдик. Агар етакчилар ўз ишини яхши билса, иш берувчининг таъсирига тушиб қолмайди. Чунки айрим иш берувчилар касба уюшмаси раисини «чизиқ»дан чиқмай юришга ундайди. Ўз вазифасини яхши билмаган, жамоа шартномасини ишлата олмаган касба уюшма раиси ёки етакчи иш берувчига «мойдай ёқади». Аммо бундай ҳолатлардан аъзолар жабр кўриши мумкин. Касабақўм, аввало, жамоа шартномасини ишлашини таъминлаши керак. Мазкур ҳужжатга амал қилинган жойда ходимларнинг норозилиги ҳам, ноқонуний ҳолатлар ҳам кам учрайди. Биз тармоқдаги соҳаларнинг энг қуйи бўғинларида ҳам жамоа шартномасини ишлашини таъминлаш учун барча тегишли чораларни кўряпмиз. Келгуси йилдан бошлаб ходимларимизнинг фаолиятини рейтинг кўрсаткичлари бўйича баҳолаб боришни йўлга қўймоқчимиз. Негаки, самарали меҳнат қилаётган ходим муносиб баҳосини олиши керак.



– Тармоқда касба уюшмаси аъзоларини қийнаётган муаммолар қандай бор ва аъзоларга қай даражада ёрдам берилмоқда?

– Бор. Масалан, маданият йўналишидаги ишчиларнинг маоши кам. Айримлар, маданият ходимларининг маошини оширишга зарурат йўқ, шундоғам уларнинг қўшимча даромадлари бор-ку, дейиши мумкин. Аммо бу нотўғри қараш. Чунки соҳадаги ходимларнинг катта қисми ойлик маошга яшайди. Улар қўшимча рағбат, яхши маош ва эътиборга муносиб. Шу боис, катта давраларда ана шу масалани кўтаряпмиз. Ўйлайманки, бу уринишларимиз яқин келажақда ўз самарасини беради.

Ҳозирча эса, соҳа вакилларига имкон даражасида ёрдам беришга ҳаракат қиляпмиз. Масалан, Алишер Навоий номидаги катта академик драма театрининг жамоа шартномалари анча йилдан буён ўзгартирилмаган экан. Яқинда у янгиланди ва унга ходимларнинг ҳақ-ҳуқуқи ва манфаатлари ифодаланган бандлар киритилди. Умуман, тармоқ тасарруфидаги барча вазирлик ва идоралар учун Республика кенгашининг мутахассислари томонидан ишчи-ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш, меҳнат шароитлари ва муҳофазаси, меҳнатга ҳақ тўлаш ва соғломлаштириш каби масалалар мувофиқлаштирилган жамоа шартномалари ишлаб чиқилди ва уларнинг иш берувчилар билан имзоланишига эришилди.

Турли байрамлар арафасида фахрийлар ҳолидан хабар олиш аъзога айланган. Ички туризмни ривожлантириш мақсадида соҳа ходимлари учун республикамиздаги тарихий шаҳарлар ва қадамжоларга саёҳатлар ташкил этиш ҳам диққат-эътиборимизда. Жорий йилнинг ўтган 9 ойи давомида 10800 нафардан ортик касба уюшмаси аъзоси Самарқанд, Бухоро, Хоразм ва Фарғона вилоятлари ва Тошкент шаҳарига саёҳатга бориб келишди. Келгусида ҳам бу ишларимиз давом этади.

– Келгусидаги режалар ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

– Албатта, жуда кўп тадбирлар ўтказишни режалаштирганмиз. Тошкент ва Наманганда аёллар ҳамда эркеклар учун спортнинг волейбол тури бўйича мусобақалар ўтказилади. Бундан ташқари, Ўзбекистон Бадиий академияси билан биргаликда 4 та йирик Республика танловлари ташкил этилди. Келгусида ҳам қатор турли танловларни, айниқса, «Энг яхши иш берувчи» танловини мунтазам ўтказишга бел боғлаганмиз.

Сўзим якунида барча ҳамкасбларимни байрам билан қутлайман!

– Сизга ҳам байрам муборак бўлсин!

Суҳбатдош:
Зебо НАМОЗОВА
«ISHONCH»



КАДРЛАР ИСЛОҲОТЛАРИДАГИ

Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишга муносиб ҳисса қўшувчи

Муҳтарам Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг яқинда ўқитувчи ва мураббийларга йўллаган байрам табриги барчамизнинг қалбларимизда ўзгача шуқуқ уйғотди, дилларимизни фахр-ифтихорга тўлдирди. Шуниси аҳамиятлики, давлатимиз раҳбарининг мазкур табригини янги жамоамиз алоҳида масъулиятли ва шарафли мақсадлар билан қабул қилди.

«Барчамизга аёнки, муаллимнинг обрў-этибори – бу аввало, миллатнинг, бутун халқнинг обрў-этиборидир. Шу боис биз кейинги йилларда ўқитувчи ва мураббийларнинг жамиятимиз ҳаётидаги ўрни ва таъсирини кучайтириш, таълим тизимини замон талаблари асосида ташкил этиш бўйича улкан ислохотларни амалга оширмақдамиз», деди Президентимиз ўз табригида.

Дарҳақиқат, агар сўнги йилларда Президент назарида бўлган соҳалар мониторингини олиб борилганидан бўлса, давлатимиз раҳбари томонидан энг кўп гапирилган, эътибор қаратилган соҳа таълим тизими эканига шубҳа йўқ. Бир ҳисоблаб кўриниб, беш-олти йил ичида соҳага қаратилган қанча фармон қарорлар қабул қилинди, неча-неча дастурлар ҳаётга татбиқ этилди. Қанча мактаб ва боғча қурилди, қайта таъмирланди. Янгидан қад ростлаган, иш бошлаган олий таълим даргоҳлари-чи?!

Албатта, тарих бу бунёдкорликларга, ислохотларга ўз баҳосини беради. Ўрни келганда шуни фахр билан айтмоқчиманки, бизнинг Касаба уюшмалари Федерацияси қошидаги Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар академияси ҳам ана шу инсонпарвар сиёсатнинг бир меваси, десам асло адашмаган бўламан. Бу ҳеч шубҳасизки, Президентимиз томонидан олға сурилган «Инсон қадри учун» деган эзгу ғоянинг яратувчили куч-қудратидан бир нишондир.

Бугунги ҳаётимиз халқимизнинг узоқ кутган орзу-умидлари рўёби билан ҳам янада кадр топиб, қувончу шодликларга бурканиб бормоқда. Жамиятимиздаги қайси жабҳани олманг, ўзгариш кўп, янгилик кўп. Биргина одамларга муносиб меҳнат шароити яратиш, ижтимоий муносабатларни тартибга солишнинг янги, илғор ва самарадор механизмларини жорий этиш борасида қилинган ишларни олайлик. Шунда кўз олдимизда Янги Ўзбекистон шароитида шаклланган нодир тажриба намоён бўлади.

Булар, биринчидан, олий таълимнинг ислох қилингани, ёшларимизнинг олий таълим муассасаларида таҳсил олиши учун кенг имкониятлар яратилгани билан изоҳланади. Иккинчидан, ҳар йили муносиб янги иш ўринлари яратилмоқда. Уларда, асосан, ёшлар, аёлларни иш билан қамраб олишга устувор аҳамият қаратилаётган. Учинчидан, меҳнат жамоаларида фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини таъминлаш, ижтимоий ҳимояни кучайтириш бош мақсад қилинган.

Бугун бу борадаги ишлар янги босқичда



давом этмоқда. Юқорида эслатганимиздай, Президентимизнинг 2021 йил 23 августдаги «Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар академиясини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори билан жорий ўқув йилидан Тошкентда янги академия иш бошлади.

Табиийки, кўпчилик юртдошларимизни, айниқса, ёшлар ва уларнинг ота-оналарини Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар академияси фаолияти билан боғлиқ саволлар қизиқтиради. Шунинг назарда тутган ҳолда бугун академиямиз ҳақида батафсил сўз юритишни мақсад қилдик.

ИНСОНПАРВАРЛИК МУҲИТИ, ФАОЛЛАШТИРИЛИБ, МИЛЛИЙ ТАРАҚҚИЁТИМИЗНИНГ ЯНГИ МОДУЛИГА АСОС СОЛИНАДИ

Давлатимиз раҳбари Президентлик вазифасини бажаришга киришган илк кунлардаёқ «Одамлар эртага ёки узоқ келажакда эмас, бугун ҳам бахтли яшаши керак» деган ғояни илгаридан суриб, юртдошларимиз ҳаётига янги шуқуқ бағишлади. Шу тариқа мамлакатимизда мутлақо янги, халқпарвар ижтимоий муҳит пайдо бўлди.

Эндиги вазифа меҳнат ва ижтимоий муносабатлар соҳасида етук кадрлар тайёрлаш, меҳнат муҳофазаси нормаларига амал қилиш бўйича профилактик ишларни тўғри йўлга қўйишдан иборат эди.

Бу оддий одамларга нима беради?

Аввало, меҳнат муҳофазаси нормаларига амал қилмаслик оқибатида ишлаб чиқариш жараёнида рўй бериши мумкин бўлган кўплаб бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Иккинчидан, ижтимоий-меҳнат муносабатлари соҳасидаги қонун бузилиши ҳолатларига барҳам беришда муҳим ўрин тутувчи ихтисослашган мутахассисларга меҳнат бозоридан мавжуд талабни қондиришда локомотив вазифасини бажаради.

Учинчидан, меҳнат шароитларининг санитария қоидалари ва гигиена нормативларига жавоб беришнинг таъминлаб, ходимларнинг касб касалликларига чалиниш даражасини камайтириш имконини беради.

Тўртинчидан, меҳнат муносабатлари соҳасига оид муаммолари масалаларга оқилана ечим топиш имкониятлари кенгайди.

Бешинчидан, меҳнат ва ижтимоий муносабатлар соҳасида халқаро талаблар ва стандартларга мувофиқ малакали кадрлар тайёрлаш, иқтисодий тармоқларининг ихтисослашган олий маълумотли мутахассисларга бўлган эҳтиёжларини қондириш, соҳага оид муаммоларни илмий ва амалий

жиҳатдан тадқиқ этишда янги давр бошланади.

Шу беш муҳим масала ўз ечимини топиши жамиятдаги инсонпарварлик муҳитини фаоллаштириб, миллий тараққиётимизнинг янги модулига асос солиши ҳам кундек равшан. **Боиси, қачонки инсон ўз меҳнат жамоасида кадр топса, ҳақ-ҳуқуқлари, кучли ижтимоий ҳимояси таъминланса, шундагина иш унумдорлиги ошади, фуқароларда ислохотларга бўлган ишонч ортади ва дахлдорлик ҳисси кучаяди.**

Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар академияси шу каби долзарб масалаларга истиқболли ечим топиш мақсадида ташкил этилди.

Академия ҳақида сўз кетганида, унинг янги муҳташам биноси, талабалар учун яратилган шароитлар, академик салоҳияти, кадрлар тайёрлаш йўналиши, истиқболдаги халқаро ҳамкорлиги ҳақида ҳам тўхталиб ўтиш жоиз.

Академия юртимизда ёшларга қаратаётган юксак эътибор тимсоли. Бунда мамлакатимиз йигит-қизларини сифатли олий таълимга қамраб олиш, уларнинг келажак орзуларини рўёбга чиқариш йўлида барча ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий асосларни яратиш, ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, муносиб иш ўрни билан таъминлаш каби жиҳатлар амалда ўз ифодасини топган бўлса, барча замонавий қулайликларга эга, дунё ёшлари ҳавас билан қарайдиган муҳташам таълим муассасалари барпо этиш ҳам эътибордан четда қолаётгани йўқ.

Академиямиз Тошкентнинг энг баҳаво жойида жойлашгани ва замонавий типда қайта қурилгани ҳам сўзимиз исботидир. Бу ерда талабалар учун барча зарур шарт-шароитларга эга бўлган алоҳида ётоқхона ҳам бунёд этилмоқда. Мазкур ётоқхона 2023 йилнинг январь ойидан бошлаб талабаларни қабул қилади. Қолаверса, қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кўмаги билан «Буюк ипак йўли» метро бекатидан академиягача бўлган масофада талабалар учун махсус транспорт қатновини йўлга қўйиш борасида ҳам иш олиб бормоқдамиз. Бир сўз билан айтганда, академияда яратилаётган шароитлар юртимизда ёшлар сиёсати энг юқори ўринда эканининг яна бир исботидир.

Бир жиҳатни алоҳида қайд этиш керакки, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар академияси айни пайтда Мар-

казий Осиёда ягона саналади.

Билимли ва малакали кадрларни тайёрлаш ҳар жиҳатдан салоҳиятли ўқитувчиларга боғлиқ. Шу маънода академиянинг педагогик жамоасини шакллантиришга жиддий эътибор қаратилди: профессор-ўқитувчилар танлов асосида қабул қилинди.

Олий ва амалий математика, физика, кимё, ишлаб чиқаришда компьютер саводхонлиги, ижтимоий муҳофазатга муҳтож аҳоли билан ишлаш, инсон ресурсларини бошқариш тарихи ва хорижий тажриба, менежмент ва маркетинг каби 30 дан ортиқ йўналиш бўйича ўқитувчилар белгиланган мезонларга мувофиқ танлов асосида ишга саралаб олинди. Айни пайтда академияда профессор-ўқитувчилар таркибидан иборат илмий жамоа шакллантирилган. Энг муҳими, бу ўқитувчилар замон талаблари асосида фикрлаш ва ёшларга сабоқ бериш кўникмасига эга.

КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ. ИСТИҚБОЛДАГИ ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

Академия олдида турган энг муҳим вазифалардан бири – меҳнат соҳасида халқаро даражадаги кадрларни етказиб бериш. Шу боис, инновацион, илмий-педагогик технологияларни, илм-фаннинг энг сўнги ютуқларини қўллаган ҳолда меҳнат ва ижтимоий муносабатлар соҳасида малакали кадрларни тайёрлаш, илмий-амалий тадқиқотлар олиб бориш, ўқув тизими етакчи хорижий ташкилотлар тажрибасини жорий этишни мақсад қилганмиз.

Академияда «Меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги», «Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги», «Инсон ресурсларини бошқариш», «Психология», «Менежмент», «Меҳнат ҳуқуқи» каби таълим йўналишлари бўйича кадрлар тайёрланади. Жорий ўқув йилида академияда ўқиш истаги билан 1200 га яқин талабгор ҳужжат топширган бўлса, улардан 250 нафарга яқини талаба бўлди. Улар яқин келажакда меҳнат муҳофазасини таъминлаш, одамлар иш шароитини яхшилаш, психология, меҳнат соҳасидаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишга қодир юқори малакали кадрлар бўлиб етишишига ишончимиз комил. Боиси, биз бу соҳаларга илмий асосланган ва марказлашган ҳолда эътибор қаратмоқдамиз.

Бунинг учун академияда таълим янги технологиялар асосида жиҳозланган аудиторияларда олиб борилмоқда. Бу ерда электрон кутубхона, физика ва кимё бўйича

ТАЙЁРЛАШ ЯНГИ ҚАДАМ

Президент ташаббуси – амалда

истеъдодли ва фидойи мутахассислар тайёрлашга замин яратади



Сайфулла АҲМЕДОВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар академияси ректори

зарур жиҳозларга эга замонавий лабораториялар, спорт комплекси, ёпиқ спорт зали мавжуд. Таълим жараёни автоматлаштирилиши бўйича «Платформа» мажмуаси ҳам жорий этилган. Бепул интернет, кутубхонанинг ўқув ва электрон заллари мавжуд бўлиб, талабаларга ахборот-ресурс марказимиз орқали Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси билан масофавий боғланиб, у ерда мавжуд дарсликлар ва адабиётлардан фойдаланиш имконияти яратилган. Асосий машғулотлардан сўнг талабаларнинг фанлар бўйича мустақил шуғулланиши учун компьютер синфлари ва махсус хоналар бор.

Фаолиятимизда хорижий олий таълим муассасалари билан фаол ҳамкорликни йўлга қўйиб, ўзаро тажриба алмашиш муҳим аҳамият касб этади. Шу боис, ҳозиргача қатор хорижий олий таълим муассасаларининг бу борадаги тажрибаси яқиндан ўрганилди. Шунингдек, Россия, Хитой, Италия, Озарбайжон, Беларусь каби давлатлардаги институтлар, тегишли миллий ва халқаро тузилмалар билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйишни режалаштирганмиз.

Яна бир янгиликни айтиб ўтишимиз керак. 2022-2023 ўқув йили учун қабул эълон қилганимизда, сиртқи таълим бор-йўқлиги юзасидан ҳам кўглаб саволлар келиб тушди.

Очиғини айтганда, ҳозир меҳнат ва ижтимоий соҳаларда ўрта махсус маълумотли кадрларнинг ҳам тажрибаси катта. Ана шундай тоифадаги ёшларимиз учун академияда масофавий таълимни йўлга қўйиш мақсадида жорий йилнинг 25 сентябрдан сиртқи таълимнинг бакалавр йўналиши бўйича ҳам қабул эълон қилдик.

Сиртқи таълимга эҳтиёж мавжуд. Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар соҳасида иш олиб бораётган ўрта махсус маълумотли мутахассисларда ўзлари иш олиб бораётган йўналишда каттагина тажриба тўпланган бўлиб, амалиётда бу муҳим аҳамият касб этади.

Академиямизда сиртқи таълим йўналиши очирилиши ана шундай амалиётчи ёшларимизни олий таълим билан қамраб олиш имконини беради. Яъни назарий жиҳатдан улар малакасини ошириб, замон талабидан келиб чиққан ҳолда ҳам илмий, ҳам амалий билим ва кўникмаларга эга бўлган етук кадрларни етиштириш имконияти яратилади.

Бизда сиртқи бўлим очирилиши яна юзлаб иқтидорли ёшларнинг замонавий кадр бўлиб етирилиши, бандлик ва меҳнат муносабатлари соҳасида самарали тизим яратилишига хизмат қилади.

Сиртқи таълимнинг яна бир муҳим жиҳати борки, бу, аввало, таълим олиш истагидаги юзлаб йигит-қизнинг оиласига фаровонлик олиб келади. Зеро, таълим

қандай шаклда бўлишидан қатъи назар, олий ўқув юртида таҳсил олаётган талабаларнинг оиласида хотиржамлик, фарзанднинг келажакдан кўнгли тўқлик муҳити пайдо бўлади.

Халқаро ва миллий меҳнат стандартлари, меҳнат ҳуқуқи, инсон ҳуқуқлари, меҳнат тиббиёти, ижтимоий ҳимоя ва меҳнат муҳофазаси йўналишлари бўйича олий малакали илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш ҳамда илмий-тадқиқот фаолиятини амалга ошириш масаласи академия олдида турган муҳим вазифалардан бири. Шу боис, келгусида академияда таълимнинг нафақат магистратура, балки докторантура босқичини ҳам очишни мақсад қилганмиз.

Бугунги кунда Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар академиясида кадрлар тайёрлаш бўйича Марказий Осиё давлатлари ҳам қизиқиш билдирмоқда. Бу ҳам олдимизга катта вазифалар қўяди.

Президентимизнинг «Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар академиясини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори аҳамиятини яна қатор ҳаётий жиҳатларда кўришимиз мумкин. Хусусан, бу ерда замонавий инновацион ва илмий-педагогик технологияларни, фан ва техниканинг энг сўнгги ютуқларини қўллаган ҳолда меҳнат ва ижтимоий муносабатлар соҳасида талаб юқори касблар, йўналишлар ва мутахассислар бўйича малакали кадрлар тайёрланиши белгиланган.

Академияда таълимнинг тегишли йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича ўқув-методик адабиётлар яратиш, талабалар ва ёш мутахассисларни жалб қилган ҳолда фундаментал ва илмий-амалий тадқиқотлар олиб бориш, таълим тизимига етакчи хорижий таълим ташкилотлари тажрибасини жорий этиш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Истиқболли битирувчиларни хорижий олий таълим ташкилотларига ва илмий-тадқиқот марказларига тегишлича бакалаврият, магистратура ҳамда докторантурада ўқишга юбориш орқали академиянинг илмий-педагогик салоҳиятини янада ошириш, педагогик технологиялар ва ўқитиш услубларини такомиллаштириш ҳам галдаги вазифалар сирасидандир.

Бу ерда ижтимоий-меҳнат муносабатлари мутахассислари, касаба уюшмалари тизими ҳамда тиббий профилактика муассасалари ходимларини замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш, малакасини ошириш, шунингдек, халқаро ва хорижий ташкилотларда тажриба орттиришни ташкил этиш борасида ҳам зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

ХОРИЖЛИК ҲАМКАСБЛАР ФИКРИ

Яқинда академиямизнинг тантанали очилиш маросимида турли вазирлик ва

идоралар, жамоат ташкилотларининг вакиллари билан бирга Халқаро меҳнат ташкилоти, Халқаро касаба уюшмалари конфедерацияси, Миср, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Мўғлистон каби хорижий мамлакатлар касаба уюшмалари ташкилотлари раҳбарлари ва мутасаддилари ҳам иштирок этдилар.

Улар маросимни юксак баҳолаб, Президентимизнинг ижтимоий-меҳнат муносабатлари соҳасидаги ташаббуслари амалда ўз исботини топаётгани, Ўзбекистонда «Инсон қадрини учун» тамойили ҳаётда муносиб акс этаётганини эътироф этди.

Жумладан, **Халқаро меҳнат ташкилотининг лойиҳа координатори Анастасия Дубова** қуйидаги фикрларни билдирди:

– Ушбу академиянинг таълим соҳасида халқаро даражага чиқиш учун жуда яхши имкониятлари мавжуд. Чунки ижтимоий-меҳнат муносабатлари соҳасида фаолият юритувчи кадрларга катта эҳтиёж бор. Хусусан, Халқаро меҳнат ташкилотининг Туриндаги ўқув маркази билан ҳамкорликда қўшма ўқув дастурларини амалга ошириш ҳам режалаштирилган. Бу академияда тайёрланадиган мутахассисларга икки томонлама, яъни меҳнат қонунчилиги борасида ҳам миллий, ҳам халқаро даражада тайёргарликдан ўтиш имконини беради. Шу билан бирга, соҳанинг халқаро нуқтаи назардан истиқболли ҳам белгилаш имконига эга бўлади.

Академия ўқув дастурлари барча халқаро стандартларга жавоб беради. Шунингдек, академия энг замонавий технологиялар асосида жиҳозланган. Бир сўз билан айтганда, академия ўз талабалари учун барча зарур шарт-шароитларни яратиб бермоқда.

Халқаро касаба уюшмалари конфедерацияси вакили Анна Сальникова ҳам Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар академияси очирилиши катта тарихий воқеа дея баҳолади:

– Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ва Халқаро касаба уюшмалари конфедерацияси ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари тобора ривож топиб бормоқда. Ўзбекистонда ижтимоий-меҳнат муносабатлари соҳасида ҳам катта ислохотлар амалга оширилаётгани қувонарли. Айнан мана шу жараёнлар кечаётган бир даврда мазкур академиянинг очирилиши жуда катта тарихий воқеа бўлди. Бундан кўришиб турибдики, Ўзбекистонда давлат, касаба уюшмалари ва иш берувчилар ўртасида мустақам ва самарали ижтимоий мулоқот ва ижтимоий шериклик йўлга қўйилган ва у тобора такомиллашиб, ривож топиб бормоқда.

Сўзсиз, ижтимоий-меҳнат муносабатлари соҳаси ривожига малакали кадрлар ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга. Мазкур академия ана шундай етук мутахассисларни тайёрлаб берувчи маскан бўлишига шубҳа йўқ.

Миср Араб Республикасининг Коммунал ва газ ташкилотлари касаба уюшмалари бош қотиби Муҳаммад Ҳасан: «Миср касаба уюшмалари тизимида ҳам соҳа мутахассислари учун ўқув даргоҳлари мавжуд, аммо улар ҳудудларда ўқув маркази сифатида ишлайди. Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан ижтимоий-меҳнат муносабатлари соҳаси учун олий маълумотли кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасаси ташкил этилганини кўриб, тўғриси, ҳайратландик. Бу Ўзбекистонда меҳнат муноса-

батлари ва ижтимоий соҳага, шунингдек, меҳнат соҳаси учун малакали етук кадрлар тайёрлашга юксак эътибор қаратилаётганидан далолатдир», – дея фикр билдирди.

Қозоғистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси Сотиболди Даулеталиннинг эътирофи ҳам ўзига хос бўлди. Унинг фикрича, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар академияси очирилиши нафақат Ўзбекистон, балки бутун Марказий Осиё учун ҳам катта воқеа бўлди.

«Чунки шу пайтгача меҳнат ва ижтимоий муносабатлар соҳаси учун олий маълумотга эга ихтисослаштирилган кадрларни етиштириб берувчи олий таълим муассасаси бўлмаган. Шу боис, мазкур академия Марказий Осиё мамлакатлари учун базавий таянч маркази бўлиб хизмат қилишига шубҳа йўқ. Ушбу масканга ҳозирдан қизиқиш ортиб бормоқда. Хусусан, биз ҳам келгусида бу ерда талаба ва мутахассисларимизни юбориб, ўқитишни режа қилиб қўйдик», – дейди С.Даулеталин.

Худди шу каби илиқ ва ижобий фикрларни Қирғизистон, Монголия, Тожикистон каби мамлакатлар касаба уюшмалари раҳбарлари ҳам тўла қўллаб-қувватлади.

ЎҚИШНИНГ ИЛК КУНЛАРИДАГИ МАНЗАРАЛАР

Бир вақтнинг ўзида академиямиз талабаси бўлиш бахтига сазовор бўлган она ва унинг қизи қалбидаги қувонч, бахтиёрлик кўз ёшлари хотирамда муҳрланиб қолди.

Улар хоразмлик Малика Бобожонова ҳамда унинг фарзанди Нодирабегим Отабековадир.

Буни қарангки, қизининг ҳужжатларини топшириш асносида академиямиздаги мавжуд шарт-шароитлар билан танишган онада ҳам мазкур билим даргоҳида ўқиш истаги туғилади. У ўз танловини мана бундай изоҳлади:

– Бу ерда мавжуд шароитларни кўриб, қалбимда ўқишга бўлган иштиёқ янгидан туғилди. Менда кун сайин ана шундай гўзал масканда билим олиш хоҳиши орттириб, чекинмади. Тест синовларига туну кун тайёргарлик кўрдим, адабиётларни варақлаб, ўзим танлаган йўналиш бўйича кўникмаларимни мустақамлашга астойдил ҳаракат қилдим. Не бахтки, фарзандим Нодирабегим ҳам, ўзим ҳам бир вақтда талаба бўлдик. Ёшлигимда рўёбга чиқмаган орзуларим бугунги дорилмон кунларда амалга ошди. Шу боис, ҳалигача қувончим ичимга сиғмаяпти. Айниқса, қизимнинг орзулари ушалаётганидан ниҳоятда бахтиёрман. Ана шундай юртда яшаётганимиз учун шукроналар айтамыз.

Дарҳақиқат, бугун Ўзбекистонда барча соҳаларда бирдек кечаётган ислохотлар ва уларнинг ижобий самараси ўлароқ, халқимиз турмуш фаровонлиги ошиб бораётгани, ушбу эзгу саъй-ҳаракатлар замирида «Инсон қадрини учун» тамойилининг мужассам топгани нафақат юртдошларимиз, балки хорижий мамлакатлар, халқаро ҳамжамият эътирофи ҳам сазовор бўлмоқда.

Биз ҳам инсон манфаатларини таъминлашга хизмат қилаётган улкан ислохотларга муносиб ҳисса қўшиш мақсадида, Президентимиз таъбири билан айтганда, бугун биз яшаётган жамиятга зарур бўлган янги фикр, янги ғоя, энг муҳими, ислохотларни амалга оширишга қодир бўлган янги авлод кадрларини тайёрлашга бор куч ва ғайратимизни сафарбар этамыз.



САОДАТМАНДЛИК СУРУРИ



Бахтиёр ЖҰРАЕВ,
Ўзбекистон қасаба
уюшмалари
Федерациясининг
Қашқадарё вилояти
кенгаши раиси

Сарҳисоб қилсак, жорий йилнинг ортида қолган даври мобайнида Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерациясининг Қашқадарё вилояти кенгашига 200 дан ортиқ мурожаат келиб тушибди. Аслида, мурожаатларнинг катта-кичиги ёхуд муҳим-номуҳими бўлмайди. Қолаверса, кимнингдир ҳолатини раво қилмоқ саодатмандликнинг асосий белгисидир. Яна аён ҳақиқат шуки, ҳар бир мурожаат ортида инсон тақдири туради.

Яқинда кенгашга Шаҳрисабз тумани «Боғишамол» маҳалласида яшовчи А. Худойкулова мурожаат қилди. Унинг арзида «Oqsaroy textile» МЧЖ кластерига қарашли майдонда пахта теришгани, лекин ҳашарчиларга уч кунлик терим пуллари берилмаётгани баён этилган. Мурожаат мутахассислар томонидан ўрганилди ва ҳашарчиларнинг 13 850 000 сўм терим пули ундириб берилди.

Худди шу мазмундаги мурожаат Амир Темур номидаги маҳаллада яшовчи бир гуруҳ уюшмаган аҳолидан ҳам келиб тушди. Улар 6 кундан буён терим пуллари ололмаётганини арзу ҳол қилишганди. Зудлик билан ҳашарчиларга 7 100 000 сўм маблағ ундириб берилди.

Бир қарашда оддий, кўтариб чиқишга арзимайдигандек масала, тўғрими? Аммо теримчилар ўз пешона тери билан ишлаб топган ҳақини сўрашяпти. Уч кунликми, олти кунликми, ҳар ким ўз ҳақини олиши шарт! Бу масалалар бўйича Шаҳрисабз тумани ҳокимига ҳам билдириш бердик ва ҳокимнинг ўзи вазиятни назорат қиладиган бўлди.

Ёки Манзура Йўлдошева-нинг мурожаатини олайлик. Унинг билдиришича, 1988-1996 йилларда Марказий банкнинг Қашқадарё вилояти бошқармасида, 1996-2009 йилларда ОАТБ «Ғаллабанк» минтақавий филиалида, 2009 йилдан 2022 йилгача АТБ «Қишлоққурилишбанк» минтақавий филиалида бош мутахассис лавозимида ишлаган.

Иш берувчининг 2022 йил 27 май санасидаги буйруғига кўра М.Йўлдошева билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинган. Ваҳоланки, ходимани ишдан бўшатиш бўйича қасаба уюшма кўмитаси розилиги олинмаган ва унинг болаликдан

ногирон эканига ҳам эътибор берилмаган. Иш судгача бориб етди. Мутахассисларимиз суд мажлисида гувоҳ сифатида қатнашиб, Манзура Йўлдошеванинг ўз вазифасига тикланиши ҳамда унинг мажбурий бекор юрган вақти учун ойлик маоши тўланишига эришишди.

Чироқчи қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежида ишлаган Гулшода Ибодова ҳамда Қарши шаҳар халқ таълими бўлимида дефектолог лавозимида фаолият юритган Сабоҳат Мирзаеванинг аризаларида уларнинг ҳомиладорлик ва туғиш таътилига чиққани ҳамда таътилдан қайтиб, ўз вазифасига тиклана олмаётгани баён этилган.

Беихтиёр ажабланасан, киши. Иш берувчилар хотин-қизларимизга белгиланган имтиёزلарни амалда қўллаш ўрнига, уларнинг норозилигига сабабчи бўлишган. Ҳар иккала иш фуқаролик ишлари бўйича судда кўриб чиқилди. Улар ўз вазифасига ишга тикланди.

Меҳнат жамоаларида қасаба уюшмаларининг ўрнини янада юксалтиришда жамоа шартномалари бандларининг амалда татбиқ этилиши муҳим ўрин тутди. Хусусан, «Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили»да жамоа шартномалари

Ижтимоий меҳнат муносабатларида муҳим йўналишлардан бири бандлик масаласидир. Ўтказилган меҳнат ярмаркалари орқали бўш иш ўринлари мавжуд бўлган корхоналарга 2490 нафар фуқаронинг ишга жойлашишига кўмаклашилди.

орқали 1543 та корхонада 2316 нафар кам таъминланган ёш оилага моддий ёрдам кўрсатилди. 1811 та корхона томонидан 3365 нафар эҳтиёжманд оила фарзандига ўқув қуроллари ва дарсликлар олиб берилди.

Ижтимоий меҳнат муносабатларида муҳим йўналишлардан бири бандлик масаласидир. Ўтказилган меҳнат ярмаркалари орқали бўш иш ўринлари мавжуд бўлган корхоналарга 2490 нафар фуқаронинг ишга жойлашишига кўмаклашилди.

Жўшқин фикрлар, янги-янги ғоялар, давлат ва жамият ривожига улуш қўшадиган таклифлару ташаббуслар худудлардаги жонли учрашувларда юзага чиқади. Шу боис туман ва шаҳарларда бўлиб, ёшлар билан учрашувлар ўтказиш, мулоқотлар чоғида уларни қийнаётган муаммоларга ечим топиш, шунингдек, келажак эгаларига қасаба уюшманинг афзалликлари ҳақида тушунчалар бериб, тарғибот ишларини олиб боришга ҳаракат қиляпмиз. Яқинда Шаҳрисабз шаҳридаги «Маданият саройи»да ёш авлод учун ташкил этилган учрашувда Қашқадарё вилоятининг энг фидойи инсонлари – Январ Иноятов ва Эсон Ражабов иштирок этиб, сўзга чиқишди. Уларнинг сабот ва матонат, Ватан

ва меҳнатни севиш каби гўзал туйғуларни ўзида мужассам этган сермазмун умр йўли, қасаба уюшма етакчиси қандай бўлиши кераклиги ҳақидаги ҳаётий ҳикоялари барчага ўзига хос мактаб вазифасини ўтади.

Меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ифода этади-

яти бирлашган қасаба уюшма кўмитаси аъзолари сони жадаллик билан ўсаётган тармоқлар сирасига киради. Олиб борилган тарғибот ишлари натижасида мазкур тармоқда 2022 йил давомида 40 та корхонада қасаба уюшма ташкилоти тузилиб, 1871 нафар ишчи-ходим аъзоликка қабул қилинди. Шу тариқа умумий аъзолар сони 18318 нафарга етди. Ўз-ўзидан тушунарлики, энди бу ходимлар ҳам қасаба уюшма ҳимоясида.

Ходимлар ва уларнинг оила аъзолари, фарзандларини соғломлаштириш бўйича ўз аналаримиз бор. Бу борада вилоятимиз республикада етакчи ўринларда туриши, санаторий ва оромгоҳларимизнинг сарҳисоб палласида энг яхшилар қаторида эътироф этилиши кучимизга куч қўшади. Шунингдек, сўнгги йилларда саёҳатлар уюштириш орқали ишчи-меҳнаткашларга мазмунли ҳордиқ онлари улашишга ҳам катта эътибор бериляпти. Айниқса, гўзал ва бетакрор Хоразм вилоятига қилинган саёҳатлар юзлаб-минглаб ходимларда олам-олам таассурот қолдирди.

Тармоқлараро спартакиадаларнинг ўтказилиши, турли иншолар, эсселар танловларининг ташкил этилиши, мактаб ўқувчилари ўртасида «Ёш китобхон» умумреспублика танловига асос солингани, буларнинг бари

Меҳнат жамоаларида қасаба уюшмаларининг ўрнини янада юксалтиришда жамоа шартномалари бандларининг амалда татбиқ этилиши муҳим ўрин тутди. Хусусан, «Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили»да жамоа шартномалари орқали 1543 та корхонада 2316 нафар кам таъминланган ёш оилага моддий ёрдам кўрсатилди. 1811 та корхона томонидан 3365 нафар эҳтиёжманд оила фарзандига ўқув қуроллари ва дарсликлар олиб берилди.

ган қасаба уюшмалари олдидаги устувор вазифалардан яна бири янги ташкил этилаётган МЧЖлар, оилавий ва хусусий корхоналарни аъзоликка қабул қилишдир. Яъни, қамровни кенгайтириб, кўпроқ меҳнаткашларни афзаллик ва имтиёزلардан баҳраманд этиш лозим. Бу – бугуннинг талаби. Шундай экан, тарғибот-ташвиқот ишларини янада кучайтириш керак.

Вилоятдаги тадбиркорлар ва бизнес ходимларининг «бошини қовуштирадиган» тармоғимиз ҳам бор. Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари ходимлари қасаба уюшмаси Республика кенгашининг Қашқадарё вило-

фақат ва фақат инсонларни соғлом турмуш, тараққийёт ва комиллик сари чорлайди.

Икки йилдан буён қасаба уюшма фаоллари ишчи гуруҳлари таркибида хонадонма-хонадон юриб, хотин-қизларнинг муаммолари, яшаш тарзини ўрганишяпти. «Аёллар дафтари»ни шакллантириш ҳамда ундаги чора-тадбирларнинг амалга оширилишида бевосита ва билвосита камарбаста бўлишмоқда. Бу – алоҳида мавзу. Бу – юксак масъулият, яна давлат ва халқ ишончини оқлашдек олий саодат ҳам демекдир...

ИШБИЛАРМОНЛАР ИМИЖИ ҚАНДАЙ ШАКЛЛАНАДИ?



Улуғбек МУҲАМЕДОВ,
Тадбиркорлик, бизнес ва
хизмат кўрсатиш соҳалари
ходимлари касаба уюшмаси
Республика кенгаши раиси

Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши 300 минг нафардан зиёд аъзони бирлаштириб, уларнинг меҳнатга оид ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш ҳамда ҳимоялашда яқиндан амалий ёрдам бериб келмоқда.

Ушбу устувор вазифалар ижросини ҳар жиҳатдан юқори даражада ижро этиш мақсадида ўтган ўн бир ой мобайнида кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилди.

Хусусан, ходимларга муносиб меҳнат шароити яратиш ва уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини таъминлаш мақсадида касаба уюшмалари томонидан 800 га яқин корхона ва ташкилот фаолияти ўрганилди ва икки мингдан зиёд камчилик бартараф этилди. Ишлаб чиқариш билан боғлиқ бахтсиз ҳодисалар туфайли ишчи-ходимлар ва уларнинг оила аъзоларига 950 миллион сўмдан ортиқ тоvon пули ундириб берилди.

Соҳа ходимларининг саъй-ҳаракатлари натижасида 100 нафарга яқин ходимнинг бузилган меҳнат ҳуқуқи тикланди ва уларнинг фойдасига 60 миллион сўмдан ортиқ маблағ ундирилди.

Шунингдек, меҳнат шартномасини бекор қилиш, мукофотлар, қўшимча тўлов ва устамалар тайинлаш, ишга тиклаш, ногиронлик нафақаси, йўлланмалар олиш каби масалалар юзасидан кенгашга телефон орқали 150 дан ортиқ савол ва мурожаат келиб тушди. Ҳар бир мурожаат тегишлиги бўйича ҳал этилди.

Кейинги йилларда барча жабҳалар қатори касаба уюшмалари соҳасида ҳам халқаро ҳамкорлик тобора мустаҳкамланиб бормоқда.

Республика кенгашининг 2022 йилга мўлжалланган чора-тадбирлари доирасида ўтган давр мобайнида 197 та янги касаба уюшма ташкилоти тузишга эришилди, 10 минг 865 нафар ишчи-ходим касаба уюшмаси аъзолигига қабул қилинди.

Хусусан, тармоқ касаба уюшмаси республика кенгаши савдо, ресторан, истеъмолчилар, кооперативлар ва бизнеснинг бошқа шакллари бўйича Россия, Арманистон, Беларус, Молдова, Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон ва Озарбайжон каби давлатларнинг турдош ташкилотлари билан келишувлар тузилди.

Сўнги йилларда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, инсонларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш бирламчи вазифага айланди ва бунда касаба уюшмалари ҳам фаол иштирок этмоқда.

Жумладан, «Аёллар дафтари» билан ишлаш тизими орқали ўтган давр мобайнида мутасадди вазирлик ва идоралар, ҳокимликлар билан ҳамкорликда минглаб хотин-қиз билан мулоқот ўтказилди ва уларнинг муаммолари ижобий ҳал этилди.

Шунингдек, жорий йилнинг ўтган даврида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари кўмитаси билан ҳамкорликда энгил саноат ва чарм саноати корхоналарида хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳолати ўрганилди.

Маълумотларга кўра, айти пайтда мамлакатимизда тўқимачилик ва тикув-трикотаж йўналишида 7,5 мингга яқин корхона бор ва ушбу ишлаб чиқариш зоналарида меҳнат қилаётган ходимларнинг қарийб 70 фоизини хотин-қизлар ташкил этади.

Ўрганишлар шуни кўрсатдики, ишлаб чиқариш корхоналарида ходимлар учун қулай меҳнат шароитлари яратилган.

Хусусан, корхона ва ташкилотларда энг паст лавозимдаги ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш ягона тариф сеткасининг 1-разряди ставкасидан кам бўлмаган миқдорда ҳақ тўланиши таъминланган.

Ходимларнинг лавозим (функционал) вазифалари ҳамда ҳар бир касб ва иш турлари учун меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги бўйича йўриқномалар ишлаб чиқилган. Ишчи-хизматчилар бепул озиқ-овқат, махсус кийим-бош, пойабзал, шахсий

ҳимоя ва гигиена воситалари билан таъминланган. Ходимларнинг ишга келиши ва кетиши учун махсус транспорт воситалари, хотин-қизлар учун шахсий гигиена-санитария хоналари ажратилган.

Шунингдек, ҳудудлардаги нодавлат секторга қарашли бўлган корхона, ташкилот ва муассасаларни касаба уюшмасига жалб қилиш борасида

ҳам бир қанча ишлар бажарилди.

Республика кенгашининг 2022 йилга мўлжалланган чора-тадбирлари доирасида

Маълумотларга кўра, айти пайтда мамлакатимизда тўқимачилик ва тикув-трикотаж йўналишида 7,5 мингга яқин корхона бор ва ушбу ишлаб чиқариш зоналарида меҳнат қилаётган ходимларнинг қарийб 70 фоизини хотин-қизлар ташкил этади.

ўтган давр мобайнида 197 та янги касаба уюшма ташкилоти тузишга эришилиб, 10 минг 865 нафар ишчи-ходим касаба уюшмаси аъзолигига қабул қилинди.

Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари ходимлари касаба уюшмаси республика кенгаши томонидан касаба уюшмаси кадрларининг билим ва тажрибасини ошириш мақсадида йил мобайнида ўқув-семинарлар ўтказилди.

Ўқув-семинарларда ташкилий бўлим томонидан ишлаб чиқилган бошланғич касаба уюшма ташкилотлари раҳбарлари фаолиятини тўғри ва самарали ташкил этиш бўйича турли қўлланмалар, жамоа шартномаси макетлари, уларни муҳокама қилиш тартибига оид намунавий ҳужжатлар тўплами ҳақида батафсил тушунтириш берилди.

Жойлардаги бошланғич касаба уюшма ташкилотларига амалий ёрдам кўрсатиш жадвалларига мувофиқ жорий уч ой давомида 36 тадан зиёд бошланғич касаба уюшма ташкилотига амалий ёрдам кўрсатилди.

Умуман олганда, касаба уюшмалари куни муносабати билан йил сарҳисобини қиларканмиз, ишонч билан айтмаймиз, ўз олдимизга қўйган мақсадларга эришдик ва келгусидаги фаолиятимиз бундан-да яхши бўлиб, аъзолар сонини янада кўпайтирамиз.





ҲЕЧ ҚАЧОН ДАРД КЎРМАНГ!



Ўзбекистон касаб уюшмалари Федерациясига қарашли Даволаш-профилактика маркази иссиқ жонимиз безовта бўлганда биз учун биринчи ёрдамга шай тиббий даргоҳ. Хўш, бу ерда сўнги пайтларда қандай янгиликлар ва ўзгаришлар бўлди? Даволанувчиларга қандай қулайликлар яратилмоқда? Ана шулар хусусида мулоқот қилиш мақсадида марказ раҳбари Ирода НАБИЕВАни суҳбатга чорладик.

– Ирода Эркиновна, бугун марказ бутунлай янги қиёфага кирди. Келинг, аввало, суҳбатимизни ана шу яратилган қулайлик ва шароитларга тўхталишдан бошласак.

– Муассасамиз Ўзбекистон касаб уюшмалари Федерацияси ташаббуси билан 2003 йилда бунёд этилган. 2016 йилда эса капитал таъмирланиб, 36 ўринли янги ётоқ бўлимига эга бўлди. 2021 йилда яна 50 ўринли замонавий ётоқ биноси қуриб битказилди ва хоналари мебеллар билан жиҳозланиб, фойдаланишга топширилди.

Марказ республикамиз тиббиётига қўйилаётган барча замонавий талабларга жавоб беради. Жумладан, лаборатория ва диагностика бўлими, ультратовуш, маммография, неврология, отоларинголог, офтальмолог, стоматолог, уролог, онколог, маммолог, гинеколог, эндокринолог ва аллерголог хоналари мавжуд. Сўнги йилларда келтирилган энг замонавий МСКТ ва МРТ аппаратлари касалликларни янада аниқ ташхислашда муҳим омил бўлиб, шифокорларимизнинг иш самарадорлигини оширмоқда. Янги сув билан даволаш бўлими таъмирдан чиқарилиб, Германиядан келтирилган анжомлар билан жиҳозланди.

Янги биномизда 54 та люкс ўринли хона, 140 ўринли шинам ва кўркам ошхона мавжуд. Физиотерапия бўлими эса энг сўнги русумдаги турли-ту-

ман тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Беморлар ҳам яратилган шароитлардан мамнун бўлиб, нафақат саломатликларини, балки чиройли табиат ва шинам дизайнга эга хоналаримизда дам олиб, иш қобилиятларини ҳам тикламоқдалар. Бундай натижага эришимизда Федерация раҳбарияти бизга яқиндан ёрдам бермоқда. Чунки улар муассасамиз замон талабларидан орқада қолишини истамайди ва даволаш масканимизда қайси тиббиёт ускунасига зарурат бўлса, уни олиб келишимизга ёрдамлашмоқда.

– Тиббиётда ходимлар малакасини ошириш муҳим жиҳат. Бу борада қандай иш олиб борясизлар?

– Дарҳақиқат, ходимларнинг билим ва малакаси ниҳоятда муҳим роль ўйнайди.

Масканимизда 26 нафар шифокор ишласа, уларнинг икки нафари фан доктори, қолганлари олий тоифали. Аксарият шифокорларимиз ҳамдўстлик мамлакатларида ишлаб, ўқиб, тажриба алмашиб келишган. 36 нафар ҳамширамизнинг ҳам барчаси олий тоифали. Ўз ишининг усталари. Улар чин дилдан вазифаларини бажараётгани, касбини севганлари учун ҳам биз муассасамизни реклама қилишга эҳтиёж сезмаймиз. Масканимизда даволаниб, дам олиб саломатлигини тиклаб кетганлар, ўз яқинлари ва танишларига тавсия қилишгани боис, бу ерга шифо истаб келаётганларнинг қадами узилмайди.

Марказимизга касаб уюшмалари тизимидаги ходимлар ва юртимиз фуқароларидан ташқари Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон, Россия ва

АҚШ каби давлатлардан ҳам фуқаролар келиб, соғлигини тиклаб кетишмоқда. Сўнги беш йил давомида 82 минг нафардан ортиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатдик. Бунда бизга диагностика ва лаборатория бўлимлари дунёнинг энг етук давлатларида ишлаб чиқарилган тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланганлиги жуда қўл келмоқда.

– Ирода опа, пандемиядан кейин даволаниш марказига келаётганлар орасида қандай шикоятлар кўп учраяпти ва уларнинг сабаби нимада?

– Албатта, пандемия ўзи бир синов даври бўлиши билан бирга, унинг асоратлари ҳам инсонлар, ишчи-ходимлар саломатлигига катта таъсир қилди. Масалан, ковидга чалинган беморлар тузалгандан кейин ҳам эндокрин ўзгаришлари ҳисобига аёлларда ўсма касалликлари ва эркакларда суяк, бўғим касалликлари кўп кузатилаётгани таъкидланмоқда. Бизнинг марказга келувчилар орасида ҳам юрак қон-томир, ошқозон-ичак ва эндокрин тизими шикоятлари билан келувчилар кўпчиликини ташкил этади. Уларни дастлабки кунларда чуқур текширувлардан ўтказамиз. Шифокорларимиз ташхислашга асосан муолажалар ва физиотерапия муолажалари бошланади. Агар жиддий касаллик аломатлари

аниқланса, даволанувчиларга ихтисослашган тиббий марказларга йўланма берамиз. Юртимиздаги барча ихтисослашган тиббий марказлар билан ҳамкорликни йўлга қўйганмиз. Айниқса, бош мия касалликларига тўғри ташхис қўйишда яқинда ўрнатилган МРТ аппаратидадан фойдаланилаётгани, аёлларда учрайдиган кўкрак саратонини аниқлашда маммография ускуналарининг мавжудлиги ўз самарасини кўрсатмоқда. Бундан ташқари, марказимизда бел-умуртқа диски чуррасини компьютерли чўзиб даволаш усули ҳам кенг қўлланилмоқда.

– Сиз раҳбар бўлиш билан бирга, аввало, шифокорсиз. Айтинг-чи, ишчи-ходимлар учун меҳнат ва дам олиш тартиби қандай бўлиши керак?

– Жуда тўғри савол бердингиз. Ишчилар ўз вақтида дам олишни унутмасликлари, тўғри ва соғлом овқатланишга ҳаракат қилишлари лозим. Ҳозир кўпчилик ташкилотлар ходимларнинг меҳнатига яраша ҳақ тўлаш тизимига ўтмоқда. Бундай шароитда ишчилар кўпроқ, сифатли ва самарали ишлашга қизиқишади. Аммо бу узлуксиз ва дам олишсиз ишлашга олиб келмаслиги, ҳар бир инсоннинг бир кунлик уйқуси 8 соатдан кам бўлмаслиги лозим.

Ишчи-ходимлар компьютер қаршисида кўп ва узоқ қолиб кетмасликлари, вақти-вақти билан кўзларига дам беришлари зарур. Қолаверса, маданий ҳордиқ чиқаришга улгуришлари керак. Мунтазам равишда узоқ ишлаш ходимни ҳолдан тойдириб, кейинчалик саломатлигида жиддий муаммолар келтириб чиқариши мумкин. Шу боис ҳар бир инсонга саломатлиги бебаҳо неъмат эканлигини эслатган ҳолда, барча касаб уюшмалари тизимида ишлаётган ҳамкасбларимиз ва аъзоларни байрам билан қутлайман!

Зебо НАМОЗОВА
суҳбатлашди





Муносиб меҳнат шароитлари яратиш – иш берувчининг бурчи

Ишчи-ходимларнинг хотиржам ишлаши, кўнимлиликнинг таъминланиши ташкилотда меҳнат муҳофазаси қай даражада ташкил этилишига бевосита боғлиқ. Зеро, тушунтириш-тарғибот ишлари меҳнат шароитлари яхшила-нишида, меҳнат муносабатлари иштирокчиларининг ҳуқуқий маданияти ошишида муҳим ўрин тутати.

чилик назорати йўлга қўйилмоқда. Меҳнат муҳофазаси бўйича назорат-профилактика ишлари, хотин-қизларнинг меҳнат шароитлари, бахтсиз ҳодисалар ҳамда ходимлар саломатлигининг бошқа хил зарарланишлари, белгиланган зарар тўловлари ва зарар тўловларидан мавжуд бўлган қарздорлик, ходимларнинг тиббий кўриқдан ўтказилаётгани, иш ўринларини меҳнат шароитлари ва асбоб-ускуналарнинг жароҳатлаш хавфлилиги юзасидан аттестациядан ўтказиш ҳолати мониторинги йўлга қўйилган.

Жорий йилда меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати ходимлари томонидан 1 200 та

630 нафар хотин-қиз меҳнат қилаётган 1 395 та ташкилот ўрганилди. Аниқланган камчиликлар юзасидан иш берувчиларга тегишли таклиф ва тақдимномалар киритилди.

Шу билан бирга, Президентимизнинг тегишли фармонидан келиб чиқиб, хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари таъминланганлик ҳолатини ўрганиш мақсадида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги «Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари таъминланганлик ҳолатини ўрганиш бўйича» қўшма дастур имзолади. Унга мувофиқ, жорий йилнинг ўтган даврида текшириш

Нодира ҒОИБНАЗАРОВА,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мудир



жавоб бермаслиги ходимларда касб касалликларига чалиниш ҳолатлари ортишига олиб келади.

Ходимнинг вафоти ёки соғлиғига етказилган зарар билан боғлиқ бирйўла тўланадиган зарар миқдори 3 млрд. 458 млн. 050 минг, ҳар ойда тўланадиган зарар миқдори 116 млн. 381 минг сўми ҳамда бошқа қўшимча харажатлар миқдори 249 млн. 457 минг сўми ташкил этди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Вазирлар Маҳкамасига ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар, унинг оқибатлари бўйича ҳар йили тахлилий маълумот киритиб бормоқда. Бундан кўзда тутилган асосий мақсад ишлаб чиқаришда меҳнат қилаётган ходимлар меҳнатини муҳофаза қилиш, жумладан, иш берувчилар томонидан мазкур масалага маблағ йўналтирилишига эришиш, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса ва касб касалликларининг олдини олиш ҳамда тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтиришдир.

Тахлиллар шуни кўрсатмоқдаки, ташкилотларда меҳнат муҳофазаси хизматларининг ташкил этилиши, ходимларга йўл-йўриқлар бериш, ўқитиш ва билимларини синашга иш берувчиларнинг эътибори анча ошган. Меҳнат шароитларини яхшилашга қаратилган дастурлар қабул қилинишига эришиб, уларнинг ижроси касаба уюшмалари томонидан назоратга олинмоқда.

Касаба уюшмалари Федерацияси томонидан «Ўзбекистон Республикасининг меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлигига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами», 10 га яқин турдаги «Ходимларнинг меҳнат муҳофазаси: меҳнат шароитларининг даражаси ходим-

ларнинг иш жойидаги руҳиятига таъсири», «Касаба уюшмалари тизимидаги меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасига оид норматив ҳужжатлар тўплами», «Меҳнатни муҳофаза қилиш», «Муносиб меҳнат – инсон фаровонлиги ва мамлакат тараққийотининг асоси», «Касаба уюшмалари тизимида меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги», «Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг коронавирус пандемияси даврида меҳнат масалалари бўйича тавсиялари», «Коронавирус пандемияси даврида меҳнат муносабатларига оид 101 саволга 101 жавоб», «Яшил иш ўринларини яратиш орқали экологик барқарор иқтисодиётга адолатли ўтиш бўйича касаба уюшмалари стратегияси», «Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисани текшириб, таҳлил этишига оид касаба уюшмалари тавсиялари», «Меҳнат муҳофазасининг айрим масалалари жадвал ва схемаларда» номли бир қатор қўлланмалар ишлаб чиқилиб, 100 дан зиёд турдаги (маърузалар тўплами, тақдимот материаллари, флаер, буклет) ахборот-тушунтириш материаллари чоп этилди. Барчани бошланғич касаба уюшма ташкилотларига, тармоқ, ҳудудий касаба уюшмалари мутахассислари ҳамда ижтимоий шерикларга фойдаланиш учун етказилди.

Иш жойларида хавфсизлик таъминлангани ходимлар соғлиғи билан бирга ишда унумдорликнинг омили ҳам ҳисобланади. Корхона, ташкилотларда бўлганимизда бу жиҳатга алоҳида тўхталмиш. Буни тўғри англаган иш берувчилар, табиийки, меҳнат муҳофазасига алоҳида эътибор қаратишади. Зеро, ходим хавфсиз ва соғлом иш ўрнига эга бўлса, самарадорлик ҳам шунга яраша бўлади.



бошланғич касаба уюшма ташкилоти фаолияти ўрганилиб, 4 710 та камчилик аниқланди. Иш берувчиларга 875 та тақдимнома киритилди.

Ишлаб чиқаришда жароҳат олган ходимлар ва боқувчисини йўқотган оилаларнинг 440 тасига ҳуқуқий маслаҳат берилди. Меҳнатни муҳофаза қи-

ўтказилган корхоналар сони 109 тани ташкил этди.

Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ходимларда зарур билим ва малаканинг етишмаслиги, хавф-хатарни тушунмаслик, меҳнат муҳофазаси меъёрига амал қилиш бўйича профилактик ишларнинг тўғри йўлга қўйилмаганлиги, соҳада зарурий

потенциал имкониятларнинг чекланганлиги оқибатида келиб чиқмоқда. Касаба уюшмаларига аъзо корхона, ташкилот ва муассасаларда сўнги ўн ой давомида аниқланган ишлаб чиқариш билан боғлиқ бахтсиз ҳодисалар 152 тани ташкил этди.

Аксарият ҳолатларда иш жойидаги шароитларнинг санитария-гигиена меъёрларига

Ходимнинг вафоти ёки соғлиғига етказилган зарар билан боғлиқ бирйўла тўланадиган зарар миқдори 3 млрд. 458 млн. 050 минг, ҳар ойда тўланадиган зарар миқдори 116 млн. 381 минг сўми ҳамда бошқа қўшимча харажатлар миқдори 249 млн. 457 минг сўми ташкил этди.

лиш соҳасида аъзоларни ҳимоя қилиш мақсадида 5 маротаба судга мурожаат қилинди. Бундан ташқари, меҳнат муҳофазаси хизмати ходимлари ишлаб чиқариш объектларини ва ишлаб чиқариш воситаларини синаш ҳамда фойдаланиш учун қабул қилиш бўйича комиссиялар ишида мустақил эксперт сифатида 65, иш ўринларини меҳнат шароитлари бўйича аттестациядан ўтказиш комиссияси ишида 5, меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлигига оид масалалардаги билимлар синови комиссиялари ишида 120 маротаба қатнашилди.

Хотин-қизлар ва касб-ҳунар коллежлари битирувчилари учун корхона, ташкилот ва муассасаларда ташкил этилаётган иш ўринларида меҳнат шароитлари яратилиши ҳолати бўйича 100

Ўтган даврда республикамиз бўйлаб «Муносиб меҳнат шароитлари яратиш – иш берувчининг бурчи» шиори остида енгил саноат, тўқимачилик, чарм-саноат корхоналарида, курилиш ташкилотларида, сервис ва хизмат кўрсатиш соҳасида, қишлоқ ҳўжалигида меҳнатни муҳофаза қилишни ташкил этиш ва уни бошқариш тизими ҳақида ўқув-семинарлар ўтказилди.

28 апрель – Бутунжаҳон меҳнатни муҳофаза қилиш кўнига бағишлаб давра суҳбатлари, семинар-тренинг, энг яхши меҳнат шароитлари фотокўргазмаси, соҳага оид кўргазмалар ва бошқа тадбирлар «Меҳнат муҳофазасининг ижобий маданиятини биргаликда шакллантирамиз» шиори остида зўр кўтаринки кайфиятда ташкил этилди.

Ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда Олмалик кон-металлургия комбинати, Навоий кон-металлургия комбинати, «Jizzakh Petroleum» МЧЖ, «Enter Engineering Pte Ltd», Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи каби йирик ташкилотларнинг муҳандис-техник ва раҳбар ходимлари учун меҳнат муҳофазаси ва саноат хавфсизлиги масалаларида ўқув-семинар, тренинг ҳамда бошқа мавзуларда 30 га яқин видеоконференц-алоқа тарзидаги учрашуларда мавзуга оид маърузалар ўқилди.

Ҳар йили кенг жамоатчилик иштирокида касаба уюшмаларига аъзо барча ташкилотларда меҳнат муҳофазаси маданиятини юксалтириш, иш берувчи томонидан ходимларга соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитлари яратилиши бўйича бир қатор номинациялар бўйича кўриқ-танлов ўтказилмоқда.

Жорий йилда бошланғич касаба уюшмалари ташкилотларидан иштирок этган кўриқ-танловнинг 1- ва 2-босқич фойдалари ҳудуд ва тармоқ даражасида аниқланиб, эсдалик совғалар билан тақдирланилди.

Меҳнат шароитларини яхшилаш бўйича дастур доирасида ижтимоий шерикликда мақсадли ўрганишлар ва касаба уюшмаларининг жамоат-





СОҒЛОМЛАШТИРИШ КўРСАТКИЧЛАРИ ОШМОҚДА

Анвар АҲМЕДОВ,
Ўзбекистон касаба
уюшмалари Федерацияси
Санатор-курортлар
бошқармаси бошлиғи



Халқнинг менталитети ва саломатлиги ўзи яшаган ҳудуд табиати, шифобахш манбалари ва табобати хусусиятлари билан чамбарчас боғлиқдир. Шунинг назарда тутган ҳолда, Ўзбекистонда халқ табобати, тиббиёти тарихи ҳамда санатор-курортлар тизимидаги шифобахш масканларга оид тарихий манбаларни аниқлаш, уларни ўрганиш ва кўп асрлик тажрибадан замонавий тиббиётда унумли фойдаланиш жуда катта илмий-амалий аҳамият касб этмоқда.

2021-2026 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг Тараққиёт стратегиясида соғлиқни сақлаш соҳасини, энг аввало, аҳолига тиббий ва ижтимоий-тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини оширишга қаратилган ишларни мустақамлаш сингари вазифаларнинг белгиланиши амалга оширилаётган ишларнинг янги босқичга кўтарилишини талаб этмоқда. Бу юртимиздаги барча тиббиёт муассасалари қатори санатор-курортлар тизимига ҳам катта масъулият юклайди.

Ҳозирги кунда соғлиқни сақлаш тизимида санаторий ва курортлар ўзининг нуфузли ўрнига эга бўлиб, улар дам олиш масканигина ҳисобланмай, балки инсон соғлигини тиклашда ўта муҳим омил ҳамдир. Шунинг учун тиббиёт соҳасида олиб борилаётган ислохотлар ва жамиятда инсон саломатлигини таъминлаш нафақат тиббиёт муассасаларининг, балки санаторий ва курортлар тизимининг ҳам функционал вазифаларидан бири ҳисобланади.

Адабиётларда келтирилган маълумотларга кўра, санатор даволанишдан сўнг ишчи ва хизматчиларнинг касаллик билан боғлиқ бўлган вақтинчалик ишга лаёқатсизлик кўрсаткичи 2-4 баробарга камаяди. Шунингдек, соғломлаштириш натижасида сурункали касалликларнинг фаоллиги пасаяди ва шифохонада ётиб даволанишга бўлган талаб 2,5 марта камаяди.

Айнан шунинг учун ҳам, бугунги кунда амалга оширилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналишлари, кенг қўламдаги ислохотлар моҳияти, қабул қилинган қонун ҳужжатлари ва давлат дастурларининг аҳамиятини ходимларга, айниқса, ёшларга атрофлича тушунтириш ва бу жараёнларда санаторийлар ва дам олиш уйларининг фаол иштирокини таъминлаш мақсадида бошқарма тасарруфидаги барча муассасаларда ҳар ойда икки марта «Маърифат соатлари» ўтказиб келинмоқда.

Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан санаторийлар хотин-қизлари ўртасида «Спорт – саломатлик гарови» шиори остида спортнинг шахмат, шашка, стол тенниси, волейбол ва 100 метр масофага югуриш турлари бўйича мусо-



бақалар ташкил этилиб, ёлиблар рағбатлантирилиб келинмоқда. Шунингдек, байрам муносабати билан барча санаторий ва дам олиш уйларида «Аёллар қадр топган юрт» маданий-маърифий тадбири ташкил этилмоқда.

«Наврўз – қадриятларимиз тимсоли» шиори остида туркум тадбирлар ўтказилиб, дастурга халқ миллий спорт ўйинлари, фольклор кўшиқлари киритилди.

Кези келганда айтиш жоизки, Президентимизнинг 2017 йил 12 январдаги «Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш

бўйича комиссия тузиш тўғрисида»ги фармойиши асосида Санатор-курортлар бошқармаси ўқув-услубий маркази томонидан санаторий ходимлари ва дам олувчилар ўртасида, аҳоли, айниқса, ёшлар орасида бадий жиҳатдан юксак, интеллектуал савияни ўстиришга хизмат қиладиган китобларга бўлган талаб ўрганиб чиқилди. Шу асосда Санатор-курортлар бошқармаси томонидан «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси ҳамда Ғафур Ғулум номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи билан шартнома тузилиб, тизимдаги барча санаторий ва дам олиш уйлари кутубхоналарига ўтган йили 55 номдаги 1200 нусха, бу йил

15 номдаги 600 нусха ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ва бадий адабиётлар олиб берилди.

Санатор-курортлар бошқармаси бир неча йиллардан бери Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси билан ҳамкорлик қилади. Миллий кутубхона томонидан ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиладиган «Central Asia: фан, таълим, маданият ва бизнесда кутубхона – ахборот ресурслари» мавзудаги халқаро конференцияларда ходимлар ўз маърузалари билан қатнашиб келмоқда. Маърузаларнинг деярли барчаси анжуман маърузалар тезислари тўпламида чоп этилган.

Шифокорларнинг билим даражасини муттасил ошириб бориш учун «Санатор-курорт хизматини такомиллаштиришда долзарб вазифалар» мавзусидаги 72 соатли ўқув дастури ишлаб чиқилган бўлиб, жорий йилда жами шифокорларнинг 150 нафари (60%) уй ва иш жойларидан ажрамаган ҳолда ўз малакаларини ошириб, сертификатларга эга бўлди. Бундан ташқари, бошқарма томонидан қўшимча равишда 37 нафар шифокор Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш марказига 1 ойлик малака оширишга бориб келди. Натижада, жорий йилда 48 нафар шифокор ва 398 нафар ўрта тиббиёт ходимлари аттестациядан ўтиб, малака тоифаларига эга бўлдилар.

Санаторийларнинг моддий-техник базасини мустақамлаш, янги санаторийларни қуриб ишга тушириш мақсадида нафас олиш тизими касалликларини соғломлаштиришга мўлжалланган Паркент туманида 128 ўринли «Заркент» санаторийи ва Бўстонлик туманида 184 ўринли «Севарсой» санаторийи ишга туширилди. Натижада йилига қўшимча 6 мингдан ортиқ сурункали нафас олиш тизими касалликлари мавжуд бўлган беморларни ва ишчи-хизматчиларни соғломлаштириш имкони яратилди.

Жорий йилда Бухоро вилояти «Ситораи Мохи Хоса», Тошкент вилоятининг «Кўҳинур» ва Сирдарё вилоятининг «Янгиер» санаторийи раҳбарлари Болгариянинг Папорово дам олиш комплексига бориб, аҳолига кўрсатилаётган санатор-курорт ва бошқа янги хизмат турларини ўрганиб келишди. Улар ўрганилган тажрибалар асосида санаторийларда тизимли ишларни жорий қилишмоқда.

Умуман, саъй-ҳаракатлар натижасида жорий йилда санаторийлар сони 26 тага етди. Уларда 160 мингдан ортиқ дам олувчини ва ишчи-хизматчини соғломлаштириш кутилмоқда. Бу йилга нисбатан 10 фоизга кўпдир.

«КАСАБА САЙР» билан сайрга ЧИҚИНГ...

Мамлакатимизда сўнгги
йилларда туризмни
ривожлантиришга катта
эътибор қаратилмоқда.
Айниқса, хорижлик сайёҳлар
сони кескин ошди.

Тўлқин ХИДИРОВ,
«Касаба сайр» шўъба
корхонаси директори



Пандемия бошланмасдан аввал Минск шаҳрида Қозоғистон, Грузия, Молдова, Россиядан санаторий-курорт ходимлари иштирок этган учрашувда касаба уюшмалари туроператорларининг халқаро клуби ташкил этилган эди.

Ўшанда туризм бозорини ўрганиш ва бу йўналишдаги тенденцияларни таҳлил қилиш бўйича қўшимча ишларни олиб боришга келишиб олган эдик. Шу тариқа касаба уюшма туризми бўйича халқаро ҳамкорликни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари белгиланиб, уни фаол амалга оширишга киришилди. Туркия, Болгария, Украина, Озарбайжон, Россия, Хитой, Вьетнам, Испания, Италия, Франция ва бошқа давлатлар сайёҳлик операторлари билан ўнлаб шартномалар тузилди. Бу ерда гап нафақат бу мамлакатларга сайёҳлар жўнатишгина эмас, балки хорижлик сайёҳларни Ўзбекистонда қабул қилиш устувор вазифа қилиб белгилангани ҳақида кетяпти.

Президентимизнинг соҳага доир фармонларида ички туризмни ривожлантиришга катта эътибор берилди. Ушбу ҳужжатлардан келиб чиққан ҳолда, биз ўз фаолиятимизни сезиларли даражада фаоллаштирдик. Ўтган йили «Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизлар учун 27 йўналишда турлар ташкил

этдик. 20 минг нафардан зиёд хотин-қиз Бухоро, Самарқанд, Хива ва Шаҳрисабзга саёҳат қилди. Пойтахтимизга келган сайёҳлар архитектура ва тарихий объектлар, музейлар, Янги Ўзбекистон боғи, Ғалаба боғи, янги барпо этилаётган замонавий мажмуаларни зўр қизиқиш билан томоша қилишмоқда.

Шу ўринда айтиш лозимки, сайёҳлик хизматлари сифатига тўртта элемент таъсир кўрсатади: транспорт хизматлари, меҳмонхоналарга жойлаштириш, овқатлантириш ва албатта, инсон омили намоён бўладиган асосий кўришиш – гид хизматиدير. Айнан шунинг учун ҳам барча ҳудудларда тажрибали, профессионал гидлар хизматда бўлишига эътибор қаратилади. Яна бир афзаллиги шундаки, сайёҳлар саёҳатлари давомида ташриф буюришни хоҳлаган объектларини ўзлари танлайдилар. Шунингдек, саёҳатчилар овқатланиш учун индивидуал меню яратиш имкониятига эга, бу ҳам мижозлар учун қўшимча қулайликдир.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимида меҳмонхоналар тармоғи мавжуд: Самарқанд шаҳрида «Нодир

Самарқанд», Тошкентда «Саёҳат-сари», Хивада «Шамс-Хива», Урганчда «Хоразм Палас». Улар халқимизга манзур меҳмонхоналар бўлиб, ҳатто чет элликлар ҳам яхши билишади.

Транспорт хизматларимиз ҳам йўлга қўйилган. Энг сўнгги русумдаги «Ютонг» туристик автобусимиз барча замонавий талабларга тўла жавоб беради. Ўтган йили 16 ўринли микроавтобус ҳам сотиб олдик.

Таътил даврида беш кунлик туристик саёҳатлар уюштирилди. Бу кунлар барча учун унутилмас онларга бой бўлди. Айниқса, сайёҳлар Фарғона водийсида Қўқон-Риштон-Марғилон-Фарғона-Андижон-Наманган-Чуст йўналиши бўйлаб кезишди, Қўқонда Худоёрхон саройи билан танишиб, Ҳамза ва Муқимий музейларига ташриф буюришди. Риштонда кулчиликнинг сир-асрорларини ўрганиб, Марғилонда жаҳон миқёсида шуҳрат қозонган шойи матолар – «хон-атлас» ва «адрес»ларни дунё билан юзланишини кўришди. Шунингдек, Андижонда Бобур боғи ва кўпгаб зиёратгоҳлар, Наманганда шаҳарнинг бош истироҳат боғидаги гуллар байрами,

Чустада эса миллий пичоқларнинг ноёб коллек


цияси, Сурхондарё, Навоий, Тошкентда гўзал жойлар барча сайёҳларда катта таассурот қолдирди.

Веб-сайтимида сайёҳлик хизматларимиз ва имкониятлари ҳақида батафсил маълумотлар келтирилган. Ҳар бир сайёҳ мустақил равишда ўз йўналишини ишлаб чиқиши, мутахассисларимиз билан муҳокама қилиши ва интерактив хизматга буюртма бериши мумкин. «Афросиёб» тезюрар поезди ёки ўзимизнинг қулай транспортларимизда вилоятларга тегишли йўналишлар бўйича танланган сайёҳлик жойларига етказамиз.

Тиббий туризмни ривожлантириш доирасида қатор ишларни йўлга қўйдик. Туркия, Чехия, Озарбайжон, Қирғизистон давлатларидаги санаторийлар билан шартномалар имзоланди. Россия Федерациясининг Кисловодск ва Сочи шаҳарларидаги санаторий-курортларда даволаниш бўйича келишув мавжуд.

Икки йил давомида пандемия сабабли Иссиқкўлда дам олиш тўхтаган эди. Энди Қирғизистонга сайёҳларни жўнатишни қайтадан йўлга қўяпмиз. Улар «Аврора» санаторийсида соғлиқларини тиклайди.

Саёҳат инсонга руҳан енгиллик беради, ҳаётни англаш, ўзгалар билан танишиш, дўст орттириш имконини яратади. Муштарийларга айтар сўзимиз – бундай ниятни кўнглига тукканларга ҳамма шароитларни яратиб беришни мақсад қилган «Касаба сайр» билан сайрга чиқинг!



Тошкент
вилояти

**Абдурашид
ҲАЙДАРОВ,**
«Олмалиқ КМК» АЖ
ходимлари
касаба уюшмаси
раиси



Олмалиқ кон-металлургия комбинати ходимлари касба уюшмаси кенгаши 40 та бошланғич ташкилот ва 46 464 нафар аъзога эга. Ташкилот томонидан ишчи-ходимларнинг ижтимоий ҳуқуқларини муҳофаза қилиш ҳақида сўз борар экан, энг аввало, жамоа шартномаси ҳақида гапириш ўринли бўлади.

«Олмалиқ КМК» АЖнинг 2020-2022 йиллар учун тузилган жамоа шартномасида иш ва дам олиш вақтлари, меҳнатга ҳақ тўлаш, кафолатли ва компенсация тўловлари борасида имтиёзлар кўрсатиб ўтилган. Шунингдек, хавфсиз иш шароитлари ва меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида қатор чора-тадбирлар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Жамоа шартномасида кўрсатилган рўйхат бўйича меҳнат шароитлари ноқулай ишларда банд бўлган ходимларга тегишли рационлар асосида овқатланишлар ташкил этилган. Шунингдек, умумий ва касб касалликларининг олдини олиш мақсадида зарарли иш шароитларида меҳнат қилаётганлар даволаш-профилактика, озик-овқатлар, сут маҳсулотлари, махсус кийим ва пойабзал ҳамда шахсий ҳимоя воситалари билан таъминланган.


Меҳнат муҳофазаси бўйича тарғибот ишлари ва ходимлар касб маҳоратини кучайтириш мақсадида «Ўз касбининг моҳир устаси», «Йилнинг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича энг яхши мутахассиси» кўрик-танловлари анъанавий тарзда ўтказиб келинмоқда.

Барча ходимлар меҳнат шартномаси тузиш вақтида дастлабки тарзда ва меҳнат фаолияти давомида вақти-вақти билан тиббий кўриқдан ўтказиб келинмоқда. Касаба уюшмаси томонидан 2 минг 830 нафар ишчи-ходим ва пенсионерларга соғлиқларини тиклаш учун моддий ёрдам ажратилди.

«Касаба уюшмаси – хотин-қизларга» ижтимоий акцияси доирасида бола парвариши таътилида бўлган 108 нафар аёлга моддий ёрдам кўрсатилди. «Касаба уюшмаси – болаларга» акцияси доирасида кўп болали, ногирон фарзанди

бор ишчи-ходимларнинг 300 нафар фарзанди учун ўқув қуроллари харид қилиш харажатлари қоплаб берилди. «Касаба уюшмаси – фахрийларга» шиори остида 847 нафар ижтимоий муҳофазага муҳтож, комбинатда узоқ йиллар меҳнат қилиб, нафақага чиққан фахрийлар ҳолидан хабар олинди.

Комбинат корхоналарида меҳнат қилаётган ишчи-ходимлар ва уларнинг оила аъзоларининг 5100 нафари мамлакатимизнинг сўлим гўшаларида жойлаш-



ган сиҳат-гоҳларда, комбинат санаторий-профилакторийсида ҳамда Ялта, Кисловодск шаҳарларида жойлашган «Ўзбекистон» санаторийсида соғлиқларини тиклаб, дам олишди.

Комбинатимиз ишчи-ходимлари ўртасида соғлом турмушни қарор топтириш, спортни оммалаштириш ишларига ҳам катта эътибор берилмоқда. Ишдан бўш вақтда оммавий спортга жалб этиш мақсадида ҳар бир цехда ходимлар ичидан спорт тарғиботчилари тайинланган. Жорий йилнинг 10 ойи давомида спорт тарғиботчилари томонидан 5 минг нафарга яқин иштирокчи қамраб олинган 195 та спорт-соғломлаштириш тадбири ўтказилди. ОКМК касаба уюшмаси кенгаши Жисмоний

тарбия ва спорт бўлимида спортнинг 15 тури бўйича машғулотлар йўлга қўйилган бўлиб, уларда 600 дан ортиқ ёш авлод вакили ўз маҳоратини ошириб келмоқда. Ҳар йили спортнинг 11 тури бўйича «Олмалиқ КМК» АЖ спартакиадаси ўтказилиши яхши анъанага ай-

ланган. Буларнинг барчаси ишчи-ходимларда соғлом ҳаёт кўникмаларини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Айтиш керакки, маданий-маърифий тадбирларимизнинг маркази «Металлург» маданият саройи ҳисобланади. Ҳозирда ушбу маданият саройида «Ситора» миллий бадий рақс ансамбли, «Гулғунча», «Шодлик» болалар рақс ансамбллари, «Радуга» цирк жамоаси, «Дуторчи қизлар» ва «Зарб» доирачилар ансамбли, «Ниҳол», «Прессеж» вокал жамоалари фаолият юритмоқда. Бу ерда 24 ярим мингдан ошиқ китоб фондига эга кутубхона ҳам мавжуд.

Яна бир муҳим масала – ОКМК ходимлари касба уюшмаси кенгаши томонидан «Ўзбекистон бўйлаб саё-


ҳат қилинг!» шиори остида бугунгача 1 минг 289 нафар ишчи-ходимнинг юртимиздаги диққатга сазовор жойларга саёҳати ташкил этилди.

Ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга муҳтож қатлам вакиллари – хотин-қизларнинг манфаатлари қай даражада таъминланаётгани хусусида ҳам айтиб ўтмасак бўлмас. Авваламбор, иш берувчи томонидан ҳомиладор ва фарзанд кўрган аёлларга йиллик таътиллари уларнинг хоҳишига кўра, тегишлича ҳомиладорлик ва туғиш таътилидан олдин ёки ундан кейин ёхуд болани парваришlash таътилидан кейин бериш, ўн икки ёшгача бўлган икки ва ундан кўпроқ фарзандлари ёки ўн олти ёшгача ногирон боласи бўлган аёлларга қўшимча равишда йиллик ҳақ тўланадиган уч иш куни муддатли таътил бериш имтиёзлари қўлланилмоқда. Улар учун «ОКМК» санаторий-профилакторийси, «Олтин олма», «Автомобилчи», «Мовий тоғлар» дам олиш масканларига ҳамда бошқа санаторийларга имтиёзли ва бепул йўлланмалар ажратилмоқда.

Опа-сингилларга муносиб шароити яратиш борасидаги саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ, Олмалиқ кон-металлургия комбинати Олий Мажлиси Сенати ташаббуси билан ўтказилган «Гендер тенглик фаоли» танловида «Гендер тенгликни таъминлашда энг фаол ташкилот» номинациясига сазовор бўлди.

Ишчи-ходимларнинг ижтимоий ҳимояси, меҳнат муҳофазаси ва ҳуқуқий тарбияси йўлида доимо камарбаста бўлиб келган жамоамиз бу йўналишдаги саъй-ҳаракатларни давом эттираверади. Зеро, заҳматли меҳнатнинг роҳати ҳам бўлиши керак, албатта.

Саноат





КОНЧИЛАРНИНГ КАЙФИЯТИ ДОИМО АЪЛО БЎЛСИН!

Исроил РАҲМАТОВ,
Навоий кон-металлургия
комбинати
касаба уюшма кенгаши
раиси



Йирик ишлаб чиқариш корхоналаридан бири Навоий кон-металлургия комбинати жамоа касаба уюшма кенгаши 20 та бошланғич ташкилот ва 79 минг аъзога эга. Корхона касаба уюшма кенгашининг асосий вазифалари меҳнат қонунчилиги, атроф-муҳит муҳофазаси, ходимларга лозим даражада ишлаб чиқариш шароитларини яратишда жамоатчилик назоратини олиб боришдан иборатдир.

Айни пайтда кенгаш Ўзбекистон Республикаса касаба уюшмалари Федерацияси билан узоқ йиллик ва самарали ҳамкорлик муносабатларини йўлга қўйган. Бу муносабатлар меҳнат муҳофазаси, ишчи-ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, соғломлаштириш, оммавий-маданий ҳамда спорт мусобақаларини ташкил этиш, болалар соғломлаштириш оромгоҳлари фаолиятини мувофиқлаштириш соҳаларида ўз аксини топапти.

Ишчи-ходимларни даволаш, махсус кийим-бош, пойабзал ва бошқа турдаги ҳимоя воситалари билан доимий таъминлаб бориш масаласида ҳам қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Барчамизга маълумки, кон-металлургия соҳаси хавф-хатарлар билан боғлиқ бўлиб, унда мураккаб технологик жараёнлар бажарилади. Ишлаб чиқаришни имкон қадар хавфсизлантириш мақсадида мавжуд техника ва технологияларни модернизациялаш, рационализаторлик ҳаракатини кенг қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаётир. Шу билан бирга, меҳнат муҳофазаси йўналишида доимий текширувлар ўтказилиб, аниқланган камчиликлар бартараф этилмоқда.

Комбинат маъмурияти ва касаба уюшма кенгаши ҳамкорлигида бўлинмаларда фаолият олиб бораётган муҳандис-техник ходимларнинг меҳнат муҳофазаси юзасидан билим даражаларини ошириш мақсадида ҳар йили «Ишнинг энг яхши ташкилотчиси ва меҳнат муҳофазаси бўйича қонун-қоидалар билимдони», «Йилнинг энг яхши меҳнат муҳофазаси вакили» кўрик-танловлари ўтказиб келинапти.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, комбинат раҳбариятининг ташаббуси билан тиббий-санитария бўлими ва қисмларидаги маънавий эскирган жиҳозлар босқичма-босқич янгиланди. Ҳар йили тиббий-санитария бўлимлар томонидан 100 мингдан ортиқ кишига хизмат кўрсатилмоқда. Санаторий, пансионат ва дам олиш масканларида ишчи-ходимлар ва уларнинг оила аъзолари соғломлаштириляпти. Бундан ташқари, Ялта, Кисловодск,

Иссиқкўлдаги санаторийларда ҳам дам олиш ва соғломлаштириш ишлари ташкил этилди. Ёзги таътил вақтида жойлардаги 6 та, шаҳар ичидаги 3 та оромгоҳда болажонлар соғломлаштирилди. Шу билан бирга, Томди, Учқудуқ, Нурота туманларидаги кам таъминланган оилалар фарзандлари, Навоий шаҳар кўзи ожизлар, вилоят карлар жамиятлари, Ўзбекистон ногиронлар жамиятининг Навоий ҳудудий бўлими, вилоятда истиқомат қилаётган кўп болали оилаларнинг ўғил-қизларига ҳомийлик қилиниб, дам олдирилди.

Шу кунларда комбинатда 9 минг нафар ишчи-хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари спорт билан мунтазам шуғулланишмоқда. Корхона спорт иншоотларида йил давомида турли спорт турлари бўйича халқаро, республика, вилоят, шаҳар мусобақалари, жисмоний тарбия жамоалари биринчиликлари ўтказилади. «Ҳаёт учун югуриш», «Ҳар ҳафтада марафон», «Отам, онам ва мен – спортчилар оиласи» каби мусобақалар ташкил этилади.

Комбинат касаба уюшмаси кенгашининг йиллик иш режасига асосан, меҳнат қонунчилигига риоя этилиши ва меҳнат низолари комиссияси фаолиятини ўрганиш юзасидан текширишлар ўтказилди. Муаммолар корхона маъмурияти ва касаба уюшмаси кенгашининг қўшма йиғилишларида кўриб чиқилиб, меҳнат қонунчилиги бузилишига олиб келадиган сабабларни бартараф этиш борасида мутасаддиларга тегишли кўрсатмалар берилди. Бир қатор ходимларга нисбатан қўлланилган интизомий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги буйруқлар бекор қилинди.

Касаба уюшмаси тасарруфида ташкил этилган «Бирдамлик» фонди томонидан кам таъминланган ёлғиз кексалар ва ижтимоий ҳимояга муҳтож ишчи-ходимларга моддий ёрдам кўрсатилди. Жамоатчилик асосида фаолият олиб бораётган касаба уюшма фаолларига амалий ёрдам берилди.

Шу кунларда комбинатда 9 минг нафар ишчи-хизматчи ва уларнинг оила аъзолари спорт билан мунтазам шуғулланишмоқда. Корхона спорт иншоотларида йил давомида турли спорт турлари бўйича халқаро, республика, вилоят, шаҳар мусобақалари, жисмоний тарбия жамоалари биринчиликлари ўтказилади. «Ҳаёт учун югуриш», «Ҳар ҳафтада марафон», «Отам, онам ва мен – спортчилар оиласи» каби мусобақалар ташкил этилади.

Навоий кон-металлургия комбинатида меҳнаткашлар ва уларнинг оилалари маданий-маърифий ҳордиқ чиқариши учун 7 та маданият муассасаси ишлаб турибди. Бу масканларда юзлаб ёшлар маҳоратларини оширмоқдалар. Навоий, Зарафшон, Учқудуқ, Нуробод шаҳарларида умумий миқдори 343 мингдан ортиқ китоб фонди бўлган кутубхоналар мавжуд, уларга ҳар йили 25,5 минг нафарга яқин китобхон ташриф буюрмоқда. Китобсеварларнинг 8,5 минг нафарга яқинини 15 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этиши қувончли натижа, албатта.

Комбинат касаба уюшмаси ишчи-ходимлар, пенсионерлар ва уларнинг оила аъзолари маданий ҳордиқ чиқаришлари учун комбинатда мавжуд маданият саройлари жамоалари ва юртимиздаги кўзга кўринган санъаткорлар иштирокида концерт дастурлари ташкил этиб келмоқда.

Ўтмишга назар ташлаб, ўтган даврда жуда кўп масалаларга ечим топилганидан хурсанд бўламиз. Шундай экан, ишчи-ходимлар манфаатлари йўлида бор куч ва билимимизни ишга соламиз.




**Тошкент
вилояти**

ЁШЛАР – КЕЛАЖАГИМИЗ ВОРИСЛАРИ

МАЪЛУМОТЛАРГА КЎРА, БУГУНГИ КУНДА АҲОЛИНИНГ ҚАРИЙБ ОЛТМИШ ФОИЗИНИ ЁШЛАР ТАШКИЛ ЭТМОҚДА. ЁШЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ БОРАСИДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИШЛАР САЛМОҒИ ҲАМ ШУНГА ЯРАША. ИЛМ ЎРГАНАМАН ДЕГАНГА ҲАМ, БИРОР-БИР ҲУНАР ЎРГАНИБ, ЭЛГА НАФ КЕЛТИРАМАН ДЕГАН ЎҒИЛҚИЗГА ҲАМ ЕТАРЛИЧА ШАРТ-ШАРОИТ ЯРАТИЛГАН.



Муроджон НОСИРОВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Тошкент вилояти кенгаши раиси

Ёшларга оид давлат сиёсатини амалиётга татбиқ этишда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Тошкент вилояти кенгаши ҳам анча фаол.

Хусусан, айна вақтда Кенгашда Ёшлар бирлашмаси фаолият юритмоқда.

Ёшлар бирлашмасининг асосий мақсади – ёшларнинг меҳнат ва ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ҳамда ман-

фаатларини таъминлаш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш.

Шундан келиб чиққан ҳолда, ҳар йили олий ўқув юртларида таълим олаётган талабалар орасидан танлов асосида «Касаба уюшмалари стипендияси» совриндорлари аниқланиб, ярим йиллик контракт пуллари тўлаб берилмоқда.

Жумладан, ўтган давр мо-

байнида ижтимоий ҳимояга муҳтож 198 нафар талабанинг контракт пулининг бир қисми қоплаб берилди. 158 нафар ёш оилага уй-жой қуриш ва маиший техника воситасини харид қилиши учун фоизсиз ссуда ажратилди. 291 нафар ёш ходимга сафарбарлик захирасидаги ҳарбий хизматга чақирилиши муносабати билан фоизсиз ссуда берилди.

Бундан ташқари, ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган оила фарзандларига тизимдаги санаторийларда даволаниб, соғлиғини тиклаш имконияти берилмоқда.

Тизимда фаолият олиб бораётган ёшлар ўртасида ўтказилаётган турли спорт тадбирлари, мусобақалар ҳамда «Заковат» интеллектуал ўйинлари уларнинг билим ва салоҳиятини янада мустаҳкамлани-

шига хизмат қилмоқда.

Туризмни ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар доирасида йил давомида 12 минг 500 нафар ўғил-қиз мамлакатимизнинг кўҳна шаҳарларига саёҳат уюштирилди.

Йиқилганни суяш, кўнгли шикастага меҳр-мурувват кўрсатиш қон-қонимизга сингиб кетган эзгу қадриятларимиздан. Кенгаш ҳисобот даврида бу борада ҳам мақтанишга арзигулик ишларни бажаришга улгурди. Вилоятдаги меҳрибонлик, саховат ва мурувват уйларида бўлиб, кўмакка муҳтожларнинг ҳолидан хабар олди. Уларнинг кўнглини кўтариш, ҳаётига оз бўлса-да, шодлик олиб кириш мақсадида қатор тадбирларни амалга оширди.

Илм ва изланиш бўлмаган

жойда ривожланиш, юксалиш бўлмайди. Янги Ўзбекистоннинг нафаси, суръати ва шиддати, аввало, ўғил-қизларимизнинг азму шижоати, ақлу заковати, эришаётган ғалаба-ю ютуқларида кўринмоқда.

Хусусан, умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида ўтказилган «Менинг Президентим» ижодий ишлар танловида вилоятимиз шарафини ҳимоя қилган Раъно Абдуҳамидова республика босқичида ғолиб бўлиб, барча тенгдошларига намуна кўрсатди.

Умуман олганда, вилоятимизда иқтидорли ёшлар кўп. Уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, юзага чиқариш эса бизнинг бирламчи вазифамиз. Бундан чалғишга асло ҳаққимиз йўқ. Зотан, гап келажак бунёдкорлари ҳақида кетмоқда...





Иркин УМАРАХУНОВ,
Малака ошириш
институтининг директори



Жамият ривожини бевоқиф кадрлар салоҳияти билан боғлиқ жараён. Малакали ва етук кадрлар эса билим ва кўникма, тинимсиз изланиш орқали шаклланади.

СОҶА РАВНАҚИДА МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАРНИНГ ЎРНИ МУҶИМ

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси тасарруфидаги Малака ошириш институтининг ҳам бир неча йилдан буён ана шундай вазифани сўқидилдан бажариб келмоқда.

Хусусан, жорий йилнинг ўтган даврида қасаба уюшмалари тизимида меҳнат қилаётган 826 нафар ходимнинг малакаси оширилди.

Шунингдек, институтнинг масофавий таълим (www.edu.kasaba.uz) ти-

зими орқали онлайн ўқувлар ҳар чоракда ташкил этилди. 2022 йилнинг I-III чораги давомида 1050 нафар қасаба уюшма фаоли асосий ишидан ажралмаган ҳолда мустақил малака оширди.

Ўқув-машғулотларга Федерация апаратининг бўлим мудирлари ва мутахассислари, тармоқ қасаба уюшмалари республика кенгашиларининг тажрибали ходимлари ҳамда қасаба уюшмалари ўқитувчи-тренерлари жалб эти-

либ, соҳадаги янгиликлар, қонун ва қонун ости ҳужжатларига киритилаётган ўзгаришлар тўғрисида маълумотлар берилди.

Ўқув-дастурлар шуниси билан аҳамиятлики, машғулотлар замонавий ахборот технологияларидан кенг фойдаланилган ҳолда, интерфаол услубда ўтказилди ва ҳар бир машғулот электрон тест синовлари ўтказиш орқали якунланди.

Ўқув жараёнлари давомида ҳар бир гуруҳ тингловчиси тармоқ қасаба уюшмасининг намунали бошланғич ташкилотлари фаолияти билан яқиндан таништирилиб, амалий машғулот ўтказилди.

Мисол учун, Ёшлар масалалари бўйича раис маслаҳатчилари Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлигининг, Ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация тизимидаги бошланғич ташкилотлар раислари Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонасининг, Металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари Тошкент шаҳридаги «Ўзбеккабель» қўшма корхонасининг бошланғич қасаба уюшмаси қўмиталарига ташриф буюришди.

Малака ошириш институтининг маданий тадбир саҳифасида тингловчилар учун музей, театр, концерт дастурлари ташкиллаштирилди, шаҳар бўйлаб экскурсиялар амалга оширилди.

Институт республикамиздаги вазирликлар, олий таълим муассасалари ва нуфузли ташкилотлари қатори хорижий давлатлар билан ҳам яқиндан ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Хусусан, жорий йилнинг август ойида институт ходимлари Халқаро меҳнат ташкилотининг Туриндаги (Италия) халқаро ўқув-марказида ҳамда сентябрь ойида Туркиянинг Анқара шаҳрида бўлиб қайтдилар. Сафар давомида бошқа давлат ўқув-марказлари билан икки томонлама меморандум имзоланди.



Самарқанд вилояти

Биз ҳам бир ёндан

Тизим қасаба уюшмаси ташкил этилганига кўп бўлмаса-да, ушбу қисқа фурсат биз учун росманасига синовларга бой бўлди. Энг муҳими, тармоқ ходимларининг иқтисодий-ижтимоий ҳимояси устидан назорат ўрнатилди.

Феолиятимизнинг илк даврида 50-60 тага яқин ташкилотнинг бошини қовуштириб, соҳа вакиллари билан тинимсиз ишлашимизга тўғри келди. Бугунги кунда 113 та бошланғич ташкилотни бирлаштирган катта тармоққа айландик. Аъзоларимиз сони салкам тўққиз ярим минг на-

фарга яқинлашмоқда. Эътиборли жиҳати, тизим иш берувчиларининг хайрихоҳлиги ходимларни қўшимча рағбатлантириш, ижтимоий муҳофазасини юксалтиришда қўл келаётир.

Тўғри, тармоқ қасаба уюшмасининг иқтисодий имкониятлари унчалик юқори эмас. Энг кам ойлик маош адабиёт, маданият ва санъат вакилларига тўланмоқда. Аммо шунга қарамасдан, байрамлар, соҳага тааллуқли кунларни муносиб нишонлаш бирламчи вазифалардан бири сифатида бизга катта масъулият юкламоқда. Вилоят спорт, маданият ва туризм соҳаси мутасаддилари тармоқ қасаба уюшмаларини доимо қўллаб-қувватлаб келмоқда.

Жорий йилнинг ўтган даврида ижтимоий шерикларимиз билан келишган ҳолда тизим

ходимларининг минг нафар фарзандлари театр томошаларига олиб борилди. Тизимда ишлаётган 352 нафар мусиқа ва спорт мактаби ўқитувчилари касб байрами муносабати билан шарафланди. Шунингдек, 158 нафар соҳа ходимининг юбилей саналари тантанали нишонланди. 103 нафар ходим қасаба уюшмаларининг имтиёзли йўлланмалари билан соғломлаштирилди.

Айтмоқчи бўлганимиз, қасаба уюшмаларининг кенжа соҳасида ҳам ходим манфаати устуворлиги таъминлаб келинаётир ва ўйлаймизки, бундан буён ҳам шундай бўлиб қолади.

Жўшқин ОЧИЛОВ,

Маданият, спорт ва туризм ходимлари қасаба уюшмаси Самарқанд вилояти бирлашган қасаба уюшма қўмитаси раиси

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси Қудратилла Рафиқов ташаббуси ва кўрсатмаси билан 2020-2021 йилларда Ўзбекистон касаба уюшмалари тарихи музейини ташкил этиш борасида катта ишлар амалга оширилди. Шу даврда Президент Администрацияси архиви, Ўзбекистон тарихи давлат музейи, Ўзбекистон миллий архиви, Алишер Навоий номидаги миллий кутубхона ва Ўзбекистон Фанлар академияси кутубхонаси, Федерация архиви ва қатор ташкилотларда изланишлар олиб борилиб, қўплаб тарихий манбалар тўпланди. Дебючасига музей концепцияси яратилиб, тажрибали тарихчи экспертлар хулосаси олинди. Пиравардида у 4 та бўлимдан иборат бўлиши керак деган тўхтамга келинди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари тарихи музейи 1 ёшда



Ирисмуҳаммад АБДУКАРИМОВ,
 Ўзбекистон касаба уюшмалари тарихи музейи директори

ЎТМИШСИЗ КЕЛАЖАК ЙЎҚ

Биринчи бўлим 1905-1924 йилларда Туркистон ўлкасида пайдо бўлган дастлабки касаба уюшмалари, уюшмалараро Тошкент шаҳар бюросининг тузилиши ва биринчи ўлка қурултойлари, касаба уюшмалари томонидан ўтказилган илк шавбаликлар, янги иқтисодий сиёсат даврида уларнинг фаолияти ҳақидаги маълумотларни ўзида жамлаган. Шунингдек, жадидчилик ҳаракатининг етук намояндаси Абдулла Авлонийнинг бу ташкилотлардаги фаолияти ҳам ёритилган.

Иккинчи бўлим Ўзбекистон касаба уюшмаларининг собиқ Иттифоқ давридаги фаолиятига бағишланган. Унда жамланган маълумотлар, тарихий ҳужжатлар ва фотосуратлар ушбу тузилмаларнинг халқ хўжалигини ривожлантириш билан боғлиқ фаолияти, қатағон қурбонига айланган фаоллари, фронтда жасорат кўр-



1941-1950

**ЎЗБЕКISTON KASABA UYUSHMALARI
 IKKINCHI JAHON URUSHI VA URUSH
 ASORATLARIDAN TIKLANISH YILLARIDA**

сатган ходимлари, халқимиз билан бирга фашизмни енгишга қўшган ҳиссаси, Иккинчи жаҳон урушидан кейинги тикланиш даври, Ўзбекистон касаба уюшмалари Республика ташкилотининг қайта ташкил этилиши ва биринчи конференциялари ҳақида ҳикоя қилади. Бўлим Ўзбекистон касаба уюшмаларининг 1990 йил сентябрь ва 1991 йил март ойларида бўлган икки босқичли XIV қурултойида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тузилгани хусусидаги материаллар билан яқунланади.

1991-2015 йилларга дахдор учинчи бўлимда Мустақиллигимизнинг эълон қилиниши, «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»га қонун қабул қилиниши, ушбу ташкилотларнинг чорак асрлик фаолияти ва шу даврда ўтказилган 6 та қурултойи, раислари ва улар бажарган ишлар ўз ифодасини топган. Шунингдек, унга касаба уюшмалари наشري – «Ishonch»нинг инфо-киоски ўрнатилган бўлиб, музей меҳмонлари бу газетанинг 1991 йилдан ҳозирга қадар бўлган электрон шаклдаги барча сонлари билан



мизнинг «Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар академиясини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори ҳам бор. Бундан ташқари, 2020 йилда ҳукумат, Федерация ва Савдо-саноат палатаси ўртасида имзоланган Бош келишув ҳамда Федерациянинг VIII Қурултойи тўғрисидаги маълумотлар жойлаштирилган. Ўзбекистон касаба уюшмалари раҳбарияти ва фаолларига чет эллик ҳамкорларлар томонидан берилган турли-туман эсдалик совғалари Федерация халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш масаласига ҳам жиддий эътибор қаратаётганидан далолат беради.

Музейда касаба уюшмалари фаолиятига бағишланган бир нечта қисқа метражли фильмлар, юзлаб фотосуратлар, Ўзбекистон касаба уюшмаларининг ташкил топган вақтидан то ҳозиргача бўлиб ўтган 24 та қурултойи, барча раҳбарлари тўғрисидаги маълумотлар йиғилган.

Музейимиз эндигина бир ёшга тўлган бўлса-да, муваффақиятли фаолият юритаяпти. Шу жараёнда фондининг электрон базасини ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилаяпти. Натижада улар кун сайин янги-янги фотослайдлар, фотоҳужжатлар, ҳужжатли фильмлар, телефильмлар, ёзма ҳамда электрон шаклдаги расмий ва тарихий маълумотлар билан бойиб бормоқда.

Ҳозир музей фонди жами 1785 та экспонатдан иборат. Улардан 416 таси намоишга қўйилган, қолганлари коллекцияларга ажратилган ҳолда захираҳонада сақланмоқда. Умумий ҳисобда барча экспонатларнинг 1452 таси электрон шаклда рўйхатга олинган. Шу асно ҳар бир экспонатнинг номи, қисқача тавсифи, сони ва ишланган материали, ўлчами ва ҳолати ёзиб қўйилган.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раҳбарияти, тармоқ ва ҳудудий касаба уюшмалари ҳамкорлигидаги фаолиятимиз натижаси ўлароқ, ўтган қисқа вақт мобайнида касаба уюшмаларининг мингдан ортиқ аъзолари, халқимизнинг турли қатлами вакиллари, фахрийлар, ўқувчилар, чет эллик меҳмонлар музейимизга ташриф буюриб, илиқ фикрлар билдиришди.

Бу янглиғ холис эътирофлар ва самимий тилаклар, турган гапки, бизни янада фаол ва самаралироқ меҳнат қилишга ундайди.

танишишлари мумкин. Федерациянинг 2004 йили таъсис этилган «Ehtimom» нишонининг 2013 йили тасдиқланган янги намунаси, 2011 йилда Вазирлар Маҳкамаси, ушбу Федерация ва Савдо-саноат палатаси ўртасида имзоланган Бош келишувнинг асл нусхаси ҳам шу бўлимдан ўрин олган.

Тўртинчи бўлим «Янги Ўзбекистон – янги касаба уюшмалари» деб номланган. Бу ердаги манбалар Федерация ва унга аъзо ташкилотларнинг сўнгги олти йилда меҳнаткашларнинг ҳуқуқ ва ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича юритган самарали фаолиятига тааллуқли. Улар орасида янги таҳрирдаги «Касаба уюшмалари тўғрисида»ги, «Ўзбекистон касаба уюшмалари кунини белгилаш тўғрисида»ги қонунлар ҳамда Президентини-



ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК

ХОДИМЛАРГА ҒАМХЎРЛИК – МУВАФФАҚИЯТ ГАРОВИ

«Ўзсаноатқурилишбанк» мижозларга сифатли хизмат кўрсатишда ҳам, ўз ходимларини қўлаб-қувватлаш ва уларга қулай иш шароитлари яратиб бериш борасида ҳам самарали фаолият юритиб келаётган молия ташкилотларидан бири ҳисобланади. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун банкка ташриф буюриб, жамоа аҳли билан суҳбатлашиш кифоя. Уларнинг ҳар бири ўзларига кўрсатилаётган эътибор ва рағбат ҳақида тўлқинланиб гапириб бериши мумкин.

СПОРТ ВА САЁХАТ – ДОИМИЙ ҲАМРОҲИМИЗ

– Филиалларимизни ҳам ҳисобга олганда, «Ўзсаноатқурилишбанк» тизимида 3704 нафар киши ишлайди. Уларнинг 40 фоизини аёллар ташкил этади, – дейди мусассасанинг бирлашган касаба уюшмаси раиси Муҳаббат Ғофурова. – Ташкилотимизда ҳар бир ходим учун қулай иш шароитлари яратилган. Шунингдек, уларни меҳнатига яраша рағбатлантириш, мижозларга хизмат кўрсатиш самарадорлиги бўйича мукофотлаш жорий этилган. Натيجида ҳар бир ходим сифатли ишлашга, банк ютуқларига имкон қадар ҳисса қўшишга интилади.

Банкнинг бош офисида ҳам, минтақавий тармоқларида ҳам ходимларнинг спорт билан шуғулланиши учун алоҳида шароит яратилган. Тушлик пайтида ёки иш вақтидан сўнг хоҳловчилар қолиб, ишонанинг ўзида спорт билан шуғулланиши мумкин. Бунда аёл ва эркеклар учун алоҳида тренерлар бириктирилган.

Бу йил октябрь ойида банкимиз ходимлари учун жуда катта спартакиада ташкил этилди. Унга ҳар бир вилоятдан спортнинг сузиш, югуриш, стол тенниси, футбол, волейбол, шахмат каби турлари бўйича ўз худудидаги филиаллараро мусобақаларда ғолиб бўлган 32 нафардан ишчи-ходим келди.

Мусобақанинг республика босқичи жуда катта тайёргарликлар билан пойтахтимиздаги «Ёшлик» стадионида бўлиб ўтди.

Жамоамизда вақти-вақти билан саёхатларга чиқиш ҳам одат тусига кирган. Жорий йил бошидан

ҳозиргача касаба уюшмалари ҳисобидан 658 нафар ходим Самарқанд, Бухоро, Хива, Қўқон ва Тошкент вилоятига саёхатларга боришди. Аксарият ишчиларимиз эса Бўстонлиқ туманидаги «Икки булоқ» оромгоҳида оила аъзолари билан бирга дам олиб қайтдилар.

АЁЛЛАР КЛУБИ БЎЛАЖАК ЛИДЕРЛАРНИ ТАЙЁРЛАЙДИ

Бизда бир неча йиллардан буён «Лидер аёллар» клуби фаолият юритмоқда. Унга ўз устида кўпроқ ишлашга

қизиқадиган, раҳбарлик лавозимларига интилаётган аёллар тест асосида танлаб олинади. Мақсад – интилувчан хотин-қизларнинг бу борадаги салоҳиятини ривожлантиришга кўмаклашиш. Шунга қўра, улар учун психолог, машҳур санъаткорлар ва зиёлилар иштирокида тренинглар ва суҳбатлар ўтказилади. Масалан, психологлар аёлларга қандай қилиб ҳам оила, ҳам ишни самарали олиб бориш, асаббужарлик ва стресслардан зарарсиз чиқиш йўллари, жаҳли чиққанда ўзини бошқариш ҳақида фойдали маслаҳатлар беришса, санъаткорлар ўз фикрини чиройли қилиб ифодалашни ва нутқ маданиятини ўргатишади. Ҳар ойда икки-уч марта ташкил қилинадиган бундай учрашувлар ниҳоятда самарали бўлгани боис клубга аъзо бўлиш истагидаги ходимлар сони кўпаймоқда. Хусусан, охириги ойларида Феруза Акрамова, Жамила Шермухаммедова, Дилноза Кубаева, Шодмонқул Саломов

иштирокидаги тренинг ва учрашувлар банк ходимларида катта таассурот қолдирди.

КИТОБХОНЛИККА ВА ШАХМАТГА ЭЪТИБОР

– Яхши китобларни ўқиш – дунёнинг энг доно кишилари суҳбатидан баҳраманд бўлишга тенглигини ҳар биримиз яхши англаймиз, – дейди «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг Навоий филиали банк хизматлари офиси сервис менежери Фахриддин Борноев. – Банкимизда ходимларнинг китобхонлигини оширишга қаратилган «Мутолаа танлови» лойиҳаси йўлга қўйилган.

Танлов эълон қилинганда, махсус комиссия тавсиясига биноан бир китоб танланади. Ходимларга эса ушбу асарни ўқиш тавсия қилинади. Муддати келгач,

китобхонликка даъвогар ходимлардан берилган адабиётлар бўйича тузилган тестлар олинади. Унда ким яхши натижа кўрсатса, эсдалик совға ва пул мукофоти билан тақдирланади. Шу кунга қадар ўтказилган челленжларда «Муваффақиятли инсонларнинг 7 кўникмаси» (Стивен Р. Ковин), «SOS! Савол ортидаги савол» (Жон Миллер), «Зукколар ва ландавурлар» (Малкольм Гладуэлл), «Атом одатлар» (Жеймс Клир), «Мовий уммон стратегияси» (В.Чан Ким, Рене Моборн) каби машҳур адаби-



ётлар танланди. Мен Тони Шейнинг «Бахт етказиш: миллиард долларлик интернет дўкон тарихи» номли китоб бўйича ўтказилган танловда ғолибликни қўлга киритиб, эсдалик совға ва пул мукофоти билан тақдирландим.

Банк офисидаги ҳар бир қаватда кичик кутубхоналар ва шахмат ўйнаш учун доскалар мавжуд. Бинобарин, ходимлар тушлик пайти шахмат-шашка ўйнашлари, китобларни эса уйга олиб кетиб ҳам ўқишлари мумкин. Кутубхона фонди мунтазам бойитиб борилади.

УСТОЗЛАР БАЙРАМИ – БАРЧАНING БАЙРАМИ!

1 октябрь – Устоз ва мураббийлар кунини жамоа ходимлари ҳар йили ўзига хос тарзда нишонлашга ҳаракат қилишади. Шу билан бирга, бу тантанали маросимга «Ҳаммининг биринчи устози – ота-онаси» деган маънода ота-оналарни ҳам тақдиф этишади. Бултур банкда ишлаган фахрийлар ва ходимларнинг ота-оналари билан бир пиёла чой устида гурунг ва чиройли концерт уюштирилган. Бу йилги байрам бироз ўзгачароқ бўлди. Меҳмонлар Муқимий театрига тақдиф қилиниб, уларга чиройли гул-

дасталар ва совға-саломлар улашилди, сўнгра спектакль намоиш этилди.

– Ишчи-ходимларнинг бошига ҳар хил кунлар тушиши мумкин, – дейди Муҳаббат Ғофурова. – Биласиз, ҳаммамиз ҳам иссиқ жонмиз. Жамоамизда ўзи ёки фарзанди оғир касалликка чалинган, ёлғиз, ногиронлиги бор ходимларимиз мавжуд. Улар ҳеч қачон ўз ҳолига ташлаб қўйилмаган, доимо моддий ва маънавий қўлаб-қувватланади.

Ҳар бир байрамда улар билан бирга кекса фахрийларимиз ҳам йўқланади, байрам дастурхони ташкил этилиб, бир пиёла чойга тақдиф этилади.

СОҲАМИЗГА ҚИЗИҚУВЧИ ЁШЛАР КЎПАЙМОҚДА

– Пандемия даврида ҳар бир ташкилот ўз иш тарзини масофадан ташкил этди. Жумладан, биз ҳам ходимлар учун қулай шароит яратиб бердик, – дейди «Ўзсаноатқурилишбанк» Ходимларни бошқариш департаменти директорининг биринчи ўринбосари Азизхон Нодиров. – Шу билан бирга, уйда қолиб кетган болаларимиз учун расмлар танлови ташкил этиб, уларнинг банк соҳасига бўлган қизиқишларини орттиришга, ота-онасининг меҳнатларини қадрлаш ҳиссини кучайтиришга ҳисса қўшдик. Бу анъанани пандемиядан кейин ҳам давом эттириб келяпмиз.

Шунингдек, ёш авлодни билим олишга қизиқтириш, касблар билан таништириш, уларда лидерликни шакллантириш мақсадида ходимларнинг фарзандлари учун Банк бошқаруви раиси Сахи Аннакличев иштирокида учрашувлар ўтказиб келинмоқда.

Жорий йилнинг август ойида бундай мотивацион тадбир худудий тармоқларимиздаги ходимларнинг фарзандлари учун ҳам ташкил этилди.

Бошқарув раиси билан мулоқотда ёшлар ўз орзу-мақсадларига қандай эришиш ва ғояларини моддийлаштириш хусусида зарур маслаҳат ва тавсиялар олишди. Учрашув сўнгида уларга замонавий адабиётлар совға қилинди.

Бундан ташқари, банк ходимларининг фарзандлари учун 1 июнь – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни арафасида қизиқарли байрам тадбирлари ҳамда расмлар танловини мунтазам ўтказиб келяпмиз.

Эътиборли томони, бундай байрам тадбирлари фақат кўнгилочар тарзда эмас, балки ёшлар онгини кенгайтиришга қаратилган турли тренинг ва маҳорат дарслари шаклида ташкил этилади.



Қашқадарё
вилояти

Етакчи минбари

ЭЗГУЛИККА ЭШ ИШЛАР

Бугун бирор маҳалла, қишлоқ ёки ташкилот-корхона йўқки, касаба уюшмалари кириб бормаган, аҳоли ва ходимлар манфаатларини ўзида мужассам этмаган бўлса. Энг муҳими, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси раҳбарлигида тузилган махсус ишчи гуруҳ аъзолари давлатимиз раҳбарининг зуваласи саховат ва меҳр-мурувват уруғи ила йўғрилган ғояларига ҳамоҳанг равишда турли туман ва шаҳарларга, олис ва чекка гўшаларга боришмоқда. У ерларда уйма-уй юриб, кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар муаммоларини ўрганишмоқда ва уларни бартараф этиш чораларини кўришмоқда.



Айни кезларда касаба уюшма инспекторлари ҳамда фаоллари миллий мониторинг гуруҳлари сафида юртимиз далаларида, таълим ва тиббиёт муассасаларида бўлиб, болалар меҳнати ҳамда мажбурий меҳнатга жалб этиш ҳолатларини таҳлил қилишмоқда. Қувонарлиси, ҳозирга қадар бирон-бир ташкилотда бундай нохушликларга йўл қўйилгани аниқланмади. Ҳолбуки, яқин тарихга назар ташласак, бундай дамларда оммавий сафарбарлик эълон қилиниб, барча пахта йиғим-теримига жалб этиларди.

Эндиликда кластерлар қишлоқ хўжалигининг асосий мулкдорларига айланди. Илгари то ҳосил йиғиб-териб олингунга қадар пахта даласида бўлиши шарт қилиб қўйилган ҳашарчилар эса бугун халқ хўжалигининг турли тармоқларида самарали фаолият юритишмоқда.

Бундан ташқари, муқаддам ёрдамга муҳтож одамларнинг уйларини таъмирлаб бериш, фарзандларининг никоҳ ва суннат тўйларини ўтказиш, тўшакка миҳланиб қолган беморларнинг дори-дармонлари харажатларини кўтариш, ходимларни ва уларнинг фарзандларини санаторийлар ёки болалар оромгоҳларида соғломлаштириш, турли шаҳарларга, муқаддас қадамжоларга саёҳатга юбориш каби хайрли ва савобли тадбирлар илгари касаба уюшмалари фа-

олиятида унчалик кенг қузатилмаган. Охири вақтлар бу йўналишларда ҳам туб ўзгаришлар рўй берди.

Масалан, яқинда касбилик бир гуруҳ пиллакорлар ва дала меҳнаткашларининг кўҳна Хива шаҳрига зиёрати ташкиллаштирилди. Икки кунлик ана шу саёҳат давомида ўзларига кўрсатилган эътибор ва ғамхўрликдан беҳад таъсирланиб, кўзига ёш олган ҳамюртларимни кўрдим. Шунда инсонга олтин-зар эмас, аввало, бир чимдим меҳр-эътибор кераклигига яна бир карра ишонч ҳосил қилдим.

Туманимизда ўтказилган «Кексаларни улуғлаш» ҳафталигида эса икки юз нафардан зиёд меҳнат фахрийси қатнашди. Улар Султон Мирҳайдар ота ҳамда Майманоқ тоғидаги Хўжа Муродбахш ота зиёратгоҳларига олиб борилди. «Навбахор» тантаналар уйида бир пиёла чой ташкил этилиб, нуруний отахону онахонларга эҳтиром кўрсатилди. Спорт мусобақалари ўтказилиб, фойдаларга эсдалик совғалари топширилди. «Аёллар дафтари», «Ёшлар дафтари» ва «Темир дафтар»га киритилган фуқароларни рози қилиш борасидаги кенг кўламли ишлар ҳақида ҳам худди шундай илиқ фикрлар билдириш мумкин.

Меҳнат фаолиятим давомида бир қанча ташкилот-корхонада ва ҳар хил лавозимда ишладим, лекин ҳеч қачон одамларга ҳозиргидек яқин бўлмаганман. Бугун касаба уюшмалари тизимида хизмат қиляпман. Бундан ғоят хурсандман. Президентимизнинг халқни рози қилишга қаратилган сиёсати, касаба уюшмаларининг ходимлар манфаатини, инсон қадрини улуғлашдек савобли ишлари мени беҳад илҳомлантирмоқда. Ҳайратимга ғайрат қўшиб, қалбимда фахр-ифтихор туйғуларини жўш урдирмоқда.

Ботир ИСЛОМОВ,

Агросаноат мажмуи
ходимлари касаба уюшмаси
Касби тумани кенгаши раиси



Наманган
вилояти



«ОКЕАН»ДА СУЗГАНМИСИЗ?

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан Наманган шаҳрида бунёд этилган «Океан» сув спорти саройи сузишга иштиёқи баланд инсонларга қишин-ёзин хизмат кўрсатиб келмоқда.

Республикамизда ягона бўлган ушбу муҳташам сув спорти саройига қаддам ранжида қилган киши борки, энг аввало, унинг ташқи кўринишига мафтун бўлиши табиий.

Ўзига хос замонавий дизайнда бунёд этилган, номига муносиб мажмуа Наманган шаҳрининг кўркига кўркак бағишлаб турибди. Шу билан бирга, мазкур иншоот аҳоли саломатлигини тиклаш, сув спортини ривожлантиришда катта аҳамиятга эгадир.

Маълумки, сув спорти нафас органларига ниҳоятда фойдали бўлгани учун ҳам мунтазам сузиш билан шуғулланганларнинг иммун тизими кучли бўлади, дейди «Океан» сув спорти саройи директори Расулжон Нисамбаев. Сузишнинг фойдасини билган кишилар борки, уларни бизнинг сув ҳавзамиздан топасиз.

Ушбу сув ҳавзасида бир вақтнинг ўзида 100 киши шуғулланиши мумкин. Шу нуқтаи назардан 2435 кубметр ёки қарийб 2,5 минг тонна сиғимли бассейнни санитария талаблари даражасидаги сув билан таъминлаб туриш учун энг илғор хорижий техник ускуналар ўрнатилгани диққатга сазовор. Соатига 304 кубметр сувни ҳайдаш қувватига эга насослар ёрдамида шунча миқдордаги

сув 8 соатда тўла янгиланиб туради. Бундан ташқари, бассейн соатига 30 кубметр сувни филтрлаш, ҳароратини 28-29 даражада сақлаб туришнинг ав-

томатик тизими ҳам ишлаб туради.

Ҳозир сузишга қизиққан ва шу асосда соғлигини тиклашни мақсад қилган ишчи-ходимлар ва уларнинг оила аъзоларига белгиланган вақтларда машғулотлар ўтишмоқда. Шунингдек, ушбу муассасага болалигидан ногиронлиги бор кичик ёшдаги ҳамда катта ёшли ташриф бурувчиларга олий маълумотли мураббийлар томонидан алоҳида машғулотлар ўтилади. Бундан ташқари, спорт иншоотида аёллар учун тўғри овқатланишга асосланган аэробика, шейпинг спорт рақси гуруҳлари учун ҳам шароитлар яратилган.

Бугун мазкур сув спорти саройи нафақат наманганликларнинг, балки юртимизда сузишга ишқибоз катта-ю кичикнинг «оғзига тушгани» рост.

Хўш, сиз ҳам «Океан»да сузмоқчимисиз?

Марҳамат! Унинг эшиклари барча учун бирдек очиқ.

Орзуғул РУСТАМОВА
«ISHONCH»



ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ТАСАРРУФИДАГИ КАПИТАЛ ҚУРИЛИШ БОШҚАРМАСИ:

БУНЁДКОРЛИК СОЛНОМАСИ

Бугун мамлакатимиз том маънода қурилиш майдонига айланди. Қаерга қараманг, бунёдкорлик ишларига кўзингиз тушади.

Мазкур жараёнда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тасарруфидаги Капитал қурилиш бошқармасининг ҳам алоҳида ўрни бор. Утган давр мобайнида бошқарма томонидан қурилиб, фойдаланишга топширилган кўп-лаб объектлар – сўзимиз исботи.

Хусусан, Фарғона вилояти Сўх туманида қиймати 33.4 миллиард сўмлик 200 ўринли болалар соғломлаштириш оромгоҳи, Тошкент вилояти Паркент тумани Заркент қишлоғида қиймати 67.4 миллиард сўмлик 200 ўринли «Заркент санаторийси» қуриб, фойдаланишга топширилди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг «Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар академияси» (лойиҳа қиймати 114.2 млрд. сўм), «Ўзбекистон касаба уюшмаларининг анжуманлар саройи» (қиймати 154.2 млрд. сўм) қуриб битказилди.

Шунингдек, бошқарма томонидан йил давомида тасарруфдаги ўнга яқин оромгоҳ ва сиҳатгоҳда қайта таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Жиззах вилояти, Зомин туманидаги «Шароф Рашидов» номли болалар оромгоҳи, Тошкент вилояти, Бўстонлиқ туманидаги «Анор» номли болалар соғломлаштириш объекти, «Оқтош шабода» дам олиш уйи шулар жумласидан.

Айни вақтда Капитал қурилиш бошқармаси томонидан Фарғона вилояти, Чимён қишлоғида жойлашган «Чимён санаторийси» ҳудудида 150 ўринли ётоқ, даволаш ва ошхона биноси, Тошкент шаҳрининг Яккасарой туманида жойлашган Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг спорт комплекси ҳудудида ёпиқ турдаги сузиш мажмуаси, Сурхондарё вилоятининг Сарисийё туманидаги Сангардак қишлоғида 250 ўринли ётоқ, даволаш ва ошхонадан иборат йирик турдаги соғломлаштириш комплекси, Хоразм вилояти, Хонқа туманида жойлашган «Хонқа санаторийси» ҳудудида 200 ўринли ётоқ, даволаш ва ошхонадан иборат соғломлаштириш комплекси, Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Чинобод кўчасида касаба уюшмалари ходимлари учун 80 та хонадондан иборат тураржой мажмуасининг қурилиш ишлари жадал суръатларда давом эттирилмоқда.





Хоразм вилояти

Раҳбарлар зиммасига халқ билан мулоқотда бўлиш масъулияти юклатилгандан бери ўтган даврда минглаб хонадонларда бўлдим. Илгарилари фақат ҳужжатлар билан ишлаб, ҳаётдан биров узоклашганимизни ҳис қилдим.



КАСАБА УЮШМАЛАРИ КЎМАГИГА ТАЯНАМИЗ



Келинг, буни фаолиятим мисолида айтишга ҳаракат қиламан. Туманимиздаги 1-сектор ҳудудида 12 та маҳалла бўлиб, уларда 8849 та хонадон, 14846 та оила, 53398 нафар аҳоли истиқомат қилмоқда.

Жорий йилнинг 9 ойи мобайнида ушбу маҳаллаларда 36 маротаба оммавий сайёр қабуллар ўтказилди. 1146 нафар фуқарога ўз муаммоларини айтиш имкони берилди. 170 дан зиёд мурожаат тинланди. Уларнинг 67,8 фоизи ижобий ҳал қилинди, 25,9 фоиз мурожаатга қонуний жавоб қайтарилди, 6,3 фоиз мурожаат ҳозирда ўрганиш жараёнида.

Бундан ташқари, туман ҳу-

дудидаги «Темир дафтар», «Аёллар дафтари», «Ёшлар дафтари»даги, шунингдек, якка-ёлғиз ва бошқа ижтимоий ёрдамга муҳтож 558 та хонадонда бўлиб, муаммоларини ҳал қилишга кўмаклашдик.

Айниқса, «Аёллар дафтари»нинг жорий этилиши натижасида хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеини мустақамлашга эришилмоқда. Туманимизда 938 нафар хотин-қиз «Аёллар дафтари»нинг 3-босқичида рўйхатга киритилган.

Ўтган даврда улардан 298 нафарининг бандлиги таъминланди. 96 нафари тадбиркорликка йўналтирилди. 7 нафарига тикув машиналари олиб берилди. 97 нафа-

рига 116 миллион 850 минг сўмлик моддий ёрдам ажратилди. 89 нафарига 1239 туп кўчат тарқатилди. 212 та оилага 4240 бош парранда ва ҳар бир парранда берилган оилаларга 50 килограмдан ем маҳсулотлари тарқатилди. 33 нафар аёл Самарқандга саёҳат қилди. «Аёллар дафтари»да турувчи хотин-қизларнинг 480 нафар фарзандлари мактаб формаси билан таъминланди. Умуман, «Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизларга белгиланган 6 та тур бўйича жами минг нафардан зиёд аёлга ёрдам кўрсатилди.

Бу каби хизматларимиз эвазига Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси томонидан ташкил этилган танловда Хоразм вилоятидаги «Энг яхши сектор» сифатида эътироф қилинганимиз зиммамиздаги масъулиятни янада оширди.

Ушбу хайрли чора-тадбирларнинг барчасини касабаси уюшмалари билан биргаликда амалга оширялдим. Умуман, бугун фаолиятимизнинг ҳеч бир жиҳатини касабаси уюшмаларисиз тасаввур қила олмаймиз. Жамоа келишув ва шартномалари ходимлар манфаатини ҳимоя қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бугун юртимизда амалга оширилаётган ҳар бир ислохот замирида, аввало, инсон шаъни, қадр-қимматини улуғлаш, манфаатларини ҳимоя қилишдек улкан мақсад мужассамдир. Биз ушбу улкан мақсад ижроси йўлида хизмат қилар эканмиз, бунда касабаси уюшмаларининг кўмагига, албатта, таянамиз.

Ўқтам МАШАРИПОВ,
Ҳазорасп тумани ҳокими



Бухоро вилояти

ЎЗИМИЗНИНГ РАЙҲОН ОПА

Таълим муассасаларида фаолият юритаётган кадрлар бирор муаммога дуч келса, унга «Касаба уюшмасига бориб, Райҳон опага учрашинг», деб маслаҳат беришади.



Менга ҳам шундай дейишганида, аввалига иккиландим. Телефон гўшаги орқали унинг самимиятга тўла овозини эшитиб, қалбимда умид уйғонди. Пенсия ёшига етганим сабабли иш берувчи мени ишдан озод этмоқчи экани хусусидаги муаммоимни Райҳон Носировага батафсил сўзлаб бердим.

Келгуси куни ишга борганимда, директор мени чақириб, ҳали ишлаш ҳуқуқига эга эканим, ишни давом эттиришим мумкинлигини айтганида, тушундимки, Райҳон Носирова ваъдасининг устидан чиқибди.

Таълим ва фан ходимлари касабаси уюшмаси Республика кенгашининг Бухоро вилояти бўйича масъул ташкилотчиси Райҳон Носирова салкам 25 йилдан буён касабаси уюшмалари тизимида фаоллик кўрсатиб келмоқда. Тизимга янги кириб келган ёш кадрларнинг аксарияти опани ўзига устоз деб билади. Чунки у ҳаммага вазиятдан келиб чиққан ҳолда маслаҳат беришдан, ёшларга касб сирларини ўргатишдан чарчамайди. Айниқса, таълим ва фан ходимлари касабаси уюшмаси туман, шаҳар кенгашларида иш бошлаган ходимларга алифбони ўргатгандай сабоқ беради.

Райҳон Носирова меҳнат фаолиятини 1982 йилда Бухоро шаҳридаги 23-сонли мактаб-интернатда тарбиячи сифатида бошлаган. Ишга масъулият билан ёндашуви, тўғрисиўзлиги, қобилияти инobatга олиниб, 1994 йилда таълим, фан ва маданият ходимлари касабаси уюшмаси Бухоро шаҳар кенгаши раиси ўринбосари этиб сайланди. Сўнг-ра тармоқ касабаси уюшмаси вилоят кўмитасининг Бухоро шаҳар бўйича вакили, Бухоро шаҳар касабаси уюшмаси раиси ўринбосари – ташкилий ишлар бўлими мудири лавозимларида ишлади.

Фаолияти давомида Райҳон опа ишига нисбатан талабчан, жонкуяр ва фидойи инсон сифатида ўзини намоён қила олди. Яхши ташкилотчи, ҳар бир ишда

ташаббускор, зиммасидаги ҳар қандай ишга масъулият билан ёндашуви туфайли обрў-эътибор топди. Ўқув юртлари жамоалари, талабалар, соҳада ишлаб, пенсияга чиққан фахрий педагоглар билан мунтазам учрашиб, уларнинг ҳолидан хабар олиш, моддий ва маънавий мадад бериш иш услубининг асосий мезони десак, хато бўлмайди.

Табиийки, бошланғич касабаси уюшма ташкилотлари фаолиятини такомиллаштириш, уларга амалий-услубий ёрдам бериш масалалари Райҳон опанинг доимий эътиборда. Унинг бевосита раҳбарлигида худудий таянч бошланғич касабаси уюшма ташкилотлари ташкил этилиб, устав бўйича фаолиятлари намунали тарзда олиб борилишига эришилди. Ушбу таянч бошланғич ташкилотларда амалий семинарлар ўтказилиб, бошланғич ташкилотлар фаоллари учун тажриба ўрганиш имконияти яратилди.

Райҳон опа туман, шаҳар кенгашлари фаолиятини такомиллаштириш борасида ўқувлар ўтказиш, услубий тавсиялар бериш, тармоқ муассасалари раҳбарлари ва касабаси уюшма кўмитаси раисларининг ҳуқуқий билимдонлигини ошириш мақсадида амалий семинарлар ташкил этишга эътибор қаратмоқда. 2005-2010 йилларда Таълим, фан ва маданият ходимлари касабаси уюшмаси Республика кенгаши аъзоси, 2010-2019 йилларда Таълим, фан ва маданият ходимлари касабаси уюшмаси тафтиш комиссияси аъзоси, 2020 йилда Таълим ва фан ходимлари касабаси уюшмаси Республика кенгаши аъзоси сифатида республикадаги барча ҳамкасбларига яқиндан ёрдам бериб келмоқда.

Райҳон опадан инсонларга ғамхўрликни, ишда масъулиятни, касбга фидойиликни, касбдошларга ҳурмат-икром кўрсатишни ўрганган киши ҳеч қачон қоқилмайди. Ҳамиша бор бўлинг, устоз!

Дилафрўз ОРОЛОВА,

Таълим ва фан ходимлари касабаси уюшмаси Бухоро шаҳар кенгаши раиси





Навоий вилояти

Таклиф

ЯНГИЛИККА ИНТИЛИШ ЯНАДА КЎПАЯРДИ

Асли касбим ўқитувчилик бўлса-да, касба уюшмалари билан боғлиқ фаолият жону дилим. Ишни дастлаб 2002 йилда Қизилтепа тумани халқ таълими бўлими бошланғич касба уюшма кўмитаси раислигидан бошлаганман.

Мана, орадан йиллар ўтиб, ишлаш тизими янада такомиллашди. Айниқса, «Касба уюшмалари тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши ва 11 ноябрнинг Касба уюшмалари куни, дея эълон қилиниши жуда катта ўзгаришларга сабаб бўлди. Хайрли ишларимиз кўпайди. Бир неча юзлаб ўқитувчиларни санаторийларга, дам олиш мажмуаларига, турли саёҳатларга, зиёратларга жўната бошладик. Пенсияга чиққан устозларнинг ҳолидан хабар олишга эътибор яна кучайди. Кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган замондошларимизга баҳоликудрат моддий-маънавий мадад бера бошладик. Ногиронлиги бўлган ўқитувчиларни касба уюшмаси маблағлари ҳисобидан даволатиш ишларини йўлга қўйдик. Уларнинг фарзандлари мириқиб дам олишлари учун ёзги оромгоҳларга жалб қилинмоқда. Бунинг самараси ўлароқ, барчамиз фахрланиб ишлайдиган касба уюшмалари тизимининг нуфузи ортиб, эшигимизни

тақиллатиб келадиганлар сони янада ортди. Айни паллада Қизилтепа тумани халқ таълими тизимида касба уюшмаларининг 6 минг 483 нафар аъзоси бор. 2022 йилнинг 10 ойида 102 та нодавлат ташкилотининг 256 нафар ходими янгидан аъзоликка қабул қилинди. Улардан бир қанчаси шу йилнинг ўзида дам олиш учун санаторийларга, соғломлаштириш сиҳатгоҳларига жўнатилди. Кўплаб таълим фидойиларига турли байрам тўхфалари ҳадея этилди. Бугун барчамиз Касба уюшмалари кунини катта хурсандчилик билан нишонламоқдамиз. Байрам арафасида тизимнинг ривожини учун бир-иккита таклиф киритиш ҳам фойдадан ҳоли бўлмайди, деб ўйлайман. Сир эмаски, баъзан жойлардаги касба уюшмаларининг бошланғич кўмиталари раислари, аъзолари туман ҳамда вилоят марказидаги тадбирларга, йиғилишларга келишга, берилган топшириқларни, зиммасидаги вазифаларни сикдикидан бажаришга моддий томондан бироз қийналишади. Айниқса, Навоий вилояти ҳудуд жиҳатидан жуда катта бўлгани учун бу яққол кўзга ташланади. Таклифим – бошланғич кўмиталарнинг раисларига маълум миқдорда ойлик иш ҳақи белгиланса, ишимиз яна бир қадам олдинга силжиши шубҳасиз. Ўйлайманки, моддий томондан қўллаб-қувватланган ҳар қандай киши масъулият

билан ишлайди. Шунингдек, моддий манфаатдорлик бор жойда ўзаро ҳурмат-эътибор, иш тутуми, тадорик ва ташаббуслар ҳам бошқача бўлади. Киши янгиликка, келажакка интилиб яшайди.

Эркин ТУРСУНОВ,

Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Қизилтепа тумани кенгаши раиси



Андижон вилояти

Етакчи минбари

Ўтган йили 11 ноябрь санаси мамлакатимизда Касба уюшмалари куни сифатида кенг нишонлангани кечагидек кўз ўнгимизда. Вақт – югурик, деган гап бежиз айтилмаган. Мана, тагин байрам арафасида турибмиз. Бундай кунларда соҳанинг ҳар бир вакили ўтган вақт оралиғида эришилган натижаларни сарҳисоб қилади, яқин келажак учун янги-янги режалар тузади.


ЖЎШҚИН ФАОЛИЯТГА АСОС

Зикр этилаётган муддат оралиғида бизнинг «Ҳамкорбанк» касба уюшмалари кўмитаси ҳам асосий эътиборни тизимда ишловчилар манфаатларини ҳар жиҳатдан ҳимоялаш, бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, маънавиятини юксалтириш, мухтасар айтганда, жамоа шартномаси шартларининг бажарилишига қаратди. Давлатимиз раҳбарининг «Ички туризмни янада ривожлантириш тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида деярли барча филиалларимиз ходимлари учун Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива сингари қадимий шаҳарларга, шунингдек, юртимизнинг соя-салқин гўшаларига ва муқаддас зиёратгоҳларга жамоавий тарзда экскурсия ва саёҳатлар уюштирилди. Жа-

моат ишларида фаол қатнашаётган 34 нафар ходимга Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши томонидан Бўстонлик туманида барпо этилган «Livigstone» дам олиш уйига йўлланмалар берилди. Нокамтарликка йўйманг-у, ходимларни чет эл сафарларига юбориш бўйича олиб бораётган ишларимиз ҳам яхши ташкил этилаётганини алоҳида таъкидламасак бўлмас. Ахир ҳамкасбларига ҳар жиҳатдан ибрат бўладиган ходимларни бу қадар рағбатлантириш ҳамма идорада ҳам йўлга қўйилмаган. Жумладан, жорий йилнинг шу кунига қадар 42 нафар намунали ҳамкасбимиз иш берувчи ҳисобидан Миср Араб Республикасининг Шарм ал-Шайх шаҳрига



дам олишга жўнатилди, 6 нафари Тожикистонда уч кунлик саёҳатда бўлиб қайтдилар. Банқда ходимларнинг иқтисодий, ҳуқуқий ва маънавий-маърифий билимларини бойитишда ҳам касба уюшмалари фаол иштирок этмоқда. Йил давомида ўтказилган «Маърифат соати» дарсларида қатнашган Республика маънавият ва маърифат маркази раҳбари Минхожиддин Ҳожиматов, тарих фанлари доктори Файзулло Эрназаров, профессорлар Муқимжон Қирғизбоев, Абдуллажон Бегматов, тележурналист Баҳриддин Қўшмонов, Ўзбекистон Миллий университети доценти Акбар Замонов, таниқли психолог Ширин Мустафоеваларнинг сермазмун мулоқотлари, айтиш мумкинки, ходимларимизда жуда катта таассурот қолдирди. Биз жамоада соғлом ва фаол ҳаёт тарзини шакллантиришга қаратилган фаолиятимизни бундан буён ҳам изчил давом эттирамиз. Шукрулло НЕЪМАТОВ, «Ҳамкорбанк» касба уюшма кўмитаси раиси



Сурхондарё вилояти

Вазифа

ХУСУСИЙ ТИББИЁТ АФЗАЛМИ?

Термиз тумани «Мангузар» маҳалласида жойлашган эски идора биносидан бир неча йил қишлоқ врачлик пункти ҳамда Термиз туман тиббиёт бирлашмаси таркибидаги тез тиббий ёрдам шохобчаси фаолият кўрсатарди... Ушбу бино 2018 йилда тажрибали қурувчи, «Бойсун-Термиз-Курилиш» МЧЖ раҳбари Ислом Болтаева иш ўрни яратиш шартини билан ноль қийматда хусусий мулк қилиб берилди.

Тадбиркор бунёдкор Ислом Болтаев тажрибали врач Абдулла Жумаев билан маслаҳатлашиб, бу ерда хусусий клиника барпо этадиган бўлди. Тез фурсатда эски бино ўрнида икки қаватли клиника бунёд этилди. Хитойдан сўнги русумдаги ускуналар келтирилди. Россия ва Польшадан тиббиёт анжомлари харид қилинди. Бугунги кунда «Авиценна Импульс» хусусий клиникасида ички касалликлар ва эндокрин хасталиклари бўйича аниқ ташхис ва даволаш муолажалари олиб борилмоқда. Хусусий клиниканинг давлат тиббиёт бирлашмалари тасарруфидаги шифоналардан фарқи шуки, бемор мурожаат қилганда хасталикка аниқ ташхис қўйиш мақсадида зарур текширувлардан ўтиш учун бошқа жойга бориб, овора-ю сарсон бўлмайди.

Клиника бош врачлари Абдулла Жумаев барча ички ва эндокрин, шунингдек, юрак қон-томир касалликлари бўйича олий тоифали тажрибали мутахассис. Унга ультра товушли асбоб бўйича тажрибали шифокор Ёқуб Тошматов, юрак қон-томир касалликлари врачлари Умид Мувавовлар ёрдамчи. Бош ҳамшира Феруза Алламуродова ҳамда Дилноза Бобохонова, Гўзал Юнусова, Ирода Ҳасанова, Моҳигул Асадова сингари моҳир ва хушмуомала ҳамширалар беморлар ҳолидан доимо хабардор. 18 нафар тиббиёт ходими меҳнат қилаётган 40 ўринли хусусий клиникада беморлар ётиб даволаниши учун ҳамма шароитлар муҳайё. Ҳар бир палатада икки-учтадан кроват жойлаштирилган, полга гиламлар тўшалган. Телевизор, кондиционер ва музлаткич ишлаб турибди, хоналар иссиқ, озода-саришта. Клиника ошхонасида беморлар учун кунига уч маҳал иссиқ овқат тайёрланади. – Беморга хизмат кўрсатиш борасида хусусий тиббиётнинг афзал томонлари бор, – дейди Абдулла ака. – Лекин нима бўлганда ҳам, қаерда ишлашдан қатъи назар, шифокорнинг энг олий бурчи – халққа хизмат қилишдир.

Рустам ДАВЛАТОВ «ISHONCH»



Хоразм вилояти

Комилжон аканинг ҳикоялари «Ичан қалъа»нинг маҳобатини ҳис қилишга ёрдам беради. Ҳар бир устун, ҳар бир ғишт, экспонатлардаги ҳар бир унсур ҳақида шунчалик меҳр билан сўзлайдики, қурилиш ҳақида режа тузаётган Оллоқулихонни, пешонасидан томаётган терни артиб қўяётган устани, устунларга безак бераётган наққошни шундоқ ёнида кузатиб тургандай бўласиз.

Комилжон Худойберганов бу даргоҳдаги 50 йиллик фаолияти давомида дунё нигоҳини «Ичан қалъа»га қаратишга ҳисса қўшиш мақсадида кўп китобларни варақлади, қанчадан-қанча осори-атиқаларнинг ўзига хос жиҳатларини ўрганди.

1972 йилда кичик илмий ходим сифатида иш бошлаб, кейинчалик бўлим мудири, 2008 йилдан илмий котиблик даражасига кўтарилди. У бутун ҳаётини, салоҳиятини, кучини, билим ва тажрибасини тарихий обидаларни асраш, ўлкамизда сайёҳликни ривожлантиришга сарфбар этмоқда.

Комилжон аканинг «Ичан қалъа»даги кичик ҳужрасини улкан илм марказига қиёслаш мумкин. Бу ҳужрада давримизнинг кўплаб олимлари, тарихчи, ёзувчи, журналистлари меҳмон бўлган. Комилжон аканинг фикрларини тинглаган, баҳслашган. Бу даргоҳ қанча инсонларга илҳом ва ғоялар берган. Шу асосда Хива ҳақида кўплаб мақолалар,



КАСАБАҚҶМ – ТАРИХ ЗАРГАРИ



рисолалар ёзилган.

Комилжон Худойберганов нафақат тарихчи олим, балки ҳамкасбларининг яқин дўсти ҳамдир. У 1986 йилдан буён музей-қўриқхонанинг бошланғич касаба уюшма кўмитаси раиси сифатида фаолият кўрсатиб келади. Комилжон

ака яратган устоз-шогирд мактабида кўплаб музейшунослар, ўлкашунослар шаклланди. Гид-ўйлбошловчиларни ўқитишга бош-қош бўлиб келмоқда. Касаба уюшма ташаббуси билан битта ходимнинг юрагини, иккинчи бир ходимнинг оёғида жарроҳлик операциясини ўтказиш учун маъмуриятдан катта миқдорда пул ўтказиб берилди. Ходимлар малакасини ошириш, муносиб иш шaroитлари яратиш, дам олишларини ташкил этиш борасида тизимли ишлар олиб борилмоқда. Бу эса музей-қўриқхона жамоасининг ютуқларида намоён бўлмоқда.

Бу йил Комилжон ака ҳаётида эса қоларли воқеаларга бой тарзда

Орамиздаги одамлар

ўтмоқда. 29-30 март кунлари Туркия Республикаси Президенти Режеп Тайип Эрдоғаннинг мамлакатимизга ташрифи доирасида давлатимиз раҳбари ҳамроҳлигида қадимий Хива шаҳрига қилган саёҳатлари давомида уларга Хива шаҳри ва «Ичан-Қалъа» музей-қўриқхонаси тарихи тўғрисида сўзлаб берди.

– Ичан қалъанинг умумий майдони 26 гектар, унда 54 тарихий меъморий обида бор. Булар ичида 1830-1840 йиллар давомида Оллоқулихон томонидан қурилган хон саройи – Тошқовли ҳозирги кунда катта таъмирга муҳтож ҳолга келиб қолган. Ушбу саройнинг бир қисмини таъмирлаш учун 2019 йил сентябрда Ўзбекистондаги АҚШ элчихонаси грантини ютдик, – дейди Комилжон Худойберганов. – Грант асосида Тошқовлини таъмирлаш учун лойиҳа ишланди. Олиб бориладиган таъмирлаш-тиклаш ишларидан ёдгорликнинг асл кўриниши тикланиб, келгусида обиданинг умри узайтирилиши мўлжалланган.

Комилжон ака доим изланишда. Унинг режалари, орзулари бисёр. Фидокорона меҳнатлари давлатимиз томонидан эътироф қилиниб, 2022 йил 29 августда Президент фармони билан «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси» фахрий унвони билан тақдирланди.

Мухаббат Тўрабоева
«ISHONCH»



АГРОСАНОВАТ МАЖМУИ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИ ЖАМОАСИ

Барча касаба уюшма
ходимлари ва аъзоларини

**11 НОЯБРЬ – ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА
УЮШМАЛАРИ КУНИ**
билан самимий қутлайди!

Меҳнаткашлар манфаатини ҳимоя қилишга
бел боғлаган соҳа ходимлари ва касаба уюшма
аъзоларига фаолиятида улкан
муваффақиятлар тилаймиз.
Эзгу ишларни амалга оширишда
ҳеч қачон чарчаманг!

«САЁҲАТ-САРИ» УНИТАР КОРХОНАСИ МАЪМУРИЯТИ ЖАМОАСИ

Барча касаба уюшма
ходимлари ва аъзоларини
**11 НОЯБРЬ – ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА
УЮШМАЛАРИ КУНИ**
билан самимий муборакбод этади!

Ватанимиз тараққиёти,
ишчи-ходимлар манфаати
йўлидаги ишларингизда
омад ёр бўлсин!
Юртимиз мудом обод,
элимиз фаровон бўлсин!



Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясига қарашли «Саёҳат сари» меҳмонхонасига кираверишда сизни хушмуомалали маъмур Зумрад опа Бобожонова мулойим табассум билан қарши олади. Сўнгра тавозе ила ичкарига бошлайди. Дид билан безатилган шинам фойедан ўтиб бораркансиз, бинонинг саранжом-саришталиги ва тоза-озодалиги диққатингизни ўзига жалб этади.



мазмунли ўтиши чораларини кўрамиз. Овқатларни сифатли, тўйимли ва хушхўр-тотли қилиб тайёрланишига алоҳида эътибор берамиз.

«Саёҳат сари» меҳмонхонаси хўжалик ҳисобидаги, ўзини ўзи таъминлашга ва сарф-харажатларини ўзи қоплашга мўлжалланган унитар корхона ҳисобланади. Меҳмонлар ташрифидан ҳар йили 70-80 миллион сўм атрофида маблағ тушади, эҳтиёжларидан ортгани хайрли ишларга сарфланади. Масалан, бу йил кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштиришга 25 миллион сўм миқдорда пул ажратилди.

Келгусида меҳмонхона хизматларини янада такомиллаштириш учун қатор режалар ишлаб чиқилган. Жумладан, ресторани янада кенгайтириш, меҳмонларга хизмат қиладиган бошқа сервисларни жорий этиш назарда тутилган.

Умида ХУДОЙБЕРГАНОВА
«ISHONCH»



римиздан 3000 нафари, хорижий меҳмонлардан 200 нафари унинг хизматидан фойдаланди. Шунингдек, касба уюшмалари Федерацияси ўқув марказида малака оширган тингловчилардан 431 нафари ушбу меҳмонхонада истиқомат қилишди.

Меҳмонхона доимо одам билан гавжум бўлишига, биринчидан, унда кўрсатилган хизматлар нархи анча арзонлиги, иккинчидан, мижозларга бадастир шароитлар яратилгани сабаб бўлмоқда.

– Ресторанимизда Федерация томонидан турли маросимлари ҳам ўтказилади, – дейди директор Ботир Хўжаев. – Биз тадбирлар тинч-осойишта ва



Тошкент шаҳрида жойлашган бу меҳмонхона анча йиллардан буён касба уюшма ходимларига ва шаҳар меҳмонларига хизмат кўрсатиб келади. Унга ҳар йили 5000 нафардан зиёд маҳаллий ҳамда чет эллик сайёҳлар келиб-кетишади.

Меҳмонхонада жами 126 ўринли ва турли тоифали 80 та хона, 60 ўринли ресторан,

шунингдек, тренажёр хонаси мавжуд. Уларнинг барчаси сўнгги русумдаги дизайнлар асосида безатилган, замонавий техникалар ва энергияни тежайдиган чироқлар билан жиҳозланган.

Юртимизда туризм ривожланишида ушбу меҳмонхонанинг ҳам салмоқли ҳиссаси бор. Жорий йилнинг тўққиз ойи мобайнида юртдошлар



Сиҳатгоҳларда

«ЧИМЁН»нинг ютуғи нимада?

Чимён маъданли сувининг таркиби бошқа маъданли сувлардан сульфид-олтингуртга бойлиги билан ажралиб туради. Шифобахш сув Сочидаги «Мацеста» сиҳатгоҳи сувларига айнан ўхшашдир. Шунинг учун ҳам бу гўша йил давомида нафақат маҳаллий, балки хорижлик дам олувчи ва даволанувчилар билан гавжум.

Саломатлик масканида асаб тизими, юрак-қон томир, таянч-ҳаракат аъзолари, гинекологик, урологик, тери касалликларига даво чоралари қўллани-

лади. Энг замонавий даволаш анжомлари билан жиҳозланган хоналарда муолажалар олиб борилиши йилдан-йилга ташриф буюрувчиларнинг сони ортишига сабаб бўлмоқда.

Сўлим манзарали дарахзорлар, гулзорлар орасида қад ростлаган бинолар ҳам сиҳатгоҳ тароватини очган.

Юқори малакали мутахассислар фаолият кўрсатаётган санаторийда барча даволаш хизматларини ўз ичига олган икки қаватли замонавий даволаш биноси, битта тўрт қаватли

ва тўртта беш қаватли кўркам ётоқ биноларида даволанувчилар учун барча шарт-шароитлар мавжуд. Қўли енгил шифокорлар, ширинсухан ходимлар ташриф буюрувчиларга юқори даражада хизмат кўрсатади.

Мухтасар айтганда, ҳамёнбоп ҳамда барча қулайликларга эга сиҳатгоҳ беморлар дардига шифо бахш этаётгани билан мижозларга манзур бўляпти.

Дилдора МИРЗАМАТОВА,
«Чимён» санаторийси маданият саройи мудираси

«ЧИМЁН» САНАТОРИЙСИ НАФАҚАТ ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ, БАЛКИ РЕСПУБЛИКАМИЗДАГИ ЭНГ СЎЛИМ СИҲАТГОҲЛАРДАН БИРИ ҲИСОБЛАНАДИ. МАФТУНКОР ТАБИАТ ҚЎЙНИДА ЖОЙЛАШГАН МАСКАНДА ДАМ ОЛУВЧИЛАР УЧУН АЪЛО ДАРАЖАДА ШАРОИТЛАР ЯРАТИЛГАН.



Фарғона
вилояти

Кўқон тиббиёт бирлашмаси касабга уюшмаси қўмитаси ҳозирги кунда ўз сафига 1000 нафарга яқин аъзони бирлаштирган. Уларнинг 400 нафари аёллар ва 2600 нафари ўқувчи-талабалардир.

Бултур тузилган жамоа шартномасига кўра, бирлашмадаги ҳар бир ходим олган ва билвосита даромадлар миқдори жорий йилда 3,2 фоизга ортди ва имтиёзлар ҳисобидан уларга 9, 12, 15 кундан иборат ҳақ тўланадиган қўшимча таътилар берилди. Жамоада ишлаётган 350 нафар кам таъминланган оила вакилларига 60 миллион 564 минг сўм миқдоридан моддий ёрдам кўрсатилиб, 142 нафар касабга уюшма фаоли моддий рағбатлантирилди. 150 нафар кам таъминланган оила фарзандларига 24 миллион сўмлик ўқув қуроллари ва дарсликлар ҳада қилинди. Шунингдек, 12 ёшгача фарзанди бор аёллар меҳнат таътилига чиққанида 3 кунлик ҳақ тўланадиган қўшимча таътилар, 12 ёшдан

кичик икки ва ундан ортиқ боласи бўлган ёки 16 ёшга тўлмаган ногирон боласи бор аёлларга 14 иш кундан кам бўлмаган меҳнат таътили берилди.

Бирлашма ходимлари ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ва спорт-соғломлаштириш ишларини ривожлантириш мақсадида волейбол жамоаси ташкил этилган. У шаҳар бўйича ва тиббиёт муассасалари ўртасида ўтказиладиган мусобақаларда етакчи ўринларни эгаллаб келмоқда. Жамоа аҳлини қўллаб-қувватлаш ниятида касабга уюшмаси ҳисобидан спорт кийимлари ва совғалар учун 7 миллион 623 минг сўмлик маблағ сарфланди. 42 нафар ходим ва уларнинг оила аъзоларини қади-

БАХТИМИЗГА БЎЛИНГ СОҒ-ОМОН

мий шаҳарларимизга саёҳатга юбориш учун 28 миллион 900 минг сўм ажратилди. 12 майда нишонланган халқаро ҳамширалар кунидан 24 нафар фахрийнинг ҳолидан хабар олинди. Айём муносабати билан уюштирилган тадбирда 100 нафар ҳамширанинг ҳар бирига қиймати 10 миллион сўмлик эсдалик совғалари тарқатилди. Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунидан эса тиббиёт бирлашмасига қарашли Болалар уйида тантанали маросим ўтказилиб, ўйинчоқлар топширилди. Тиббиёт ходимларининг касб байрами ҳам катта шодиёнага айланиб кетди.

Биз бундан кейин ҳам фаолиятимизни тиббиёт муассасаси касабга уюшмаси аъзолари ҳамда фаолларининг хоҳиш-истаклари ва таклифларини инобатга олган ҳолда давом эттирамиз. Асосий эътиборни инсон омилига, соҳа ходимларининг ижтимоий ҳимояси ва меҳнат муҳофазасини таъминлашга қаратамиз.

Баҳодир ТИЛЛАБОЕВ,
Кўқон шаҳар тиббиёт бирлашмаси
касбага уюшма қўмитаси раиси

Тиббиёт

Наманган
вилояти

Наманган шаҳридаги «Орзу» кичик саноат зонасида жойлашган «Ideal tekstil-orzu» масъулияти чекланган жамиятида 250 нафар хотин-қизнинг бандлиги таъминланган. Бир йилда 300 минг дона маҳсулот тайёрлаш қувватига эга корхона маҳсулотларини маҳаллий бозордан ташқари, Германия, Россия, Польша, Бельгия каби давлатларга экспорт қилади. Ўзбекистонда эркаклар кийимларини тикиш бўйича энг йирик саналган корхона маҳсулотлари сифати ҳамда дизайни замон талабларига жавоб бериши билан бошқа брендлардан ажралиб туради.

Бугун шу корхонада ишлаётган ишчи-ходим борки, бошланғич касабга уюшма қўмитаси раиси Орзухон Нодировани бирдек қадрлашади, хурмат қилишади.

– Оиласида муаммо бор инсоннинг ишида унум бўлмайди, – дейди Орзухон опа. – Корхонамиздаги ишчиларнинг аксари аёллар. Биргалашиб муаммоларини ҳал қилганимиз боис ҳам бугун ишимизда барака бор. Ҳамжиҳатликда ишланган ҳар

Бошланғич ташкилотларда



ОРЗУХОН ОПА КАБИЛАР БОР ЭКАН...

бир кунимиз самарали бўлади.


Корхонада ишчиларга барча қулайликлар яратилган. Тиббий муолажа хонасига малакали шифокорлар жалб этилган. Узоқдан келиб ишлайдиган ишчилар учун эса транспорт хизмати йўлга қўйилган. Ҳар бир ишчига йилда икки маротаба махсус кийим-бошлар берилди. Уларнинг саломатлигини тиклаш учун санаторийларга йўлланмалардан ташқари, ҳар чоракда «Океан» сузиш ҳавзасига ҳам чипталар берилди.

Ишчи-ходимларга жамоа шартномаларида кўзда тутилган барча бандлар бўйича ўз вақтида кўмак бериб келинмоқда. Айниқса, ишлаб чиқа-

риш жараёнида ходимларнинг меҳнат муҳофазасига алоҳида эътибор қаратилган. «Касалликдан кўра, унинг олдини олган афзал», нақлига амал қилган Орзухон опа ишчиларга соҳа мутахассислари ёрдамида тез-тез тушунтиришлар ишларини ўтказиб туради.

Корхонада меҳнат қилаётган ҳар бир ишчига яқиндан ёрдам бериб, уларнинг оғирини енгил қилишга астойдил кўмаклашаётган Орзухон опа сингари касабакўмлар бор экан, ҳаётдан рози яшаётганлар сафи кундан-кунга ортаверади.

Орзугул РУСТАМОВА
«ISHONCH»

Сирдарё
вилояти

Ҳуқуқ

«ЁДДАН ЧИҚҚАН» ҲИСОБ

Янгиерлик Темурбек Узоқов болаликдаги қизиқиши сабаб 2014 йилда Тошкент шаҳридаги Ўзбекистон давлат циркига артист-акробат вазифасига ишга кирган эди. Афсуски, 2017 йилнинг август ойида иш вақтида бахтсиз ҳодиса юз бериб, 1 гуруҳ ногирони бўлиб қолди. Иш берувчи томонидан соғайиб кетгунига қадар 870 минг сўм пул маблағи тўлаб борилиши белгиланди.

Яқинда Темурбекнинг отаси Абдусамат Аҳмедов Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерацияси Сирдарё вилояти кенгашига мурожаат қилди. У ўз аризасида ўтган вақт давомида тўлов миқдорининг ўзгаришсиз қолаётгани, аниқ ҳисоб-китоб қилиниши учун амалий ёрдам кўрсатилишини сўраган эди.

Кенгашнинг меҳнат техник инспектори Абдукамол Ҳақимов мазкур масалани ўрганиб чиқди.

Вазирлар Маҳкамасининг «Ходимларга уларнинг меҳнат вазифасини бажариши билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиш, касб касалликларига чалиниш ёки саломатликнинг бошқа хил шикастланиши туфайли етказилган зарарни тўлаш қоидалари»нинг бандига асосан, «Белгиланган пенсияни ҳисоблаш базавий миқдори оширилганда соғлиқнинг шикастланиши билан боғлиқ зарарнинг ёки боқувчисининг вафоти билан боғлиқ равишда бериладиган йўқотилган иш ҳақи, бошқа тўловларни қоплаш суммаси пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдори оширилган суммасига мутаносиб равишда кўпайтирилади».

Президентимизнинг фармонларига кўра 2018 йилдан 2022 йилнинг шу кунига қадар белгиланган пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдори 6 маротаба оширилган.

Шунга кўра қайта ҳисоблаб чиқилганда, Темурбекка иш берувчи томонидан 1 миллион 107 минг 996 сўм миқдоридан ойма-ой зарар пуллари тўланиб борилиши зарурлиги маълум бўлди.

Ўрганишлардан сўнг, бу тўлов ўтказиладиган бўлди. Шунингдек, ўтган вақт давомида зарар фарқи тўланмай келингани натижасида тўпланиб қолган 2 млн. 221 минг 501 сўм миқдоридан маблағлар тўлаб берилди.

Озода МАМАДАЛИЕВА
«ISHONCH»



Бухоро
вилояти

Хавас

Маданият, спорт ва туризм ходимлари касаба уюшмаси Бухоро вилояти бирлашган қўмитаси янги тармоқ сифатида фаолият бошлаганига энди икки йил тўлди. Дастлаб 68 та ташкилотда 4952 нафар касаба уюшма аъзосини бирлаштирган бўлса, бугунга келиб улар сони қарийб олти минг нафарга етди. Эътиборли жиҳати, қисқа фурсатда меҳнат муносабатлари ва меҳнатга доир ижтимоий-иқтисодий муносабатларни тартибга солиш борасида тизимдаги барча ташкилотларда жамоа шартномалари тузишга эришилди.



НАМУНАЛИ МЕҲНАТ ЭЪТИРОФИ

Қолаверса, ижтимоий мулоқот ва ижтимоий шерикликни ривожлантириш, мутасадди давлат ва нодавлат ташкилотлари билан ҳамкорликни янада кенгайтириш, касаба уюшмаларининг ваколатлари доирасида жамоатчилик назоратини ташкил этиш ишларига алоҳида эътибор бугун ўз самарасини бераётир. Ташкилотларда меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари ҳам рисоладагидек ташкил этилган. Бу борада муассасаларда меҳнат муҳофазаси ҳолати талаб даражасига келтирилмоқда. Биноларнинг техник ва санитар-гигиеник ҳолати яхшиланиши, ташкилот ҳудуди тозаллиги, иш берувчи ва касаба уюшмаси ўртасида меҳнат муҳофазаси битимлари тузилиши, ходимларнинг ўрнатилган тартибда тиббий кўриқдан ўтказилиши каби сазй-ҳаракатларни ана шулар жумласига киритиш мумкин.

Қўмита томонидан меҳнат муносабатлари масалаларига ҳам устувор вазифа сифатида қаралишини далиллар асосида келтириб ўтиш мумкин. Биргина Бухоро ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернати мисолида олиб қаралганда 141 нафар аъзога эга муассасада қонун талабларига тўлиқ риоя этилмоқда. Масалан, ходимнинг вақтинча ишга қабул қилинишида шартнома муддатининг тугаш санаси меҳнат шартномаси ва буйруқда аниқ кўрсатилган. Ходим бошқа ишга ўтказилаётганда меҳнат шартномасига ўзгартириш киритилган ва бу бўйича буйруқ ходимга таништирилган. Ёш болали аёлларга қўшимча уч иш кунлик таътил бериш ҳам инobatга олинмоқда. Меҳнат шартномаси бекор қилинган ходимларга фойдаланмаган таътиллари учун ҳақ тўланмоқда.

Тармоқ тизимидаги ташкилотларда ҳар бир ишга жиддий ёндашилаётгани тизим фаолияти самарадорлигининг муҳим омилига айланган десак, асло муболаға бўлмайди. Зеро, жорий йилнинг ярим йиллик вилоят рейтингига мазкур тармоқ биринчи ўринни эгаллагани фикримизнинг далилидир. Қолаверса, Маданият, спорт ва туризм ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши раиси Шухрат Деҳқонов ҳам бу борадаги ишларни алоҳида эътироф этди. Вилоят бирлашган қўмитаси раиси Диловар Темированинг ташаббускорлиги, намунали меҳнатларини инobatга олиб Республика кенгашининг сертификати ва пул мукофотларини топширди.

Машаққатли меҳнат – самарали натижа ва муваффақият гаровидир.

Зарнигор САИДЖОНОВА,
Маданият, спорт ва туризм ходимлари
касаба уюшмаси Бухоро вилояти бирлашган
қўмитаси бош мутахассиси



Самарқанд
вилояти

Интилиш



Фаолиятим давомида иқтисодиётнинг турли соҳаларида меҳнат қилганман. Аммо жамоат ташкилотида ишлашнинг ўзига хос гашти ва масъулияти бор экан. Оддий мисол, қарийб беш ой давомида юзлаб иш берувчилар билан мулоқот қилдик. Тўғриси айтсам, уларнинг кўпчилиги касаба уюшмаларига хайрихоҳлик кўрсатса-да, амалий фаолиятга келганда лоқайдлик кўрсатаётганига гувоҳ бўлдим. Ахир ходим манфаати, унинг ҳимоясини ташкил этишда қуруқ гапнинг ўзи кифоя қилмайди.

Юртимизда қишлоқ хўжалиги соҳасидаги корхоналар, тадбиркорлик субъектларига кенг имкониятлар яратилди. Шундай бир шароитда далада ишлаётганларга эътибор, улар меҳнатини муносиб баҳолашда сусткашлик бор. Жамоат ташкилоти вакили сифатида улар билан ижтимоий алоқаларни мустаҳкамлашга уриняпмиз. Хусусан, кластерлар раҳбарлари билан мунтазам музокоралар олиб бордик. Натижада 8 та кластерда бошланғич касаба уюшма ташкилотлари шакллантирилди.

Уч ой ичида 427 нафар аграр соҳа ходими касаба уюшмалари сафига қабул қилинди. Эндиликда вилоят ҳудудида меҳнат қилаётган соҳа ходимларининг 182901 нафари касаба уюшмалари ҳимоясида бўлмоқда. Сафни кенгайтиришга бўлган ҳаракатларни янада кучайтиряпмиз.

Сайитмурод ҲАСАНОВ,
Агросаноат мажмуи ходимлари
касаба уюшмаси Республика
кенгашининг Самарқанд вилояти
бўйича масъул ташкилотчиси

Таълим

СИЗДАН БОШЛАНАДИ АСЛИ ТАФАККУР

Ёш авлод тарбияси йўлида меҳнат қилаётган педагогларга зарур шарт-шароитлар яратиш, уларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳимояси доимий эътиборимизда.

Хусусан, жорий йилда соҳа фахрийлари ижтимоий муҳофазасига алоҳида аҳамият қаратганмиз. Жамоа шартномалари орқали пенсия ёшига етган 370 нафар ходимга бир марталик ёрдам ташкил этилди. 109 нафар кекса педагог турли тадбирларга таклиф этилиб, тақдирланди. Қармоғида парваришга муҳтож фарзандлари бўлган ёхуд бола парвариши таътилида бўлган 146 нафар онага моддий ёрдам кўрсатилди.

Кам таъминланган соҳа ходимларининг олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган фарзандларига ҳар жиҳатдан ёрдам кўрсатилмоқда. Жорий йилда кам таъминланган оилалар фарзандларидан 52 нафарига ўқув шартнома маблағларининг бир қисми қоплаб берилди. Шунинг

дек, 14 та ёш оилага уй-жой қуриш, рўзғор жиҳозлари харид қилишига моддий кўмак берилди. Нодавлат мулк шаклидаги таълим-тарбия тизимида ишловчиларнинг иш вақти ҳафтасига 35 соатдан ошмаслиги белгилаб қўйилди. 628 нафар педагог мамлакатимиздаги сиҳатгоҳларда касаба уюшмалари йўлланмаси билан имтиёзли равишда соғломлаштирилди.

Сирасини айтганда, устоз ва мураббийларнинг меҳнат самарадорлигини юксалтиришга ҳар жиҳатдан кўмаклашилмоқда.

Ифтихор РАҲИМОВ,
Таълим ва фан ходимлари касаба
уюшмаси Республика кенгашининг
Самарқанд вилояти
бўйича ташкилотчиси

Тошкент
вилояти

«ОҚТОШ»НИНГ ҲАВОСИ ЎЗГАЧА

«Оқтош» сиҳат-гоҳи ўзига хос гўзал маскан. Сўнгги йилларда сиҳат-гоҳ анча кенгайиб, шифо истаб келувчиларга ўз бағрини тобора кенгроқ очмоқда. 2008 йилда шифо масканида тўрт қаватли янги замонавий бино фойдаланишга топширилди.

Тошкент
шаҳри

«Chinobod Plaza»: БЕШ ЮЛДУЗЛИ СИҲАТГОҲ

Янги Ўзбекистонни барпо этиш юзасидан олиб борилаётган ислохотларга Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ҳам ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда. Жумладан, санаторийлар сафига янгилари қўшилиб, даволаш-профилактика ишларининг салмоғи ортаётгани ҳам бунини тасдиқлаб турибди.

Сўнгги йилларда бунёд этилган сиҳатгоҳлардан бири, бу – «Chinobod Plaza» санаторийси бўлиб, у 2021 йил Касаба уюшмалари Федерацияси маблағлари ҳисобидан қурилиб, мустақиллигимизнинг 30 йиллигига байрам туҳфаси сифатида тантанали равишда топширилди.

Сиҳатгоҳ юрак-томир, эндокрин, асаб тизими ва ошқозон – ичак йўли касалликлари билан оғриган дам олувчилар учун тиббий реабилитация хизмати кўрсатишга ихтисослаштирилган.

«Chinobod Plaza»нинг юксак дид билан жиҳозланган «стандарт» ва «люкс» тоифадаги хоналарида мириқиб дам олиш учун барча қулайликлар электрон карта орқали ишга тушади. Мазмунли дам олиш учун конференц зал, 5D кинотеатр, кутубхона, қишки боғ спорт майдончаси ва ёпиқ бассейн, турк ҳаммоми, фин саунаси мавжуд.

Санаторий фаолиятини бошлагандан буён муассасада 2100 нафардан ортиқ киши соғломлаштирилди. Шулардан 104 нафарини хорижий давлатлар фуқаролари ташкил этади.

2021-2022 йиллар давомида юртимизда ўтказилган «Менинг Президентим» мавзусидаги иншолаб танлови, «Темурбеклар мактаб»лари ва «Ёш чегарачи» ҳарбий академик лицейи ўқувчилари ўртасида ўтказилган «Янги Ўзбекистонга қанот бўламиз!» ижодий ишлар танлови, «Янги Ўзбекистонни ўзимиз, ўз қўлларимиз билан бунёд этамиз» эсселар танлови, «Ватанни севмоқ иймондандир» иншолаб танловининг Республика босқичи иштирокчилари ҳам санаторийда юқори савияда кутиб олинди.

Ички ва ташқи тиббий туризмни ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси тиббий туризм ассоциацияси томонидан ўтказилган турли конференцияларда «Chinobod Plaza» санаторийси ўзининг кўргазмалли чиқишлари билан мунтазам равишда қатнашиб, кўп-кўп сертификатларни қўлга киритмоқда. «Соғлиқни сақлаш – ТИНе-2022» 1-халқаро кўргазмаси Workshop-конгресс учрашуви ҳамда «Тиббий соғломлаштириш туризми бўйича халқаро Workshop, B2B конференция»лари шулар жумласидандир.

Санаторий шифокорлари турли халқаро симпозиумларда, ўқув-семинарларда қатнашиб, ўз малакаларини ошириб бормоқдалар.

«Chinobod Plaza» санаторийсининг аҳил ва маҳоратли ходимлари жонкуяр, фидойи Дилноза Мусаева раҳбарлигида республикада биринчи бўлиб Ўзбекистон Республикаси Тиббий туризм ассоциацияси томонидан беш юлдузли муассаса мақомига эга бўлишди.

Маҳмуда МУРЗАЕВА,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг
Санатор-курортлар бошқармаси бош мутахассиси

Табиий иқлим шароити туфайли «Оқтош» санаторийси хорижий давлатларда ҳам тилга тушган. Даволаниш самарадорлиги юқори бўлгани учун Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларидан келиб даволанаётганлар сони йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Санаторий 2 та икки қаватли, иккита уч қаватли бинолардан ва ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган бир қанча оилавий люкс коттеждлардан, шунингдек, маъмурий бино, 528 ўринли ошхона, кутубхона, маданият саройи мавжуд.


Санаторийда ўнлаб шифокорлар ва малакали ходимлар холис хизмат кўрсатишмоқда.

Даволаш комплекси қуйидагилардан иборат: физиотерапия, юқори ва паст частотали тоқлар билан даволаш, парафин-озокерит, уқалаш, лазер нури билан даволаш, магнит билан даволаш, ёруғлик билан даволаш, электр уйқу билан даволаш хонаси, шифобахш гиёҳлар билан даволаш, даволовчи бадантарбия, терренкур ва мақсадли овқатланиш.

Даволанувчиларга, шунингдек, уқалаш хизмати кўрсатилади. Улар фитобарда шифобахш гиёҳлардан тайёрланган чойни ҳузур қилиб ичишади. Бадантарбия ва оммавий спорт ишларига алоҳида эътибор қаратилади. Дам олувчиларнинг маданий дам олиши учун 2 та мусиқали фаввора ишга туширилган. Таниқли ёзувчи-шоирлар, санъат ходимлари иштирокида маданий-маърифий тадбирлар ўтказиш қатъий режа асосида амалга оширилади.

2014 йилнинг 11 октябрь куни «Респектор касалликларга чалинган болаларни санатор-курорт даволаш ва тиббий реабилитацияси бўйича масалалар» мавзусида халқаро семинар ўтказилди. Семинарда Россия, Озарбайжон, Қозоғистон, Чехия, Польша, Хитой, Ҳиндистон давлат вакиллари қатнашди. Шунингдек, 2019 йилнинг 7-9 ноябрь кунлари «Ўзбекистон аҳолиси саломатлигини сақлаш ва тиклашда санатор-курорт ташкилотларининг ўрни ва аҳамияти мавзуси»даги халқаро илмий-амалий конференция юқори савияда ташкил этилди. Семинарда Россия, Қирғизистон, Арманистон, Озарбайжон, Қозоғистон, Беларусь, Чехия, Болгария, Хитой, Ҳиндистон давлатлари вакиллари қатнашди. Конференция материаллари тўплам ҳолида нашр этилди.

Зебо НАМОЗОВА



НУРБУЛОҚНИНГ ШИФОБАХШ СУВИ



Самарқанд
вилояти

**Тиб илмининг султони Абу Али ибн Сино номидаги сихатгоҳ
Нуробод тумани, Нурбулоқ кўрғонида, денгиз сатҳидан 500
метр баландликда жойлашган.**

Сихатгоҳнинг асосий даволаш омили – 650 метр чуқурликдан чиқувчи маъданли сув ҳисобланади.

Маскан биринчи дам олувчиларини 1991 йилнинг 26 декабридан қабул қилишни бошлаган бўлиб, ҳаракат-таянч тизими, кардиологик, неврологик ва тери касалликлари, куйиш натижасида олинган жароҳатларни даволашга ихтисослаштирилган.

2021 йилнинг май ойида саломатлик маскани ҳудудида янги ва барча замон талабларига жавоб берувчи 108 ўринга мўлжалланган ётоқ биноси, 2 қаватли даволаш корпуси ҳамда 1 қаватли ошхона бинолари фойдаланишга топширилган.

Бугунги кунда санаторийда радонли ванналар, сув ости массажи, циркуляр душ, кўтариувчи ва тушувчи душ, Шарко души, юқори ва қуйи частотали ток билан даволаш муолажалари, ГАИ, магнит терапияси, уқалаш хизмати, шифобахш балчиқ, парафин, мануал терапия, зарб тўлқинли терапия, гидроколонтотерапия, фитобочка хизматлари кўрсатилади, шунингдек, юқори нафас йўллари даволовчи замонавий туз ғори фаолият юритмоқда.

Бугина эмас, дам олувчиларнинг соғлом турмуш тарзига риоя этишлари учун замонавий ускуналар билан жиҳозланган фитнес зали, санаторий ҳудудини тўлиқ қамраб олувчи юқори интернет тезлигига эга бўлган WI-FI зонаси ташкил этилган.

Зоҳиджон АБДУРАҲИМОВ,

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг
Санатор-курортлар бошқармаси бош мутахассиси



Сурхондарё
вилояти

МУҚАДДАС ҚАДАМЖОДА ШИФО МАСКАНИ

Сурхон воҳасидаги Керагатоғ этагидаги бу масканда улкан ва сирли ғор ичидан зилол сув тинимсиз оқиб туради. Тиб мутахассислари ғордаги олтингургурт суви ўн бешга яқин оғир, ўткир ва юқумли касалликлардан фориғ бўлишга ёрдам беришини таъкидлашади.

Олтинсой тумани «Жобу» маҳалласи ҳудудида жойлашган «Хўжаипок» санаторийси Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси маблағи ҳисобидан қурилган ва 2020 йил май ойида фойдаланишга топширилган.

Сихатгоҳ 172 нафар дам олувчига мўлжалланган ётоқхона биносига эга.


Даволаниш масканида 8 та коттеж мавжуд бўлиб, бу ерда 40 нафар киши дам олиш имкониятига эга. Санаторий асосан кардиологик, асаб, таянч-ҳаракат тизими, гинекологик касалликларни даволашга ихтисослашган. 5 қаватли иншоот – даволаш биноси, ошхона, кўнгилочар заллар ва ётоқхонадан иборат. Санаторийда тўрт фаслга мўлжаллаб қурилган замонавий бассейн мавжуд. 4 фаслда ҳам бассейн суви 25-26 градусда иссиқлик билан таъминланиб, доимий янгилаб турилади.

Масканда кардиолог, невропатолог, гинеколог, стоматолог каби мутахассислар фаолият юритмоқда. Шунингдек, ЭКГ, УЗИ ва лаборатория хоналари мавжуд.

Зиё масканида 3000 дан зиёд, турли жанрдаги бадиий, ижтимоий-сиёсий адабиётлар, газета ва журналлар мавжуд.

Шунингдек, даволаш биносининг 1-қаватида муолажа хонаси, парафин, минерал ванналар, балчиқ билан даволаш хоналари мавжуд. Фитобарда ҳар хил шифобахш гиёҳлардан дамламалар берилади.

Даволаш биносининг 2-қаватида Шарко души, сув орқали уқалаш (гидромассаж), массаж, электр уйқу, озонотерапия, магнитотерапия, ультратуштерапия, дарсонотерапия, лимфодренаж, ЛФК муолажаси кабилар йўлга қўйилган. Яна бир муҳим жиҳати, бу ерда маҳаллий ва бошқа аҳоли вакиллари ҳам амбулатор даволаш хизматлари кўрсатилади.



Зебунисо ЯНГИБОЕВА


Сирдарё вилояти


Астойдил қилинган меҳнат кўзга тез ташланади. Кўп ўтмай, Раънохонни тармоқ касабаси уюшмаси туман кенгашига ишга таклиф қилишди...

Ўшанда «мен шифокор бўлмоқчиман, инсонларга ёрдам бермоқчиман» деган Раънохон «Касаба уюшмасининг хизмати ҳам бундан кам эмас. Шифокорни яхши кўрган одамнинг манфаатларини ҳимоя қилишга «лаббай» дейиши керак» деган жавобни эшитди.

Мана, ўтган 35 йил давомида касабаси уюшма тизимида фаолият олиб бораётган Раъно Абдалимова айни пайтда Соғлиқни сақлаш ходимлари касабаси уюшмаси Сирдарё вилояти кенгаши раиси лавозимида меҳнат қилиб келмоқда.

Доимий мулоқотлар,

Тиббиёт олийгоҳини тамомлаган Раъно Абдалимова йўлланма асосида Мирзаобод тумани кўп тармоқли шифохонасида иш бошлади. Тез орада жамоа куйинчак, одамларнинг дарду ташвиши билан елиб-югурадиган ходимани шифохона бошланғич касабаси уюшмаси раиси вазифасига сайлашди.

МЕҲР – ДУНЁНИНГ УСТУНИ

турли муаммоли вазиятлар учраб турадиган лавозимда ишлаш, очиғи, кишини чарчатиб қўяди. Бироқ қаҳрамонимиз ўзи бажараётган ишидан асло безмаган, нолимаган. У кишининг ҳеч қачон бекор ўтирганини кўрмайсиз. Қачон қараманг, ишга қизиқиб, тушликни-да унутиб, ё компьютер олдида ёзув билан банд, ёки суҳбатга келган киши билан ҳужжатларга кўмилган ҳолатда ўтирган бўлади. Яна кўпинча «шифокорларнинг вақти кам, улар безовта бўлишмасин», деб амалий ёрдам бергани ҳудудларга чиқиб кетади. Кўл

телефони тинмай жирингласа ҳам жавоб беришдан эринмай, куйинчаклик билан масалага ечим излайди.

Касаба уюшма фаоллари орасида обрў-этиборга эгалиги учун тизим хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раиси вазифасини ҳам бажариб келмоқда. Шу боис ҳам, вилоятда опани танимаган, киши билан маслаҳатлашмаган аёлларни учратиш қийин. Ўтган йиллар давомида барчага ўрнатилган фаолияти инobatга олиниб, Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерациясининг «Ehtiom» нишони билан тақдирланди.

Раъно опани кузатиб, доғирманлар «агар меҳрга ҳайкал қўйилса, у албатта, аёл шаклида бўлади», деб бежиз айтмаганига амин бўласиз.

Озода МАМАДАЛИЕВА
«ISHONCH»

Эҳтиром

Самарқанд вилояти
Хулоса

Моддий кемтикликни тўлдириш мумкин, аммо маънавий бўшлиқнинг ўрнини қоплаб бўлмайди. Тизимдаги қуйи ташкилотлар диққат-этиборини маданий-маърифий тадбирлар ўтказишга қаратганмиз. Тўғри, бу баъзиларга ортиқча йиғилиш ёки вақтни беҳуда совуришдек кўриниши мумкин. Аммо кулоққа қуйилган ўғит, тўғри ва холис маслаҳат вужудга сингиб боради.



МАЪНАВИЙ БЎШЛИҚҚА ЎРИН ЙЎҚ

«Жаҳолатга қарши маърифат билан» мавзуида ташкилотларда ўтган маърифат соатида юзлаб ходимлар иштирок этди. Одамларнинг фикр ва мулоҳазаларидан мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлашга қаратилган бундай тадбирларга эҳтиёж ортиб бораётганини ҳис этдик.

Самарқанд туманининг «Ермачит» маҳалласида истиқомат қилаётган хотин-қизлар билан ташкил этилган давра суҳбати ҳам ўз натижасини берди. Аёллар тўйлардаги ортиқча чиқимдорлик аксарият оилаларни қийнаб қўяётганини тилга олишди.

Каттақўрғон шаҳар солиқ инспекцияси, вилоят фавкулда вазиятлар бошқармаси билан ҳамкорликда инсон маънавиятининг юксалишига доир тадбирлар ташкил этилди.

Айни шу тадбирлар асосида фаолиятга доир бўлган масалалар – моддий ёрдамларни уюштириш, ходимларга муносиб меҳнат шароити яратилишини назардан қочирмаган ҳолда, руҳиятдаги маънавий бўшлиқни тўлдиришни ҳам назардан қочирмаслигимиз керак, деган хулосага келдим.

Феруза ҚИЛИЧЕВА,

Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касабаси уюшмаси Самарқанд вилояти кенгаши раиси


Фарғона вилояти
Мезон

ХОДИМЛАРНИНГ ҲАҚИҚИЙ ҲИМОЯЧИСИ



Фавкулда ҳодисадан хабар топган касабаси уюшма кўмитаси дарҳол кўмакка ошиқди. Бу савобли ишга муассаса раҳбарияти ҳам ўз ҳиссасини қўшди, ходимга бир ойлик маоши миқдорида моддий ёрдам ажратди. Касаба уюшма кўмитаси ва иш берувчининг ўзаро ҳамкорликдаги ғамхўрлиги Ферузбекка катта далда бўлди...

Ҳозир туман тиббиёт бирлашмасида меҳнат қиладиган 3 минг нафардан ортиқ саломатлик посбони аҳоли соғлиғини асраб-авайлаш, беморларни даво-

Бешариқ туманидаги кўптармоқли марказий поликлиника шифокори Ферузбек Бекназаровнинг хонадонидан кутилмаганда ёнғин содир бўлди. Яхшиларнинг ёрдами билан тилсиз ёв қисқа фурсатда бартараф этилди. Аммо унга қадар уй анчагина талафот кўрганди...

лаш йўлида туну кун тиним билишмайди. Уларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари эса жамоа шартномасида ўз ифодасини топган. Ҳар бир ходимнинг моддий ёрдам олишдан тортиб, саломатлигини мустаҳкамлашига бўлган муҳим масалалар унда аниқ-тиниқ белгилаб қўйилган.

Амалий натижаларга назар ташлайдиган бўлсак, бу йил 21 нафар тиббиёт ходими касабаси уюшмалари тасарруфидаги сўлим сиҳатгоҳларда саломатликларини мустаҳкамлаб қайтди. Шошилиш тез тиббий ёрдам бўлими ҳамшираси Кўпайсин Темирова ва тиббиёт коллежи ўқитувачиси Гуллола Тожиева эса уюшма тақдим этган бепул йўлланма асосида «Умид гулшани» санаторийсида даволанди.

Бирлашма ходимларини мазмунли дам олдириш ва саёҳатларга олиб бориш ҳам хайрли анъанага айланган. Масалан, жорий йил бошидан буён 100 нафардан зиёд ходим Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Урганч сингари кўҳна ва навқирон шаҳарларга саёҳатга олиб борилди. Йил якунига қадар яна 50 нафар тиббиёт ходими шундай имкониятдан баҳраманд бўлиши таъминланади. Албатта, бу саёҳатлар уларни

чиқимдор қилмаган ҳолда, касабаси уюшмалари томонидан бепул амалга оширилади.

Жорий йилда ходимларнинг 90 нафар фарзанди ёзги соғломлаштириш оромгоҳларида дам олдирилди. Шу кунгача ижтимоий ҳимояга муҳтож ходимларнинг 77 нафарига моддий кўмак кўрсатилди. Кам таъминланган, боқувчисини йўқотган ходимларнинг 75 нафар фарзандига ўқув қуроллари олиб берилди.

Шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, биз бу йил «Меҳнатни муҳофаза қилиш» бўйича ўтказилган республика танловида «Энг яхши касабаси уюшма кўмитаси» номинацияси ғолиблигини қўлга киритдик. Бу ютуқ барча жамоадошларимизни янги-янги марралар сари руҳлантириб юборди.

Бундан кейин ҳам уюшмамиз аъзоларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга кўмакдош бўлиш фаолиятимизнинг бош мезони бўлиб қолади.

Мақсудахон ТОЖИБОЕВА,

Бешариқ тумани Тиббиёт бирлашмаси касабаси уюшма кўмитаси раиси



Қашқадарё
вилояти

Жараён

МЕҲНАТ УНУМИ КАЙФИЯТГА БОҒЛИҚ



«Uzbekistan GTL» МЧЖда 2019 йилдан бери касаб
уюшма кўмитаси фаолият кўрсатмоқда.

Ишчи-ходимларнинг ҳар бир мурожаати касаб уюшма эътиборида. Масалан, завод марказий лабораторияси ходими Шаҳноза Қувватова онасининг шифохонада даволанаётганини билдириб, моддий ёрдам сўради. Шунингдек, товар хомашё цехи ходими Акбар Бегимов фарзандини даволатди. Бошқа бир ходим Сарваржон Нуралиев эса ўз акасига донорлик қилди. Бемор Ҳиндистонда жарроҳлик столига

ётишга мажбур бўлди. Юқоридаги ҳолатларда беморларга даволашни харажатларининг бир қисми касаб уюшма томонидан тўлаб берилди.

Ишчилар бўш вақтларини мароқли ўтказишларини таъминлаш ҳамда соғлом турмуш тарзини тарғибот қилиш мақсадида компаниянинг ишчилар шаҳарчасида махсус майдончалар ташкил этилган. Ходимлар ўртасида олиб борилаётган тарғибот ишлари натижасида волейбол, баскетбол, футбол, стол тенниси, шахмат-шашка спорт турлари анча оммалашди.

Касаб уюшма кўмитаси томонидан бир қанча санаторий ҳамда дам олиш масканлари билан шартномалар тузилиб, жорий йилнинг ўзида 100 нафардан ортиқ ходим ва уларнинг яқин қариндошлари чегирма асосида дам олиш сиҳатгоҳларига юборилди.

Боқувчисини йўқотган, кам таъминланган оилалар ҳолидан хабар олишдек эзгу ишга ҳам касаб уюшмаси бош-қош

бўлмоқда. Хусусан, яқинда Нишон тумани Нуристон шаҳарчаси «Кимёгар» маҳалласида ногиронлиги бор оилалар ва кекса нуроний отахон ва онахонларга байрам дастурхони ташкил этилди ва эсдалик совғалари топширилди.

Мамлакатимизда ички туризмни изчил ривожлантириш мақсадида «Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!» шиори остида касаб уюшма кўмитаси томонидан завод ходимларининг дам олиш кунларида саёҳатлари ташкил қилинаётган.

Жорий йилда самарали меҳнатлари учун 200 нафардан ортиқ ходим рағбатлантирилди.

Сирасини айтганда, касаб уюшма кўмитаси ҳар доим ходимларнинг ижтимоий ҳимоясини устувор билиб, уларга муносиб меҳнат ва дам олиш шароитлари яратишга ҳаракат қиляпти ва бу чора-тадбирларнинг ишлаб чиқариш сифати ҳамда кўрсаткичларининг янада ўсишига ҳисса қўшиши, шубҳасиз.

Султонбек ОМОНОВ,
«Uzbekistan GTL» МЧЖ касаб
уюшма кўмитаси раиси



Навоий
вилояти

Қадр

Намуна

УСТОЗЛАР МУДДОМ ЭЪЗОЗДА

Таълим ва фан ходимлари касаб уюшмаси Нурота тумани кенгаши тизимида 79 та бошланғич ташкилот бўлиб, касаб уюшмалари аъзоларининг сони 3 минг 899 нафарни ташкил этмоқда.

Утган даврда тизимдаги 317 нафар ходимга касаб уюшмалари ташаббуси билан 64 миллион 960 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Туман мактаблари ўртасида энг юқори рейтингга эришган 10 та мактабнинг директорлари, 10 нафар малакали ўқитувчилари, туман халқ таълими бўлимининг 5 нафар услубчиси ҳамда бўлим мудири бепул йўлланма асосида сиҳатгоҳларда саломатликларини мустаҳкамлашди, 210 нафар ўқитувчилари Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Хива шаҳарларига саёҳатга олиб борилди. Кам таъминланган оилаларнинг 33 нафар фарзандига ўқув қуроллари совға сифатида тарқатилди.

Кенгаш томонидан ҳар бир байрам арафасида кекса устозларни йўқлаш, уларнинг кўнглини олиш аъёнага айланган. Умуман олганда, устоз ва мураббийларнинг меҳнатини қадрлаш мақсадида ташкил

этилган ўнлаб тадбирларда айна шу мақсад кўзланган эди.

Шунинг алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, сабабсиз бўшатирилган 4 нафар ўқитувчи бевосита касаб уюшмасининг кўмаги билан ишига қайта тикланди.

Устозлар меҳнати машаққатли, шу билан бирга, шарафлидир. Мақсадимиз ана шундай улуғ касб эгаларининг мудом эъзозда ҳамда доимий эътиборда бўлишига эришишдир.

Қаҳҳор РАҲМОНОВ,
Таълим ва фан ходимлари
касба уюшмаси Нурота тумани
кенгаши раиси



Қумқўрғон туманида 84 та умумтаълим мактаби, 2 та ихтисослаштирилган мактаб-интернати, 1 та «Баркамол авлод маркази» ҳамда 25 та давлат мактабгача таълим, 12 та нодавлат мактабгача таълим ташкилоти фаолият юритмоқда. Тизимда ўқув-тарбия жараёнини шакллантиришга 112 та бошланғич ташкилотга бирлашган 7 минг нафардан ортиқ касаб уюшма аъзолари ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Барчаси бошланғичдан бошланади

Педагог-ходимларнинг манфаатларини ҳимоялашни кучайтириш мақсадида туман халқ таълими бўлими ҳамда кенгашимиз ўртасида 2021-2023 йиллар учун ҳудудий тармоқ келишуви тузилган. Мазкур ҳужжат ҳамда бошланғич касаб уюшмаларининг жамоа шартномаларида белгиланган вазифалар ижроси асосида ички меҳнат интизомини мустаҳкамлаб, иш шароитларини яхшилаб бораётиб.

Бошланғич ташкилот кўп ишга қодир. Ҳаммаси ҳаракатга боғлиқ. Хусусан, бир қатор мактабларнинг касаб уюшма кўмиталари етакчилари, жумладан, Бахтиёр Чориев, Ойгул Азизова, Нормурод Авазов, Зиёдулла Қорақулов сингари фаолларимиз фаолияти бошқа ҳамкасблари учун намуна вазифасини ўтамоқда.

Умуман олганда, педагог-ходимларнинг ижтимоий ҳимояси асосий вазифамиз бўлиб қолаверади.

Норхўжа АБДУЛЛАЕВ,
Таълим ва фан ходимлари касаб уюшмаси
Қумқўрғон тумани кенгаши раиси


**Сирдарё
вилояти**
Етакчилар ҳақида ҳикоялар

ҲАВАС ҚИЛИШГА АРЗИГУЛИК ҲАМКАСБ

2010 йилда тумандаги 3-мактабда бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилиши ҳалигача ёдимда. Мактаб фаоллар залига чамаси 35 нафар киши жамланган. Йиғилишни мактаб директори олиб борди. Касаба уюшма ташкилотининг беш йиллик фаолияти тингланди ва унга қониқарли деб баҳо берилди. Ташкилий йиғилишда қўмита аъзоллигига сайланган Соҳиба Жабборова яқдиллик билан мактаб касаба уюшма қўмитаси раиси лавозимига сайланди.

Йиғилиш тугагандан кейин мен янги сайланган раис билан суҳбатлашдим. У: «Бу жуда масъулиятли вазифа, уддалай олармиканман?» деб бироз ҳадиксиради. Мен, сиз ҳаммасини уддалайсиз, сизга аъзолар катта ишонч билдиришди. Уларнинг ишончини оқлашда биз сизга доимо кўмакдошимиз, дея далда бердим.

Инсонда ўзига ишонч, ишига масъулият бўлсагина, албатта, катта ижобий натижаларга эришади. Соҳиба Жабборованинг ташкилотчилиги, меҳнатлари бугун ўз самараларини бермоқда. 3-умумтаълим мактаб касаба

уюшма қўмитаси нафақат тумандаги, балки вилоятдаги бошланғич касаба уюшмалари ўртасида энг нуфузли ва намунали ташкилотлардан бири сифатида кенг жамоатчиликка танилди.

Ҳар икки йилда бир мартаба касаба уюшмалари тизимида ўтказиб келинадиган «Энг намунали бошланғич ташкилот», «Ўз касбининг моҳир эгалари», «Йилнинг энг фаол ўқитувчиси» каби кўрик-танловларнинг туман, вилоят ва республика босқичларида ҳам фаол иштирок этиб, сиринли ўринларни қўлга киритди. Жумладан, 2019 йилда 3-умумтаълим мактаб бош-

ланғич касаба уюшма қўмитаси «Меҳнат муҳофазаси бўйича жамоат назоратини энг яхши ташкил этиш» республика кўрик-танловининг Сирдарё вилояти босқичида «Энг яхши касаба уюшма қўмитаси» номинацияси бўйича фахрли биринчи ўринни эгаллаб, I даражали диплом ва қимматбаҳо совға билан тақдирланган. Ушбу кўрик-танловнинг республика босқичида эса фахрли иккинчи ўрин қўлга киритилиб, тармоқ касаба уюшмалари Республика кенгашининг II даражали дипломи билан мукофотланган.

2019 йилда «Устозлар касаба уюшмалари эъзозида» республика кўрик-танловининг туман босқичида ҳам, вилоят босқичида ҳам ғолибликни қўлга киритган.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан «Ибрат намунаси даражасидаги таянч бошланғич касаба уюшма ташкилоти» дипломи билан тақдирланган Соҳиба Жабборова маънавий-маърифий ишларнинг моҳир тарғи-



ботчиси сифатида «Маърифат соатлари»да миллий урф-одатларимиз, анъана ва кадрларимизни тиклаш, мустақиллигимизни асраб-авайлаш, миллатимиз келажаги йўлида амалга оширилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ишларини туман аҳолиси ва касаба уюшма аъзолари ўртасида

тарғибот қилишда фаоллик кўрсатиб келмоқда.

2019 йилда унинг Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг «ЕНТИРОМ» кўрак нишони билан тақдирлангани бежиз эмас, албатта.

Раҳмат БИЛОЛОВ,

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Оқолтин тумани кенгаши раиси

**МЕТАЛЛУРГИЯ ВА МАШИНАСОЗЛИК
САНОАТИ ТАРМОҚЛАРИ ХОДИМЛАРИ
КАСАБА УЮШМАСИ САМАРҚАНД
ЖИЗЗАХ, НАВОИЙ ВИЛОЯТЛАРИ
ҲУДУДИЙ КЕНГАШИ**

*иқтисодиётимиз юксалишига улуш
қўшаётган соҳа ходимларини*

**11 НОЯБРЬ – ЎЗБЕКИСТОН
КАСАБА УЮШМАЛАРИ КУНИ**

билан қутлайди.

*Барчангизга сиҳат-саломатлик,
масъулиятли ва олийжаноб ишларингизда
улкан ютуқлар тилайди.
Қувончли кунларингиз кўп,
муваффақиятлар мудом ёр бўлсин!*



**ТРАНСПОРТ,
ЙЎЛ ВА КАПИТАЛ
ҚУРИЛИШ, ҚУРИЛИШ
ИНДУСТРИЯСИ
ХОДИМЛАРИ КАСАБА
УЮШМАСИ САМАРҚАНД
ВИЛОЯТИ КЕНГАШИ**

соҳа ходимларини

**11 НОЯБРЬ – ЎЗБЕКИСТОН
КАСАБА УЮШМАЛАРИ КУНИ**

билан самимий

муборакбод этади.

*Янги Ўзбекистонимизнинг равнақи
йўлидаги шарафли меҳнатларингиз
рўёбини кўриб юринг.*

*Хонадонларингиздан ҳеч қачон
тинчлик-хотиржамлик, файзу
барака, бахт ва омад аримасин!*





Фаргона
вилояти

Кооперация имкониятлари

«ОИЛАМИЗГА БАРАКА КИРДИ»

Ишсиз хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш, уларнинг даромад топишларига кўмаклашиш мақсадида вилоятда ташкил этилган кооперациялар натижасида мингдан ортиқ иш ўрни яратилди.

Вилоят бўйича «Бир маҳалла – бир маҳсулот» тамойилини йўлга қўйиш мақсадида 60 та кооперация тармоғини ташкил этиш режалаштирилган бўлиб, уларда 20 мингга яқин аҳолининг бандлигини таъминлаш кўзда тутилган.

Айни пайтда Риштон туманида кулолчилик фаолияти билан шуғулланиб келаётган «Расулов Суҳроб Мўминжонович» оилавий корхонаси 100 нафарга яқин хотин-қизнинг бандлигини таъминлади. Яхши томони, кооперация аъзоларининг барчасига иш стажи ёзиладиган бўлди. Яна бир қулай жиҳати, тадбиркорнинг ўзи кулолчилик маҳсулотларини кооперация аъзоларининг уйларига олиб бориб, тайёр маҳсулотни ўзи олиб кетади.

– Корхонамизда тайёрланган маҳсулотларнинг асосий қисми хорижга экспорт қилинади, – дейди корхона раҳбари Суҳробжон Расулов. – Йилнинг тўрт фаслида ҳам ишимиз тўхтамайди. Бажарилган ишга қараб, маош тўланади.

– Қишлоғимиз туманнинг энг чеккасида жойлаш-



гани сабаб тузукроқ иш топиш мушкул. Шу вақтгача бекорчи эдим, – дейди «Чек жалоер» МФЙда яшовчи Сурмахон Аҳмадқулова. – Кооперацияга аъзо бўлгач, оиламизга барака кирди. Ишимиз пиёла, чойнак, чинни ва товоқларга гул солишдан иборат. Қизим ва келиним ҳам шу иш билан банд.

– Кооперацияда иш бошлаган хотин-қизларга кулолчилик маҳсулотларига гул чизишни ўргатяпман, – дейди Озодахон Баракаева. – Мана ҳозир уларнинг аксарияти ушбу касб сир-асрорларини эгаллаб улгуришди.

Туманда яна бир кулолчилик маҳсулотлари тайёрландиган «Ҳайдаров Саҳобилло Жиянович» оилавий корхонаси кооперация усулида иш бошлагач, 85 нафар ишсиз хотин-қизнинг бандлиги таъминланди.

Жамшид ЭРГАШЕВ
«ISHONCH»



Наманган
вилояти

Касаба уюшма фидойилари

Транспорт тармоғи маликаси

Иш юзасидан ишхонаси эшигини тақиллатиб келган кишига ҳам худди дўсту кадронлардек муомала қилиб, қўлидан келганча кўмак берадиган Феруза Эрматовани Наманган вилоятидаги транспорт ва йўл қурилиш соҳаси ишчи-ходимлари бениҳоя эъзозлашади.

Феруза опа айни пайтда Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Наманган вилояти кенгаши раиси.

Касаба уюшмалари тизимида кўп йиллардан буён ишлаб келаётган опа тармоқдаги ишчиларнинг меҳнати машаққатларини жуда яхши билади. Қишнинг қаҳратонида катта йўллар қорини қураётганлар, ёзнинг жазирамасида қурилишда ишлаётганлар, хаёлию ҳаёти доим машина рулига боғлиқ бўлган транспорт соҳаси ишчи-ходимларига ҳам моддий, ҳам ҳуқуқий жиҳатдан кўмақдош бўлишни зиммасига олган Феруза опани тармоқдагилар қадрлашиб, эъзозлашиб «Транспортимиз маликаси», дея аташади.

– Айни пайтда тармоқ кенгашимизда 110 та бошланғич касаба уюшма ташкилотлари мавжуд бўлиб, 8869 нафар аъзо

бор, – дейди Феруза опа. – Уларни соғломлаштириш, фидойи ходимларимизга имтиёзли йўлланмалар бериш, нафақага чиққанларнинг ҳолидан хабардор бўлиш зиммамизда. Афсуски, йўлсоз ишчилар бахтсиз ҳодисалардан кўп ҳам ҳимояланмаган. Шундай машаққатли касб эгалари, яъни транспорт, қурилиш соҳасида ишловчилар борки, ҳар гал уларнинг захматли меҳнатини кўрганамизда «ҳалолнинг бўлсин, топганингга барака берсин», дейман. Инсон ҳаётининг кўп вақти йўлларда ўтади. Текис, равон ва хавфсиз йўлларгина манзилимизга эсон-омон элтади. Ана шундай йўлларда куну тун хизмат қилаётган йўлсозларнинг кўпчилиги бизнинг тармоқ ходимларидир. Шунинг учун ҳам улар билан фахрланаман, қўлимдан келганча ёрдам беришга интиламан.

Ҳар тонг ишга отланар экан, Яратгандан фарзандлари ва яқинлари қаторида барча йўлсоз ишчиларини ҳам йўлдаги хавф-хатарлардан ҳоли қилишини сўраб дуога қўл очувчи, тизимдаги ёшларга билмаганларини ўргатиб, тўғри йўл-йўриқ кўрсатувчи, ҳам-касбларига қўлидан келганча яхшилик соғинувчи Феруза Эрматова сингари қалби уйғоқ, фидойи инсонларнинг касаба уюшмаларида ишлашининг ўзи фахримиздир.

Орзуғул РУСТАМОВА
«ISHONCH»



КИМЁ ВА ФАРМАЦЕВТИКА САНОАТИ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИ ЖАМОАСИ



Барча юртдошларимиз ва
соҳа фидойиларини
11 ноябрь –
Ўзбекистон касабалари уюшмалари куни
билан қизғин қутлайди.

Сиз, азизларга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, оилангизга тинчлик ва хотиржамлик
ёр бўлсин. Кундан-кунга юксалиб, тараққий этиб бораётган
жаннатмакон юртимизга кўз тегмасин.

Ватанимиз истиқлоли абадий, элимиз мудом фаровон, Янги Ўзбекистоннинг
тараққиёти бардавом ва дунё саҳнидаги нуфузи янада сарбаланд бўлсин!

ТРАНСПОРТ, ЙЎЛ ВА КАПИТАЛ ҚУРИЛИШ, ҚУРИЛИШ ИНДУСТРИЯСИ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИ ЖАМОАСИ

Барча юртдошларимизни, хусусан,
касабалари уюшмалари тизимида меҳнат қилаётган
фаоллар ва касабалари уюшма аъзоларини

11 ноябрь –
Ўзбекистон касабалари
уюшмалари куни билан
муборакбод этади!

Эл хизматидан,
ишчи-ходимларнинг
ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя
қилиш ва уларни
моддий ва маънавий қўллаб-
қувватлашдан ҳеч
қачон толманг!





Навоий вилояти

Мен шифокорман. Айни чоғда, шаҳар Тиббиёт бирлашмаси касаба уюшма кўмитаси раиси вазифасини бажараман. Шунга кўра, вилоятнинг барча қишлоқ-маҳаллаларида бўлиб, турли тадбирларда қатнашаман. Кўрган-билганларимдан келиб чиқиб, баралла айта оламанки, бугун халқимизнинг ҳуқуқий онги аввалгига нисбатан анча ўсган.

Илгари касаба уюшмаси қанақа ташкилот эканлигини билмаган замондошларимиз эндиликда унинг фаолияти ва вазифалари ҳақида етарли тушунчага эга. Бу мени хурсанд қилади. Баъзида давраларда сўз олиб, касаба уюшмаси одамларга яхшилик ва меҳр улашадиган, зарур пайтда амалий ёрдам кўрсатадиган ташкилотдир, дея ўз фикр-мулоҳазаларимни билдираман.

Бундай дейишимга асос бор. Масалан, бу йил биз коронавирус пандемияси шароитида ишлаш асноси ўзи ҳам шу балони юқтириб олиб ёки бошқа сабаблар туфайли вафот этган ўндан зиёд ҳамкасбимизнинг уйларига бориб, оила аъзолари билан суҳбатлашдик, имкон қадар моддий ёрдамлар кўрсатдик. Уларнинг шодликларини кўриб, юракларимиз энтишиб кетди. Марҳумлар ҳақида дуо қилиш, яқинларини йўқлаш ғоят савобли амал эканлигини яна бир бор чин дилдан ҳис этдик. Айни чоғда, Ўз-

ЯХШИЛИК ҲЕЧ ҚАЧОН УНУТИЛМАЙДИ!



бекистон касаба уюшмалари Федерациясининг кичик бир кўмитасида ишлаётганимиздан ва халқимизни баҳоли қудрат қўллаб-қувватлашга ҳисса қўшаётганимиздан хурсанд бўлдик.

Дарвоқе, жорий йилнинг ўтган ойлари давомида кўмитамиз томонидан 173 та оилага моддий ёрдам кўрсатилди. 35 нафар кекса касбдошларимиз ҳол-аҳволидан хабар олиниб, айёмлар пайти улар учун дастурхонлар ёзилди. Соҳанинг 500 нафарга яқин ходимига байрам совғалари улашилди.

Гоҳ-гоҳида ўйлаб қоламан, Федерация, унинг вилоят кенгашлари, жойлардаги кўмиталари аслида турли вазирлик-идоралар ва ҳокимиятлар амалга ошириши лозим бўлган вазифаларни ҳам бажаришга кири-

шиб кетади. Лекин тизимда ишлаётган ҳеч бир ходим бу бизнинг ишимиз эмас, деб эътироз билдирмайди. Сабаби аён: касаба уюшмалари шифокорларни, ўқитувчиларни, курувчи-ю тадбиркорларни, ҳуқуқ-тартибот органлари ходимларини, кекса-ю ёшларни, беморларни, ногиронларни, етимларни, ишсизларни ёки ишлаш учун хорижга кетганларни – барча-барчасини ҳар томонлама бирдек қўллаб-қувватлайдиган ягона ва меҳридарё ташкилотдир. У қўл ураётган савобли амалларнинг қамрови эса жуда кенг бўлиб, халқимизга яхши маълумдир!

Ойбуви САМАНОВА,
Навоий шаҳар Тиббиёт бирлашмаси касаба уюшма кўмитаси раиси



Қашқадарё вилояти



ХАЛҚАРО АНЖУМАН ТААССУРОТЛАРИ

Ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, иш берувчи ва касабакўм ўртасидаги ижтимоий шерикликини ривожлантириш, меҳнат бозорида ишсизлар муаммосини ҳал этишга кўмаклашиш, хавфсиз иш шароитлари яратилишини назорат қилиш, ишчи-хизматчиларни ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш, дам олишларини ташкиллаштириш, ойлик маошларини вақтида олишларига эришиш, спорт ва маънавий-маърифий тадбирларни уюштириш касаба уюшмамиз фаолиятининг асосий йўналишларидир.

Мен узоқ йиллар шу тизимда ишлаб, «Халққа хизмат – олий ҳиммат» деган гапнинг туб маъносини

теран англаб етдим. Энг муҳими, халқ дардига дармон бўлиш ва муаммоларини ҳал этишда унга кўмаклашиш менга олам-олам қувонч бахш этади.

Яқинда Қозоғистон энергетика тармоғи касаба уюшмаси жамоат бирлашмаси ҳамда Ўзбекистон энергетика, нефть-газ ва геология ходимлари касаба уюшмасининг республика Кенгаши ҳамкорлигида Чимкент шаҳрида ташкил этилган халқаро семинарда қатнашдим. «Аёлларнинг касаба уюшмасидаги ташаббускорлик роли» деб номланган бу тадбирда мен ҳам сўзга чиқиб, уюшмамиз томонидан корхонамизда ишлаётган хотин-қизларга қаратилаётган эътибор, жумладан, жамоа шартномаси орқали

улар учун жорий этилган имтиёзлар ва имкониятлар ҳақида гапириб бердим. Нутқимни тинглаб, қозоғистонлик ҳамкасбларимиз ҳайратга тушдилар ва бизга ҳаваслари келганини яширмадилар. Ўз навбатида, биз ҳам уларнинг фикр-мулоҳазаларини тингладик. Маълум бўлишича, Қозоғистондаги ҳеч бир ташкилот ёки муассасада хотин-қизлар кенгаши мавжуд эмас экан. Шу боис бизнинг юртимизда аёлларга ҳуқуқат томонидан кўрсатилаётган ҳурмат-эҳтиром ва ғамхўрликлар уларда катта қизиқиш уйғотган экан.

Албатта, фаолиятимизда ўзаро ўхшаш жиҳатлар ҳам бор. Масалан, Қозоғистонда ҳам репродуктив ёшдаги аёллар туғуруқ таътилига чиққанларида таътил берилади ва бунинг учун давлат томонидан маблағ тўланади, фарзанди 2 ёшга тўлгунча қадар оналарга нафақа пуллари белгиланади.

Халқаро семинарнинг иккинчи кунини биз Аҳмад Яссавий мақбарасини зиёрат қилдик. Янги барпо этилган Туркистон шаҳрини томоша қилиб, катта таассуротлар олдик. Сирасини айтганда, семинар баҳонасида мен қардошларимиз диёрида кўп-кўп дўст ва дугоналар орттирдим. Серқуёш юртимизга қалбимда янги-янги орзу-умидлар ва режалар, кўтаринки кайфият ҳамда нурли туйғулар ила қувватланиб қайтдим. Нуфузли анжуманда олган билимларим ва орттирган тажрибаларимдан эса келгуси меҳнат фаолиятимда оқилона фойдаланишга ҳаракат қиламан.

Гулжаҳон СУВОНҚУЛОВА,
«Шўртан газ-кимё мажмуаси» МЧЖ касаба уюшмаси бошланғич ташкилоти йўриқчиси



Сурхондарё вилояти

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

ХАЙРЛИ ТАДБИРЛАР КЎПАЙМОҚДА

Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Термиз шаҳар кенгаши томонидан жойларда ишчи-ходимлар, кўп болали, кам даромадли оилалар, қаровчиси йўқ қариялар ва ногиронлар ижтимоий қўллаб-қувватлаб келинмоқда. Масалан, жорий йилнинг ўтган даврида Термиз шаҳрида истиқомат қилаётган нафақадаги меҳнат фахрийларига ва кам таъминланган оилаларга ҳар ойда имконият даражасида моддий ва ижтимоий ёрдам, яъни пул ва озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди.

Соҳада меҳнат қилиб келаётган пенсионерлар, касаба уюшма аъзоларининг нафақадаги ота-оналари ҳам имтиёзли равишда сиҳатгоҳларда соғломлаштирилди. 11 нафар пенсия ёшидаги ҳамда пенсияга чиқаётган 70 нафар ходимга моддий ёрдам ва қимматбаҳо совғалар берилди. Юбилей саналарини нишонлаган 18 нафар ишчи-ходим эсдалик совғалари билан қутланди. Ишламайдиган пенсионерлардан 33 нафарга моддий ёрдам кўрсатилди.

Қабул қилинган жамоа шартномалари орқали хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларни ижтимоий муҳофаза қилиш мақсадида бола парвариши учун меҳнат таътилида бўлган 7 нафар аёлга салкам 21 миллион сўм моддий ёрдам берилди. Турли корхона ва ташкилотларимизда меҳнат қилаётган ёш болали 4 нафар аёлга ойлик маошлари сақланган ҳолда иш вақти ҳафтасига 35 соатдан ошмаслигига эришдик. 41 та кам таъминланган ёш оилаларга моддий ёрдам кўрсатилди.

Ишчи-ходимларнинг оғирини енгил қилиш – савобли иш. Амалдаги ҳудудий келишувлар ва иш берувчилар билан бошланғич ташкилотларимиз ўртасида имзоланган жамоа шартномалари орқали тизимдаги ходимларга 40 турдан ортиқ ижтимоий ёрдамлар кўрсатилдики, бундай хайрли тадбирларнинг сифати ва салмоғи келгусида янада кўпаяди.

Шаҳобиддин БОЗОРОВ,
Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Термиз шаҳар кенгаши раиси


Хоразм вилояти
Мамнуният

ЙЎЛСОЗЛАР МИННАТДОР

Отабек оға йўлсоз. Ўз касбини яхши кўради. 1987 йил Тошкент автомобиль йўллари институтини тамомлаган. Меҳнат фаолиятини Урганч тумани йўл таъмирлаш қурилиш бўлимида йўл усталигидан бошлаган.

35 йиллик фаолияти давомида Отабек ака йўл қурилиш соҳасига муносиб ҳисса қўшди. Шу давр мобайнида Хоразм вилояти автомобиль йўллари бошқармасида ишлаб чиқариш бўлими муҳандиси, «Ўз йўл қурилиш лойиҳа» республика илмий изланиш институти бош мутахассиси, Хоразм йўллардан фойдаланиш бошқармасида муҳандис, Хоразм йўл қурилиш бошқармасида ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи, «Хоразмавтойўл» бирлашмаси режалаштириш бўлими бошлиғи, бирлашма раиси

ўринбосари каби қатор лавозимларда фаолият кўрсатди.

2017 йилдан буён эса Хоразм вилояти автомобиль йўллари ҳудудий бош бошқармаси касаба уюшма қўмитаси раиси сифатида меҳнат қилмоқда.

Айни пайтда ушбу ташкилотда 1700 нафардан зиёд ходим фаолият кўрсатади. Уларнинг меҳнат, маънавий ва моддий ҳуқуқлари ҳамиша касаба уюшма етакчисининг эътибор марказида. Айниқса, касаба уюшмаси ходимларни сиҳатгоҳларда, фарзандларини

ёзги оромгоҳларда соғломлаштиришга алоҳида ёндашади. Хусусан, ҳар мавсумда 100 нафардан ортиқ ишчи-ходим ва уларнинг фарзандлари дам олади. Шунингдек, 300 нафардан ортиқ ишчи-ходим ва уларнинг оила аъзолари учун мамлакатимиздаги диққатга сазовор жойларга саёҳатлар уюштирилмоқда. 2022 йилнинг ўтган даврида 50 нафар ходимга театрда чипталар олиб берилди. Касб байрами муносабати билан 85 нафар ишчи-ходимга совға-саломлар улашилди.

– Асосий ютуғимиз – жамоанинг тинч-хотиржамлиги, касаба уюшмалари фаолиятдан розилигидир, – дейди Отабек Машарипов.

Муҳаббат ТЎРАБОЕВА
«ISHONCH»



Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Самарқанд вилояти кенгаши

Барга юртдошларимизни, шу жумладан, эл саломатлиги йўлида меҳнат қилаётган тиббиёт ходимларини

11 НОЯБРЬ –
ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА
УЮШМАЛАРИ КУНИ БИЛАН
МУБОРАКБОД ЭТАДИ!

Машаққатли меҳнатларингизда муваффақиятлар мудом ёр бўлсин!
Юртимиз тинч, халқимиз доим саломат бўлсин!



Тошкент вилояти
Касаба уюшмаси аралашгач...

НОҚОНУНИЙ ИШГА ҚОНУНИЙ БАҲО

Тошкент вилояти СЭО ва ЖСБда лаборатория мудирини лавозимида ишлаган Наргиза Мирзағаниева ишдан бўшатилади. У бундан норози бўлиб, амалий ёрдам беришни сўраб, Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмасининг Тошкент вилояти кенгашига мурожаат қилди.

Мурожаатни ўрганиш натижасида келтирилган важлар асосли экани аниқланди. Шундан сўнг иш берувчининг жорий йил 9 сентябрдаги буйруғини ноқонуний деб топишни, Наргиза Мирзағаниевани аввалги лавозимига қайта ишга тиклаб, мажбурий бекор юрган кунлари учун иш ҳақи ундириш бўйича Фуқаролик ишлари бўйича Мирзо Улуғбек туманлараро судига даъво ариза киритилди.

Суд ишни кўриб чиқиб, иш берувчининг буйруғини ғайриқонуний деб топди. Наргиза Мирзағаниевани ишга тиклаш ва унга мажбурий бекор юрган кунлари учун 9 828 320 сўм иш ҳақи тўлаш бўйича ҳал қилув қарори қабул қилди.

Муҳаммаджон РЎЗМЕТОВ,
Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Тошкент вилояти бўйича меҳнат ҳуқуқ инспектори



Юрт тараққийети йўлида бирлашайлик!

Жиззах вилояти

ТАЛАБА ҲАМ ҲАМ ҲАМ ИШЛАСА...

Бундан саккиз ойча муқаддам – 4 март куни давлатимиз раҳбари раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида ишлашга эҳтиёжи бор талабалар бандлигини таъминлаш масаласи муҳокама қилинди ва мутасаддиларга зарур кўрсатмалар берилди. Шунга кўра, бизнинг университетимизда ҳам меҳнат ярмаркалари ташкил этилиб, талабалар билан суҳбат ва сўровномалар ўтказилди. Уларда 12096 нафар йигит-қиз қатнашди ва 7907 нафари ишлаб, пул топиш ниятида эканлиги аниқланди. Ҳозир 5745 нафари ўқишдан бўш вақтида ишламоқда. Биз йил охиригача яна 595 нафарининг бандлигини таъминламоқчимиз.

Ёшларимизнинг ғайрат-шижоати ва интилишларига эса гап йўқ. Улар нафақат ўқишда, балки бошқа жабҳаларда ҳам нималарга қодир эканликларини намойиш этишмоқда. Масалан, Нигина Ўктамова ўтган йили Дубайда бокс бўйича бўлиб ўтган Осиё чемпионатида олтин медални, Польшада ёшлар ўртасида ўтказилган беллашувда жаҳон чемпионлигини қўлга киритди. Азиза Ёқубова Туркияда спортнинг ушбу тури бўйича аёллар беллашувида бронза медалига лойиқ кўрилди. Қатор танловлар совриндори Елена Наврўзова эса ўзини моҳир таржимон сифатида ҳам кўрсата билди.

ЯНГИ ИМКОНИАТЛАР ВА ҚУЛАЙ ШАРОИТЛАР

Вақт илгариларга сайин университетимиз моддий-техник базаси мустаҳкамланиб бормоқда. Жумладан, ўтган ўқув йилида биология ва кимё, технологик таълим йўналишларининг ўқув лабораториялари Осиё тараққийёт банкнинг 45 минг долларлик маблағлари ҳисобига



Жорий йил 21 июнда Президентимиз «Педагогик таълим сифатини ошириш ва педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасалари фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди. Унга кўра, тизимда бир қатор ўзгаришлар ва ислохотлар амалга оширила бошланди. Хусусан, Жиззах давлат педагогика институти университет мақомини олди. Бу 50 йиллигини нишонлаш арафасида турган олий таълим муассасаси учун ажойиб тухфа бўлди. Аини чоғда жамоамиз зиммасидаги масъулиятни янада оширди.



ИНСОНЛАР ДАРДИ ИЛА ЯШАШ – ДАВР ТАЛАБИ!

келтирилган замонавий жиҳозлар билан таъминланди. Бундан ташқари, Президентимизнинг тегишли фармони мувофиқ, бизда «Даволаш иши» ва «Педиатрия иши» йўналишлари очилди. Ҳар бирига 25 та квота белгиланиб, ўтган ўқув йилида 66 нафар, жорий ўқув йилида 79 нафар йигит-қиз тиббиёт факультетига ўқишга кирди.

Бугунги кунда университетимизда жами 20 мингга яқин талаба таҳсил олмақда. Аммо ўқув биноларининг умумий қуввати 8128 ўринни ташкил этади. Бинобарин, янги ўқув бинолари ва талабалар ётоқхоналарига эҳтиёж юқори. Шу боис кўшимча равишда 2500 ўринли ўқув биноси қуришимиз учун Жиззах шаҳри ҳудудидан 3 гектар ер ажратилди. Лойиҳа бўйича салкам икки йилда қад ростлайдиган ўқув биноси иккита блокдан иборат бўлади. Етти қаватлисида 84 та ўқув хонаси, 16 та компьютер хонаси, 1 та 100 ўринли конференцзал, 16 та ўқитувчилар хонаси, 14 та санузел, 14 та буфет бўлади. Икки қаватлисида эса 6 та 120 ўринли маърузалар зали жой олади. Худудда ландшафт дизайни асосида 4 та очиқ айвон, 2 та фаввора, 2 та автотураргоҳ қурилиши, ярим гектарлик боғ яратилиши ҳам кўзда тутилган.

АСТОЙДИЛ ИЗЛАНГАН ҲАР ҚАНДАЙ МУАММОГА ЕЧИМ ТОПАДИ

Айни кезларда университетимизда кундузги таълим шаклида таҳсил олаётган 10506 нафар талабанинг 616 нафари ётоқхона билан таъминланган. 4293 нафари эса уйдан қатнаб ўқийди, 690 нафари қариндошлариникида туради. Қолган 4907 нафари эса ижарага олинган квартираларда яшайди.

Биз муаммога ечим топишда талабаларнинг энг яқин ҳамқори бўлмиш компьютерлар мададига таяндик. Иш самарадорлигини ошириш мақсадида барчасини планшет билан таъминладик. Натижада, улар томонидан сентябрь-октябрь ойида 8269 нафар талабанинг яшаш манзиллари ўрганилиб, геолокациялари шакллантирилди. Пировардида, улардан 6569 нафари истиқомат қилаётган хонадонлар яшил, 1700 нафариники сариқ ҳудудларда жойлашгани аниқланди. Сўнгра қизил даражадаги тураржойларни ижарага олган талабалар сариқ ва яшил даражадаги хонадонларга кўчирилди.

Қолаверса, 2021-2022 ўқув йилида 1080 нафар талабанинг ижара ҳақи тўлаб берилган бўлса, жорий йил сентябрида 440 нафарига, октябрда 400 нафарига ижара пулининг 50 фоизи қоплаб берилди. Шунингдек, вилоятимиз ва республикамизнинг чекка ҳудудларидан келган, биринчи босқичга ўқишга қабул қилинган 700 нафар талабага ҳеч қандай асословчи ҳужжатларсиз ижара ҳақининг ярми тўланди. Айни кунларда биринчи босқичда таҳсил олаётган яна 500 нафар

талабага шундай ёрдам кўрсатилиши режалаштирилмоқда.

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК РИВОЖЛАНМОҚДА

Биз ўттизга яқин хорижий олий таълим муассасалари билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатганмиз. Бу ўз самарасини бермоқда. Профессор-ўқитувчиларимиз уларга бориб, тажриба алмашмоқдалар. Жумладан, ўтган ўқув йилида хорижий тиллар факультетининг профессор-ўқитувчиларидан 8 нафари Буюк Британиянинг Портсмуд университетига, бу йил 7 нафари Россиянинг Санкт-Петербург ва Москва давлат университетларида стажировка бўлишди. Туркиянинг Сулаймон Демирел университетига малака ошириш, стажировка ўташ бўйича ҳам шартномалар имзоланди. Жанубий Кореянинг Донг Кук университети билан бирга ўзбек тили йўналишида Жумонг ва Алломиш каби тарихий шахсларни ўрганишга бағишланган семинарлар ўтказилди.

РАҒБАТДА ҲИҚМАТ КЎПИ

Бу даргоҳдаги касба уюшма қўмитаси ҳар доим университет раҳбарияти билан ҳамкорликда иш юритмоқда. Ўз навбатида, биз ҳам уни ходимларнинг вакиллик органи сифатида тан олиб, эмин-эркин фаолият кўрсатиши учун барча шарт-шароитларни яратиб беришга ҳаракат қилипмиз. Бу эса ижтимоий-меҳнат муносабатларини тартибга солишда, муносиб иш шароитлари яратиб, унумдорлигини ошириш ҳамда жамоа шартномасига биноан ходимларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоялашда жуда қўл келмоқда.

Жамоамиз профессор-ўқитувчилари ва ишчи-ходимларининг соғлигини мустаҳкамлаш, уларни спорт-соғломлаштириш тадбирларига кенг жалб этиш борасида амалга оширилаётган ишлар зое кетмаётир. Бизнинг вакилларимиз турли даражадаги спорт мусобақалари ва ҳаваскорлар ўртасида ўтказилган «Касаба-тур» веломарафонида ҳам фаол иштирок этаётирлар.

Университетимизда муҳим саналар ва қутлуғ айёмлар муносабати билан жамоа аҳлини моддий рағбатлантириш анъанавий тус олган. Бу жараёнда ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган ходимлар ва талабалар ҳам эътибордан четда қолмаётир. Кўп йиллардан буён самарали фаолият юритаётган кекса ёшли профессор-ўқитувчилар ва ходимлар, фидойиларча ишлаб, илмий-педагогик ютуқларга эришаётган ўқитувчи-ходимлар ҳамда иқтидорли талабалар ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Улар вақти-вақти билан ўз вилоятимиздаги, Самарқанд шаҳри ва Навоий вилоятининг Нурота туманидаги зиёратгоҳларга ҳамда бошқа сайёҳлик масканларига саёҳатга олиб борилмоқда.

Касаба уюшма қўмитаси томонидан ходимларнинг ҳуқуқий билимларини



ошириш, меҳнат хавфсизлигини таъминлаш бўйича тарғибот ишлари узлуксиз давом эттирилмоқда. Мамлакатимиз таълим тизимида олиб борилаётган кенг қўлланма ислохотлар касба уюшма қўмитаси масъуллари зиммасига ҳам катта масъулият юкламоқда, уларни замон талабларидан келиб чиққан ҳолда фаолият юритиб, инсонлар дарди билан яшашга ундамоқда.

Шавкат ШАРИПОВ,

Жиззах давлат педагогика университети ректори, педагогика фанлари доктори, профессор

КАСАБА УЮШМА СПОРТЧИЛАРИ: ЗАФАРЛАР ҲАР ЙИЛГИДАН-ДА ЗАЛВОРЛИ



Мамлакатни дунёга спортчилик тез танитадиган соҳа бўлмаса керак... Ривожланган давлатларнинг спортга катта эътибор қаратиши ва сармоя киритиши шундандир...

Охирги йилларда юртимизда ҳам спортга бўлган муносабат тубдан ўзгарди ва бу ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Бу борада Ўзбекистон касоба уюшмалари Федерациясининг Жисмоний тарбия ва спорт соғломлаштириш ишлари бошқармаси ҳам анча фаол. Ўтган давр мобайнида тизимда эришилган натижалар сўзимиз исботи, албатта.

Федерация тасарруфидаги ихтисослаштирилган комплекс болалар ва ўсмирлар спорт мактабида оғир ва енгил атлетика, юнон-рум кураши, қиличбозлик, бокс, параканоз ва академик эшак эшиш, байдарка ва каноэда ҳамда слаломда эшак эшиш бўйича машғулотлар олиб борилмоқда. 24 нафар мураббий қўл остида 420 нафар ёш спортчи тарбияланиб, юксак марраларни забт этмоқдалар.

Хусусан, шу йилнинг ўзида оғир атлетикачилар Грециянинг Ираклон шаҳрида, Туркиянинг Конья шаҳрида, бокс бўйича Иордания ва Россиянинг Владивосток шаҳарларидаги мусобақаларда қатнашиб, олтин, кумуш ва бронза медалларини қўлга киритди.

Слаломда, байдарка ва каноэда эшак эшувчилар ва параканозчилар Таиландда, Юнон-рум кураши усталари Болгарияда, қиличбозларимиз республикамизда ўтган халқаро

турнир ва чемпионатларда юқори натижаларни қўлга киритдилар.

Касоба уюшмаларининг асосий базаси бўлган «Яккасарой спорт мажмуаси»дан эса бир муддат ҳам ёшларнинг оёғи узилмайди.

Жумладан, 2022 йилнинг февраль ойида мажмуанинг оғир атлетика залида ўсмирлар ва ёшлар ўртасида Тошкент шаҳар биринчилиги ўтказилиб, унда 102 нафар спортчи қатнашган бўлса, Ўзбекистон касоба уюшмалари Федерацияси ташкил этган бадминтон, стол тенниси, шахмат-шашка, дартс мусобақаларида меҳнаткаш опа-сингилларимиз дўстона беллашиб, нафақат ишда, балки спортда ҳам чаққон ва уддабурон эканликларини намойиш этишди.

Бундан ташқари, мазкур мусобақалар мактаб, коллеж ва олийгоҳ ўқитувчи ва мураббий аёллари ўртасида ҳам ташкил этилиб, жами 520 нафардан ортиқ қатнашчи қамраб олинди.

Апрель ойида Тошкент шаҳар касоба уюшма ташкилотлари бирлашма кенгаши билан ҳамкорликда «Саломатлик» спартакиадаси, 15 май – Халқаро оила кунига бағишлаб Яккасарой тумани ва маҳалла ёшлари, меҳнаткашлари ўртасида спортнинг гимнастика, беш минг метрга юриш, стол тенниси, бадминтон, шахмат-шашка ва 60 метрга югуриш мусобақалари ўтказилди.

Зебо НАМОЗОВА
«ISONCH»

МУАССИС:



ISSN 2010-5002
2007 йил 11 январда
Ўзбекистон
Мабут ва ахборот
агентлигида
116-рақам билан
рўйхатга олинган.

«Ishonch» ва
«Ishonch-Доверие»
газеталари таҳрир ҳайъати:

Қудратилла РАФИҚОВ
(таҳрир ҳайъати раиси),

Улуғбек ЖАЛМЕНОВ,
Анвар АБДУМУХТОРОВ,
Сайфулло АҲМЕДОВ,
Акмал САИДОВ,
Равшан БЕДИЛОВ,
Қутлимурот СОБИРОВ,
Сўҳроб РАФИҚОВ,
Шоқосим ШОИСЛОМОВ,
Ҳамидулла ПИРИМҚУЛОВ,
Нодира ҒОЙИБНАЗАРОВА,
Анвар ҚУЛМУРОДОВ

(Бош муҳаррирнинг
биринчи ўринбосари),

Меҳридин ШУКУРОВ
(Масъул қотиб – «Ishonch»),

Валентина МАРЦЕНЯК

Бош муҳаррир
Ҳусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:

Касоба уюшмалари ҳаёти –
(71) 256-64-69
Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт –
(71) 256-52-89
Миллий-маънавий
кадриятлар ва спорт –
(71) 256-82-79
Хатлар ва муҳбирлар
билан ишлаш –
(71) 256-85-43
Маркетинг ва обуна –
(71) 256-87-73

www.ishonch.uz

сайти орқали Ўзбекистон
Республикаси Президентининг
фармон ва қарорлари, энг сўнгги
янгиликлар, таҳлилий,
танқидий мақолалар,
хабарларнинг тўлиқ матни
билан танишишингиз мумкин.

Ҳудудлардаги
муҳбирлар:

Андижон вилояти – (+998-99) 889-90-23
Бухоро вилояти – (+998-91) 406-43-24
Жиззах вилояти – (+998-99) 889-90-34
Наманган вилояти – (+998-99) 889-98-02
Навоий вилояти – (+998-99) 889-90-28
Самарқанд вилояти – (+998-99) 889-90-26
Сирдарё вилояти – (+998-99) 889-98-55
Сурхондарё вилояти – (+998-99) 889-90-32
Фарғона вилояти – (+998-99) 889-90-24
Хоразм вилояти – (+998-99) 889-98-01
Қашқадарё вилояти – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган
маълумотларда манба сифатида
газета номи кўрсатилиши шарт.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи
назаридан фарқланishi мумкин.

Навбатчи муҳаррирлар:

А. Ҳайдаров,
Ж.Наҳанов,
А.Абдурахмонов,
С.Абдурахмонов
Мусаҳҳиллар:
Д. Худойберганаева,
Д.Равшанова
Саҳифаловчи:
Ҳ. Абдужалилов

Газета офсет усулида,
А-3 форматда босилди.
Ҳажми 16 босма табақ,
Буюртма №-1111
1000 нускада босилди.
Нашр кўрсаткичи: 133

Босишга топширилди
2022 йил 9 ноябрь

Газетанинг ўшбу
маҳсуус сони бепул тарқатилади.

Манзилимиз:

100165, Тошкент шаҳри,
Бухоро кўчаси, 24-уй.
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба
ва шанба кунлари чиқади.
Газета «Ishonch»нинг компьютер
марказида терилди
ва саҳифаланди.

«Маънавият»
нашриётида чоп этилди.

Корхона манзили:
Тараққиёт кўчаси,
Тараққиёт 2-берк кўча, 2-уй.

Таҳририят ҳисобрақами:

2021 0000 0004 3052 7001,
АТИБ «protoka bank»
Яшнобод филиали,
банк коди: 00959,
СТИР: 201133889,
ОКЭД: 58130